



**НОРҚУЛ  
БЕКМИРЗАЕВ**

**ЮРИСТ  
НУТҚИ  
МАДАНИЯТИ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ

**НОРҚУЛ БЕКМИРЗАЕВ**

# **ЮРИСТ НУТҚИ МАДАНИЯТИ**

Ўқув қўлланма

Тошкент  
“MUMTOZ SO‘Z”  
2011

УДК: 34:81'271.2(075)

ББК 67.7я7

Мазкур қўлланма юридик олий таълим муассасалари ва университетлари ҳуқуқшунослик факультети талабалари ҳамда амалиётда фаолият кўрсатаётган юристларга мўлжалланган.

Настоящи учебное пособие предназначено студентам юридических факультетов высших учебных заведений и специалистам сферы юриспруденции.

The manual is recommended to the students of juridical faculty and the lawyers in their practical activity. It is the important source in studying history and theory of communication culture.

67.7

Б49

**Бекмирзаев, Норкул.**

Юрист нутқи маданияти: қўлланма / Н.Бекмирзаев; ЎзР олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги М. Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий ун-ти. – Т.: MUMTOZ SO'Z, 2011. – 156 б.

ББК 67.7я7

**Масъул муҳаррир:**


З.Ҳамидов, филология фанлар номзоди, доцент.

**Такризчилар:**

С.Ҳасанов, филология фанлари доктори, профессор.

У.Жўракулов, филология фанлар номзоди, доцент.

ISBN 978-9943-398-31-3



© Бекмирзаев Н., 2011

© "MUMTOZ SO'Z", 2011

## КИРИШ

Ҳар бир касб ва соҳа вакилларининг ўзига хос нутқи, нотиклиги бор. Масалан, оддий курувчи билан ўқитувчи нутқини тенглаштириб бўлмайди. Шунингдек, юрист нутқи ҳам ўта мураккаблиги билан бошқа касб эгалари нутқидан фарқ қилади. Чунки ҳуқуқшунос қонунларни тарғиб ва ташвиқ қилиш ҳамда қонунлар билан иш кўриб уни ҳимоя қилади. Шу боис юрист нутқида публицистика расмий, бадиий, илмий нутқ услублари қўшиб ишлатилади. Бу эса ҳуқуқшуносдан ўта зийраклик ва фикр теранлигини ҳамда ҳозиржавобликни талаб этади. Айниқса, юристда одоб, муомала маданияти, нотиклик санъати, ахлоқан поклик, инсоф ва диёнат, адолат ва виждон, имон ва ҳалоллик фазилатлари ҳамиша устун бўлмоғи лозим. Бу инсоний хислатларни шакллантириш эса осонликча бўлмайди. Мустақиллик даврида бунга шароит етилди. Асрлар оша халқимиз қилган орзулари ушаладиган замон келди. Юртбошимиз сайъҳаракатлари билан амалга оширилган мустақиллик озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт берди. Таълим-тарбия ишида одамларимиз онгига миллий истиқлол ғоясини сингдиришда сўз эркинлигини берди.

Бугун асрлар оша шаклланган умуминсоний фазилатлар ва аждодларимиз қолдирган миллий кадриятларни ўқиб-ўрганиш, қайта ўзлаштириш ҳамда улардан келиб чиқадиган ақидаларни ҳаётга тадбиқ этиш билан амалга ошириш жараёни кечмоқда. Президентимиз И.А.Каримов бу борада қилинадиган ишларимизни: "Эндиги вазифамиз шундан иборатки, миллий истиқлол ғояси тушунчалари асосида кенг жамоатчилик, зиёлиларимиз, илм-фан ва маданият намояндалари, аввало, маънавий-маърифий соҳа ходимлари миллий мафқурани такомиллаштириш ҳамда унинг асосий тамойилларини одамлар онгига ва қалбига сингдиришга қаратилган ишларни янги босқичга кўтаришлари зарур<sup>1</sup>", – деб аниқ-равшан кўрсатиб бердилар.

Мамлакатимизда маънавий ва маърифий ишлар жабҳасида олиб борилаётган жуда кенг камровли ислохотларда нотиклик ва нутқ маданияти муаммолари, хусусан, ўзбек тилига, давлат тилига эътибор масалаларига жиддий қаралаётганлиги бежиз эмас. Рес-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент, Ўзбекистон, 2000. 8-бет.

иубликамизнинг “Давлат тили ҳақида”ги, “Таълим тўғрисида”ги Қонунлари, “Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур” ва бошқа кўплаб ҳужжатларда бу соҳада қилиниши лозим бўлган ишларнинг асосий жиҳатлари кўрсатилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шахсан ўзлари 1997 йилнинг июнида Тошкентда бўлиб ўтган “Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур”ни тузиш комиссиясининг йиғилишида ҳар бир фуқаро учун “Ўз давлат тилини билиш, уни ўрганиш юксак маънавият, Ватани ва халқига садоқат белгиси” эканлигини асосли равишда таъкидлаганлар.

Жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси, ҳар қандай мутахассис, энг аввало, ўзбек тилини мукаммал билмоғи керак. Бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистон фуқароси саналган ҳар биримиз фикримизни она тилида аниқ, раво ифода этиш учун нутқий маданиятни, нотиклик санъатини эгаллаш йўлидан бормоғимиз даркор.

Давлатимиз Президенти Ислом Каримовнинг “Ўз фикрини мутлақо мустақил, она тилида раво, гўзал ва лўнда ифода эта олмайдиган мутахассиснинг авваламбор, раҳбар курсида ўтирганлигини бугун тушуниш ҳам, оқлаш ҳам қийин”<sup>2</sup> деган сўзларини домио ёдда сақламоқ зарур. Бу гаплар бевосита ҳуқуқшунос кадрларга, шу соҳани эгаллашга, ўз малакаларини ошириш учун “Юристар малакасини ошириш маркази”га келаётган тингловчиларга бевосита тегишли бўлиб, улар зиммасига ҳам янги вазифаларни қўяди. Бу вазифаларни амалга оширишда яратилаётган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг жаҳон андозалари даражасида бўлиши ҳамда миллий менталитетимиз ва манфаатимизни ҳимоя қилиши, иккинчидан, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг давлат тилида мукаммал яратилган бўлиши билан боғлиқ. Ҳуқуқшунослар янги чиқарилаётган қонунлар ва ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларни аввало ўзлари тушуниб, халқимизни улардан хабардор этиб ва тушунтириб боришида пешқадам бўлишлари керак. С.Каримов, Х.Маматов, И.Бўриевларнинг “Юристар нутқи маданияти” ўқув қўлланмаси (Т.: “Зарқалам” нашриёти, 2004 йил, 4-бетда)да бу ҳақда ҳаққоний фикр айтилган: “Афсуски, ўзбек нутқи маданиятининг ҳозирги даражасида юристар нутқини юқори деб айта олмаймиз. Тил илмидан яхши хабардор бўлмаган юристан

<sup>2</sup> Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент: Шарк НМАК, 1997. 9-бет.

Ўзбек тилида малакали ҳужжат ёзиш ва омма олдида чиқишни талаб қилиб бўладими? Йўқ, албатта.

Ҳозирда яратилаётган кўплаб конунлар маълум лингвистик изоҳларни талаб қилмоқда. Аммо биз бунга тайёрми? Афсуски, ҳозирча бундай дея олмаймиз” деган фикрлар билдирилган. Назаримизда, юқоридаги фикрлар юридик соҳада иш олиб бораётганлар дилига каттиқроқ тегиши турган гап. Лекин бу жабҳада ишлар қилинаётганлиги айни ҳақиқат. Шунинг учун ўқув режада ҳуқуқшунос нутқини чархлайдиган “Юристининг нутқ маданияти”, “Ҳуқуқшунос нутқи сирлари” йўналишида талаба ва ўқувчиларга чуқурроқ сабоқ беришда ўқув режадаги машғулотлар ҳажмини 70-соатга мўлжаллаш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ш.Кўчимовнинг “Ҳуқуқий атамаларини ўзбек тилида ифода-лашнинг илмий назарий муаммолари” мавзусидаги филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациясининг автореферати (Тошкент, 2003, 16-бет)да: “АҚШнинг Иллинойс ва Чикаго университетларида, Англия, Швеция каби давлатларнинг олий юридик таълими тизимида ҳуқуқшунос кадрларнинг тил тайёргарлигига алоҳида эътибор қаратилади, ҳар бир талаба махсус тил тайёргарлигидан ўтади, тил фани билан боғлиқ “Нутқ ўрганишга кириш”, “Юридик нутқ”, “Суд нотиклиги”, “Судда нутқ сўзлаш ва ҳақиқат муаммолари”, “Ёзма нутқ”, “Оммавий муомала нутқи”, “Сиёсий нутқ”, “Ижтимоий нутқий муомала”, “Баённомалар (протоколлар) таҳлили”, “Нутқ мактаби” каби 45 дан ортиқ махсус ўқув курслари мавжуд<sup>3</sup>.

Ҳуқуқ соҳасидаги касбий нутқ маданиятини шакллантириш, такомиллаштиришда, етук ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлашда давлат тили ва юридик тилининг ўзига хос ўрни ва ролини инкор этиб бўлмайди. Бугунги кун талаблари даражасида давлат тили ва касбга оид нотиклик малакаси ҳамда кўникмасини ҳуқуқшунослар чуқур ва мукамал эгаллашлари муҳимдир. Афсуски, ҳуқуқшунослар ҳуқуқий матнлар мазмунини тушунишларида қийналаётганлиги, касб йўналишида ўз фикрларини оғзаки ва ёзма баён қилишда нутқий ғализликларга дуч келаётганликлари ачинарли ҳолдир. Ана шундай нуксонларни бартараф этишда ушбу қўлланма яқиндан ёрдам беради деган умиддамиз. Баъзи шу касб бўйича қўлида дип-

<sup>3</sup> Каримов С., Маматов Х., Бўриев И. Юристининг нутқ маданияти. Ўқув қўлланма. Т., 2004, 5-бет.

ломи бор, олий ўқув юртини битирган мутахассислар ишлаб чиқаришга (амалиётга) борганларида ҳуқуқий-мەъёрий ҳужжатларни расмийлаштиришда хатоликларга йўл қўйишлари кишини ўйлантиради.

Шу каби камчиликларни ҳисобга олган ҳолда, ушбу ўқув қўлланмада давлат тили, қонун тили ва юридик тил ҳамда юристнинг нутқий ва нотиклик маҳоратига хос хусусиятлар нутқ маданияти ва нотикликка оид қоидалар, муомала ва мулоқот қоидалари, нотўғри нутқни таҳлил қилиш, тергов жараёнида ёлғон сўзлаётганларни англаш сирлари, омма ўртасида, иш жараёнида нутқ сўзлаётганда қўрқув ва ҳадиксирашдан қутилиш йўллари, илмий-назарий ва амалий жиҳатдан замон талаблари асосида ёритишга ҳаракат қилинди. Мазкур ўқув қўлланмада юрист нотиклиги билан боғлиқ барча муаммолар ҳал қилинди, деб бўлмайди. Бу борада муаллиф амалиётчи ҳуқуқшунослар, олим ва педагогларнинг самимий билдирган фикр-мулоҳазаларини, таклиф ва истакларини қабул қилиб, ўз миннатдорчилигини изҳор этади.

Мазкур ўқув қўлланмани ёзишда ҳуқуқ ва тил, юридик тил, қонун тили ва халқаро ҳуқуқ тилининг ўзига хос хусусиятлари ва нутқ маданияти ҳамда нотиклик санъати муаммоларини ўрганишга муҳим ҳисса қўшган А.Саидов, Г.Сарқисянц, Ғ.Абдумажидов, М.Мирҳамидов, Н.Норпўлатов, С.Ҳасанов, Ў.Носиров, С.Каримов, Х.Маматов, И.Бўриев, Ҳ.Одилқулов, Ш.Кўчимов, Ғ.Аҳмедов, Л.Саидова, Г.Ғуломова, М.Қосимова, Н.Ражабова, А.Абдуллаев, С.Иномхўжаев ва бошқа олимларимизнинг ишларидан фойдаландик. Биз бу олимларга самимий миннатдорчилигимизни билдирамыз.

## Биринчи бўлим Нутқ маданияти ва ҳуқук

*Нутқ маданияти ва нотиклик санъати нима?*

Режа:

1. Нутқ маданияти тушунчаси нимани англатади?
2. Нотиклик санъати қачон пайдо бўлган?
3. "Риторика" сўзининг маъноси

*Таянч сўз ва иборалар:* товуш, овоз, ҳарф, тил, ҳуқук, эҳтиёж, ифода воситалари, тил маданияти, нутқий маданият, тил ва тафаккур бирлиги, нутқнинг оғзаки ва ёзма шакли, тил ижтимоий ҳодиса, нутқ, нутқ турлари, нутқ сифати, нутқ мазмуни, анъанавийлик, диалог, монолог, фаолият шакллари, меъёр, адабий норма.

Нутқ маданияти умуминсоний маданиятнинг таркибий қисмидир. Нутқ аввало, одамлараро алоқа жараёнида ҳосил бўладиган ижтимоий ҳодиса. Тил ўзаро алоқа воситаси саналгани каби, тилдаги сўзлардан ҳосил бўладиган ҳосила нутқ ҳисобланади. Маданият сўзига келсак, у арабча "Мадина" сўзидан олинган бўлиб, "шаҳар" деган маънони англатади. Яъни шаҳарда улғайган одамнинг ўзига хос маданияти, одоб, ахлоқи, кийиниши, ўзида тозалikka риоя қилиши (булар барчаси шаҳар шароити билан боғлиқ) кабилар. Қадимгиларда шундай макол бор: "Яшасанг шаҳри азимда ёки тоғ этагида яшагин" деган. Шаҳар шароити одамга ором бермайди, тоғ этаклари эса серсув бўлиб, боғ-роғлар, экинзорлар серҳосил бўлади. Бу ердаги барча инсонлар истеъмом қиладиган маҳсулотлар ўша жойнинг табиий ҳолатида униб-ўсади. Булар эса инсоннинг соғлиғи учун кони фойда.

Нутқ маданияти махсус фан бўлиб, у кенг тушунчага эга. У фан сифатида қадим замонларда шаклланди. Баъзи мутахассисларнинг нутқ маданияти деганда риторикани ҳам, воизликни ҳам ваъзхонликни нотикликни ҳам аралаштириб юборишлари унчалик тўғри эмас деб қараймиз. Нотиклик ҳам, воизлик – бу санъат. Улар оғзаки нутқ сирасига киради. Нутқ маданияти эса муайян тилдаги саводхонликни, тўғри ёзиш, тўғри ўқиш, адабий тил нормаларига амал қилиш кабиларни билдиради. Тўғри, нотиклик ҳам нутқ ма-



даниятидаги бир йўналиш, яъни у санъат. Ҳар қандай одам кўлига чолғу асбобини олиб куй черта олмагани, ҳар қандай одам мусикага рақсга туша олмагани, ҳар ким кўлига бўёк, мўйқалам ва қоғоз ёки полотнода расм чиза олмагани каби ҳар ким ҳам омма рўпасида туриб, чиройли нутқ сўзлай олмаслиги мумкин.

Тарих шундан дарак берадики, риторика, нотиклик, воизлик, ваъзхонлик қадимдан тараққий этиб келган ва улуғланган. Нотиклик эса қадимдан, таъбир жоиз бўлса инсонлар пайдо бўлганидан, уларнинг салом-алиқларидан бошланган. Аниқроғи, инсониятнинг пайдо бўлиш тарихи билан боғлиқ. Нутқ маданияти ана шу ўтмиш жараёни илмий асосда ўрганиш асносида пайдо бўлди десак, муболаға бўлмас.

Миллий адабий тилларнинг шаклланиши ва ривожидавомида адабий тил нормаларининг (орфографик, орфоэпик, фонетик, морфологик, лексик, синтактик, стилистик) стабиллашуви, ўсуви юз беради. Масалага мана шу томондан ёндошилса, юқорида санаб ўтилган масала, тадбир ва чораларнинг ўзи нутқ маданияти проблемасининг таркибий қисми эканлиги равшан бўлиб қолади<sup>4</sup>.

Нутқ маданияти тушунчаси таърифини олим Ў.Носиров: а) нутқ маданияти – бир тилда тўғри сўзлаш ва ёзишдир; б) нутқ маданияти – фикрни содда, аниқ ва тушунарли ифодалашдир; в) нутқ маданияти – тилнинг тасвирий ва образли воситаларидан унумли, ўз ўрнида фойдалана билишдир<sup>5</sup>; г) нутқ маданияти – нутқнинг қисқалиги, ихчамлиги, аниқлиги, миллийлигидир; д) нутқ маданияти – нутқнинг содда, барча учун тушунарли бўлишидир... Юқорида билдирилган фикрларга қўшилганимиз ҳолда, масаланинг амалий жиҳатлари ёритилганини кўрамиз.

Масаланинг назарий асосларини ишлаш тўғрисидаги Э.Бегматовнинг куйидаги фикр-мулоҳазалари ҳам ўринли: ...Нутқ маданияти соҳаси ўз ўрни ва фандаги мавқеини тўла эгаллаши учун у назарий жиҳатдан асосланган бўлиши лозим. Биринчидан, бу тушунчани тил ҳодисаси ва илмий проблема сифатида тарихи ёритилмоғи керак. Иккинчидан, нутқ маданияти соҳасини ўрганувчи асосий объект бўлган тил ҳодисаси аниқланиши керак. Учинчидан, нутқ маданиятининг илмий-тадқиқий объекти

<sup>4</sup> Бегматов Э. Нутқ маданияти проблемасининг пайдо бўлиши ва асосланиши // Нутқ маданиятига оид масалалар тўплами. Тошкент: Фан, 1973. 166-167 бет.

<sup>5</sup> Носиров Ў. Ўша тўплам, 119-120 бетлар.

билан боғлиқ проблемалар белгиланиши лозим. Тўртинчидан, эса, нутк маданиятини ўрганиш аспектилари (лингвистик ва экстралингвистик) чегараланиши зарур<sup>6</sup>. Бу назарий масалалар олимнинг катор илмий асарларида маълум маънода тадқиқ этилган.

Бугунги кунда ҳуқуқшунослик соҳасида ҳам тил воситаларидан фойдаланиш тизими фаоллашди. Натижада **ҳуқуқ ва тил** тушунчаларига боғлиқ масалалар амалга оширилмоқда.

Президентимиз И.А.Каримов асослаган Ўзбекистон таракқиётининг беш томайилларидан бири – **Қонун устуворлиги** масаласи ҳуқуқий соводхонликни доир йўналишларда ўзбек адабий тилини чуқур билмасдан туриб ҳуқуққа боғлиқ ҳолатларни ҳал этиш мумкин эмаслигини таъкидлади. Ҳуқуқий маданият, ҳуқуқшуносларнинг билим ва малакаси, маънавий маданиятининг юксалишида адабий тилдан ўринли фойдаланиш жуда муҳим. Чунки, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг кўпайиши, уларни таҳлил этиш жараёни ҳуқуқий тил билан боғлиқ бўлиб, уни бўлажак ҳуқуқшунослар ҳамда амалиётда фаолият кўрсатаётган юристлар чуқур ўрганишлари бугуннинг талаби эканлигини унутиб бўлмайди.

Ҳуқуқшунос нотиклик санъатини билиши керак. Агар у нутк маданияти қонун ва қоидаларини адабий тил меъёрларини, адабий тилда сўзлаш ва ёзиш саводхонлигини билмаса, қонун билан боғлиқ нутқларини лўнда, аниқ ифода эта олмаслиги турган гап. У ҳар сўзни ўз ўрнида қўллаш муҳимлигини чуқур англамоғи учун нутк маданиятидан хабардор бўлиш керак.

Агар юрист моҳир нотик бўлса ҳар қандай шароит ва вазиятда ўз фикрини далиллар асосида баён этиб, кўпчилик эътиборини ўзига қарата олади.

Нотиклик санъати нима?

Бу санъатнинг тарихи қадим замонларга бориб тақалади. Зардуштийликнинг “Авесто”си, халқ ижоди саналган “Алп Эр Тўнға” достонидан тортиб, соҳибқирон Амир Темур тузуқларигача, Низомиддин Мир Алишер Навоийнинг “Маҳбубул-қулуб”, “Наводир уш-шабоб” асарларигача, Кайковуснинг “Қобуснома”сину, Юнон ва Рим нотиклик мактаблари намоёндаларининг асарларида нотиклик санъати ҳақида муҳим фикр мулоҳазалар билдирилган, нотикликнинг амалий ва назарий асослари мукамал ёритиб берилган. Айниқса, Олшоҳнинг каломи, “Қуроъни карим” оятлари, Пай-

<sup>6</sup> Ўша тўплам, 156-бет.

ғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳадиси шарифлари нотиклик санъати борасида юксак ўринга эга. Нотиклик бу—чиройли оғзаки нутқ сўзлаш, гапирганда фикрларини равон, гўзал ва лўнда ифода эта билиш санъатидир. Нотик Раҳимбой Жуманиёзов “Нутқий маҳорат” номли китобининг 13-бетига ёзганидек, “Сўзлаб туриб ўйланилади” кабилида эмас, ўйлаб сўзланади, нутқни сўзлаш жараёнида ўйланмайди. Агар сўзлаш жараёнида ўйланилса, “хўш-и; а-а-а-а; э-э-э; нима десам экан; нима эди; ҳалиги; анака; и-и-им; так; значит; қороче каби паразит, варвар сўзлар нутқда пайдо бўлиб, тингловчиларнинг гашига тегади. Ҳаттоки тингловчилар нотик ўз нутқида неча марта “анака”, дейлик, демак, хў-ў-ў-ўш, и-и-и дега-нини санаб фалончи ўттиз марта “хў-ў-ўш-хўш”ни йигирма дафъа “так”ни ишлатди деб масҳара қилиши мумкин. Нотиклик санъати ана шундай нозик санъат, шу сабабдан ҳам ҳамма нутқ сўзлаётганлар ҳам нотик бўлавермайди.

Юнонистонда VII-VI асарларда Солон ҳукумронлиги даврида чиқарилган қонунга кўра ҳар бир одам ўзини-ўзи нутқи билан ҳимоя эта олиши лозим бўлган. Ўзини эркин сўзлари билан ҳимоя қилишни эса ҳамма ҳам урдалай олмаган. Айниқса, суд мажлисида эркин гапиришда одамлар қийналишган. Бу зарурат эса “логограф”ларнинг пайдо бўлишига олиб келган. Логографлар кимлар эди? Улар судга иши тушган фуқароларга, у ерда нималарни сўзлаши керак бўлган матнларни ёзиб бериб, бу касбни ўзларининг тирикчилик манбаига айлантирган ўз даврининг саводли кишилари, яъни нотиклари бўлган (Цицерон, Демосфенлар каби).

Логографлар ёзган суд нутқи матнлари ўзига хос хусусиятларга эга бўлган. Масалан, логограф ўзига илтимос билан келган одамнинг иқтисодий шароити, мавқеи, руҳиятини иш билан танишиш асносида ўрганиб, унинг характер хусусиятига қараб судда сўзлайдиган матнни ёзиб берган. Ёки фактлар орқали барча шароитни билиб олиб, мижозининг суд олдида сўзлаши лозим бўлган нутқини ёзган. Шунингдек, мижозининг судда ютиб чиқиши учун агар мижоз оддий, бечора ҳол, авом бўлса, ўз ҳолатини намоён этадиган матнни ёзиб, мижознинг ҳолатига мослаган. Логограф ҳузурига келган давогар ёки судланувчи ёзилган матнни ёдлаб, логограф олдида сўзлаб бериб машқ қилгани ҳақида маълумотлар старли. Юқоридагилардан кўринадики, нотиклик санъати асрлар оша шаклланиб, таракқий этиб келган. Бадиий адабиётнинг юзага келиш

илдизлари ҳам ўша “логограф”ларнинг ёзган суд нотиклигига бориб тақалади. Чунки баъзи воқсаларни образли қилиб ёритган логографларнинг ёзган асарлари шундан дарак беради.

### **Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:**

1. Нутқ маданияти тушунчасини изоҳлаб беринг.
2. Нотиклик санъати деганда нимани тушунасиз?
3. “Нутқ” сўзининг кенг ва махсус тор маънолари ҳақида тушунча беринг
4. Юридик нутқ маданияти нутқининг бошқа кўринишларидан нимаси билан фарқланади?
5. Адабий тил – нутқ маданияти ва нотикликнинг манбаи эканлигини изоҳлаб беринг.

### **Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. Саидов А., Сарқисянц Г. Юридик тил ва ҳуқуқшунос нутқи. Тошкент.: Адолат, 1994. 3-бет.
3. Бегматов Э. Нутқ маданияти проблемасининг пайдо бўлиши ва асосланиши. Нутқ маданиятига оид масалалар тўплами, Тошкент.: Фан, 1973.
4. Бегматов Э. “Нутқ маданияти” тушунчаси ҳақида, “Ўзбек тили ва адабиёти”, журнали, 1975, 5-сон.
5. Бекмирзаев Н. “Нотиклик санъати асослари”, Т.: “Янги нашр”, 2008.

### **“Юрист нутқи маданияти” курсининг предмети, мақсади ва вазифалари**

Режа:

1. Курснинг предмети ва ўрганадиган объектлари.
2. Курсни ўқитишдан мақсад ва ундан кутилган натижалар.
3. Курснинг асосий вазифалари

Таянч сўз ва иборалар:

Юрист нутқи, Давлат тили, коммуникатив сифатлар, адабий норма, меъёр, мантқиқийлик, ифодалилик, софлик, жўялилик, метод, усул, восита, нутқий таъсир, предмет, мақсад объект, назифа, тил маданияти, сўзлашув маданияти, маданий тил, адабий тил, назарий тил, амалий, халқ тили, шева ва хакозо.

Давлат тили сиёсати ва унга оид ҳуқуқий ҳужжатлар, қонун билан боғлиқ ҳуқуқий-меъерий ҳужжатлар, ҳуқуқшунос касбига оид барча қонунлар, конституция моддаларидан тортиб, ҳуқуқшунослик таълими йўналишидаги ўқув адабиётлари, мазкур йўналишда ўқиётган маърузаларгача ва уларни нутқий маданият асосида ўрганиш, айниқса тилшунослик, адабий тил меъёрлари асосида, нутқий вазиятга қараб фойдаланиш ҳолатини таъмин этувчи сўз, нутқ, нутқ маданияти ва нотиклик материаллари **юрист нутқи маданияти курсининг предмети** саналади. Шунингдек нутқнинг техникаси ва нутқнинг сифати билан боғлиқ ҳолатларни таъминлаш ҳам тингловчи ёки талабага нутқий таъсирни кучайтиришга хизмат қилади. Шу маънода нутқ сифатининг эстетик таъсир кучини ошириш мақсадида тузилган нутқ (матн)ни ҳам “Юристининг нутқ маданияти” курсининг предмети дейиш мумкин.

Мазкур курснинг мақсади бўлғуси ҳуқуқшунос кадрларнинг ҳам, соҳа амалиётидаги мутахассисларнинг ҳам нутқини ҳуқуқий, ижтимоий сиёсий, маънавий-маърифий муносабатларга мувофиқ тарзда сайқал топтиришдан иборат.

Ҳуқуқшуноснинг асосий иш курали нутқдир. Мадомики шундай экан, юридик институт ва ҳуқуқшунослик факультети мавжуд бўлган олийгоҳлардаги, юридик коллеж ҳамда академик лицейда таълим олаётган талаба ва ўқувчиларга, “Юристининг нутқ маданияти” курсини ўқитишда қуйидагилар фаннинг асосий вазифаларидир:

1. Ҳуқуқшунос талабаларга давлат тили сиёсатини ўргатиш.
2. Ҳуқуқшунос талабаларнинг нутқ маданияти ва нотиклик санъати соҳасидаги назарий ҳамда амалий билимларини ошириш
3. Ҳуқуқшунос ва бўлажак юрист талабаларнинг нутқ маданиятини такомиллаштириш.
4. Ҳуқуқшунос талаба ва ўқувчиларнинг нотиклик маҳоратини шакллантириш.
5. Воизлик санъати ва ваъзхонлик маданиятини ўргатиш.

6. Давлат тилида ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат тили ва услубини ўргатиш.

7. Давлат тилида расмий-идоравий ишларни юритиш малакасини ҳосил қилиш.

Хулоса қилиб айтганда, “Юристинг нутқи маданияти” курсининг асосий вазифалари ҳуқуқшунос талабаларни нутқ маданияти ва нотиклик асослари билан таништириш, бўлажак ҳуқуқшуносларда ҳуқуқий тил воситалари ва ифода имкониятларидан коммуникатив ва эстетик мақсад ҳамда нутқ вазиятига мос тарзда фойдалана олиш малакаларини, нутқнинг барча сифатлари моҳияти билан таништирган ҳолда сифатли нутқ тузиш маҳоратини шакллантириш, оғзаки нутқ учун ўта зарур бўлган юрист нутқи техникасини яхшилашга алоқадор кўникмаларни ҳосил қилишдан иборат.

Демак, “Юристинг нутқ маданияти” курси ҳуқуқшуносларга давлат тили сиёсати, “Давлат тили ҳақида”ги Қонунни мукамал сингдиришга хизмат қилади ва уларни бу йўлдаги нуқсонларни бартараф этишга чорлайди. Шахсий, ижтимоий фаолиятларида ҳуқуқий-меъёрий ва расмий-идоравий ҳужжатларни тушуниш ва тайёрлаш маданиятини шакллантиради.

### **Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:**

1. Юридик тил ва нутқ маданиятининг боғлиқлигини тушунтириб беринг.

2. “Юристинг нутқ маданияти” фанининг предметини тушунтириб беринг.

3. “Юристинг нутқ маданияти” курсининг мақсадини сўзлаб беринг.

4. “Юристинг нутқ маданияти” курсининг асосий вазифалари нималардан иборат.

5. Юридик тил ва нутқ маданиятининг боғлиқлигини исботлаб беринг.

### **Адабиётлар:**

1. Н.Бекмирзаев. Нотиклик санъати асослари Т.: Янги нашр, 2008.

2. А.Саидов, Г.Сарқиянц. Юридик тил ва ҳуқуқшунос нутқи. Т.: Адолат, 1994.

3. Ш.Кўчимов. Тил ва қонунчилик техникаси, Тошкент, 1997.

4. Н.Маҳмудов. Ўқитувчи нутқи маданияти Тошкент, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти 2004.

5. Т.З.Имомова, Л.А.Тухватуллина. Менинг касбим юрист. Ўқув кўлланма Т.: 1985.

6. С.Каримов, Х.Маматов, И.Бўриев. Юристинг нутқи маданияти, “Заркалам” нашриёти 2004.

## **“Юристинг нутқи маданияти” ва бошқа фанлар**

Режа:

1. “Сўзда-сеҳр бор” ибораси ҳақида
2. Сўз табиати нималарни ўз ичига олади.
3. “Юристинг нутқи маданияти” фанининг ҳуқуқшунослик ва бошқа фанлар билан алоқаси.
4. Юристинг нутқи маданияти” фанининг юридик тил ва атамалар билан боғлиқлиги.
5. Таянч сўз ва иборалар

“Давлат тили ҳақида”ги Қонун, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, нутқий маданият, расмий идоравий ишлар, ҳуқуқий тил воситалари, давлат тили сиёсати, сўз сеҳри, сўз табиати, сўз иш курали, гуманитар фанлар, фуқаролик ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи, жиноят-процессуал ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ, адабий тил меъёрлари, коммуникатив ва эстетик мақсад, криминалистика, суд статистикаси, суд бухгалтерияси, тафаккур, фалсафа, демократик, ҳуқуқий жамият, нутқ, нотик, хулқ, мантик.

“Сўзда – сеҳр бор” ибораси, нутқимизда ҳар доим содир бўладиган жараён. Агар сўзимиз юмшоқ бўлса-меҳрли, каттик бўлса-қаҳрли, ширин ва майин бўлса эркаловчи ҳолатларга олиб келади. Бунинг учун аввало, сўзнинг ўзига хос либосини топиб кийинтирсак бас. Сўз ҳам ўзига либос танлайди. Сўзнинг сеҳрини қуйидаги ҳолатда ёрқинроқ кузатамиз. Моҳир нотик Раҳимбой Жуманиёзов “Нутқий маҳорат” китобининг 76-бетида Билолиддин Муҳаммад-карим сўзларини келтиради: “Сўз тузади, сўз бузади, олқиш ҳам сўздан, қарғиш ҳам, обод қилувчи ҳам сўз, барбод қилувчи ҳам, борлиқ ҳам сўз билан, йўқлик ҳам, сўз кулдиради, ўлдиради ҳам,

топиш ҳам сўз билан, копиш ҳам, омонлик ҳам сўз билан, ёмонлик ҳам, оламнинг яралиши ҳам сўздан, йўқ бўлиши ҳам”. Юқорида санаб ўтилганлар барчаси сўз табиати билан белгиланади. Сўзга бўлган муносабатимиз ва уни чуқур ҳис этиб ёндошишимиз ўзимизга боғлиқ. Қизиғи шундаки, сўз кўзга кўринмайди, уни қўл билан ушлаб ҳам бўлмайди. Агар кўзга кўринганда у ҳам буюм ва нарсалар каби қадрли бўлармиди? Яхшиямки, кўзга кўринмагани. Чунки кўзга кўринган нарсага ўч одамлар сўзни ҳам бўлиб олишга ҳаракат қилиб, жанжал чиқарган бўларди. Унинг сеҳри ҳам шундаки, у бутун борликка ўз таъсирини кўрсата олади.

“Юристининг нутқ маданияти” фани табиийки, ҳуқуқшунослик соҳаси билан боғлиқ ҳуқуқ тизимидаги “Давлат ҳуқуқи ва назарияси”, “Фуқаролик ҳуқуқи”, “Жиноят ҳуқуқи”, “Жиноят – процессуал”, “Маъмурий ҳуқуқ”, “Оила ҳуқуқи”, “Криминалистика”, “Суд статистикаси” каби махсус ҳамда амалий-ҳуқуқий фанларнинг аник материалларига таяниб, юридик тилни бойитади. бу фанлар эса нутқ маданиятидан озикланади. Чунки бу фанларнинг барчаси оғзаки ва ёзма ҳолатда нутқ маданиятининг қонун-қоидаларига асосланиб адабий тил меъёрларига амал қилади.

Юридик тилнинг лугат бойлигини етарли даражада билмасдан туриб маданий нутқ тузиш мушкул. Лугат эса ўзбек адабий тилининг бойлиги ҳисобланади, у замон таракқиётига қараб бойиб бораверади. Юртимизда мустақиллик шарофати билан янги юридик атамаларнинг пайдо бўлиши лугатимиз бойлигига бойлик бўлиб қўшилди. Натижада сўзларнинг семантик структурасидаги ривожланиш, лексик системадаги сўзларнинг ўзаро муносабати каби масалаларни бугунги ҳуқуқшунослар ва бўлажак юристлар англамоқлари муҳим. Бу каби масалалар лексикологияда ўрганилади. Юристлар нутқ учун сўз танлашда лексикологиядан маълумот олмоғи лозим. Сўзлар ва уларнинг маъно тавсифи лугатлар орқали маълум, айнан шу танланган сўзларнинг маъносини тўғри тасаввур этиш, сўз ўрнини алмаштирмаслик, маданий нутқ тузишда лугатларга мурожаат этишни талаб этади. Демак лексикологиянинг нутқни маданийлаштиришда ўрни бор.

“Юристининг нутқ маданияти” фани айниқса “Мантук” фани билан алоқадор. Мантуксиз нутқ маданий нутқ бўлиши мумкин эмас. Профессор Н.Маҳмудов нутқ ва мантук сўзларининг ўзаги айнан бир эканлиги ҳақида “Ўқитувчи нутқ маданияти” китобида



ёзаркан, Абу Наср Форобийнинг мантиқ илмининг аҳамияти ҳақидаги: “Грамматика одамлар нутқини тўғрилагани каби – у шунинг учун ҳам вужудга келгандир – мантиқ илми ҳам хато келиб чиқиши мумкин бўлган жойда тафаккурни тўғри йўлдан олиб бориш учун ақлни тўғрилаб туради. Грамматиканинг тилга ва тил ифодаларига бўлган муносабати мантиқ илмининг ақл ва ақлий тушунчаларга бўлган муносабати каbidир. Грамматика ҳар доим тил ифодаларида хатолар келиб чиқиши мумкин бўлганда тилнинг ўлчови бўлганидек, мантиқ ҳам ҳар доим ақлий тушунчаларда хато келиб чиқиши мумкин бўлганда ақл ўлчовидир – деган фикрларини келтиради. Айниқса ҳукукшунос учун маълум бўлган икки фикрдан янги учинчи фикрни келтириб чиқаришда мантиқ дастур-ул амал бўлади.

“Юристининг нутқ маданияти” фани ўз талаб даражасига кўра психология, эстетика социология, маданиятшунослик, адабиётшунослик ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар билан алоқадордир.

### **Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:**

1. “Сўзда сеҳр бор” – иборасини ўз тушунчангиз доирасида тушунтириб беринг.

2. “Сўз табиати” деганда нимани тасаввур этасиз, изохлаб беринг.

3. “Юристининг нутқ маданияти” фанининг бошқа ҳукукий фанлар билан алоқасини гапиринг.

4. “Юристининг нутқ маданияти” фанининг бошқа ижтимоий гуманитар фанлар билан алоқадорлигини тушунтиринг.

### **Адабиётлар:**

1. Н.Бекмирзаев. Нотиқлик санъати асослари. Т.: “Янги нашр” 2008.

2. М.Мирҳамидов, Н.Норпўлатов, С.Ҳасанов. “Юристининг нутқ маданияти”. Т., Фан ва технология нашриёти, 2005.

3. Н.Маҳмудов. Ўқитувчи нутқ маданияти, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, нашриёти, 2007.

4. Р.Қўнғуров. Э.Бегматов, Ё.Тожиев. Нутқ маданияти ва услубият асослари. Т.: Ўқитувчи, 1992.

Нутқ маданияти ва суд нотиклиги тарихи.  
Қадимги туронда нотиклик.

Режа:

1. "Авесто" нотиклик тарихини ёритувчи илк асарларидан.
2. Зардушт сўз кудратига ишонган нотик
3. Зардуштнинг нуткига хос хусусиятлар

Таянч сўз ва иборалар:

Зардушт, Авесто, Исо Масих, Шарқ, Ғарб, Ахура Мазда, "Гоҳлар", эзгулик, ёзма ёдгорлик, археологик манбалар. Жонли сўз сеҳри, сўз билан мўъжизалар кўрсатувчи, тимсол, буюк ислохотчи, оқида тарғиб-ташвиқ, тажассум.

Ҳар бир нарсанинг қадимги тарихий илдизи мавжуд. Нотиклик, нуткий маданият ҳам ўз тарихига эгадир. Туронда нотиклик ҳақидаги илк маълумотлар зардуштийлик таълимоти акидаларини ёритувчи эрамиздан олдинги VII – VI асрлар ёдгорлиги "Авесто"дан ўрин олган.

"Авесто" зардуштийликнинг эзгулик китоби сифатида юксак қимматга эга. Ҳозирча тўлиқ археологик маълумотларга эга бўлмасакда, Бухоро вилоятининг Рометон тумани худудида "Алп Эр Тўнға" ҳаёти ва жасорати ҳақида ҳикоя қилувчи тепалик бор (унинг қабри ҳам ўша ерда). Бу ҳақда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Примқул Қодиров ўзининг "Тил ва эл" китобида "Алп Эр Тўнға" ҳақида тўқилган дoston ва ундан олинган парчалардан намуналар келтирган. Бу асар ҳам Туронда нотиклик тарихига аниқлик кириштириши табиий. Умуман Туронда нотиклик, нутқ маданияти билан алоқадор маълумоту, таълимотларни "Авесто", "Алп эр Тўнға" (бу исми-шарифни Фирдавсий "Шоҳнома" асарида Афросиёб номи билан беради) достони ва бошқа ёзма манъбалардан топиш мумкин. Биз фикр юритаётган зардуштийлик таълимоти ва дунё маданиятининг ноёб дурдонаси ҳисобланган "Авесто"га асос солган Сипийтмон Зардушт қавмлар орасида кўпхудоликни инкор этган ва Ахура Мазда тимсолида ягона тангрини эълон қилган буюк исло-

ҳотчигина эмас, ҳатто жонли сўз сеҳри билан мўъжизалар намо-  
йиш этувчи машҳур нотик сифатида ҳам қавмлар эътиборини ўзига  
қаратиб, катта шуҳрат қозонган.

Зардуштнинг қалбни ларзага келтирувчи мана бу сўзларига  
эътибор беринг. У ягона ўзи хис этган Оллоҳга мурожаат этаркан,  
ўзини қавми билан бирга қийнаётган ички ва ташқи дарду-фарёд-  
ларини “Авесто”даги матнларда кўрсата олган. Мисол тариқасида  
“Жаҳон адабиёти” журналининг 1997 йил 4-сонида М.Умарзодан-  
нинг “Авесто сирлари” мақоласидан олинган ушбу парча фикри-  
мизни тасдиқлайди:

“Эй Мазда! Қайси ерларга, қайси юртларга юз тугайин? Мени  
қариндош-уруғларимдан, дўстларимдан ажратдилар. Мендан узок-  
лашган ҳамкорларим (деҳқонлар) ҳам, мамлакатнинг аъён-ашроф-  
лари ҳам мени ранжитмоқдалар.

Эй Ахура Мазда! Мен сени қандай хушнуд этайин?

Эй Мазда! Нечун ногавон (камбағал) эканлигим ўзимга аён.  
Бунинг сабаби шуки, мол-мулким ниҳоятда оз ва кишиларим ҳам  
кам.

Эй, Ахура! Мен толеим пастлиги учун кўнглимдаги хафаликни  
изхор этаман. Сен ўзинг ишларимга бир назар сол. Мен сендан  
мадад беришишгни ва қўллаб-қувватлашишгни сўрайман, фақат шу  
кўнглимга далда берур.

Эй, Мазда! Қачон тонг отиб, шундай бир кун бошланадики, унда  
Ошани (ҳақ ва одил низомни) халос этишни истаганлар ҳикмат ва ақл-  
идрок билан эзгулик дунёсини яратиш йўлида ўз мақсадларига  
етадилар? Эй, Мазда? Мен фақат сенинг таълимотингни танладим.

Ёмон ишлар билан бадном бўлиб юрган бузғунчи Дуруғванд  
(алдоқачи, каззоб) қишлоқ ва ўлка эли ҳаётини яхшилаш томонга  
ўзгартирмоқчи бўлган Оша дастёрларини йўлдан оздирмоқда.  
Дуруғвандга қарши бутун дилу жони ва бутун кучи билан олишган  
кишигина жаҳон аҳлини эзгулик йўлига бошлай олур” (199-бет).

“Авесто”да, Зардушт таълимотида асосан учта бир-бирига боғлиқ  
ақида мавжуд. Биринчиси, эзгу-фикр, иккинчидан, эзгу калом ва  
учинчидан эзгу амалдир. Ахир, одам боласи ҳамиша ва ҳамма вақт  
ўзининг теран фикри билан, ширин-шакар латиф сўзи билан, бажар-  
ётган ишларининг гўзаллиги билан қимматли, деган асосий ғоянинг  
муштараклиги одам қалби поклигини ва амалларининг поклигини  
тайин этади.

Зардушт, сўзнинг эзгу-амал ва гўзал фикр ифодаси эканлигини чуқур англаб етади. Шу боис у ўзининг барча нутқларида одамларни маънавий поклик, қалб тозалигига ундайди. Зардуштнинг нутқлари эса қалб изтироблари бўлиб жаранглайди. У ўз нутқида хитоб, мурожаат усулидан, нажот, изох, савол-жавоб йўлларида фойдаланади. У нутқи орқали зардуштийлик динига эътиқод қилувчи, ўзига эргашувчиларни тўғрилиқ, ҳаллолик ва эзгуликка чорлайди. Яна асарнинг ўзидаги матнларга назар ташласак, буни ёрқин тасаввур этиш мумкин:

“Бу дин турли қавмларни ҳамжиҳатликка, дўст-биродарликка, яшашга даъват, этади, жангариларнинг йўлини тўсади.

Мадҳ этаман эзгу фикратни, эзгу амал ила эзгу фикрат, эзгу калом, эзгу амалга бағишланаман, жумла ёвуз амаллардан юз бураман...

Эй хушёрлар!

Қулоқларингиз билан пухта эшитингиз. Энг эзгу каломлар билан ва ёруғ ният билан хоҳ эр, хоҳ аёл ҳар бирингиз назар ташлангиз, то буюк ҳодиса рўй бермасдан ва одамларимиз сўнгги манзилга етмасдан икки йўлдан бирини ўзингиз ихтиёр этингиз-да, бу каломларни ўзгаларга ҳам етказингиз!

Ибодотда ва амалда бири эзгулик, бириси ёмонлик ўзаро суҳбат қурдилар. Бу иккидан бири, яъни эзгуликни ундан огоҳлар, ёмонликни эса ноогоҳлар танладилар.

Бу икки олам бир-бирига етишганидан сўнгра илк бор “тириклик” ва нотирикликни бунёд айладилар. Бу ҳол олам сўнгигача давом этаверади.

Эзгу ҳаёт Ашаҳ-ҳақиқат пайровларига ва энг қабих тириклик дуруж ёлғон тарафдорларига насиб қилади.

Ўша икки оламдан-дуружни ихтиёр этганлар энг ёмон амалларга берилдилар, адабий осмонни қоплаган, солих одамлар учун бунёд этилган Ашаҳ-ҳақиқатга юз бурганлар ўзларининг эзгу амаллари ва озодликка муҳаббатлари туфайли Аҳура Маздани хушнуд этадилар.<sup>7</sup>

Ҳақиқатдан ҳам Зардуштийлик таълимоти ва ноёб тарихий ёдгорлик “Авесто” бебаҳо кимматга эгадир.

<sup>7</sup> Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Аскар Маҳкам таржимаси. Т.: “Шарк”, 2001, 57-72-бетлар.

Кўриниб турибдики, Зардушт сўз кудратидан ўз нутқида зардуштийлик таълимотини тарғиб қилишда инсон овозига хос бўлган овознинг ширалиги ва майинлигидан, нутқда гўзал ва ёқимли сўзларни қўллай билиш, дуолар қироатида меъёрни сақлаш ва ўз издошлари қалбига кириб бориш, руҳиятига ажиб бир кучли таъсир этишда маҳорат билан фойдаланади. Зардуштнинг нотиклик маҳорати шундаки, у ўз мадҳия қўшиқларида “Авесто”даги ботиний ва зохирий маъноларга эга бўлган фикр, сўз, ибора ва тушунчалар ҳар бир зардуштийлик динига эътиқод қилувчиларга яхши тушунарли бўлиши ва уларни зериктирмаслиги учун мусика жўрлигида изоҳлаб тушунтириб берилганлиги кишини ҳайратлантиради.

Шуниси диққатга сазоворки, зардуштийлик таълимоти ва ноёб тарихий ёдгорлик “Авесто” Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам бундан кейинги фалсафий, сиёсий ва ҳуқуқий тафаккурга ҳамда нутқ маданиятининг шаклланиши ва ривожланишига катта таъсир ўтказган. Зардуштнинг таълимоти Исо Масих таълимотидан тўрт аср аввал Юнонистон маданиятини бойитди. Зардушт таълимотини Фалес, Анаксимандр, Анаксиман, Гераклит, Платон, Демокрит, Аристотель, Эпикур, Херодот, Плиний, Евдокс, Плутарх, Страбон, Павсаний, Цицерон, Деоген, Есефон, Филон, Гермипп, Гегель ва бошқалар билишган. Будда ва Конфуцийларнинг таълимоти Оврўпага етиб келгунча асрлар давомида Ғарб қадимий Шарқ донишмандлиги билан фақат Сипийтмон Зардушт таълимоти орқали таниш бўлганди. Назаримизда инглиз авестошунос олими Лоуренц Миллз эътироф этганидек, “Зардушт бизга ҳар бир ҳижоси андишалар билан тўлиб-тошган сўзлар ёзиб қолдирди. Бу сўзлар қисқа ва лўнда айтилганлиги жиҳатидан дунёда тенги йўқ. Уч минг йил бурун изҳор этилган бу дастурлар бугун ҳам бизга нажот бахш этади. Агар бу дастурларни кўриб, ўзимизни кўрмасликка олсак, ё уларни яширсак, бу бизнинг оқибатсиз ва кўрнамак эканлигимизнинг белгиси бўлуради.

Агар кишилик тафаккури бир дoston бўлса ва унинг қиммати борасида сўз юритилса, у ҳолда “Авесто”ни бу дostonнинг энг юқори поғонаси деб билмоғимиз лозим. “Авесто” маданиятнинг энг қадимий тарғиботчиси. Ҳеч кимса, ҳеч бир тилда “Авесто”дан бизгача етиб келган парчаларнинг (Гохларнинг) ҳайратда қолдирдиган даражада юксак эканлигини ҳаргиз инкор этмаган. Одамзод

тафаккурида бунчалик юксаклик ва шукухни ким, қасрдан топа олади?!<sup>8</sup>

Юқоридаги фикрлар бизда нотиклик санъатининг тарихи эра-миздан олдинги VII асрлардан бошланганлигидан хабар бермоқда. Мустақиллик шарофати билан “Авесто”га бағишлаб ўтказилган тантаналар ҳақиқат юзидаги тупроқ ва чанглари тозалади, қадимги маданиятимиз юзлари очилиб тиниқлашди. Унга қадар биз нотиклик Юнонистон ва Римда бошланган деб келар эдик. Бу ҳақиқатларнинг юз очишига мустабид тузум ҳам йўл бермасди.

Ҳатто риторика билан шуғулланган таникли академиклар ҳам бу ҳақда ёзмаганлар. Истиклолимиз берган бебаҳо миллий-маданий кадриятларимиз, ахлоқий-маданий тарихимиз бугунда ўзининг ҳақиқий салобатини намоён этмоқда. Нотиклик ҳақида, нутқ маданияти ҳақидаги баъзи бир мантиқан тўғри бўлмаган қарашлар энди чекиниш йўлидан бормоқда. Шу маънода қадимги Турон – инсоният цивилизациясининг қадимги ўчоқларидан бири эканлиги, бу бевосита Спитамон Зардушт номи билан боғлиқлиги аниқланди.

### **Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:**

1. Қадимги Туронда нутқ маданиятининг шаклланишида Спитамон Зардуштнинг тутган ўрни.
2. Зардушт нутқининг кудратини нимада деб биласиз?
3. Зардушт нутқига хос хусусиятлар ҳақида фикрингиз.
4. “Авесто” ҳақида инглиз авестошунос олими Лоуренц Миллз фикрини келтиринг ва уни изоҳлаб беринг:

“Зардушт бизга ҳар бир хижоси андишалар билан тўлиб-тошган сўзлар ёзиб қолдирди. Бу сўзлар қисқа ва лўнда айтилганлиги жиҳатдан дунёда тенги йўқ. Уч минг йил бурун изхор этилган бу дастурлар бугун ҳам бизга нажот бахш этади.

Агар бу дастурларни кўриб, ўзимизни кўрмасликка олсак, ё уларни яширсак, бу бизнинг оқибатсиз ва кўрнамак эканлигимизнинг белгиси бўлур эди”.

### **Адабиётлар:**

1. Ҳ.Бобоев, С.Ҳасанов. “Авесто” – маъниятимиз сарчашмаси. Т.: “Адолат”, 2001.

<sup>8</sup> Бу ҳақда қаранг Сулаймонова Ф. “Шарк ва Ғарб”. Т.: Ўзбекистон, 1997, 23 бет.

2. М.Мирхамидов, Н.Норпўлатов, С.Ҳасанов. Юристинг нутк маданияти. Т.: Фан ва технология нашриёти, 2005.

3.Ҳамиджон Ҳамидий. “Авесто”дан “Шоҳнома”гача. Т.: Шарк, 2007.

### **“Авесто”да қонун ва инсон ҳуқуқи талқини**

Режа:

1. “Авесто” – маънавиятимиз сарчашмаси эканлиги.
2. “Авесто”да қонун талқини.
3. “Авесто” инсон ҳақ-ҳуқуқи ҳақида.
4. “Авесто” – оила ҳуқуқи тўғрисида
5. “Авесто”да аёл эрки талқини.

Таянч сўз ва иборалар:

Зардуштийлик таълимоти. “Авесто”. Спитамон Зардушт. Ботиний, зоҳирий фикр. Сиёсий ва ҳуқуқий тафаккур. Исо Масих, Буддо ва Конфуцийларнинг таълимоти. Эзгу ҳаёт, Ашоҳ-ҳақиқат. “Тоҳлар”. Ахура Мазда. Унинг аён-ашрофлари. Дуруғвандга қарши. Жангарилар ибтидода ва амалда. Ёруғ ният.

Башарият улкан умидлар, эзгу ниятлар билан учинчи минг йилликка қадам қўйди. ХХI аср халқлар ўртасида тинчлик, барқарорлик, дўстлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик асри бўлиб қолади, маданиятлар бир-бирига янада яқинлашади, деган улуғ умид ҳар бир инсон қалбини мунаввар этиб, унга кўтаринки рух бағишламоқда. Ҳуқуқий, демократик адолатли давлат қуриш ва бозор иқтисодиёти мунсوباتларига асосланган фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсади билан астойдил меҳнат қилаётган республикамиз халқлари бу асрни миллий ғоя ва истиқлол мафқурасини такомиллаштириш билан қарши олдилар. Зеро, “Миллий истиқлол ғояси” бугунги тез суръатлар билан ўзгараётган таҳликали дунёда ўзлигимизни англаш, бизнинг кимлигимизни, қандай буюк ажодларнинг меросига, неча минг йиллик тарих, бетакрор маданият ва қадриятларга эга эканлигимизни ҳис этиб яшашга, бу бойликни асраб-авайлаб, демократик қадриятлар, бутун жаҳон тараққиёти ютуқлари билан озиқлантириб, янги ўсиб келаётган авлодга етказишга хизмат қилмоғи зарур” – деган эди Президентимиз И.А.Каримов.

Миллий ғоя ва истиклол мафкурасининг шаклланиши ва такомиллашувида миллий, маънавий-маданий мерос ва унга илмий-ижодий муносабат алоҳида аҳамият касб этади. Миллий ғоя ҳуқуқий, демократик давлат ривожланган мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда ва давлатчилигимизнинг миллий асосда вужудга келишини маънавий-руҳий жиҳатдан йўналтиригандагина у янги, умуминсоний кадриятларга айланиши мумкин.

Дарҳақиқат, Туронзамин энг қадимий маданият марказларидан бири эканини Ғарб ва Шарқ тадқиқотчилари исботлаганлар. Масалан, оромий ёзувлари бу ерларда 5 минг йил муқаддам юзага келиб, маданий тараққиётда катта бир қадам бўлган. Грек тарихчиси Геродотнинг таъкидлашича, Марказий Осиёда ҳақиқат, тартиб ўрнатувчига сиғиниш Зардуштийлик дини шакллангунга қадар ҳам мавжуд бўлган. Қадимги аждодларимиз эътиқод килиб келган Митранинг асосий ақидаси ҳақиқат ва ўртоқлик (дўстлик) бўлган. Ҳақиқатга сажда қилиш – дўстга бўйин эгиш бўлиб, у буюк қонун ҳисобланган. Ҳақиқатга сажда қилиш маросимларида йигитлар қиличлари билан қўлларидан қон чиқариб, дўстга содиқ қолиш учун қасамёд қилганлар. Турк йигитлари камар тўғаларининг икки томонида одам юзининг бир томони ифодаланган бўлиб, ҳар икки тўға кўшилгандагина одамнинг юз қиёфаси пайдо бўлган. Бу тўғалар одамлар ёвузликка қарши бирлашиб курашганларидагина чинакам инсоний сифатларга эга бўлишлари мумкин, деган ғояга ишора бўлса керак.

Шарқ ва Ғарб халқларининг инсонпарварлик ғоялари асосида илмий техника инқилоби шароитида улар ақл-идроклари маҳсули бўлган фан-техника ютуқларини янги бунёдкорлик томонга буриб юбориш рамзи бўлиб қолса, ажаб эмас. Буюк аллома Абу Али ибн Сино давлат емирилгач, ўша давлатни шакллантирган шахслар руҳи яшаб қолади, бинобарин, ана шу руҳни тиклаш, уни бугунги авлодлар руҳига пайванд этиш орқалигина тараққиётга эришиш мумкинлигини таъкидлаган эди. Бу билан Ибн Сино фалсафа фанидаги барча соҳада ворисликни саклашнинг бағоят муҳимлигига эътиборни қаратган эди.

Демак, бугунги ўзбек давлати ўша қадимги ва ўрта асрлардаги Турон давлатчилигининг ҳуқуқий вориси сифатида шакллансагина у мустақкам асосга эга бўла олади, деб ўйлаймиз. Француз тадқиқотчилари инсонпарварликнинг дастлабки шакли орийлар руҳи си-



фатида Марказий Осиёдан Хитой, Ҳиндистон, Оврўпага кириб борганлигини исботлаганлар. Тадқиқотлардан маълум бўлишича, Эра-миздан олдинги VI асрларда узок Шарқдаги Амур дарёсидан тортиб Волга бўйларигача ҳамда бутун Кичик ва Ўрта Осиё ерларини ўз ичига олган Турк ҳоконлиги бўлган. Милоддан олдинги V асрда Олтой ва унинг атрофида “Баланд арава” номи билан аталган Турк давлати ҳукм сурган. Хитой манбаларида Хун ва Суғд кони бўлган турклар “Самовий мағрурлар” деб аталади ва улар дўстлик ҳамда биродорликни жуда-жуда қадрлаганликлари таъкидланади.

Бу фикрлардан маълум бўлдики, инсоният тарихида энг жиддий бурилишни бошлаб берган зардуштийликнинг айнан Марказий Осиёда юзага келиши томоман қонуний ҳодисадир. Файласуф Карл Ясперснинг фикрича, милоддан аввалги 800-200 йилларда жаҳон динларининг асослари яратилдики, барча соҳалар йўналишларида ялпи умумийлик (универсаллик)ка интилиш бошланди. Ўша пайтларда нимаики ўйланган ва бунёд этилган бўлса, башарият шу кунгача ўша мақсадлар билан яшаб келмоқда.

Зардуштийликдаги эзгуликни қарор топтириш ғоясини инсонпарварликнинг буюк тамал тоши, деса бўлади. Шу ғоя асосида шаклланган давлат ва жамиятда одам энг олий кадрият даражасига кўтарилади. Ахурамазда ўз бандаларига ирода эркинлигини бериб, эзгуликни ёвузликдан ажрата билишни, фақат ёвузликка қарши қураш жараёнидагина жамиятда эзгулик барқарор бўлишини айтади.

“Авесто”да жамият бир бутун ижтимоий тузум сифатида тас-вирланади ва бунда давлат муассасалари билан бирга жамият ташкилотлари баҳамжиҳат фаолият кўрсатишлари кераклиги уқти-рилади.

Жамиятда эса шох, бош вазир (у айни пайтда бош қўмондон), вазирлар, бош мўъбод (қоҳинлар сардори), қўшин бошлиқлари, сарбозлар, олимлар, мударрис, табиблар, устоз, муаллимлар, раис, боғбонлар, додгустир, мироб, котиб ва шу сингари ижтимоий табақалар бўлиши айтилади. Айни пайтда улар тавсифланиб, ҳуқуқ ва бурчлари батафсил баён этилади.

Жамиятни бошқариш учун Илоҳий Низом ва Одил Низом (Оша) зарурлиги айтилиб, давлат маҳкамаларида ва жамоат ташкилотларидаги барча йўналишлар шу Низомлар доирасида фаолият кўрсатишлари керак бўлади. Илоҳий Низом талаблари “Авесто”-нинг “Вендидод” ва “Ҳот” (Ғоҳ) китобларида баён этилган. Илоҳий

Низомларга кўра одам фаолиятининг барча йўналишлари эзгулик руҳи билан сугорилган бўлиши шарт. Ахурамазда одамларни эзгу ниятда, эзгу сўзда ва эзгу амалда сусткашлик килмасликка даъват этади.

Оламни яратган, эзгулик нурини таратган ва одамлар фаолиятини ўз фаришталари орқали назорат қилиб борадиган Ахурамазда (ягона тангри) “Вендидод”да одамлар ёмон фаолиятлари учун шу ёруғ дунёда жазоланиши кераклигини Зардуштга тайинлайди. Масалан, бир зардуштий била туриб дин ва эътиқодни бошқа зардуштийга ўргатмаса арзон ўлим билан жазоланиши кераклиги айтилади.

Таълим ва тарбия жараёнида устоз ва шогирд бурчи ҳамда масъулияти Низом-конунда белгиланган. Бунга кўра Устоз “Авесто”да айтилган Ахурамазда ўғитлари ва талабларини қандай бўлса шу мазмунда ўқувчига етказиши керак бўлган. Ўқувчилар илоҳий ва дунёвий Низом талабларини яхши ўзлаштириб олишлари зарур бўлган. Қизлар 7 ёшдан 15 ёшгача, ўғил болалар 7 ёшдан 17 ёшгача ўқиши мажбурий ҳисобланган. Кейин ихтиёрий равишда ўқишни давом эттириш мумкин. Ахурамазда ёмон тарбиячи ўз таълими билан илоҳий сўзларни тесқари қилиши ва тириклик идрокини вайрон айлашини айтиб, ундай кишилар одамларни ростликнинг бебаҳо сармоясидан ва эзгу ниятдан мосуво айлашига эътиборни қаратади. 33-Ҳотда “Ҳар бир киши бу дунёда тирикликни бунёд этувчи конун бўлган Оша – ҳақиқат таълимоти асосида яшаши лозим”, дейилади. Шу хотнинг 3-бандида бундай дейилади: “Ҳар ким ҳақиқат йўлида зардуштий билан – хоҳ қариндоши, хоҳ ҳамқори, хоҳ дўст-ёри бўлсин – энг яхши алоқада бўлса ва кимдаким ўз ғайрати туфайли мавжудотни ҳифз – ҳимоя айласа, ҳақиқат – Оша ва эзгу ният саройида абадий саодатга восил бўлажак”.

“Вендидод” Зардуштнинг турли ҳаётий масалаларга оид Ахурамазда – ҳақиқат ва Олий ҳакамга мурожаати ва олган жавоблари асосида тузилган. Унда шахсий, оилавий-маиший ҳаётдан тортиб ижтимоий-сиёсий ва маънавий-ахлоқий соҳаларгача ҳар бир одам феъли-атвори, хатти-харакати, бутун фаолияти қандай бўлиши кераклиги уқтирилади. Масалан, бировнинг айби билан бўғоз ит ўлса, ўша одам ўлимга маҳкумдир. Кимда-ким ҳайз кўрган аёл билан жинсий алоқага кирса, унга ҳам арзон ўлим вожибдир. Агар эркак киши балоғатга етган қиз ёки жувонни хомиладор қилган бўлса ва у аёл номусига чидай олмай гўдакни нобуд қилса,

эркак ва аёл қатл этилиши айтилади. Эркак киши аёлни хоҳ никоҳда, хоҳ никоҳсиз ҳомиладор қилиб қўйса, гўдак дунёга келиб балоғатга етгунга қадар эркак уни ўз қарамоғига олиши керак бўлган. Мабодо эркак аёлни старлича ҳимоя қила олмаса ва гўдакка шикаст етса ундай эркакка ўлим тайин этилади. Нафақат одам зоти, балки уй ҳайвонларига ҳам илтифот кўрсатиш ҳар бир диндорнинг бурчи ҳисобланган. Уларни эъзозламаган, озор берган одамлар албатта жазоланган. “Бандалар Зардуштнинг буюк каломига содик қолишга ўзини бурчли ҳисоблайди”. “Мен – Зардуштийман! Бутун вужудим жон-танзим билан дев ва девпарастрларнинг душмани, ҳақнарастрлар паноҳиман!”

Илоҳий Низом руҳи билан суғорилган Одил Низом талаблари бажарилишини назорат қилиш ва тегишли қарорларга келиш ҳар бир овул, кишлоқ ва туманда ташкил этилган жамоа маҳкамалари Оташқада (ибодатхона) қошида бўлган. Раис, додгустир (қози – судья) ҳамда бош мўбадлар раҳбарлигида жамоа йиғини чақирилиб, эл ҳамда Ватан тақдири билан боғлиқ масалалар муҳокама этилган ва муайян қарорлар қабул қилинган. Чунончи, йигитларни ҳарбий хизматга жалб этиш, канал қазиш каби оммавий сафарбарлик ишлари ана шу йиғин қарори билан амалга оширилган.

**“Вендидод”даги ҳуқуқий қарашларда – жиноятларни шартли равишда қуйидагича тасниф этиш мумкин:**

1. Динга қарши жиноятлар: ғайридин билан никоҳга кириш, қоҳинни ҳақоратлаш, мансабни суиистеъмол қилиш.

2. Шахсга қарши жиноятлар: хужум, таҳдид солиш, ҳомилани тушириш, аёлга ҳомиладорлик пайтида шикаст етказиш.

3. Ҳайвонларга, уй ҳайвонларига, хусусан, турли хилдаги итларга қарши жиноятлар.

4. Мулкий жиноятлар: ўтрилик, қароқчилик, аҳдни бузиш, талон-тароҷ, босқинчилик.

5. Ахлоқий жиноятлар: фоҳишабозлик, зўрлаш, эр-хотинларнинг хиёнати, қасддан оила қурмай юриш, никоҳ қоидаларини бузиш, зино, хиёнат.

6. Табиатга қарши жиноятлар: ер, сув, ҳаво, оловни асраш қоидаларини бузиш, ернинг мелиоратив ҳолатига қарамаслик, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қоидасини, жамоат ва шахсий гигиенасини бузмок, боғ-роғ, полизга зарар етказмок, сувни исроф қилмок, бетартиб бутазор яратмок, дарахт ўтказмок.

“Авесто”да бу ва бошқа хил жинойтларга бериладиган жазо ёки уларни ҳар хил мажбурият ҳамда жарималар билан алмаштиришнинг аниқ меъёри ёхуд мезонлари белгилаб қўйилган.

Масалан, денгиз кучугини ўлдирганга белгиланган жазо билан чўпон итини ҳалок этганнинг жазосида ҳам, жаримасида ҳам жиддий фарқ бор. Ёки ҳовуздан ювилмаган кўзада сув олган билан бугдойзорни найхон қилган, дарахтнинг шоҳини синдирганга бериладиган жазолар ҳам ўзаро фарқ қилади. Демак, гуноҳ учун бериладиган жазо тартиблари қатъий низом асосида қонунлаштирилган.

Подшоҳ ва вазирлар муҳим давлат аҳамиятига молик ишлар билан банд бўлганлар. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш маҳкамалари самарали ишлари учун уларга ёрдам берилган. Аммо уларнинг ички ишларига ҳуда-беҳудага аралашавермаганлар. Бу ҳол маҳаллий маҳкамалар ва “эркак уйлар”и каби (ҳозирги чойхоналарга ўхшаш) жамоат муассасалари масъулиятини ошишига имкон туғдирган. Ҳар бир одамнинг феъл-атвори, ҳатти-ҳаракати, бутун фаолияти жамоатчилик назорати остида бўлиб, уларнинг мусбат ва манфий жихатларини белгилаш мезони – Илоҳий ва Одил Низомлар бўлган. Маълумки, қадимги Эрон Вайжа (Хоразм)да қаҳратон қишларда жон сақлаш учун йимкард (ер ости шаҳар)лар қурилган. “Авесто” ва “Бундахшин”да йимкардларнинг бошқарув тизими қонунлари ҳам батафсил баён этилган.

“Авесто”да Зардуштийлик давридаги туроншоҳ Аржасп ва унинг давлати тафсилотлари ҳам мавжуд. Атроф-муҳит тозалиги ва жамоат жойлари покизалигини махсус кишилар назорат қилиб борганлар. Кимда-ким тозалик ва озодаликка риоя қилмаса, тартибга чакирилган ва қилган иши учун жавобгарликка албатта тортилган. Дарахтнинг бир шоҳини синдирган ҳам, нопок кўзани ҳовузга ботирган ҳам 25 қамчи билан жазоланган. Турмушга чикиб зурриёт қолдириш кераклигини унутган балоғат ёшидаги қизлар қопга солиниб, 50 қамчи қалтакланган. Балоғатга етиб, уйланмай юрган йигитлар эса темир камар боғлаб юриши шарт бўлган. “Авесто”да оила мустаҳкамлиги аёл эрки, хотин-қизларнинг жамоат ишлари, ибодат маросимларида эркаклар катори иштироки ҳам алоҳида таъкидланган. Бу масала ёдгорликнинг деярли барча қисмларида ўз ифодасини топган.

Зардуштийликда бир эркакка бир никоҳ раво бўлган ҳолос. Эр-хотиннинг бир-бири билан келиша олмаслиги, келиннинг қайнона

ёки қайнотага ёқмаслиги, фитнес, бўхтон, чиқимчилик туфайли оиланинг бузулиб кетишига маҳалла-қўй, жамоатчилик сира йўл қўймаган. Никоҳ томонларнинг бирида жинсий ёки руҳий ноқислик мавжуд бўлган тақдирда ёки хиёнат содир этилган ҳолдагина бекор қилинган. Зино ва зинокорлик қаттиқ қораланган. Зинокорлар тош бўрон қилинган ёки 14 та ариққа кўприк қуриб бериш билан ўз гуноҳларини ювиши мумкин бўлган. Бундан ташқари “Вендидод”да яйлов ва экинзорларни пайҳон қилган хонаки ҳайвонлар, ов ёки чўпон кучугига озор етказган, уларни қасддан ёхуд билмай ўлдириб қўйганларга қўлланиладиган жазо, жарима тартиб, меъёрлари ҳам батафсил баён қилинган.

Ижтимоий ёки хусусий мулкка кўз олайтирган ва уни ўғирлаганлар, қароқчи ва йўлтўсарлар ўлим жазосига ҳукм қилинган. Бировнинг жонига қасд қилганлар Ватан хоини сифатида дорга осиб ўлдирилган. Ўлим жазосига ҳукм қилинганлар ҳукм ижро этилгунга қадар канал казиш, ҳовуз ва қудуқлар қавлашда ишлатилган.

Умуман ҳар бир соғлом одам диний талаб ва низомларни бекаму кўст бажариши билан бирга ижтимоий-фойдали меҳнат билан шуғулланиши шарт бўлган. Айни чоғда унинг Низомларга риоя қилиши муқаддас бурчи ҳисобланган. Илоҳий ва дунёвий қонунқоидаларни ҳурмат қилиш, қадрлаш руҳида тарбияланган жамоатчилик муҳитида қонунларни бузиш ҳоллари камдан-кам учраган. Низом-қонунни бузган одам дарҳол эл-юрт олдида шармандаю-шармисор бўлган. Ундай одамдан қариндош-уруғ, ёру биродарлар ҳам юз ўтирган. Жамоатчилик нафратига дучор бўлган кишининг истиқомат жойларида бош кўтариб юриши амри маҳол бўлган. Хуқуқшунослигимизнинг илк илдизлари шунчалар тиниқ, шунчалар тугалки, биз уларни ўрганишимиз, улардан ижодий фойдаланишимиз бағоят муҳимдир.

Албатта, аجدодларимизнинг меросини қандай бўлса, шундайлигича ўзлаштириш керак, деган фикрдан йироқмиз. Аммо ҳуқуқий, демократик давлат қуришимизга азму қарор қилган ҳалқимиз ўтмиш маънавий меросига ижодий ёндошиб, бутунги барча ижтимоий муносабатларни такомиллаштирсалар, айни муддао бўлар эди. Айниқса, ёшларни қонунларни ҳурматлаш, қадрлаш руҳида тарбиялашда қадим аждодларимизнинг тарихий тажрибалари қўл келиши мумкин. Чунончи, қонунларни сўзсиз бажариш механизмини вужудга келтиришда, бунда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш

каби муассасалар ишларини юкори савияга кўтаришда аждодларимизнинг бой тажрибаларига таяниш жиддий аҳамият касб этади.

### “Авесто”да аёл ва оила ҳуқуқлари

Жамият аъзоларининг ярмидан кўпини ташкил қиладиган хотин-қизлар барча замонларда моддий ва маънавий неъматлар яратишда эркаклар билан бақамти заҳмат чекиб келганлар. Кўҳна Шарқ тарихи зарваракаларидан аёл заковатию жасорати, кароматию матонати хусусида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Шунинг учун ҳам ҳамма маънавияти юксак юртларда аёллар оила сардори – она, элнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида эъозланган, эрки муҳофаза қилинган.

“Авесто”да ҳам оила эрки, хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрни, онанинг хонадондаги мавқеи масалалари турли ўринларда ҳар хил муносабатлар билан махсус изоҳланган. Зардуштийликда қиз бола тарбиясига алоҳида эътибор берилган. Зардушт таълимоти ҳар бир ота-она ўз қизини балоғат ёшига (15 ёшга) етгунча замонасининг барча ҳунарларини билишини таъминлаши, мол боқишдан, рўзгор тутишгача мукамал ўргатиши, эътиқодда босиб, покиза қилиб тарбиялаши зарур. Бу бир томондан, ота-она ишини енгиллатиб, хонадон юмушларини ҳамиша саранжом, пок, исрофгарчиликсиз бўлишини таъминласа, иккинчи томондан, қиз турмушга тушган хонадоннинг обод ва озодалигини таъминлайди, қайнота ва қайнона ҳамда куёвнинг ҳурматини қозонади, янги оила мустаҳкамлигини таъминлайди. Бунинг учун қиз бола ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан баркамол бўлмоғи зарур. Бунда онанинг роли ва мавқеи анча юксакдир.

“Авесто”нинг жуда кўп ўринларида бевосита аёллар мадҳини учратамиз. Жумладан 3-ҳотда “Биз барча аёллар ва эркакларнинг пок рафгорлари, ол равонларини мадҳ этамиз дейилса, аштларда “Биз пок ва шижоатли аёлу эркакларнинг руҳи равонларини мадҳ этамиз”, деган фикрларга дуч келамиз. Зардушт бўлса, “аёл ҳуқуқини таҳқир этмок ёмон амалдир, у нодонлик белгисидир”, дейди.

Зардушт қизини турмушга бериш олдида қуйидагича насиҳат қилади: “Эй Пручисто, эй кенжа қизим, мен сенинг отанг эканман маздапарастлик динининг тарғиботчиси Жомаспни сенга жуфти

ҳалолликка интиҳоб эрдим. Энди сен ўзинг билан – ақлу фаросат билан маслаҳат қил, бу маслаҳатни қабул этсанг, поклик расми билан ақди никоҳингни боғлаймиз”. Зардушт яна бўлғуси келин-куёвларга қуйидагича мурожаат қилади: “Энди мен Сизларга шахсан мурожаат этаман: пандимга кулок солинг ва айтганларимни хотирангизга муҳраб олинг. Ҳалоллик билан қун кечириш йўлида ғайрат ва шижоатли бўлинг. Ҳар бирингиз яхши хулқингиз билан бир-бирингизга меҳр қўйинг, токим муқаддас эр-хотинликни хурсандчилик ва хушбахтлик билан ўтказинг”. Зардуштийларда никоҳ бир умрга муҳрланган, бир эркакка икки никоҳ ёки вақтинча никоҳ раво бўлган эмас. Эру хотиннинг бир-бирига хиёнат каттик лаънатланган, бегона эркак билан жуфтлашган аёл бадном қилиниб, жазоланган ва никоҳдаги эри учун “ҳаром” ҳисобланган.

Аждодларимиз жамиятда, оилада аёлнинг эрлар билан баробар ҳуқуқли бўлишларига интилишган.

“Авесто”нинг 53-яштида Ахурамазданинг бу хусусидаги фарзларию Зардушт пандлари келтирилган. Яшглардаги мулоҳазаларга караганда жамият ҳаётининг бирон соҳасида хотин-қизлар ҳуқуқи чекланган эмас. Чунончи, улар рўза тутган, беш вақт номоз ўқишни қанда қилмаган, ибодатни ўз хоҳишларига кўра яқка ёки эркаклар жамоасига ҳамроҳликда адо этишган. Оташқадалардаги қироатда мусиқа жўрлигида Яздонни мадҳ этувчи мадҳияларни ижро этишда қатнашган. Оила бутунлиги ва фаровонлигини таъминлашда аёлнинг ўрнига алоҳида эътибор беришган.

Шунинг учун ҳам аёл маъбудалардан бўлмиш Оша-ҳақиқат яхшилик тимсоли. У ер юзида ҳаминша яхшилик тантанасини таъминлайди: юрт осойишталигию, эл фаровонлигининг барқарорлигини бунёд этмоқ учун Ахриман ҳамда девларга қарши кураш олиб боради. Ўша кезларда “Ошабону” деб ном қўйишнинг расмий тус олганлиги ҳам ана шу рамз билан боғлиқ.

“Авесто”нинг, асосан, насрий баёнларидан иборат бўлган “Вендидод” қисмида оила бутунлигини сақлаш, никоҳ тартиблари, эр-хотиннинг мажбурияти, никоҳнинг бекор қилиниши сабаби ва шартлари анча батафсил баён этилган.

Алоҳида яшгларда Ахурамазда ёки Зардуштнинг келин-куёвларга даъвати, мурожаатлари келтирилган. Ахурамазда дейди: “Эй Спитамон (Зардуштнинг лақаби. Унинг Спитама қавмидан эканлигига ишора) Зардушт! Мен оилали эркакларни оиласиз мардлар-

дан кўра мухтарам тутаман. Кимда-ким балоғат ёшига етган йигитнинг уйланишига моддий ёрдам берса, унга бу дунё-ю у дунёда савоб ёғдираман”, “уйланиш, оила қурмоқчи бўлган ҳар бир кишига йўл кўрсатмоқ ва моддий ёрдам бермоқ ҳам мазҳабларнинг вазифаларидир”. Зардушт дейди: “Эй оила қураётган йигит-қизлар, сизларни огохлантириб шуни айтаманки, ҳар бирингиз покиза ҳаёт йўлида ғайрат қилингиз. Ҳар бирингиз яхши хулқ ва яхши хатти-ҳаракат, амал билан ўз ҳаётингизнинг хуррам ва саодатли ўтишига эришинг!”

Шуниси характерлики, зардуштийлар одатича қиз балоғатга етгач, уни турмушга бериш ота-она измида бўлса ҳам кизнинг розилиги албатта сўралган ва у билан ҳисоблашган. Кадхудо (эр), кадбону (хотин) машваратисиз, розилигисиз кизни эрга бериш мумкин бўлмаган. Ўз вақтида жуфти ҳалол танлай олмай ёки бошқа жисмоний сабабларга кўра турмуш қурмай, ёшлари ўтиб қолган аёллар додгустир (кози) фатвоси билан Оташкада ва унинг қармоғидаги китобхона, дармонгоҳ (поликлиника), сиҳатгоҳ (қасалхона) ҳамда хужраларда хизмат қилишган. Бунинг учун натурал тарзда маош олганлар.

Зардуштийликда кўп хотинлик қатъий манъ этилган. Айни пайтда ҳаётни бўйдоқ ўтказиш ҳам қораланган. Балоғатга етган қиз бола ота-она, жамоанинг раъйини писанд қилмай, ўзидан зурриёт қолдиришни истамай қасдан турмушга чикмай умргузаронлик қилиб юрса, у қонга солиниб, 25 дарра калтаклаш билан жазоланган; Йигит зурриёт қолдириш қобилияти бўла туриб атайлаб уйланмай юрса, уни бадном қилиш мақсалида ҳар доим темир камар боғлаб юришга мажбур этилган.

Бундан ташқари “Авесто”да оила қуриш, жуфти ҳалол танлашда шошма-шошарликка йўл қўймаслик, ота-она, кексалар маслаҳатига кулоқ тутиш хусусида ҳам диққатга молик мулоҳазалар мавжуд: “Эй мардум, ўзгаларнинг яхши маслаҳатларига кулоқ тутинг ва уларга равшан андиша билан қаранг. Яхши билан ёмонни фарқлашга диққат қилинг. Ҳар бир эркак ва аёл фурсатни бой бермай ўзи тўғри йўлни танласин, токим ҳаёти пок ва хирадманд ёр билан ўтадиган бўлсин”. Юқорида таъкидлаганимиздек, “Авесто”да никоҳ ва талокнинг ўзига хос мезонлари бирма-бир қайд қилинган. Жумладан, турмушга чиқиш ва уй бекаси бўлишнинг беш тури кўрсатишган:



1. Подшоҳ хотин. Бунинг маъноси шундаки, йигит ва қиз ота-оналарнинг розилиги билан тумуш қурадилар. Бунда оналарнинг мавқеи баланд бўлади.

2. Аюқхотин. Яъни “яккабону”. Агар йигит бирон оиладаги ягона фарзанд – кизига уйланса, ота-онани яккалаб, меросхўрсиз қолдирмасликка ваъда беради. Янги оилада туғилган биринчи ўғил бобосию бувисининг номига ўтказилади ва бола уларнинг меросхўри бўлади.

3. Чокар хотин. Аввалги жуфти ҳалолидан ажралган эркак ёки аёл ўзига янги турмуш ўртоғи танлайди. Зардуштийлик эътиқодича, эр ёки хотин вафотидан сўнг олдинги жуфти ҳалоллигига никоҳ соҳиби ҳисобланади. Бинобарин, иккинчи эр ёки хотин олдингисининг “чокари” бўлиб қолаверади. Шунингдек, эр фарзанд кўриш илинжида биринчи хотини розилиги билан иккинчи маротаба уйланса, иккинчи аёл биринчисига нисбатан “чокар хотин” ҳисобланади.

4. Ўзбошимча хотин. Зардуштийлик дини қондасига кўра, ўғил-қизлар 21 яшар бўлгунга қадар эркин жуфти ҳалол танлаш ҳуқуқига эга эмас. Агар йигит қиз билан аҳду паймон қилиб, ота-оналар розилигисиз никоҳдан ўтмоқчи бўлса, жамоат вакиллари бундай тўйни ўтказишган. Аммо мўъбад никоҳ ўқиётганда томонлар ўзбошимчалик билан оила қураётганликлари учун уларга тегажак меросдан маҳрум этиладилар” деган жумлани кўшиб қўйган. Бу келин “худсар – ўзбошимча хотин” номини олган.

5. Ситтар хотин. Агар эр-хотин узок муддат яшасалару зурриёт кўрмасалар ёки кўчага биров ташлаб кетган чақалоқни олиб “фарзандхонд” қилиб олишса, оила аёли “ситтар хотин” бўлади.

“Авесто”нинг айнан шу масалага оид бобларида никоҳни бекор қилиш ва талоқ масаласи ҳам изоҳланган. Бу ерда ҳам эру хотиннинг тенг ҳуқуқлигига алоҳида эътибор берилган ва никоҳ бекор қилинишининг қуйидаги ҳолатлари санаб ўтилган:

1. Никоҳдан сўнг томонларнинг бирида асабий поқислик, телбалик аломати зоҳир бўлса, солим томон бу никоҳдан воз кечиш ҳуқуқига эга.

2. Эр эркаклик қобилиятига эга бўлмаган тақдирда аёл талоқ қилиш имкониятидан фойдалана олади.

3. Уч йил давомида ҳам эр оиланинг моддий жиҳатини таъминлай олмай келса, ҳатто аёлини боқа олмаса, хотин бундай эрни ташлаб кета олади, яъни талоқ қилади.

4. Агар томонлар бир-бирларининг бошка эр ва хотин билан зино қилганларини сезса, бундай никоҳ “ҳаром” бўлади ҳамда солим томон нопок томонни гуноҳкор сифатида талоқ қилади.

5. Агар хотиннинг ҳаёти эр зулмидан хавф остида қолса, у ўз жуфтани талоқ қилиш ҳуқуқидан фойдаланади.

6. Хотин ўз эридан коникмай ножўя, ғайришаърий хатти-ҳаракатлар қилса, эркак бундай аёлдан воз кеча олади. Эркак киши уйланиш пайтида олдинги хотинини бекитсаю тўйдан кейин бу сир фош бўлса ҳам бундай никоҳ ботил ҳисобланади.

7. Эркак ёки хотин зардуштий динидан юз ўгирса, яъни бошка динни қабул этса, талоқ вожибдир. Зардуштийликда оила муқаддас саналгани учун бошка сабабларга кўра, жумладан, игво, тухмаг эр-хотиннинг ўзаро келишмовчилигига, ота-она билан чиқиша олмаслик баҳонаси билан никоҳни бекор қилишга йўл қўйилмаган. Хотин-қизлар орасида учраб турадиган бўҳтон, чакма-чақарлик, хусумат гуноҳи азим сифатида қаттиқ қораланган. Гап ташувчи игвогарлар дарра уриш билан жазоланган.

Куйидаги фикр аёл зотининг жамиятда, оилада инсоният тарихида тугган ўрнига берилган энг адолатли баҳодай туюлади: “Дастлабки кундаёқ Ахурамазда аёлларга буюрди: “Эй аёл! Сени эътиқодли ва паҳлавон эркакларни вужудга келтириб мсхр тўла оғушида парвариш эт, деб яратдим. Токи улар нодурустлик ва нопоклик илдизини ер юзидан йўқотсинлар”.

Шуниси характерлики, “Авесто”да аёллар номи ҳам рамзий моҳиятга эга эканлиги изоҳланган. Масалан, ёдгорлик матнида хотинлар “Рита Сиябону” ёки “Ошабону” деб аталган. Бунинг маъноси “поклик ва ҳақиқат соҳибаси”дир.

“Бону” сўзи ҳам “чароғон”, “ёруғлик” маъносини англатади “Матри”, яъни “Она” сўзи “тарбияловчи” маъносида изоҳланган. “Авесто”да сингил сўзи “Совасри” шаклида қўлланилган бўлиб, “Муқаддас ва хайрихоҳ” маъносини англатади.

Хуллас бутун Турону Эрон халқларининг муштарак ёдгорлиги “Авесто”да аждодларимизнинг хотин қизларимизни муқаррам тутиш ва оилани муқаддас билиш ҳақидаги пешқадам фикрлари ўз ифодасини топган, муажассамланган. Энг муҳими, зардуштийлик эътиқодидаги боболаримиз ва момоларимиз оилани жамиятнинг

муқаддас асоси деб билиб, унинг ривожу равнаки, мустаҳкамлиги учун курашган<sup>9</sup>.

### **Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:**

1. “Авесто” маънавиятимизнинг қадимий сарчашмаси эканини тушунтириб беринг.
2. “Авесто”даги қонунчиликни изоҳланг.
3. “Авестода инсон ҳақ-ҳукуки” масаласи ҳақида сўзлаб беринг.
4. Оила ҳукуки масаласининг “Авесто”да қўйилишини изоҳлаб беринг.
5. “Авесто”да аёллар ҳукуки қай йўсинда ҳал этилганини тушунтириб беринг.

### **Адабиётлар:**

1. Ҳ.Бобоев, С.Ҳасанов. “Авесто – маънавиятимиз сарчашмаси”. Т.: Адолат, 2001.
2. М.Мирҳамидов ва бошқалар. “Юристнинг нутқ маданияти”. Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2005.
3. Ҳамиджон Ҳамидий. “Авесто”дан “Шоҳнома”га. Т.: Шарк, 2007.
4. М.Умарзода. Авесто сирлари. “Жаҳон адабиёти” журнали, 1997 йил, 4-сон.

### **Амир Темурнинг ибрати.**

Режа:

1. Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асаида Соҳибқиронга берган таърифи.
2. Амир Темур нотик учун зарур бўлган сифатлар ҳақида.
3. Соҳибқироннинг Низомиддин Шомийга топшириғи.
4. Жомийнинг “Зафарнома” асаида соҳибқирон нотиклигини исботловчи далиллар.

---

<sup>9</sup> Муаллиф мазкур мавзунинг ёритишда Ҳ.Ҳамидийнинг “Авестодан Шоҳномагача” (Т., 2007) китобининг 110-114 бетларидан тўлиқ фойдаланилди. Бунинг учун муаллиф Ҳ.Ҳамидийга миннатдорчилик билдиради.

5. Ҳофиз Абрўнинг “Зубдат ут-таворих” ҳамда Ибн Арабшоҳнинг “Амир Темур тарихида тақдир ажойиботлари” китобларида Соҳибқирон нотиклиги ва сиймоси талқини.

**Таянч сўз ва иборалар:** назм айтмоқ, илтифот, “Мажолис ун-нафоис”, “Зафарнома”, “Зубдат ут-таворих”. “Тақдир ажойиботлари”. Таъриф ва тавсиф. Ҳофиз Абрў. Низомиддин Шомий. Сиймо, “ажру савоб - беандоза бўлсин”, қирғин-барот урушлар. Ташбех ва муболағалар, яхши ва равон сўз, авомга ва хосга макбул, вилоят, лашкар, аркони давлат, фитнаю фасод, расм-русуми, сўз либоси, ободончилик ишлари.

Низомиддин Мир Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” асаарида шундай ёзади:

“Темур Кўрагон – агарчи назм айтмоқка илтифот қилмай-дурлар, аммо назм ва насрни андоқ хўб маҳал ва мавқеъда ўқиб-дурларким, анингдек бир байт ўқиғони минг яхши байт айтқонича бор”. Яъни ул зот ўзи шеър ёзмаган бўлса-да, лекин шеърый ва насрий асарлардан шунча кўп ёд олган ва уларни шундай яхши ўқир эканки, бунга ҳамма койил қолар экан. Бундай қобилият эса фақат билимдон, нозиктаъб инсонларда бўлади.

Зехни ўтқир, заковати тенгсиз Соҳибқироннинг бу борадаги фазилатлари Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримкул Қодировнинг “Амир Темур сиймоси” китобида ҳам муҳим тарихий манбалар асосида алоҳида таъкидланган. Амир Темур саройида котиб бўлиб ишлаган ва унинг ҳаёт йўлини яхши ўрганган тарихчи Ҳофиз Абрў “Зубдат ут-таворих” асаарида куйидагиларни ёзади: “Амир Соҳибқирон мактабда ўз тенгқурларидан сабоқда ўзиб кетарди. Балоғат ёшита етгунча илм, адаб, хат ва суҳанворлик касб этди. Ундаги теран билим шижоатта пайванд бўлди ва шундан сўнг амирлик мансабини эгаллади”.

Ибн Арабшоҳ “Амир Темур тарихида тақдир ажойиботлари” китобида Соҳибқиронни бундай тасвирлагайди: “Темур баланд бўйли, қадимий паҳлавонлардай улкан коматли, елкалари кенг, боши шерникидай катта, бармоқлари йўғон, оқу қизил тиниқ юзли, йўғон овозли, икки кўзи бамисоли икки ёниқ шамдай оловли. бадани пишиқ, худди тош мисоли қаттиқ, ўлимдан қўрқмайдиган, изтиробсиз, вазмин одам эди”.

Ҳофиз Абрў бежиз “Суҳанворлик касб этди” деб ёзмаган. Ибн Арабшоҳнинг: “... йўғон овозли..., вазмин одам эди”, деб таъриф беришида ҳам Соҳибқироннинг Аллоҳ юктирган истеъдодига ишора бор.

Нотик учун вазминлик ва тингловчиларга залвор билан етиб борадиган овоз жуда муҳим. Соҳибкирон Амир Темур бобомизда нотик учун керакли бўлган барча сифатлар жамулжам бўлган. Ул зотнинг нотиклигини исботловчи мисоллар Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асарида кўплаб учрайди.

Шомий “Зафарнома”сининг икки қўлёзма нусхасигина сақланиб қолган. Биринчиси Амир Темурга тақдим этилган қўлёзманинг 1425-йилда кўчирилган нусхаси бўлиб, у Истанбулдаги “Нури Усмония” масжиди кутубхонасида 3367-рақам билан сақланмоқда. Иккинчиси муаллиф томонидан Амир Темурнинг набираси Мирзо Умар Баҳодир ибн Мироншоҳга тақдим этилган қўлёзмадан кўчирилган нусха бўлиб, у Лондондаги “Британия музейи” кутубхонасида сақланади.

Мазкур асарнинг Амир Темур ҳақида ёзилган манбалардан фарқли томони шундаки, унда Соҳибкироннинг айтган ва сўзлаган нутқлари жуда кенг ўрин олган. Бу ҳолат эса Амир Темурнинг ўткир нотиклигини, нутқида ортиқча сўз ва ибораларга ўрин берилмаганлиги, ҳар бир сўзни ўз оҳанги билан, ихчам ва лўнда ҳамда кескин ҳолатда айта олиш маҳоратини намоён этади.

Ул зотнинг сўзлаган нутқларида аниқ мақсад, режа кўзда тутилгани ёрқин кўринади. Низомиддин Шомий ёзади: “Соҳибкирон ҳазрат менга: “Шу услубда ёзилган, ташбеҳ ва муболағалар билан оро берилган китобларда кўзланган мақсадлар ўртада йўқолиб кетади. Агар сўз қоида-қонунидан насибадор бўлганлардан биронтаси маънисини фаҳмлаб қолса қолар, аммо қолган ўнтаси, балки юзтаси унинг мазмунини билишдан, мақсадга етишдан ожиз. Шу сабабли, унинг фойдаси барчага баробар бўлмайди”, дегач, бунда (Низомиддин) ер ўпиб арз шарафига шундай етказдим: “Ҳарчанд сўз мартабалари кўп ва манзиллари саноксиздир, аммо абадиятга пайванд ушбу давлат соясида бу фақирнинг сўз санъатида бақадри имкон қудрати ва унинг услублари борасида бу фан арбоблари наздида шуҳрати бордир. Олимлар макбул сўз ҳақида шундай деганлар: “Яхши ва равон сўз улдирким, авом халқ унинг маъносини англагай, хос кишилар эса унга айб қўймагай”.

Шунинг учун айтмишлар (байт):

**“Ғар истейдод бўлмаса ҳеч ким айтолмас,  
Хосга макбулу омма тушунгудек сўзни”**

Амир Соҳибқирон ҳазрат: “Мен ана ўшандок сўзни хоҳлайман”, деди. Мен дуо маросимини бажо келтиргач, арз иззатгоҳига шундай деб етказдим: “Агар ҳукмлари жорий бўлса, бу банда шу тариқа йўлдан боргаймен, кудратим етгунча унинг уҳдасидан чиқишга урунгаймен ва хизматини умрим шарафи деб билгаймен”.

Юқоридаги суҳбатдан кўриниб турибдики, Амир Темур сўзнинг кудратини теран ҳис этган ўта билимдон, сўз сеҳрини англаган, нотиклик санъатини мукамал билган, сўз билан амалга ошиши мумкин бўлган ҳар неники англаб етган юксак маънавият эгаси бўлган. Амир Соҳибқирон ёш йигитлик чоғида амакиси Амир Ҳожи Барлос Хуросонга жўнашга қарор қилади. Амир Соҳибқирон унга шундай дейди: “Сиз Хуросон томонга боришга азм қилибсиз! Вилоят ва мам-лакат ҳокимсиз ва бошликсиз қолиб, унга фитнаю футур йўл топгай ва зарар етгай. Агар маслаҳат кўрсангиз, мен ўз вилоятимга бориб, у жойдан подшоҳ хизматига юзланай, унинг амирлари ва вазирларини кўрай, токи вилоят хароб бўлмасин” (Н.Шомий. “Зафарнома”). Соҳибқироннинг бу сўзлари Ҳожи Барлосга таъсир этиб, маслаҳатга мувофиқлигини билди ва унинг гапларини тўғри деб топди. Эътибор берилса, Амир Темур сўзларида бирорта ортиқча, ўринсиз сўз учрамайди. Улар барчаси ақл оловида тобланиб, пишиб етилиб, нутқ орқали намоён бўлмоқда. Фикр аниқ, тушунарли, лўнда ва таъсирчан. Соҳибқирон эл-юртни ўйлаб, унинг тинчлигини таъминлаш ҳақида қайғуради эди.

Амир Темурнинг халқпарвар, юртпарвар зот эканликларини унинг мана бу сўзлари ҳам тасдиқлайди. Мағлубиятга учраган Амир Хусайн Амир Соҳибқиронга: “Ўз хонадонинг ва элингни омул сувидан ўтказ!” – деб букюради. Амир Соҳибқирон жавоб беради: Эл-юрт, яқин кишилар омул сувидан кечиш мақсадида жўнаб кетдилар. Аммо бундан нима фойда? Ахир, вилоят вайрон бўлади-ку, яшашу тирикчилик одамлар учун аччиқ кечмоқда, шаҳарлар харобага айланди. Маслаҳат шулки, сиз саломат жўнайберинг! Мен яна бир неча кун туриб, лашкар тўплайман ва бу душманлар билан яна бир бор жанг қиламан”<sup>10</sup>, – деди. Унинг бу нутқидан ботирлик ва довюраклик балқиб турибди.

Амир Соҳибқирон қайси юртга борса, у ерда тартиб ва осойишталик ўрнатиш йўлини тутганлар. У зот Туфлис мавзеига борганларида амирларини ва аркони давлатни йигиб, шундай нутқ

<sup>10</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома. 48 бет.

сўзлайди: “Мен шу замонда воқеъ бўлган ҳодисаю харобликлар, фитнаю фасод боисидан вужудга келган ажойиб ҳолатлар ва ғаройиб ишларни кўрмоқдамен; конун-қоидалар издан чиққан.

Подшоҳлик расм-русуми йўқолган. Албатта, қудратли подшоҳлар бўлмаганидан кейин мамлакат аҳволига ташвиш ва паришонлик йўл топиши таажжубким, ўтмиш подшоҳлар ва собиқ маликларнинг тутган сиёсати ва ҳокимияти устидадир. Уларнинг шунчалик улуғворлиги, комронлиги ва жаҳондорлиги бўла туриб... қандай қилиб шу дамгача, мамлакатни ва салтанатни бошқарганлар”<sup>11</sup>.

Эътиборлиси шундаки, Амир Соҳибқирон нотикликда ҳам, жасурликда ҳам ўз тингловчиларига ибрат бўлган. Унинг нутқидан бирон сўзни олиб ташлаш қийин. Ҳамма сўзлар ўз ўрнида, мақсад нишонига беҳато тегмоқда. Бундай нутқни тинглаган амиру уламолар, аркони давлат Амир Соҳибқирон мақсаду муродини чуқур англаб, унга ишониши, эргашиши табиий эди.

Соҳибқирон бобомизнинг куйидаги нутқида хайрли ишларга даъват мужассам: “Номдор подшоҳлар қудратининг фойдаси, адолат шиор маликлар ғамхўрлигининг манфаати хайрли ишларни шойиъ қилиш ва яхшиликларни ёйишдир. Ҳозирда биз ўтмиш подшоҳлардан қолган асарларни назорат қиляпмиз. Бирок, албатта, биздан ҳам бирор ёдгорлик қолиши лозимки, замон ўтиши билан бизнинг номимиз ўша ёдгорликда сақланиб қолсин ва унинг ажру савоби беандоза бўлсин”<sup>12</sup>.

Амир Темур Тарағайнинг ўғилларига айтган васият нутқига эътибор берсак:

“Ўғилларим, миллатнинг роҳати, саодатини сақламоқ учун сизларга қолдираётган васият ва тузукларни яхши ўқинг, асло унутманг ва татбиқ этинг.

Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Заифларни кўринг, йўқсилларни зангинлар (бойлар) зулмига таппаманг. Адолат ва ийилик (яхшилиқ) қилмоқ дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин. Мен каби узун (узок) салтанат сурмоқ истасангиз, қиличларингизни яхши ўйлаб чекингиз. Бир дафъа чекикдан сўнгра-да, уни усталик-ла қўллангиз. Орангизга нифоқ тухумлари экилмасин учун чўқ (кўп) зийрак, эҳтиёткор бўлинг. Баъзи нодимларингиз ва душманларингиз нифоқ тухумларини сочмоққа, бундан фойдалан-

<sup>11</sup> Ўша асар, 135-бет.

<sup>12</sup> Ўша асар, 318-бет

моққа тил бириктирадилар. Фақат васиятимда сизга идора шаклини, унинг асоси – йўриқларини кўрсатдим. Буларга содик қолсангиз тож бошингиздан тушмас.

Ўлим тўшагида сўзлаган отангизнинг бу сўзларини унутмангиз.

Мендан сўнг хоқон Пир Муҳаммад Жаҳонгир бўлажак. Унга менга итоат этган каби итоат этингиз”.

(Йиғилган бутун кўмондонлар, сарой одамлари йиғлаб туриб юзларига фотиҳа тортдилар. Темурнинг сўнгги сўзи “Ла илоҳа иллолоҳ...” бўлди).<sup>13</sup>

Тарихчи Турғун Файзиев сохибқирон умрининг сўнгги дақиқалари ва васияти хусусида бундай ёзади:

“Нақл қилинишича, Хитой сафарига отланган Амир Темур йўлда, тўғрироғи, Ўтрорда бетобланиб ётиб қолади. Амир Темурнинг ёнида фақат Сарой Мулк хонимгина туришга ҳақли эди. Хукмдорнинг кўзғалишга ҳам мадори етмас, бинобарин, Сарой Мулк хоним унинг ахволидан кечаю кундузи хабардор бўлиб турар эди. Тунларнинг бирида толиққан Сарой Мулк хонимни уйқу ғалаба қилиб, бир нафас пинакка кетади-ю, шу захоти сесканиб уйғонади. Ва шу асно дарҳол хукмдор ётган тарафга кўз ташлайди. Бироқ қай кўз билан кўрсинки, тўшакда хукмдор йўқ эди. Сарой Мулк хоним санчиб туриб, ташқарига югуради. Посбон олдига чиқиб, хукмдорни сўрайди. Посбон унга таъзим этиб, қоронғилик томонга ишора қилади. Сарой Мулк хоним ўша томон қоқилиб-суқулиб елиб бораркан, кичик бир тепалик устида турган қорага кўзи тушади. Бу Жаҳонгир Амир Темур эди. У елкасида чопон, чуқур хаёлга чўмган ҳолда қоронғиликка тикилиб турар эди. Сарой Мулк хоним хаяжонда:

– Бу қандай гап, улуғ амирим?! Изгиринли тунда касал ҳолингиз билан... бу ерда туришингизда не ҳикмат бор? – дея амирни ўрдагоҳ томон етаклайди. Темур ўрдагоҳга келиб, ўз ўрнига ётгач, Сарой Мулк хоним бу ғайритабиий аҳволот сирини яна сўрайди. Амир Темур хўрсиниб, оҳ тортгач, шу кеча кўрган тушини сўзлайди:

<sup>13</sup> “Темурнинг ўлим тўшагида сўзлаганлари” Рафик Ўздакнинг “Туркларнинг “Олтин китоби” (Истанбул, 1990 йил. “Таржимон” рўзномаси нашри). 2-жилдидан Тўра Мирзо олиб келган.



– Ҳар икки чеккаси баланд қамишлар билан ўралган катта йўлда отимни елдириб бораётган эдим. Тўсатдан йўл четидаги қамишлар шитирлаб қолди. Мен ўша томонга қарадим. Қарадиму ҳайратдан от жиловини тортиб, тўхтатдим. Қамишзор ичидан падари бузрукворим шитоб билан чиқиб келаётир эдилар. Мен ҳайрат ичинда отдан тушиб, отам истиқболларига юрдим. Аммо падари бузруквор менга илтифот қилмай, олдимдан ўтиб бориб, отимнинг эгар-жабдуқларини ечиб олиб, ўз келган йўлларига қайтиб, қамишлар орасига кириб, кўздан ғойиб бўлдилар... Мен катта йўл устида гарангсиз, яланғоч от ёнида турганим ҳолда уйғониб кетдим... Уйғонганимда аъзойи баданим титраб, қизиб кетаётган эди. Бу хосиятсиз туш дахшатидан ташқарига қандай чиқиб кетганимни ҳам сезмай қолибман... Ҳарҳолда паймона тўлганга ўхшайдир...

– Яхши ният қилинг, улуғ Амир, дард бошқа ажал бошқа; шуқр, саломатлигингиз яхши! – тасалли беришга уринарди Сарой Мулк хоним.

– Йиғидан фойда йўқ, хоним! Тақдирни табдил қилиб бўлмас... Шуқр, тонг ҳам ёриша бошлади. Посбонга буюринг, амир Шайх Нуриддин, амир Шохмалик ва амир Хўжа Юсуф ҳузуримга кирсинлар.

Амирлар ва беклар соҳибқирон қароргоҳига қирганларида у тўшакда беҳол ётарди. Сарой Мулк хоним ҳукмдорга яқинлашиб, амирлар ташрифи ҳақида секингина шивирлагач, у нурсиз кўзини оҳиста очиб, яқинроқ келиб ўтиришларига ижозат берди. Амирлар қисқагина ҳол-аҳвол сўрашишгач, ҳукмдорнинг оёқ томонида – пойгоҳдан жой олиб, бутун вужудлари қулоққа айланган ҳолда ерга қараб ўлтирардилар. Ҳукмдор оҳиста кўзини очиб, амир ва бекларга бир-бир разм солгач, энтикиб-энтикиб сўз бошлайди:

– Маълумингиз бўлғайки, Жаҳонгир Мирзонинг фарзанди Пир Муҳаммад Мирзони валиаҳд этиб тайинлайдурмен. Тоқим Самарқанд тахти ва аркони давлат анинг ҳукми – фармонида бўлғай. Мамлакат ва миллатнинг осойишталиги, қўшин салоҳиятининг мукамаллиги, раиятнинг хотиржамлиги борасида фойдали тадбирлар кўрсин. Бинобарин, сизлар ҳам итоат ва эҳтиром борасида унга байъат билдириб, салтанатни бошқаришда, эл-юртнинг тинчлиги, мусулмонларнинг осойишталиги учун ҳамжиҳат бўлиб, кўмаклашмоғингиз лозим. Сизларнинг ҳамжиҳатлик ва иттифок

билан қилган ишларингиз узоқяқиндаги дўст-душманларга кўри-ниб турсин. Токим ўзаро низоларга ўрин қолмагай ва ҳечким салтанатга қарши исён кўтаришга ўзида жасорат топмагай. Билакс, ўзаро низолар вужудга келгай, раият бошига ташвиш ва надоматлар ортиб, мамлакат ободонлиги барҳам топгай. Инчунун менинг кўп йиллик саъй-ҳаракатларим зос кетгай...”

Амир Темур ҳолсизланиб кўзини юмади. Бу унинг сўнги васияти эди.

Амирлар, беклар ва юртнинг катталари ҳамда шу ерда ҳозир бўлган шаҳзодалар, маликалар ҳукмдорнинг васиятини мукамал бажаришга қасамёд қилишгач, амир Шайх Нуриддин охиста сўз бошлайди.

– Агар амри олий берсангиз, Тошкент, Самарқанд ва Ҳиротга хабар юборсак, токи фарзанди дилбандларингиз – шаҳзодалар зудлик бирлан етиб келиб, жаноби олийларининг хусни таважжуҳларидан баҳраманд бўлиб, гавҳарфишон насиҳатларингизни ихлос қулоғи бирлан тинглаб, итоат камарини белларига боғласалар, фойдадин холи бўлмас эрди.

Амир Темур аста кўзини очиб, амирларга мунгли назар соларкан, чап кўлини кўтариб, аввал кўрсаткич бармоғини, кейин ўрта бармоғини кўрсатади-да, кўлини тушириб, кўзини юмиб олади. Амирлар ҳукмдорнинг имо-ишорасига тушуна олмай, саросимада Сарой Мулк хонимга қарайдилар. Шу аснода ҳукмдор тамшаниб, кўзини очиб амирларга қарайди.

– Вақт ўтди, бир-икки кунлик умр қолди. Афсус, уларни кўриш насиб этмади. Энди дийдор кўришмак қиёматга қолди, – дейдию яна кўзини юмади.

Дарҳақиқат, эртаси ҳижрий 807 йил 17 шаъбон, милодий 1405 йил 18 феврал чоршанба кечаси шом билан хуфтон намози ўртасида соҳибқирон амир Темур кўрагоннинг жони узилди. Унинг ўлими ҳаммадан сир тутилиб, тунда махсус безатилган аравада амир Хўжа Юсуф бошчилигида Самарқандга жўнатилди. Шундан сўнг амир ва беклар кенгаш ўтказиб, узоқ-яқиндаги барча шаҳзодаларга хабар юборишга, соҳибқироннинг вафотини вақтинча сир тутишга, токи салтанат душманлари оёкка қалқиб исён кўтармасинлар, деган қарорга келдилар<sup>14</sup>.

<sup>14</sup> Кўчирма: Ўзбегим. “Ватан” серияси Тошкент, 1992 йил, 5-8 бетлар.

Амир Соҳибқироннинг сўзга бениҳоя эътибори у улуг зотнинг саркардалиқ ва давлатни бошқариш санъатида ёрқин из қолдирган.

Амир Темур бобомизнинг бу борадаги ўзига хос услубини чуқур ўрганиш, сўзга, нотикликка шунчалар масъулият билан ёндашганларидан ибрат олиш баркамол авлодни тарбиялаш жараёнида алоҳида аҳамият касб этади.

Бу мавзуга янада чуқурроқ ёндошиш орқали Амир Темурнинг нотиклик борасидаги маҳоратини теран ёритиш галдаги вазифалардир.

### **Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:**

1. Алишер Навоийнинг соҳибқиронга берган таърифи ҳақида сўзлаб беринг.

2. Соҳибқирон нутқидаги сифатларни тушунтириб беринг.

3. Низомиддин Шомийга Амир Темур топшириғи ва унинг ижроси ҳақида нима дея оласиз?

4. Соҳибқироннинг нотиклиги ҳақида ёзилган қандай манбаларни биласиз?

5. Пиримқул Қодировнинг “Амир Темур сиймоси” китобида Соҳибқироннинг зеҳни ва заковатининг тенгсизлиги ҳақидаги қандай маълумотни биласиз.

### **Адабиётлар:**

1. Алишер Навоий: “Мажлис ун-нафоис” Т., “Фан” 12 том, 1966.

2. Н.Бекмирзаев. Буюк ибрат. “Адабиёт ва санъат” газетаси, 2010 йил, 9 апрел.

3. Н.Бекмирзаев. Хосга мақбул, омма тушунгудек сўз соҳиби, “Маърифат” газетаси, 2010 йил, 7 апрел.

4. Низомиддин Шомий. “Зафарнома”. Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 1996.

5. Пиримқул Қодиров. “Амир Темур сиймоси”. Т., “Ўзбекистон”, 2007.

## Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ҳаёти ва нотиклик фаолияти

Режа:

1. Ҳусайн Воиз Кошифий ҳаёти ҳақида қисқача маълумот.
2. Кошифийнинг воизликка хос дабирлик, хатиблик, музаккирлик каби тўрт йўналишдаги фаолияти.
3. Кошифийнинг воиз сифатидаги фаолияти.
4. Кошифий воизнинг нутқ техникаси ҳақида.
5. Кошифийнинг тингловчиларни икки тоифага ажратиши ва уларга сўзланадиган нутқда нималарга эътибор бериш ҳақида.
6. Кошифий кисса ўқиш ва кисса эшитишнинг фойдаси ҳақида.

**Таянч сўз ва иборалар:** тасалли, таскин, фосиқ, беҳудо, баҳсу муноқаша, ёлғончи - худонинг душмани, мунофикона сўз, навкар, давлат воизи, дуои бад, мазах-масхара, ровий, киссагўй, қиссахон, футувват аҳли, маддоҳлар, хатиблик, хитоба илми, дабирлик, музаккирлик, миллатнинг руҳи, улуғлар сўзи бамисоли уруғдир, худбинлик, мувозанат, меҳру-вафо, фаромуш, ҳалол, улус, марғуб, жозибадор сўз-амал дарахти, сўз - Оллоҳнинг ердаги сояси.

Воизлик санъатининг катта билимдони, Низомиддин Мир Алишер Навоийга замондош Ҳусайн Воиз Кошифий турфа фанларга оид “Футувватномаи Султоний”, “Ахлоки Муҳсиний” каби бир қатор асарларини ахлоқ, нутқ одоби ва нотиклик (воизлик) санъатининг ўзига хос сирларини очишга бағишлади. Унинг “Футувватномаи Султоний” ҳамда “Ахлоки Муҳсиний” китоблари ўз замонасидаёқ мадрасаларда дарслик сифатида қўлланилган. Ҳусайн Воиз Кошифий воизликнинг уч хил кўринишида ҳам амалда бемалол нутқ сўзлаган. Ҳусайн Бойқаро топшириғи билан давлат аҳамиятига эга бўлган хат, нома ва ёзишмаларни ўқиб беришда нотиклик санъатининг **дабирлик туридан** фойдаланган. Ҳайит намози кунларида, намоз жума ва бошқа байрамларда Ҳусайн Воиз Кошифий воизлик санъатининг **хатиблик кўринишидан** фойдаланиб, унда одоб-ахлоқ, ислом қоидаларига монанд масалаларни шарҳлаб хитоба илмига хос тамойилларни ишга солиб маъруза қилган. Шунингдек, у ўтган тарихий воқеалар, турфа хил ходисалар ҳақида воизликнинг музаккирлик туридан фойдаланган.

Хусайн Воиз Кошифий юкоридаги асарларида сўз танлашда нотикнинг фаросати ва диди ҳақида, нутқ жумлаларида ҳар бир сўзнинг ўрни муҳимлигини, тингловчиларнинг эса билим савияларини ҳисоб олган ҳолда ваъз ўқиш сирларига эътиборни қаратган ва бунга ўзи тўлиқ амал қилган. Шунингдек, воизнинг шакли-шамоилидан тортиб, тили ва дилидаги муштараклик ҳам муҳимлигини таъкидлаган. Профессор Низомиддин Маҳмудовнинг ёзишича: “Жуда катта истъодди ва қамровли билими билан шоҳ Хусайн Бойқаронинг эътибори, Алишер Навоийнинг эътирофига сазовор бўлиб, давлат воизи сифатида ном қозонган Кошифий ваъз, уни тайёрлаш ва айтишда зарур бўладиган сифатларнинг ҳеч бирини, каттасини ҳам, кичигини ҳам назардан соқит қилмаган. У нутқни таъсирчан ва жозибадор, аниқ ва равон, мақсадли ва жўяли бўлишида овознинг балану-пастлиги, товланишларининг аҳамияти ҳақида гапирган. Ваъзхоннинг ўзини тутиши, ташқи қиёфаси, сўзлаш тарзи, мимикаси, бош, юз, қўл, умуман тана ҳаракатларининг нечоғлик муҳимлигига диққат қилган”<sup>15</sup>.

Хусайн Воиз Кошифий тахминан 1440 йилларда Хуросон вилоятидаги Сабзавор шаҳрининг Бойҳак кентида тахминан тахминан 1504-1505-йилларда вафот этган. Бошланғич маълумотни Сабзаворда олиб, ёшлигиданок нотикликка қизиқади. 1455-1468-йилларда Машҳадда нотиклик санъати билан машғул бўлади. 1468-йил охирларида Ҳирот шаҳрига келиб яшай бошлайди. Кошифийнинг икки киз ва бир ўғил фарзанди бўлган. У Хуросонда Хусайн Бойқаронинг бош воизи ҳисобланган. Кошифийнинг ўғли Фаҳриддин Али Сафий “Латойифут тавойиф” номли асарида отаси ҳақида шундай ёзади: “Кунларнинг бирида аҳли мажлисга Мавлоно Сайд Ғиёсиддин деган машхур сўз устаси анча кечикиб келган. Шу мажлисда Абдурахмон Жомий ундан сўрабди:

– Нечун кечикдингиз, мавлоно Ғиёсиддин?

– Мени маъзур тутинг, устод – дебди Ғиёсиддин, келаётган эдим, масжиди жомеъда Хусайн Воиз нутқ сўзлаётган экан, шунга маҳлиё бўлиб қолибман”.

– Хусайн Воиз Кошифий нутқлари ўзининг жозибадорлиги билан ҳар қандай кишини жалб қила олган. Айтишларича, Хусайн Бойқаро Хуросонга подшоҳлик қилган йилларида мамлакатда

<sup>15</sup> Низомиддин Маҳмудов. “Ўқитувчи нутқи маданияти”. Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007 йил. 15-16 бетлар.

бўлиб турган норозилик кўзғолонларини бостиришда ва мамлакат фуқаролари ўртасида расмий нутк сўзлаш лозим бўлган пайтларда Ҳусайн Воиз Кошифийнинг сиёсий, тарғиб-ташвиқ қилувчи оташин нутқларидан, халқ ўртасидаги катта обрў-эътиборидан фойдаланган. Шунингдек, 1499 йил 8 ноябрда буюк шоир мавлоно Навоийнинг устоди Абдурахмон Жомийнинг дафн маросимида Алишер Навоий ўзининг таъзия марсиясини, яъни мотам нутқини ўқиб эшиттиришни, шу таъзия маросимида ваъз айтган Ҳусайн Воиз Кошифийга топширганлиги бежиз эмас<sup>16</sup>.

Кошифийдаги бу ноёб истеъдод Навоийдек буюк “Сўз соҳибқирони”ни ҳам унга бўлган ҳурматини оширган. Унинг нутқларидаги таъсирчанлик ва мазмундорлик, тингловчилар қалбини забт этиш қудрати нутқ матнидаги бадий тасвир воситаларидан ҳамда ўзбек тили бойликларидан усталик билан фойдалана олганлигида, ўз нутқида ширин ва шаробдек маст қилувчи яхши сўзлардан ўринли фойдалана билганлигида, яъни Кошифийдаги катта маҳоратдан дарак беради. Бу ҳақда унинг ўзи қуйидаги мисраларни битган:

Яхши сўздин кўргайсан меҳру вафо,  
Номунсиб қулдан етгай жафо.  
Фахш сўздин тилни хомуш айлагил,  
Балки кўнглиндин фаромуш айлагил.  
Ҳар сўзиким содир бўлса бемаҳал  
Етгай андин обрўйингга ҳалал

(Равшанбек Маҳмудов. Деганимни улусқа марғуб эт. Т.: Ўзбекистон, 1992. 84бет).

Ҳусайн Воиз Кошифий нотик учун овознинг аҳамияти муҳимлигини теран англаган. Бу ҳақда юқоридаги рисолада Равшанбек Маҳмудов қуйидагиларни ёзади: “Овознинг ингичкалиги бадгумонлик, ваҳмноклик далилидир. Овознинг мўътадил (ёқимли) бўлиши тадбиркорлик, ҳар ишга яхши саранжом бермак нишонасидир. Овознинг димоғда чиқиши кибру аҳмоқлик ва камфаҳмлик аломатидир. Охисталик бирла сўзламоқ хўблик (гўзаллик ва яхшилик) нишонасидир. Сўз айтиш вақтида қўл тебратмаслик зийраклик ва яхшилик нишонасидир” – дейди.

<sup>16</sup> С.Иномхўжаев. Алишер Навоий нотиклик санъати ҳақида. Т.: “Билим” жамияти, 1968. 13-бет.

Дархақиқат, ўйлаб гапириш нотиқнинг донолиги, билими ақли теранлигининг белгиси, гапира туриб ўйлаш бунинг акси бўлиши табиий. Нотиқнинг ички кечинмалари, билим даражаси, маънавий дунёкараши, обрўси унинг путкида кўринади. Қисқача қилиб айтганда нотиқнинг ҳар бир сўзи унинг ўзи, ўзлигини намойиш этади.

Хусайн Воиз Кошифий сўзлаш вақтида одамларга хос муомала муносабат мувозанатини сақлашга чақиради: **Бириичи**, ёлғон гапиришдан, зеро ёлғончи Худонинг душманидир. **Иккинчи**, ваъдага хилоф гапириш ва мунофиқона сўз айтишдан. **Учинчи**, ғийбат ва бўхтон гаплардан, чунки бўхтон фосиқлар ишидир. **Тўртинчи**, беҳуда бахсу муноқашадин, айб қилишдан ва гап топишдан. Булар шайтон васвасасига киради. **Бешинчи**, ўзини макташ ва таърифлашданки, бу худбинликка олиб келади.

**Олтинчи**, навкар ва хизматкорларни лаънатлашдан. **Еттинчи**, қарғишдан, дуойи бад қилишдан, чунки бу жону дилнинг офатидир. **Саккизинчи**, мазаҳ-масхара қилиш ва ҳазил-хузилдан”<sup>17</sup>.

Хусайн Воиз Кошифий ўзининг “Футувватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тариқати” китобиде воизни ва эшитаётган одамларни ҳам икки тоифага ажратади.

1. Мартабага эришганлар. 2. Мартабага эришмаганлар.

Уларга сўзланадиган нутқда воиз нималарга эътибор беришлигини таърифлаб беради: “Агар мартабага эришганлар суҳбатида қайси қоидаги амал қилиш керак, деб сўрасалар. Айтгил, қуйидаги **саккиз қондани** сақлашлари керак: **биринчидан**, ҳар кимнинг аҳволига қараб, муносиб сўз айтсин. **Иккинчидан**, дағаллик қилмасдан, лутф ва мулойимлик билан гапирсин. **Учинчидан**, гапираётганда табассум қилиб, очилиб гапирсин. **Тўртинчидан**, овозини баланд кўтармасин, эшитувчиларга малол келтирмайдиган қилиб гапирсин. **Бешинчидан**, одамларга нафи тегадиган маъноли гапларни гапирсин. **Олтинчидан**, агар сўзнинг қиммати-қадри бўлмаса, уни тилга олмасин, чунки улуғларнинг сўзи бамисоли уруғдир, агар уруғ пуч ёки чириган бўлса, уни қасрга экманг, униб чикмайди.

Агар мартабага етмаганларнинг суҳбат одоби нечта, деб сўрасалар, бу ҳам **саккизта** деб айтгил. **Биринчидан**, сўрамагунларича гапирмасин. **Иккинчидан**, гапираётганда овозини баланд кўтармасин. **Учинчидан**, гапираётганда ўнгу сўлига қарамасин. **Тўртин-**

<sup>17</sup> Хусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. Т., 1994. 51-бет.

**чидан**, ғаразли ва кинояли гапларни гапирмасин. **Бешинчидан**, қаттиқ гапирмасин ва бетга чопарлик қилмасин. **Олтинчидан**, пушаймон бўлмаслик учун ўйлаб гапирсин. **Еттинчидан**, одамлар гапини бўлиб сўз котмасин. **Саккизинчидан**, кўп гапирмасин. Чунки кўп гапириш ақли ноқислик белгисидир. Оз бўлса ҳам, аммо саз гапиришни инкор этмасин” (Ўша китоб, 58-бет).

Ўтмиш аждодларимиз тарихида қиссахонлик ҳам муҳим ўрин тутди. Шу соҳа билан шуғулланувчи ровийлар, хикоят ва насрий қисса айтувчилар, шеърхонлик қилувчилар ҳам саводхон одамлардан чиққан. Улар ижросида айтилган қиссахонликнинг инсон маънавиятига таъсири, тарбиявий аҳамиятини Хусайн Воиз Кошифий биз фикр юритаётган китобида қуйидаги фикрларини билдиради.

“Шуни билки, қисса ўқиш ва қисса эшитишнинг фойдаси катта. **Биринчидан**, киши ўтган аждодларининг иши ва аҳволидан хабардор бўлади. **Иккинчидан**, одам ғаройиб ва ажойиб воқеа, саргузаштларни эшитса, фикри ва кўзи очилади. **Учинчидан**, ўтганларнинг Заҳмату уқубатларидан хабардор бўлса, ҳеч ким бу дунёда ташвишгадан озод эмаслигини англаб, кўнги таскин топади. Тасалли бўлади. **Тўртинчидан**, ўтган подшолар давлати ва мулкнинг заволини эшитса, дунё молига меҳри сусаяди. **Бешинчидан**, қисса эшитган беҳад кўп ибрат олади, тажриба орттиради. Бас, маълум бўладики, ўтмиш аждодларининг қиссаларида фойда кўп, агар бўлиб ўтган воқеалар бўлса, айтувчи ва ўқувчи билан бирга эшитувчи ҳам ундан наф топади ва агар ғайри воқеа (тўқима) бўлса, айтувчи учун гуноҳ ҳисобланса-да, аммо эшитувчи учун фойдали ва савобдир... (Ўша китоб, 81-бет).

Хусайн Воиз Аллоҳ ва унинг пайғамбарларига мақтов айтувчи маддох нотиклар ҳақида ҳам ибратли фикрларни билдирган:

“Шуни билингки, Футувват аҳли (яхши шадд) орасида маддохларнинг мартабаси энг баланддир. Бунинг сабаби шулки, аҳли байт, (пайғамбар) хонадони муҳаббати барчанинг кўнглида мавжуд ва агар бирор бошқа бировни севса, севгилисининг таърифини тилидан қўймайди... Маддохлар шундай хусусиятга эга қишилардир ва узлуксиз аҳли байт таърифида сўз айтадилар ва хонадоннинг ёдида сўз айтиш билан вақт ўтказадилар (Ўша китоб, 76-бет).

Қисқаси аждодларимиз орасида машҳур нотиклардан тортиб, саводли қиссахону, машҳур “қори”лар, сўз усталарию, маддохларнинг чиқиши ўтган ота-боболаримиз, момоларимиз маънавияти-



нинг бойишида муҳим рол ўйнаган. Улар ўз тингловчилари хузурларига чуқур билим ва ижод билан чиққанлар, ўзларига талабчан бўлиб, аждодларимизни ҳақ йўлига бошлашда бош-қош бўлганлар. Бундай ўйлаб қаралса дунёни яхши, эзгу ният ва эзгу сўз бошқармоқда. Сўзнинг қудрати бекиёс. Жалолиддин Румий ҳазратлари айтганидек, “Яхши сўз амал дарахтининг меваси”дир. Мана, Ўзбекистонимиз Мустақилликка эришиб, истиқлол даврида яшаётган эканмиз, бунинг кадрига етмоқ, мустақилликни кўз қорачигидек асрамоқ халқимизнинг муқаддас бурчидир. Модомики, шундай экан, она тилимиз бўлган ўзбек тилида чиройли гапириш санъатини эгаллаш зарур. Бу ишни боғча ёшидаги гўдақларимиздан тортиб, мактаб ва олий илмгоҳларда ўқиб таълим олаётган ўғил-қизларимиз, уларга таълим ва тарбия бераётган тарбиячи ва ўқитувчиларимиз, диёримизнинг барча жабҳаларида хизмат қилаётган юртдошларимиз олдида турган катта вазифалардан энг асосийси саналган “Миллатнинг руҳи” бўлган она тилимизда гўзал сўзлаш санъатини ўрганишимиз бугуннинг долзарб вазифаси эканлигини унутмайлик. Бу ҳақда юртбошимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлиснинг IX сессисида: “Ўз фикрини мутлақо мустақил, она тилида равон, гўзал ва лўнда ифода эта олмайдиган мутахассисни, авваламбор раҳбар курсисида ўтирганларини бугун оқлаш ҳам, тушуниш ҳам қийин” – деб айтган сўзлари барчамиз учун дастурул амал бўлмоғи шарт. Кейинги йилларда республикамиз микёсида ўтказиб келинаётган “Нотиклар танлови” худди шу йўлдаги савобли ва хайрли ишлардан саналиб, келажакда моҳир нотикларнинг етишиб чиқишига кенг йўл очади.

### **Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:**

1. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ҳаёти ҳақида сўзлаб беринг.
2. Дабирлик, хатиблик, музаққирлик сўзларини изоҳланг.
3. “Сўз - амал дарахти” иборасини изоҳлаб беринг.
4. Кошифийнинг давлат воизи лавозимидаги фаолияти ҳақида сўзланг.
5. Воизнинг нутқ маҳорати ва бу ҳақда Ҳусайн Воиз Кошифийнинг фикрларини айтинг.
6. Кошифий нима сабабдан тингловчиларни икки тоифага ажратган? Бу ҳақдаги фикрингиз.
7. Ровий, қиссаҳон, қиссагўй сўзларини изоҳлаб беринг.

## Адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. 12-том. Т., 1966.
2. Н.Бекмирзаев. Нотиклик санъати асослари. Т.: Янги нашр, 2008.
3. С.Иномхўжаев. Алишер Навоий нотиклик санъати ҳақида. “Билим” жамияти. Т., 1968.
4. М.Мирхамидов ва бошқалар. Юристинг нутк маданияти. Т.: “Фан ва техника” нашриёти, 2005.
5. Н.А.Жумахўжа. Истиклол ва она тилимиз. Т.: “Шарк”, 1998.
6. Хусайн Воиз Кошифий. Фугувватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тарикати. Т.: “Ўзбекистон”, 1994.

## Афлотун (Платон)нинг “Қонунлар” асари ҳақида

Режа:

1. “Қонунлар” асарининг яратилиши ва унинг аҳамияти.
2. “Қонунлар” асарининг бош йўналиши ва мақсади.
3. Афлотун адолатли давлат ва идеал давлат ҳақида.
4. Қонунлар қандай яратилиши керак ва унинг ижросини амалга оширадиганлар кимлар?
5. Ёшу қари албатта тарбияга муҳтож эканликлари ҳақида.
6. Асарда бугунги кун қонунчилигига мос ўринлар.
7. Асардаги қонунларнинг асосий тамойиллари.
8. Асардан ўрин олган нутқ ҳақидаги фикрлар.

**Таянч сўз ва иборалар:** Асосий тамойиллар, адолатли қонун ҳимоясида, никоҳ ва оила масаласи, аниқ фанлар, арифметика, гимнастика, мусикавий тарбия, эркак эрки, аёл ҳуқуқи, давлат ва жамият тузилиши, қонунларга бўлган асосий талаблар, умуминсоний қадриятлар, адолат, мардлик, номус, ватанпарварлик, ота-она ҳурмати, эзгу ишларни амалга ошириш, оддий услуб, баён услуби, ҳамдардлик, ҳузурланиш, фуқароларнинг ахлоқлари, турли-туман жазо, тадбир, сайр суд маҳкамаси ва ҳакам, нўнок, журъатсиз овоз, мусика ва рақс тарбияси.

Афлотуннинг асл исми Аристокл бўлган. Сукрот унга Платон лақабини берган. Юнонларда “платос” кенглик деган маънода ишлатилган. Бу бир жиҳатдан Аристоклнинг кенг елкали, полвон-сифат, бакуват жисмоний кўринишига ҳам мос келган.

Афлотун (Платон) тахминан эрамиздан аввалги 427-347 йилларда яшаб ижод этган.

У ота томонидан Аттиканинг охирги подшоҳи Кодрнинг авлодидан саналган. Она тарафидан эса афиналик машҳур қонуншунос (қонун чиқарувчи) Солоннинг акаси авлодига бориб такалади.

Афлотун ўзи яшаган даврга қадар ва ўз замонасида мавжуд бўлган барча фалсафий оқимлар яратган илмий янгиликлар, улардаги ғоявий қарашлару, йўналишларини чуқур ўрганган. Ўз замонасининг таниқли, машҳур файласуфларидан сабоқ олган, улар қўлида ўқиган ва ёшлигидан улар билан яқиндан мулоқотда бўлган.

Афлотун 20 ёшларида Сукрот билан танишади. Бу тахминан милоддан аввалги 407 йилларга тўғри келади.

Бу учрашувга қадар Афлотун ўша давр илми-фанини ва маданиятини ўзлаштирган даражада иқтидорли бўлган. У нафақат ижодкор, ҳатто жисмоний ҳаракатлар билан боғлиқ ишларда ҳам ном чиқара бошлаган эди. Яъни шоир, машшоқ, мусаввир, драматург, гимнаст, чавандоз ва полвонликни ҳам эгаллаган иқтдорли йигит бўлган. Ҳатто Истмия мусобақаларида кураш бўйича ғолибликни қўлга киритган.

Афлотун Гериклоит, Парменид, Демокрит ва бошқа файласуфларнинг асарларидан баҳраманд бўлиб, уларни чуқур ва изчил ўргангани. Сукрот билан учрашувдан сўнг Афлотунда кескин ўзгариш содир бўлади ва ўз ижодига танкидий қараб ёзган шеърларини ёкиб юборади, улардан айримлари (Афлотун кўзидан панада сақланиб қолганлари) бизгача етиб келган. Афлотуннинг Сукрот билан учрашуви унинг ҳаёти ва ижодида янги ажойиб бир даврни бошлаб берди. Бу учрашув узлуксиз саккиз йилга қадар, то Сукротнинг қатл этилишигача давом этган. Шу сабаб бўлса керак Афлотуннинг “Қонунлар” асаридан ташқари барча асарларидаги суҳбатларида устоз Сукрот иштироки таъминланган.

Ривоят қилишларича, эрамиздан олдинги 380-йилларда Афлотунга дўстлари Афина атрофидаги Академия номли бир боғни олиб берадилар, у ерда ўзининг фалсафий мактабини очади. Боғнинг Академия дейилишига сабаб, шу ерлик маҳаллий қаҳрамон Академ исмига нисбатан аталган экан.

Афлотун очган мактаб-академияси қарийиб 1000 йил давомида фаолият кўрсатган. Бу ерда дунёга машҳур алломалар Аристотел

(Арасту), Аристипп, Теофраст, Ксенократ, Деметрий, Фемистий ва бошқлар ўқиганлар.

Афлотун давлат қурилиши ва унинг пойдевори, ҳамда тартиб қоидалари, тараққиётини таъминлашда қонунларнинг ўрни ва кучи ҳақида бош котиради. Натижада унинг дастлаб “Давлат” номли асари, сўнгра етти йил давомида умрининг охирларида ёзган “Қонунлар” асари ярагилди. Афлотун бу китобни тўлиқ якунлашга улгура олмай, 347-йилда бу оламдан кўз юмди. У бу асарида давлат ва жамият қурилишини мукамал тасвирлашни мақсад қилган ва шу ҳақда қайғурган.

Мазкур мавзуда ёзмоқчи бўлган учинчи асарини ёзиб янада мукамал давлат тартиботларини ёритишни ўйлаган, бироқ уни ҳам ёзишга улгурмаган.

Афлотуннинг “Қонунлар” китоби ҳақида гап кетганда, бу асар **афиналик**, **спарталиқ** ва **критлик** уч қариянинг бир шаҳардан бошқа жойга сафарлари давомидаги ўзаро гурунглари (суҳбатлари) шаклида битилган. Ана шу сафар ва йўлдаги суҳбатлари асносида бу уч донишманд қария хаёлан ўзларича бир давлат барпо этадилар ва бу давлатнинг қурилиши ҳамда жамият тараққиётига мос қонунларни бамаслаҳат белгилаб, уччовлон бир-бирларининг фикр-мулоҳазаларини тўлдириб, турмушнинг барча жабҳалари бўйича қонунларини белгилайдилар.

Афлотуннинг “Қонунлар” асари ўн иккита китобдан таркиб топган. Ўн икки китобнинг дастлабки учта китоби гўёки кириш сўзи, дебоча сифатида қолган тўққизта китобда эса қонун ва тартиботларга қўйилган талаблар, қонунларнинг умумий йўналишлари ҳамда тафсилотлари баён этилади.

“Қонунлар” асаридан ўрин олган баъзи қарашлар бугунги кун талабалари даражасида эмас. Бироқ асардаги умумбашарий кадрятлар ахлоқ, одоб, таълим ва тарбия, адолат ва эзгулик, мардлик ва жасорат, саҳоват ва ҳалоллик, дид ва ақл, кўнгил ва идрок, умуман олганда баркамол авлодни тарбиялаш, одам боласини тўғри, ҳақ йўлга йўналтириш ҳақидаги фикр-мулоҳазалар бугунги кун учун ўз долзарблигини саклаб қолган. Албатта буни китобларни саҳифама-саҳифа ўқиган ўқувчи теран англайди.

“Қонунлар” китобининг 2002-йилда таржимасини амалга оширган Урфон Отажоннинг таъкидлашича, “Афлотуннинг асарлари кўп тилларга таржима қилинган, уларга шарҳлар ёзилган, асрлар давомида Ғарб ва Шарқда маълум ва машҳур бўлган “Давлат”

асарига Ибн Рушд-Аверроэс (1128-1198), “Қонунлар”га муалими соний Абу Наср Форобий томонидан шарҳлар ёзилган. Форобийнинг бу асари “Талхису навомиси Афлотун” (“Афлотун қонунлари моҳияти” – таржимон Урфон Отажон), деб аталади; бу асарнинг ўзбек тилига таржимаси Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти томонидан 1993 йили “Фозил одамлар шаҳри” китобида нашр этилган. Форобий “Қонунларнинг мураккаб усулда ёзилганлигини ва унинг сабабини тушунтириб, асар муқаддимасида бундай ёзади: “Бу унинг “Қонунлар”идаги усулдир. Биз, бу китобни тушунмоқчи бўлган ва ўрганишга қийналган одамларга фойдали бўлиши учун унинг ушбу асарида уқтирилган асосий маънони таъкидлаб кўрсатишга аҳд қилдик”.

“Қонунлар”нинг ушбу таржимасидаги сарлавҳачалар асл матнда йўқ, бу сарлавҳачалар рус тилидаги таржимада берилган ва улар шартлидирлар. 1578 йили Парижда Афлотун асарлари нашр этилган бўлиб, шу нашрнинг латин алифбосидаги бешта ҳарф ҳошиясига ёзилган саҳифалари халқаро анъаналарга кўра то шу кунгача барча нашрларда кўрсатилади. Ноширлар ва таржимон ана шу анъанага риоя қилганлар. Афлотундан бирор фикр келтириладиган бўлса ҳам албатта ана шу ҳошиядаги саҳифа белгилари кўрсатилади.

Ушбу таржима 1972 йили рус тилида нашр этилган Афлотун асарларининг 3-томи асосида амалга оширилди ва шу нашрдаги изоҳлар ва шарҳлардан фойдаланилди”<sup>18</sup>.

Буюк файласуф Афлотун (Платон) ўз асарида давлат ва жамият тузилиши, қонунлар, уларга бўлган талаблар, қонунларни одамлар ўртасида тарғиб этиш, тушунтириш ва ниҳоят, жорий этиш ҳақида фикрлар билдирган. Ушбу асарда умумбашарий қадриятлар, адолат, мардлик, номус, ватанпарварлик, ота-она ҳурмати, эзгу ишларни амалга ошириш каби масалалар ёритилган.

“Қонунлар” асарида баён этилишича: “Давлат ободончилигига икки нарса тааллуқли: биринчидан, мансаблар ва мансабдорларни тайинлаш, яъни уларнинг сони (миқдори) ва мансабга қўйиш усулини аниқлаш, иккинчидан, ҳар бир мансабдор қандай қонунлар бўйича иш олиб боришини белгилаш ва бу қонунларнинг сони ва сифатини аниқлаш... Қонунчилик – буюк иш. Аммо яхши тартибот берилган давлат яхши ўрнатилган қонунлар устидан ярқисиз ҳокимиятни қўядиган бўлса, у ҳолда бу қонунлар ҳеч қандай фойда

<sup>18</sup> Афлотун. “Қонунлар”. Т.: “Янги аср авлоди”, 2002. 441-бет.

келтирмайдилар ва анча кулгили холат юзага келади; янада ёмонроғи давлат учун у жуда улкан зарар келтиради ва уни ҳалокатга олиб боради (Ўша асар, 161-бет).

“...агар бирортамиз ҳақиқатни ва олий неъматларни истаб топишни хоҳлаб, юртимиз конунларидаги бирор нарсани хуш кўрмасак бир-биримизга мулойимлик билан муомалада бўлайлик (Ўша китоб, 19-бет). Демак, ҳар қандай вазиятда ҳам муомала маданияти зарурлиги юқоридаги жумлада яққол кўриниб турибди.

Шунингдек китобда: “Икки турдаги неъмат бор, дейилган: бирлари инсоний, бошқалари – илоҳий.

Инсонийлари илоҳийларига боғлиқдир. Агар, бирор давлат катта неъматлар олган бўлса, шу билан бир вақтда кичкина неъматларга ҳам эга бўлади, акс ҳолда унисидан ҳам, бошқасидан ҳам маҳрум бўлади. Кичкина неъматлар - бошида саломатлик турган неъматлардир, сўнгра гўзаллик келади, учинчи ўринда югуриш ва бошқа жисмоний ҳаракатлардаги куч-қувват, тўртинчи (ўринда) кўр-кўрона эмас, оқиллик ҳамроҳи бўлган зийрак бойлик. Илоҳий неъматларнинг **биринчиси** ва сарвари – бу **оқиллик**; **иккинчиси** – ақлга ҳамроҳ бўлган **руҳ** (нафс)нинг соғлом ҳолати; уларнинг (аввалги иккинчисининг) мардлик билан аралашшидани **учинчи** неъмат – адолат пайдо бўлади; **тўртинчи** неъмат – **мардлик**. ...яъни дунёвий неъматлар илоҳийларига қаратилган, барча илоҳий неъматлар эса раҳнамо ақлга йўналтирилгандир. Соҳиби конун одамларни бирлаштирувчи, қўшувчи никоҳ тўғрисида, кейин болалар туғилиши ва эркакларни ҳам, аёлларни ҳам гўдакликларидан то камолатга етгунларича – токи қаригунларигача тарбиялаш ҳақида қайғурмоқлари, ғамхўрлик кўрсатмоқлари зарур” (Ўша китоб, 15-16 бетлар). Фуқаролар тарбияси билан ва уларга ғамхўрлик борасида фикрлар бугун учун ҳам зарурат бўлиб келмоқда.

Китобдаги мана бу фикрлар нотиклик ҳақида: “Ҳар қандай нутқда, овоз ёрдамида биз нима ҳақида хабар берсак ҳам унинг дебочаси ва мақсадга эришишни осонлаштирувчи қандайдир тайёргарликдан иборат бўлган дастлабки машқ бўлади” (Ўша китоб, 191-бет). Эътибор берилса нутққа тайёргарлик кўриш ҳақида гап бормоқда.

“Шундай қилиб, бундан кейин, эшитувчилар ва нутқ сўзловчининг ўзи ҳам, кучи етган миқдорда ўзининг тарбиясини баркамол этиш учун, қандай даражада иштиёқ билан-кўпми ёки озроқ –

Ўз дили (нафси, руҳи), бадани ва мулки ҳақида ғамхўрлик қилиши зарур бўлган барчага тааллуқли ва жуда муҳим масалага мурожаат қилмоғи керак” (Ўша китоб, 133-бет).

“Кимки дилни нутқлар, тухфалар, ёнбосишлар билан улуғлашни ўйласаю, аммо уни ёмондан яхши қилишга ҳеч интилмаса, у уни (дилни) ҳақиқатан эмас балки кўринишигагина эъзозлайди. Ҳар қандай одам ёшлик чоғларидан бошлаб ўзини ҳамма нарсани билиб оладиган (идрок эта биладиган) деб ҳисоблайди ва мактовлар билан ўз дилимни улуғлаётиман, деб ўйлайди, шунинг учун унга ҳар нарса қилишга йўл қўйиб беради. Биз эса, бундай қилиб инсон ўз дилини улуғвор этмайди, аксинча унга зарар етказди, деб тасдиқлаймиз” (Ўша китоб, 134-бет) деб тўғри хулоса чиқарадилар. Бу фикрлар бугуннинг ҳам долзарб масаласи бўлиб келмоқда. “Худди шунга ўхшаб, ким-ки ножўя йўл билан мулкка эга бўлишга интилса ва бундай мулкка эгалик қилиш унга малол келмаса, у барча бундай тухфалар билан ҳеч ким ўз дили (нафси)га эҳтиром кўрсатмайди: бу билан у уни жуда беҳурмат этади, чунки озгина микдордаги олтин учун, дилида бўлган барча қимматбаҳо ва шу билан бирга зебо нарсаларни сотади. **Негаки, бугун ер юзида ва ер остида бўлган барча олтинларни эзгу иш билан тенглаштириб бўлмайди.** Қисқа қилиб айтганда, кимки соҳиби қонун шармандали ва ёмон деб ҳисоблашга қарор қилган нарсалардан барча воситалар билан ўзини сақлашни хоҳламаса ва кимки аксинча, соҳиби қонун яхши ва зебо (гўзал) деб ҳисоблашга қарор қилганларига бор кучи билан машқ қилишни истамаса, у одам ким бўлишидан қатъий назар, бу ҳолатларда энг илоҳий нарса – ўз дили билан ўта виждонсиз ва хунук муомалада бўлган бўлади... бизнинг ному-симиз, яхши нарсага эргашиш ва агар яхшиланиши ҳали мумкин бўлса, ёмон нарсани яхшилашдан иборатдир (Ўша китоб, 135-136 бетлар).

Мазкур кўчирмалаги фикрлар ўқувчини ҳалолликка, виждонли бўлишга ундайди. Мана бу парчада ҳам шунга ҳамоҳанг гаплар айтилган: “Болалари деб, уларга имкон борича кўп бойлик қолдириш мақсадида, ҳеч ким гаразгўй бўлмасин: бу улар учун ҳам, давлат учун ҳам яхши эмас... Болаларга олтин эмас, юксак виждонлилиқни мерос қолдириш керак. Биз, беномус ишлар қиладиган ёшларга ўз талабларимиз билан уни (яъни виждонлилиқни – тарж.) сингдирамиз, деб ўйлаймиз. Аммо бунга, ҳамма нарсада шарм-хаёни сақ-

лаш кераклиги ҳақидаги кечиккан маслаҳатлар ва оғзаки талаблар билан эришиб бўлмайди. Оқил соҳиби қонун, катта ёшдаги одамларга ўзларидан кичиклардан уялишни ва ёшлардан биронгаси улар (катталар) томонидан қандайдир ёмон хатти-ҳаракатни кўриб, ёмон сўз эшитиб қолишларидан эҳтиёт бўлишларини албатта маслаҳат беради; чунки чоллар беҳаё бўлган ерларда ёшлар жуда ҳам беҳаё бўлишлари муқаррардир” (Ўша китоб, 137-бет). Юқоридаги гаплардан шу нарса ойдинлашдики, катта ёшдагилар ҳамма йўналишда ёшларга ўрناق бўлишлари лозим. Яъни “ҳар ким экканини ўради” деган мақол бекорга айтилмаган.

“Ўзингни эр билсанг, бошқани шер бил” деган мақол бор. Шунга ўхшаш фикр “Қонунлар” китобида ҳам учрайди: “... Ҳар бир одам ҳаддан ташқари ўзини яхши кўришдан нари бўлиши, ўзидан яхшироқларини исташи ва уларни ўзидан юқори кўйишга уялмаслиги керак (Ўша китоб, 141-бет), – деб тўғри таъкидлаган. Бугун ҳам шу пандларга амал қилган одам ҳамма жойда бошқаларга ўрناق бўлади. Бу одамдаги камтарликни одабийликни кўрсатади.

Афлотуннинг “Қонунлар” китобидан ўрин олган “Суд маҳкамаси ва ҳакам (судя)лар” ҳақидаги баҳсли мулоҳазалари ҳам китобхон эътиборини тортади:

“Ҳар қандай давлат, агар унда судлар лойиқ тарзда тартиб топмаган бўлсалар, давлат бўлмай қолади. Ўз навбатида, бизнинг фикримизча, маҳкама пайтида тоттишувчи томонларга қараганда ортиқроқ сўз айтилмайдиган нўнок, журъатсиз судя адолатли ҳукм чиқаришга ҳеч қачон қодир эмас; бу фақат хусусий воситачиликда бўлиши мумкин. Мана шунинг учун жуда кўп сонли судя (ҳакам)лар бўла туриб, адолатли ҳукм чиқариш қийин, худди шундай равишда агар улар ёмон бўлсалар ҳам адолатли ҳукм чиқариш амримаҳолдир. Томонлар томонидан баҳс этилаётган нарсани доимо тушунишга ҳаракат қилиш керак; баҳсли масалани аниқлаш учун, бир қанча вақт давомида дастлаб, билинтирмай (пинхона) ва бир печа маротаба текшириш ўтказиш керак. Бунинг учун тортишувчи томонлар ўз қўшнилари, дўстларига ва иш билан яхши таниш одамларга мурожаат қилишлари зарур. Агар коникарли мулоҳаза пайдо бўлмаса, бошқа судга мурожаат қилишади. Агар бу судларнинг ҳеч бири ишни ҳал қилолмаса, учинчиси охириги қарорни чиқарсин.



Судларни тайинлаш ҳокимларни сайлашга маълум даражада тааллуқидир. Дарҳақиқат, ҳоким маълум бир ҳолатларда худди судья (ҳакам)дек иш юритади, ҳакам эса, ҳоким бўлмаса ҳам барибир ҳоким бўлиб қолади ва яна энг охиргиси эмас, – айнан маҳкама ишини тугатиб ҳукм чиқараётган кунда. Шунинг учун ҳакам (судья)ларни ҳам ҳокимлар қаторига қўшамиз ва улар қандай фазилатларга эга бўлишлари лозимлиги ҳамда ҳар бир айрим ҳолатда улар нечта бўлишлари, нимани суд қилишлари кераклигини кўриб чиқайлик” (Ўша китоб, 181-бет). Шундай қилиб тортишувчи томонлар танлаган судьялардан ташқари яна иккита суд бўлиши китобда кўрсатилган. Бири хусусий шахслар орасидаги ишларни кўриб чиқиш учун, бошқаси жамият манфаатларига путур етказилаётган бўлса у ишларни кўриб чиқишга хизмат қилади. Давлатга қарши қилинган жиноятлар тўғрисидаги айбловлар халқ ҳукмига ҳавола этилиши китобда аниқ кўрсатилган.

Жиноий қонунлар борасида: “Ҳеч ким, ҳеч қачон ҳар қандай гуноҳ иш учун жазоланмасдан қолмаслиги керак, ҳатто гуноҳ қилиб қўйган одам давлатдан ташқарига қочиб кетган бўлса ҳам” дейилади китобда (Ўша китоб, 287-бет). Демак, гуноҳкор ҳеч қачон кечирилмаслиги, қилган жиноятига яраша жазоланиши қатъий этиб белгиланган. “Қонунлар” китобида овоз бериш, эркин гапириш ҳуқуқига алоҳида аҳамият қаратилган. Яъни суд мажлисида ҳакамлар даъвогар ва айбланувчи қаршисида аввал сўзни шикоятчига, сўнг айбланувчига беришлари, гувоҳларни эшитишлари, сўнгра уларнинг нутқларидан керакли хулосалар чиқариб, ҳакамларнинг энг кексаси, тажрибалиси улар берган маълумотларга алоҳида эътибор бериб сўроқ қилишни бошлаши ва одилона ҳукм чиқариши лозимлиги уқтирилади.

Суд маҳкамаси раислари ҳеч кимга ўз сўзларининг ишончлилигини қасам ичиб тасдиқлашга, ўзини ва уруғини лаънатлашига, хунук илтижоларга ва хотинларнинг дод-фарёдларига руҳсат бермасликлари зурур, йўқ, ўғитлар бериб ва тушунарли тарзда нутқнинг одобини сақлаб, ўзининг ҳақлигини исботлаб, шу йўсинда ишни ниҳоясига етказмоқ лозим. Акс ҳолда раис нотикни ўз нутқи мавзусидан четга чиқиб кетаётган одам сифатида асл моҳиятга доим қайтариб туриши керак бўлади – деган фикрлар ҳам борки, булар ҳозирги замон суд мажлисларидаги жараёнлар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Афлотун ўзининг “Қонунлар” асарида: янги қонунчиликнинг тарихий зарурати, бўлғуси давлатнинг географик шароитлари, намунавий ҳукмдор сиймоси, намунавий қонунчиликнинг датстлабки чизмалари, намунавий (идеал) давлатни ташкил этиш: мансаблар, фукаролар тарбияси ва ҳаёт тарзи, суд маҳкамаси ва ҳакам (судя)лар, дин, хоровод (ўйинлар), никоҳлар, шаҳар қурилиши ва ҳарамлар қуриш, жамият ҳаёти, эр-хотинлик ва аёллар аҳволи, болаларни тарбиялаш эркаклар ва аёлларнинг маиший ва ҳарбий тенг ҳуқуқлари, мусиқий ва гимнастикавий тарбия, арифметика ва фалакшуносликка ўргатиш, ов ҳақида қонунлар, эркак ва аёлларни биргаликда тарбиялаш, байрамлар, ҳарбий мусиқий ва гимнастик муносабақалар, хунармандчилик, савдо ва деҳқончилик, кўчиб келган ажнабийлар, жиноятлар ва жазолар ҳақида таълимот, жиноий қонунлар, адолат ва адолатсизлик ҳақида, қотиллик ва зўравонликлар учун жазо, бошқа ҳуқуқбузарликлар, динга қарши жиноятлар, гуноҳ ишлар учун жазо, хусусий мулкни қўриқлаш ҳақида қонунлар, етимлар ва восийлар ҳақида қонунлар, ворислик ҳуқуқи, оилавий муносабатлар, ота-онларни эъзозлаш, суд маҳкамаси иши, халқаро муносабатлар, ўғрилик, ҳарбий хизмат ёшидагилар ҳақида қонунлар, молия ишлари, дафн этиш ҳақида қонунлар, қонунларни қўриқлаш муаммолари хусусида чуқур ва китобхонни ўйлашга мажбур этадиган фикр ва мулоҳазаларни ўртага ташлайди. Мана бир мисол: “Дилга барча қолган нарсалардан ташқари ақл хосдир, бошга эса – кўриш ва эшитиш. Қисқаси, энг зебо сезгилар билан бир яхлитликка бирлашган ақлни ҳар қандай мавжудотнинг халос этувчиси деб тўла ҳуқуқ билан айтса бўлар эди (Ўша китоб, 428-бет), дея фикр билдирилиб ақлнинг одам жисмидаги бошқарувчи неъмат эканлиги уқтирилади. Ёки касбга хос ҳолатлар ҳақида: Саркадаларнинг мақсади ғалаба ва душмандан устун келиш, шифокорлар ва уларнинг хизмачиларининг мақсади-бадан (жисм)га соғлиқ келтиришдир (Ўша китоб, 428 бет) - дея айтилган фикрлар нафақат ўша касб эгаларини, балки китобхонни ҳам касблар мақсади ҳақида ўйлашга мажбур этади.

Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов мазкур китобга ёзган сўз бошисида:

“Демократия дегани нима, тоталитаризм-чи? Қонун қандай яратилади ва унинг ижросини амалга оширадиганлар қандай

бўлиши керак? Қандай қилинса, одамлар конун ҳимояси остида эркин ва ҳалол турмуш кечириши мумкин?

Бундай саволлар кеча ёки бугун пайдо бўлган эмас. Бундан 25 аср, яъни роса икки ярим минг йил аввал яшаган машҳур файласуф олим Афлотун ҳам айнан шу саволларни ўз олдига қўйган ва “Қонунлар” китобида уларга жавоб беришга ҳаракат қилган. Албатта, 25 аср наридаги дунёқараш билан XXI асрдаги дунёқараш ўртасида катта тафовут бор ва Афлотуннинг кўп мулоҳазалари бугун эскирганлиги табиий. Лекин яхлит олганда унинг асарида шундай теран мулоҳазалар борки, улар бугун эмас, эртага ҳам долзарб бўлиб қолаверадилар. Негаки инсоният бир томондан адолатли қонунларга бўйсунуши ва иккинчи томондан айнан ўша адолатли қонунлар уни ўз ҳимоясига олмағи лозим. Бу дунёда мутлоқ адолат бўлиши осон эмас ва амалда бунинг иложи ҳам йўқ. Афлотуннинг китобида эса одамзод қандай қилса адолатли қонун ҳимоясида яшайди, деган асрий саволларга берилган шундай жавоблар борки, улар бугунги кун қонунчилигига ҳам бемалол хизмат қилиши мумкин.

Афлотун бир ўринда шундай теран фикр билдиради: “Қаердаки қонунлар ҳокимлар устидан ҳукмрон бўлса, ҳокимлар эса қонунга қул бўлса, ўша давлатга худолар неъматлар ёғдиради. Агар давлат қонунлар устидан яроксиз ҳокимиятни ўрнатиб қўядиган бўлса, у ҳолда қонун ҳеч қандай фойда бермайди: аксинча давлат учун жуда катта зарар келтиради”, деб таъкидлайди. Бу мулоҳазалар яқин бир аср давомида оддий фуқарони қонун номи билан нукул қўрқитиб келган мустабид шўро тузумининг айнан ўзига берилган баҳодек жаранглайди. Қолаверса бугун Истиклолга эришган Ватанимизда ҳам қонунни ўзича талкин қиладиган ва оддий одамларнинг ҳуқуқларини поймол қилаётган адолатсиз ҳуқуқшунослар йўқ, деб афсуски қафолат бериш қийин (ўша китоб, 5-бет).

Афлотуннинг “Қонунлар” китоби оддий услубда ёзилгандай кўрингани билан муаллифнинг баёнчилик услуби ва унинг маъно моҳиятини англаш бироз мураккаб кечади. Бирок зийрак ўқувчи учун бу муаммо эмас. Уни ўқиш билан бирга ўқиганлари юзасидан теран мушоҳада юритиш бироз мушкул туюлади. Жиддий ўйлаб, зеҳни ишга солган китобхон асардаги ширали маъно ва моҳиятни англаб олиши муқаррар.

### **Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:**

1. “Қонунлар” асарининг қаҳрамонлари кимлар ва уларнинг мақсади нима?
2. “Қонунлар” неча китобдан иборат ва уларнинг бош йўналиш ҳақида гапиринг.
3. Асарда суд маҳкамаси ва судьялар ҳақида билдирилган фикрларни изоҳланг.
4. Асарда берилган: “Қаердаки қонунлар ҳокимлар устидан ҳукмрон бўлса, ҳокимлар эса қонунга қул бўлса, ўша давлатга худолар неъматлар ёғдиради... .. агар давлат қонунлар устидан яроқсиз ҳокимиятни ўрнатиб қўядиган бўлса, у ҳолда қонун ҳеч қандай фойда бермайди, аксинча давлат учун жуда катта зарар келтиради” деган фикрни ўз сўзларингиз билан шарҳлаб беринг.
5. Асардан бугунги кун қонунчилигига бемалол хизмат қилиши мумкин бўлган ўринларни топинг ва изоҳланг.
6. Асарда қонунларнинг асосий тамойиллари ҳақидаги фикр – мулоҳазаларни сўзлаб беринг.
7. Асарда давлат ва жамият тузилиши ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни шарҳланг.
8. Афлотуннинг яна қандай асарларини биласиз ва уларда нималар ҳақида гап боради?

### **Адабиётлар:**

1. Афлотун. Қонунлар (Урфон Отажон таржимаси). Т.: “Янги аср авлоди”, 2002.
2. А.Алимухамедов. Антик адабиёт тарихи. Т.: “Ўқитувчи”, 1969.
3. История греческой литературы. М., 1955.
4. Ўткир Ҳошимов. Сўз боши (Афлотун, “Қонунлар”. “Янги аср авлоди”, 2002)си, 5-6 бетлар.

**Ёзма ва оғзаки юридик нутқ.**

**Юридик терминлар тизимининг ўзига хос хусусиятлари.**

**Хуқуқшунос нутқининг ёзма ва оғзаки шакллари ва услубий турлари.**

Режа:

1. Юристнинг нутқ фаолияти турлари.
2. Юрист нутқининг ёзма ва оғзаки шакллари.
3. Юрист нутқи шакллариининг ўзига хос хусусиятлари.
4. Юрист нутқининг услубий турлари.
5. Юрист нутқи услубини яратувчи воситалар.

Таянч сўз ва иборалар: юридик нутқ, ифода воситалари, оғзаки ва ёзма нутқ, ҳуқуқ, тил, юридик тил, фаолият турлари, услуб турлари, нутқ шакллари, услуб яратувчи воситалар, диалог, монолог, нутқ укуви, ички ва ташқи нутқ, жиноят, қонун, ҳукм, ижро, моддий восита.

Юрист ўз фикрларини баён этишда тингловчиларга нутқ воситасида таъсир ўтказиши. Юристнинг сўзлаши қай ҳолатда (таъсирчан, таъсирсиз) бўлишига қараб унга баҳо берилади. Юрист фаолиятининг доимий эҳтиёжи бўлган қонунлар унинг асосий иш қуроли ҳисобланади. Юрист нутқ сўзлаётганда унинг ҳис-туйғулари, истаги, нияти, қарори, иродаси, дадиллиги, сабр-тоқати, ўзини тута билиши, катъиятлилиги каби юристга хос фазилатларни эгаллаш талаб этилади.

Юрист ўз иш фаолияти давомида вазиятга қараб монологик, диалогик, ички ва ташқи нутқ турларидан фойдаланади. Юрист ўз ички кечинмаларини маълум воқеа-ҳодисаларни таҳлил этиш воситасида амалга оширади. Тингловчиларни бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалардан хабардор қилади. Бундай нутқ синтактик жиҳатдан кенг камровли нутқ ҳисобланади. Бу эса осонликча кечмайди, у юристдан тинимсиз меҳнат талаб қилади. Яъни маълум фактларни саралаш, фақат бўлган воқеа-ҳодисага оид, унга ойдинлик киритувчи сўзлар танланиб нутқ тузилади. Бу ўринда юрист-нотик

оҳангга жиддий карамоғи лозим. Чунки оҳанг орқали кўп нарсага эришиш ёки кўп нарсани йўқотиш мумкин.

“Гап сўзда эмас, оҳангда” (В.Г.Белинский). Нутқимизнинг ёқимли, ёқимсизлиги, ўринли, ўринсизлиги, тингловчини ўзига ром этиши ёки уни бездириши оҳангга боғлиқ жараён. Юрист ўз монологик нутқида воқеа-ҳодисаларни таърифлашда юридик нутқ воситаларидан ўринли фойдаланмоғи лозим.

Юристининг диалогик нутқи синтактик жиҳатдан содда бўлиб, у бир сўздан “ҳа” ёки “йўқ, ундай эмас” деган иборадан тузилган бўлиши ҳам мумкин. У тўғридан-тўғри мулоқот олиб бораркан, фикр-мулоҳазаларини қисқа, лўнда ифодалаши, изоҳлаши мумкин. Юристининг бундай нутқи – диалогик нутқ саналади. Диалогик нутқда гап тузилишининг учта тури, яъни дарак, сўроқ, буйруқ гаплар иштирок этади.

Бадий асарлар қаҳрамонларида содир бўладиган ички коллизия, ички руҳий савол-жавоблар юрист онгида ҳам кечади. Чунки воқеа-ҳодисаларни таҳлил этиш жараёни шуни тақозо этади. Бундай ҳолатда юрист ўзи билан ўзи диалог олиб боради ва маъқулини танлайди.

Юристининг нутқи оғзаки ёки ёзма бўлиши мумкин. У оғзаки нутқ фаолиятида имо-ишора, пауза (тўхтам), оҳанг каби ҳолатларни ўз ўрнида қўллаши, тингловчилар эътиборини ўзига жалб қилиши аҳамиятлидир.

Юристининг ёзма нутқи, аввало, матнни қоғозга туширишда шошмасдан, ўз фикрларини воқеа-ҳодисалар баёнига мослаб ёзиш имкониятини беради. Бу жараёнда юрист юридик тил ва юридик атамаларни ишлатиб, ёзма фикрининг теран бўлишига эришади, нутқнинг синтактик қурилишига жиддий эътибор беради.

Юристининг нутқи хоҳ ёзма, хоҳ оғзаки бўлишидан қатъий назар мураккаб нутқ сирасига киради ва табиийки, юридик тил меъёрларини сақлайди. Юристининг ёзма нутқи грамматик қонунқоидаларга тўлиқ амал қилгани ҳолда оғзаки нутқдаги имо-ишора, оҳанг, пауза, урғу каби воситаларга муҳтож эмас. Унда имло, услуб, пунктуация гап қурилиши қоидаларига тўлиқ амал қилиш талаб этилади.

Юристининг ёзма нутқи юридик тил, юридик атамаларни гап қурилишида ўринли ишлатиши маданий нутқ меъёрларига, фикрларнинг мантикийлигига, гапнинг эга, кесим, иккинчи даражали бўлак-

ларнинг тартиб билан жойланиши, қўшма ва содда гапларнинг услубий жиҳатдан тўғри тузилганлиги, уларда ишлатиладиган тиниш белгиларининг қўйилиш тартибларигача эътиборни талаб этади. Масалан, “Аҳмад, юрист ўғлини уйлантирди”. Энди вергулни юрист сўздан кейин қўйиб ўқиб кўрамиз: “Аҳмад юрист, ўғлини уйлантирди”. Биттагина тиниш белги - вергулнинг ўрин алмашиши тушунчани ўзгартириб юборади. Юристининг нутқида ишлатиладиган содда ва қўшма гаплар, уюшиқ бўлакли гаплар, мураккаб қўшма гаплар барчаси тиниш белгилари воситасида фикрни ойдинлатиб, тушунчага мантикий қувват беради. Ҳукукий – меъёрий ҳужжатларнинг жумлалар қурилишида кириш сўз тарзида ишлатиладиган, “шунингдек”, “шунинг учун”, “шу жиҳатдан”, “шу нарса маълум бўладигани”, “ваҳоланки”, “хусусан” каби олд сўзлар юристининг ёзма нутқида хос хусусият бўлиб қолади. Юрист матни тайёрлашда, аввало, мавзу йўналишини аниқлаб, сўнгра ўз фикр-мулоҳазаларини тартиб билан режа асосида коғозга туширади.

У ҳар бир сўз ва юридик атаманинг маъносини билиб ишлатмасан матн мазмунидаги тушунча ўзгаради. Масалан, синоним экан деб, “фалончининг юзи қизарди”, дейиш ўрнига “фалончининг турқи қизарди” деб ёзма тушунча ўзгариб салбий оттенка бериши мумкин.

Юрист ёзма нутқ матнини тузиш жараёнида амал қилиши лозим бўлган энг муҳим қоидалар бор. Бу ҳақда Мирҳамидов, Норпўлатов ва Ҳасановларнинг фикрларига кўшилаемиз.

Биринчидан, юридик ёзма нутқда тез-тез такрорланадиган, кўичилик ишлатадиган сўз, ибора ва атамалардан фойдаланиш, зарур ҳолатларда мураккаб, мавҳум ва ўзлашган сўзлар, иборалар ва атамаларга изоҳ бериш.

Иккинчидан, бош ва тобе сўзлар ўртасидаги оралик иложи борица қисқаришига эришиш.

Учинчидан, гапни шундай тузиш керакки, улардаги синтактик даража (сифатдошли, равишдошли иборалар, тобе сўзлардан иборат сифатлар, эргаш гаплар) 4-5 бўлақдан ошмасин. Агар ҳукукий фикр, тушунча, ҳаракат, ҳодиса ва муносабатни ифодалашда тафсилот талаб этилса, битта эмас, балки икки-учта гап тузиш лозим.

Тўртинчидан бир турдаги синтактик қурилишларни матн бўйлаб оқилона тақсимлаш: нофаол, яъни кам ишлатиладиган сўз ва ибораларни фаоллари билан, аниқловчи ўрнидаги отларнинг бево-сита қилишларини сифатлар билан, феълдан ясалган отларни

фсълнинг эгалик шакллари билан, сифатдошли ва равишдошли қурилишларни эргаш гаплар билан, навбати билан алмаштиришдан иборатдир.

Демак, ҳуқуқшунос ёзма нутқини ёзаётганда вақт жиҳатидан бемалол фикрлаш имкониятига эга бўлиши билан бирга, у ўз нутқ қисмларини ва бутун нутқни қайта-қайта таҳрир қилиши, фикр учун энг мос имкониятларни танлаши, гап тузилишини қулайлаштириши мумкин. Шунинг учун ҳам ёзма нутқ оғзаки нутқдан равондир.

... Ҳуқуқшунос оғзаки нутқининг тил хусусияти, унинг соддалиги билан фарқланади. Оғзаки нутқда нотик ўз ихтиёрига қараб фақат мазкур ҳодиса учун қўлланувчи сўзни қандайдир маъно билан бериши мумкин. Юридик оғзаки нутқнинг луғавий таркиби унчалик катта эмас, грамматик шакллардан олмош, юкламалар, отларнинг бош ва тушим келишиклари бирмунча кўпроқ қўлланилади. Гапларнинг синтактик тўлик бўлмаслигига дуч келинади. ... Айтилган фикрда асосий нарса оҳанг билан ажралади. ... Умуман, оғзаки нутқ ҳамма вақт “жонли сўз”, сўзловчи одам (нотик) нутқини қабул қилувчи (тингловчи)га айнан ҳаяжонли, берилган ахборот маълум вақтгача тингловчи онгида сакланадиган даражада ва унинг хулқига таъсирли бўлиш имкониятига эга.

Ҳуқуқшуноснинг оғзаки нутқи куйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

1. Ҳуқуқшуноснинг оғзаки нутқи тезкорлик билан амалга ошганлиги сабабли баъзан фикрни ифодаловчи нотик керакли сўзни топа олмай қолади. Натижада нутқ жараёнида ифодаланган сўз (гап)лар фикрни тўлик рўёбга чиқармайди ва тингловчига етиб бормади.

2. Ҳуқуқшуноснинг оғзаки нутқи, сўз бирикмалари ва гапларнинг моделлари айтилмоқчи бўлган фикрга монанд ҳолда тезкорлик билан танланади. Гап қурилиши моделларини ақл назорат қилиб беради. Фикрни, айтилганларни хотирада ушлаб турган ҳолда ривожлантиришга тўғри келди. Агар хотира озгина “кучсиз” бўлса, гап тузилиши, сўз бирикмалари ўзаро мантиқан ва грамматик жиҳатдан боғланмай қолади.

3. Ҳуқуқшунос оғзаки нутқда сўзлаш бир пайтнинг ўзида бўлиши, нотикнинг фикр юритиш манераси, ўзини тутиши, кўри-



ниши, ҳатто кийиниши, кайфияти сингари лисоний ва нолисоний омиллар ҳам нуткий жараёнга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

4. Ҳуқуқшуноснинг оғзаки нуткида фақат мулоқот учун энг зарур нарсаларгина зухур этилади. Шунга кўра, унда узундан-узук кириш ва кенг изоҳлар берилмасдан, балки ходисаларнинг, нарсаларнинг ўзаро боғлиқлик даражалари, уларнинг тингловчига равшанлиги даражаси ҳисобга олинади.

5. Ҳуқуқшуноснинг оғзаки нутки сўз бойлиги жиҳатидан ёзма нутққа нисбатан анча камбағал бўлади, унда бир хил сўз, ибора ва атамалар, бир хил шакллар кўпроқ такрорланадики, бу ҳол юридик тил воситаларини танлашдаги кийинчиликлар билан боғлиқдир.

6. Ҳуқуқшуноснинг оғзаки нуткида нотикнинг фаол нуткий фаолияти (ҳаракати) товушлар талаффузи, тўхтам (пауза), оҳанг, урғу, турли хил имо-ишоралар, овоз имкониятларидан фойдаланиш фикрнинг тингловчига аниқ етиб боришида муҳим аҳамият касб этади.

Умуман олганда, юридик тил ва ҳуқуқшунос нутки ёзма ва оғзаки шакллариининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ҳар бир ҳуқуқшунос ва ҳар қандай юридик фаолият учун зарурий шарт ҳисобланади.<sup>19</sup>

Юрист нутки ҳам бошқа касб эгалари нуткига ҳос бўлган 5 та услубий турдан ташкил топган. Бу услублар касбий йўналишига кўра соҳа билан боғлиқ термин ҳамда адабиёт, тил меъёрларига тўлиқ амал қилади. Юрист нутқининг услубий турлари ҳам ҳуқуқшуносликка оид фанларга бирдай хизмат қилади.

**1. Илмий-назарий нутқ** ҳуқуқшуносликка боғлиқ фанларнинг турли масалаларини ёритиш, таъриф бериш, илмий асосда далилланган назарий тушунчаларни ифодалашда ишлатилади. Бу услуб юристнинг ёзган илмий мақоласидан тортиб, монография-сигача, ўқув услубий ишларидан тортиб, ўқув қўлланма ва дарсликларигача, бакалавр босқичи талабаларининг битирув малакавий ишлари, магистрлик диссертациялари, номзодлик ва докторлик диссертацияларигача, уларга ёзилган тақриз ҳамда илмий раҳбарларнинг ишга ёзган хулосаларигача бўлган жараённи ўз ичига олади. Бу услубда илмий-назарий қарашлар, далиллар, факт аниқлиги ва назарий қарашлардаги тортишув ва баҳслар, илмий фикр-

<sup>19</sup> М.Мирҳамидов, Н.Норпўлатов, С.Хасанов. Юристининг нутқ маданияти. Ўқув қўлланма. Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2005. 125-128 бетлар.

лар исботи, ишнинг илмийлиги ва амалиётда ишлатилиш ўринлари аник, равшан кўрсатилади.

Илмий-назарий нутқ услубида образлилик ўрнини юридик атама ҳамда янги қабул қилинган терминлар ва уларнинг изоҳлари эгаллайди. Бу услуб илмий-назарий фикр-мулоҳазалар асосида иш кўради ва фанга муайян янгилик олиб кириб, ҳуқуқшунослик илмини бойитади. Юқоридагиларга кўра, мазкур услубнинг гап курими ҳам мураккаб бўлиб, фақат илмий қарашлар изчиллигини сақлаш мақсадида куйидаги кириш сўзлардан ўрни билан фойдаланилади. Дейлик, демак, шўнинг учўн, шўндай қилиб, хуллас, аммо-лекин, қарашимизча, назаримизда, кўринадики, масалан, жумладан, шў боис, биринчидан, иккинчи томони, хуллас, маълум (“маълумки”ни ишлатмаган маъкул, чунки “маълум бўлса” у фикрни айтишнинг кераги йўқ. Русларда бу сўз ўрнида “по нашему”, “по моему” сўзлари ишлатилади), бўндан ташқари бўндан кейин, аслини олганда, қўвонарлиси шўндаки, фикримизча, қўзатишлар шўни тасдиқлайдики каби сўзлар. Юристнинг илмий-назарий нутқ услубида муҳим манбалар варақ пастидаги чизиқдан кейин рақам билан белгиланиб, қайси муаллифнинг қандай мақоласи ёки китобидан олинганлиги кўрсатилади, баъзан манбалар матн орасида кавс ичида ҳам берилади. Бу ўринда муаллиф имло ва тиниш белгиларига жиддий қарамоғи талаб этилади. Ҳис-туйғу ва бадиий тасвир воситаларини ишлатиш илмий-назарий услубга хос эмас.

**2. Расмий нутқ услуби** юридик тилнинг шартларига амал қилган ҳолда, ҳар бир сўз ўз ўрнида бўлишини талаб этади. Сўзларнинг ўрнини алмаштириш ҳам қийин масала. Гўё куйма, қолип-ланган матн асосида иш кўради.

Бу услубда ҳам бадиий тасвирий воситаларга ўрин йўқ. Ҳар бир сўз чертиб олиниб, аник ва равшан, матн жумласидан ўрин олади. Матндаги фикр ёки сўзни олиб ташлаш ёки қўшиш мумкин бўлмаган нутқ услубидир. Агар мос келса синонимлар ўрни шў маънони англатадиган синоним билан алмаштириш лозим бўлар.

Расмий услуб асосан иш қоғозлари билан шуғулланади. Шўнингдек, турли қарор ва буйруқлар, қонунлар, расмий ёзишмалар, расмий хабарлар, барча турдаги шартномалар, ташкилотлар ўртасидаги ёзишмалар, сўров ва талабномалар, суд ёзишмалари, ижро қоғозлари, мажлис қарорлари, чақирув қоғозлари билан иш юритади.

Якка шахс билан боғлиқ иш қоғозлари ариза, таржимаи ҳол, маълумотнома, телеграмма, ишонч қоғози, рухсатнома, тавсифнома, тилхат, таклифнома, талабалиқ гувоҳнома, рейтинг дафтари, талабаларни рўйхатга олиш дафтари, рейтинг кайдномаси кабилар ҳам расмий услуб доирасига киради. Бу иш қоғозларидаги матнлар грамматик тузилишига кўра расмий қолип доирасида бўлади. Иш қоғозларидан ўрин олган “маълумки”, “маълумингизким” сўзларини қўшмасликни маслаҳат берардик, унинг ўрнига “фалон моддага асосан” деб ишлатилса ҳам ўринли бўлади.

**3. Публицистик нутқ услуби**, асосан, ижтимоий-сиёсий воқеа-ҳодисаларни эндигина тандирдан узилган нондай ҳовури ўчмаган ҳолатда тасвирлашни тақозо этади. Юрист – публицист бирор воқеа ҳақида ўз карашларини оммага тушунарли тарзда ёзган матн асосида баён қилади. Табир жоиз бўлса бундай нутқ услуби газета ва журналда босиладиган мақола, очерк, хабар шаклида ёзилган нутқдир. Буни газета ёки журналларнинг тили деса ҳам бўлади.

Юрист – публицистнинг бундай нутқи омма ўртасида бирор сиёсий-ижтимоий воқеани тарғиб ва ташвиқ қилиш борасида кўпчилик онгига шу сиёсий-ижтимоий воқеаларни тушунарли ҳолатда шарҳлаб бериш билан боғлиқ. Бундай нутқда даъваткорлик, мантқ, ҳуқуқий мушоҳада, фалсафий теранлик, замонавий рух, ўткир нигоҳ коришиб нутқ таъсирчанлигига хизмат қилади.

**4. Жонли сўзлашув услуби**, асосан, одамлараро мулоқот тарзида намоён бўлади. Инсон борки, у гапирмасдан юролмайди. Ҳатто гапира олмайдиган кар-соқов гунглар ҳам ўзларининг “Сурдо” (имо-ишора, бармоқлари ҳаракати билан ҳарфларни кўрсатиб) тилида сўзлашади. Юрист учун эса жонли сўзлашув нутқидан фойдаланиш унинг касб қуролидир. Юрист иш фаолиятида одамлар билан мулоқотда бўлиб, ўзига керакли материалларни йиғиб, иш учун зарур маълумотларни тўплайди. Бу нутқ услуби эркин сўзлашувни талаб этади. Адабий тил нормаларига унчалик бўйсунмайди, унда шева, лаҳжа, жаргонлар ҳам қатнашади. Ҳаттоки, товуш ва талаффузда ҳам ўзгаришлар бўлиши табиий. Лекин юрист учун энг кераги суҳбат пайтида бўлаётган гап-сўзлардан ўзини қийнаётган муаммони ҳал этиш, шу маънода юрист шена, лаҳжа, жаргонлардан ҳам имконияти даражасида хабардор бўлмоғи лозим. Бундай мулоқотларда айбдор ёки даъвогар нутқида сийқаси чиқиб кетган ножоиз сўзлар, варваризмлар кўншаб учрайди. Масалан:

короче, шесть секунд, в общем, значит, совещание, виноват, зачем, просто, давай, братан каби русча сўзлар нутқ маданияти этишмаслиги оқибатидир. Бундан ташқари юрист иш фаолиятида турли соҳа вакиллари билан тўқнаш келиши мумкин. Уларнинг касб-корига хос адабий тилда мавжуд бўлмаган сўзлар кўплаб ишлатилишини юрист ҳисобга олмоғи, керак бўлса ўзи ҳам улар тилига мос мулоқот олиб бормоғи лозим бўлади.

Жонли сўзлашув нутқида учрайдиган анақа, ашу, хуш-хуш, нима нимани, нима қилдингми?, уноқса, сўнг, демак, дейлик, масалан, хм-м-м, а-а-а каби сўзлар тингловчининг ғашига тегади. Мазкур нутқ услуби юқоридаги каби хусусиятлари билан адабий тил нормаларига амал қилмайди, тилда, нутқда чалкаш фикрларга олиб келиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Қолаверса тингловчининг ғашига тегиб, зерикарли вазиятни туғдиради. Бу ўринда Абдулла Қаҳҳорнинг “Нутқ”, “Адабиёт муаллими” ҳикояларини, Эркин Воҳидовнинг “Нутқ” шеърини эслаш кифоя. Жонли сўзлашув нутқида содир бўладиган бундай ғализликларга чек қўйишда ўзбек адабий тили меъёрлари даво бўлади.

**5. Бадиий нутқ услубида** эса биз санаб ўтган барча услублар қатнашиши мумкин. Фақат ундагина ўтмиш, бугунги кун ва келажак ҳақидаги бўлган ва бўлиши мумкин бўлган даврнинг муҳим ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий масалалари бадиий образлар ва бадиий воситалар орқали тасвирланади. Бадиий нутқ биринчи галда ўқувчи онги-шуурига таъсир кўрсатишни ўз олдига вазифа қилиб қўяди. Китобхон бадиий образлар силсиласида ҳаётнинг бепоёнлигини ва мураккаблигини ҳис этади. Бадиий нутқнинг энг муҳим жиҳати, инсон руҳиятини кўзгаб унинг қалбига эстетик таъсирини ўтказиши. Ўқувчи бадиий нутқ орқали ифодаланган ижобий ва сиёсий ҳамда мураккаб образлар кўламида ўзига ўзи билмаган ҳолатда ҳаётнинг тўғри йўлини танлаб боради. Бу жараёнда уни бадиий нутқ қулдиради ҳам, йиғлатади ҳам, баъзан чуқур ўйга толдиради ҳам. Бу бадиий нутқни яратган сўзнинг қудрати. Наतिжада китобхон қалбида ватанга, одамларга, ҳаётга, табиатга, кундалик бўлаётган ҳаётнинг кўркамликка нисбатан муҳаббат ҳисси янада жиҳлананади. Ўз навбатида, ҳаётдаги жирканч, кабиҳ, пасткаш, номард, ёлғончи, товламачи, жоҳил одамларга нисбатан нафрат ҳиссини уйғотади. Бадиий нутқда адабий ва ҳуқуқий тил меъёрларидан муаллиф кенг фойдаланади ва бу нутқ – муаллиф нутқини

юзага келтиради, у тўлиқ адабий тилга асосланади. Асар қаҳрамони эса козоқ бўлса козоқ тилида, татар бўлса татар тилида ўзи билганча эркин гапириши мумкин. Ҳатто қаҳрамон нутки маҳаллий сўзлашув тилида ҳам бўлиши айб эмас. Бошқача қилиб айтганда, асар қаҳрамони ўзи билган жонли сўзлашув нуткидан фойдаланади. Китобхон асар қаҳрамонига хос характер қиёфасини унинг жонли сўзлашув нутқи орқали ёрқинроқ тасаввур қилади. шу боис бадиий нутқ услубида муаллиф нутқи ва персанаж нутқи ҳамкорликда иш олиб бориб масалага ойдинлик киритади. Асар воқеаларини бошқариш жиловини эса муаллиф нутқида бўлади. Бу ўринда албатта, ёзувчининг ҳаёт тажрибаси, маҳорати, тилни канчалик билиши, дунё қараши, замон ва маконга муносабати, илмий ва амалий билим савияси, она тилига, сиёсий-ҳуқуқий тил меъёрларини чуқур билиши, энг муҳими маънавияти иш беради. Бадиий нутқ услуби ана шундай мураккаб жараённи бошидан кечириб китобхонга эстетик завқ бағишлайди.

### **Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:**

1. Юрист нутқининг ёзма шакли ҳақида гапиринг.
2. Юрист нутқининг оғзаки шаклини тушунтириб беринг.
3. Юристнинг ёзма ва оғзаки шаклларига хос хусусиятларни таърифлаб беринг.
4. Юрист нутқининг услубий турларини тушунтириб беринг.
5. Юристнинг нутқ услубини яратувчи воситаларни таърифланг.
6. Ушбу шеърий мисраларни ифодали ўқиб мазмунини шарҳлаб беринг.

Она тилим, сен руҳимнинг қаноти,  
Абут-турк нафаси, Олтой чечаги.  
Хун давридан омон келди Ғиротинг,  
Қутлуғ Энасойнинг эзгу эртаги.  
Ўрхун бўйларида тошга айландинг,  
Кўкларга санчилдинг, Турон бўлдинг сен.  
Мангулик сафарга қачон шайландинг,  
Қачон бу аламга – кучга тўлдинг Сен.

(Рауф Парфи)

### Адабиётлар:

1. С.Каримов, Х.Маматов, И.Бўриев. Юристинг нутқ маданияти. Ўқув қўлланма. Т.: “Зарқалам” нашриёти, 2004.
2. М.Мирхамидов, Н.Норпўлатов, С.Ҳасанов. Юристинг нутқ маданияти. Ўқув қўлланма. Т.: “Фан ва технология” наш-риёти, 2005.
3. А.Саидов, Г.Саркисянц. Юридик тил ва ҳуқуқшунос нутқи. Т.: “Адолат” нашриёти, 1994.
4. Р.Кўнгуоров, Э.Бегматов, Ё.Тожиев. Нутқ маданияти ва услубият асослари. Т.: “Ўқитувчи” нашриёти, 1992.

### Юридик терминлар тизими.

Режа:

1. Юридик тил ва терминлар тизими ҳақида тушунча.
2. Юридик терминлар тизими ривожда давлат тилининг роли.
3. Бошқа тиллардан кириб келган юридик терминлар.
4. Жиноятчилар оғзаки нутқида ишлатиладиган жаргон терминлар.

Таянч сўз ва иборалар: терминлар тизими, ҳуқуқий терминлар, давлат тили жаргонлар, нутқ, ҳуқуқ ривождаги терминлар, терминлар изоҳи, ҳуқуқий жараён, аудитория, баҳсга киришиш, муҳолиф, нотик, мулоқот, риюя, грамматик ва услубий жиҳат, иборалар, эҳтиёж, барқарорлаштириш, атамалар воситаси, ҳуқуқий нормалар, фуқаролар ҳуқуқлари, кишилиқ жамияти, ҳуқуқ ва тил, авлодлардан-авлодларга, аждодлардан авлодларга, мухтор вакил, ҳуқуқий давлат, мадҳия, ҳокимлик, бошқарув, дахлсизлик, демократия, субъект, объект, концерн, фирма, компания, валюта, умум-юридик атамалар, конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, фуқаролик ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи, ер ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, аграр ҳуқуқ, ижтимоий-таъминот ҳуқуқи, экологик ҳуқуқ, молиявий ҳуқуқ, фуқаролик-процессуал ҳуқуқи, жиноят-процессуал ҳуқуқи, хўжалиқ-процессуал ҳуқуқи, халқаро ҳуқуқ.

Қадим-қадимдан шаклланиб, ўз тараққиёт йўлида давом этаётган юридик тил ва юридик терминлар тизими юристинг одамлар ва ҳамкасблари билан ўзаро алоқада фикр билдириш, фикр олиш.

яъни фикр алмашиш воситаси бўлиб, шу асосда юрист ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиб, одамларда ҳуқуқий маданиятнинг ҳуқуқий онг ва тафаккурнинг шаклланишига хизмат қилиб келмоқда. Ўзбек тилида пайдо бўлаётган янги юридик терминларни ёки четдан, бошқа тилдан кириб келган терминларни амалиётда ишлатаётган ҳуқуқшунос бу терминларнинг мазмун-моҳиятини ўзи чуқур англаган ҳолатда у билан мулоқотда бўладиган одамларга тушунтириб, улар онгига сингдиради.

“... – ҳуқуқшунос ҳуқуқий муаммолар устида фикр юритар экан, у тилдаги сўзлар, хусусан, ҳуқуқий атамалар асосида тафаккур килади, мушоҳада юритади, қатъий бир қарорга ёки ҳулосага келади. Бунда сўз ва атамалар ҳуқуқий тафаккурнинг ифодаси сифатида намоён бўлади<sup>20</sup>.”

Юқоридаги фикрлардан маълум бўладикки, юридик тил ва юридик терминлар, аввало, ҳуқуқнинг ривожига, қолаверса юристнинг ҳуқуқий нутқи ва тафаккурининг бойишида муҳим рол ўйнайди.

Давлатимиз томонидан чиқарилаётган қарор ва ишлаб чиқилган қонунлар моҳиятини оммага етказишда юрист ҳуқуқий тил ва ҳуқуқий терминлардан фойдаланади. Яъни ҳуқуқшунос учун керакли ҳуқуқий ахборотларни кўпчиликка тушунтиришда юридик тил ва юридик терминлар асосий восита ролини ўтайди.

Юридик тил ва юридик терминлар ҳуқуқ соҳасидаги барча фанлар ривожига ҳам баракали таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳуқуқий тил ва ҳуқуқий терминлар тизимига янги атамаларнинг кириб келиб уни бойитиши, баъзан вақти-вақти билан ҳуқуқшуносликда эскирган терминларнинг чиқиб кетиши ҳуқуқий тил ва ҳуқуқий терминларнинг замонавийлик хусусиятини белгилайди.

Ўзбекистон ривожига ва тараққиётида, демократик ҳуқуқий давлатнинг барпо этилишида ҳамда фуқаролик жамиятини шаклланишида юридик тил ва юридик атамалар, тарғиб-ташвиқот ишларида мунтазам қўлланилаётган ҳозирги кунда юрт тараққиёти билан юридик тил ва юридик терминларнинг алоқадорлик ҳолати ўртасидаги муносабатнинг муҳимлигини кўрсатади.

Инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат тамойилларига асосланган фуқаролик жамияти куриш йўлидан бораётган Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ҳаётнинг барча йўналишларида қонун

<sup>20</sup> Ш.Кўчимов. Ўзбекистон Республикасида қонунчилик техникаси. Т.: ИИВ Академияси, 1996. 26-бет.

устуворлигини таъминлаш йўлидан бормоқда ва уни асосий вазифа қилиб қўймоқда.

Ўзбекистон мустақилликни юртбошимиз сайъи-ҳаракатлари билан қўлга киритилганига ўн тўққиз йил бўлди. Шу йиллар ичида юртимиздаги тараққиёт, ўсиш-ўзгаришлар, қилинган ишларни кўз кўриб, қулоқ эшитмаган десак муболаға бўлмас. Ҳар бир кунда бўлаётган ўзгаришларни олиб қарайдиган бўлсак, асрга татуғилик даражада.

1991 йил 1 сентябрда Ўзбекистоннинг мустақил бўлиши ҳамда 1989 йил 21 октябрда ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши, 1995 йил 21 декабрда “Давлат тили тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрири қабул қилиниши мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта ўзгаришларга олиб келди. Ўзбекистон – жаҳонга танилиши, халқаро муносабатларнинг ривожланиши, халқаро иқтисодий алоқаларнинг оқилона йўлга қўйилиши, ишлаб чиқаришда эришилаётган ютуқлар, жаҳон иқтисодий инкирозга юз тутган бир дамда, Ўзбекистон ўзидаги ички имкониятлари ишга солиб, молиявий инкироздан ўзини сақлаб қолаётгани ва ривожланишда давом этаётгани жаҳон халқларини ҳайратга солимоқда. Мухтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг “Жаҳонда молиявий инкирознинг келиб чиқиш сабаблари ва уни бартараф этиш йўллари китобининг яратилиши кўплаб жаҳон тилларига таржима қилиниши барча давлатлар учун дастуруламал ролини ўтаётгани мамлакатимизнинг жаҳон миқёсидаги обрўсини ошириб юборди. Юртбошимизнинг узоқни кўзлаб иш олиб бораётгани, табир жоиз бўлса тадбиркорликлари туфайли ишлаб чиқилган бешта тамойил Ўзбекистон халқларини жаҳон юз тутган молиявий инкироздан омонда сақлаб қолмоқда. Иқтисодий ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошиб бораётгани, халқаро муносабатларнинг ривожланиши давлат тили ва ҳуқуқий атамашуносликка янги-янги сўзларнинг ва ҳуқуқий терминларнинг пайдо бўлишида замин бўлмоқда. Луғатимизга: демократия, банк, фуқаролик жамияти, мол-мулк, “бошқарув, ҳуқуқий давлат, Ўзбек давлатчилиги, мухтор вакил, хўжалик ширкати ва жамияти, мадҳия, жамоат бирлашмалари, ҳокимлик, масъулияти чекланган жамият, дахлсизлик, субъект, объект, фонд, корпорация, фонд, концерн, валюта, аудитор, ашула, ракс билан боғлиқ дасталав каби терминлар кириб келди.



Хукукий терминларнинг асосий манбаи – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳисобланади, шунингдек, юридик терминологиямизнинг дастлабки фонди саналади. Чунки Конституция тили сиёсий – ҳукукий тил ҳисобланиб, Конституциямизнинг ҳар бир моддасидан ўрин олган ҳукукий терминлар ўрнини алмаштириш мумкин эмас. Улар пухта ўйланиб қуйма шаклда жойлашган. Шу маънода Конституциямиз тили ўзининг содда ва аниқлиги, лўнда ва равонлиги билан юридик тилнинг юксак намунаси саналади. Конституциямиз тили қонун устуворлиги принциpidан келиб чиқиб, ўзгармас маъно касб этади. Бошқа қабул қилинган барча қонунлар, ҳаётимизнинг Бош қомуси саналган – Конституция матнидаги ҳукукий тил ва ҳукукий терминлардан фойдаланиш ҳисобига яратилади.

Халқаро ҳуқуқ майдонида фаол қўлланиб келинаётган – суверен, парламент, республика, демократик, орган, конституция, амнистия, референдум, норма каби ҳукукий терминлар Конституция матнида асл туркийча сўзлар билан бирга ўзгаришсиз ишлатилган.

“Ҳукукий нормаларнинг айнан Конституцияда ишлатилган шакли, сўз ва атамалар Конституцияда қандай ифодаланган бўлса, бошқа қонунларда ҳам, ҳуқуқшунослар нутқида ҳам айнан шундайлигича қўлланиши лозим. Аксарият қонунлар матнини тузишда шу тамойилга риоя қилинмоқда. Лекин баъзан оммавий ахборот воситаларида, айрим ҳуқуқшуносларимизнинг чиқишларида ёки айрим қонунларимизда бу қонидани бузиш ҳоллари ҳам учрайди.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-моддасида “ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас”, дейилган. Бу ҳукукий норма жуда ҳам аниқ ифодаланганлиги учун ҳам фуқароларга тушунарлидир.

Бирок қонунларимизда ва ҳуқуқшуносларимиз нутқида айнан шу ҳукукий норма турлича ифодаланмоқда. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 8-моддасида бу ҳукукий норма шундай ифодаланган: “Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун ҳеч ким қонун ҳужжатларида белгиланган асослар ва тартибдан бошқача тарзда таъсир кўрсатиш чорасига торттилиши мумкин эмас”.

Бунда ҳукукий норманинг ифода усули, яъни тили ва услуби жиҳатидан, фуқаролар тушуниши анча мураккаблиги кўриниб турибди. Агар шу ҳукукий нормага Конституциядаги қолип асос қи-

либ олинганда ифода усули тушунарли бўлар эди: “хеч ким маъмурий ҳуқуқбузарлик учун қонунга асосланмаган ҳолда маъмурий таъсир кўрсатиш чорасига торттилиши мумкин эмас”.

Шунингдек, ҳуқуқий нормаларни ифодалашнинг ўта мураккаблигини “Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддасида ҳам кўришимиз мумкин.

“1. Устун мавқе деганда, хўжалик юритувчи субъектнинг муайян товар бозоридаги улуши монополияга қарши фаолиятини амалга оширишга ваколатли идора белгилаб қўйган энг юқори меъёр чегарасидан ошиб кетган ва бу ҳол унга мустақил равишда ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан биргаликда иш кўриб, товарларнинг олди-сотдисида ҳал қилувчи таъсир кўрсатиш, хўжалик юритувчи бошқа субъектларнинг бозорга киришини қийинлаштириб қўйиш ва шу тариқа истеъмолчилар ва жамиятнинг қонуний манфаатларига зиён етказиш имконини берадиган ҳукмрон мавқе тушунилади”.

Бу модданинг услубий тузилиши ўқишда ҳам, нутқ жараёнида ҳам ҳуқуқий нормаларнинг фуқаролар томонидан аниқ тушунилишини анча мушкуллаштиради. Кўпчилик фуқаролар, ҳатто бу гапда нима дейилаётганлигининг моҳиятига тушуна олмайдилар.

Тўғри, ҳуқуқий ахборотнинг кенглиги туфайли қонун ижодкорлиги жараёнида бошқа услубларга нисбатан фикрни қисқа ифодалаш анча мушкул вазифа ҳисобланади. Бундай ўринларда гапларни оддий усулда эмас, балки бандлар асосида бўлиб-бўлиб ифодалаш яхши натижалар беради, фуқаролар томонидан осон тушунилади.<sup>21</sup>

Шунинг учун “Ўзбекистон Республикаси Қонунларини тайёрлаш тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддасида, “Ўзбекистон Республикаси Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддасида меъерий ҳуқуқий ҳужжат матни қисқа тузилиши лозимлиги ҳамда “турлича шарҳлаш имкониятини истисно этадиган тарзда... кўп маънони англатадиган сўзлар ва иборалар... қўлланилишига йўл қўймаслиги” қатъий белгилаб қўйилган”<sup>22</sup>.

Юридик адабиётларда Устав ҳамда Низом термин сифатида ҳуқуқий амалиётда бир хил қўлланилмоқда. Ҳарбий уставлар, транс-

<sup>21</sup> Ш.Кўчимов. Тил ва қонун ижодкорлиги. Ҳаёт ва қонун. 2001 йил, 5-сон, 16-17 бетлар.

<sup>22</sup> Ўша жойда, 17-бет.

Юқоридаги кўчирмалар М.Мирҳамидов ва бошқалар. “Юристинг нутқ маданияти” ўқув қўлланмасидан олинди. Т., 2005 йил. 228-230 бетлар.

порт уставлари ишлатилмоқда. Баъзан уставлар халқаро шартнома вази­фасини ҳам ўтайди. Бунга мисол қилиб БМТ уставини ол­сак бўлади. Устав ҳам, Низом ҳам оғзаки ва ёзма нутқда ўз номи билан аталиши ва ўз ўрнида ишлатилиши маъқул, деб ҳисоблай­миз”<sup>23</sup>.

Шартномавий муносабатларни ҳуқуқий тартибга со­лувчи Фуқаролик кодексида “ижара” ва “аренда” терминлари ягона “ижара” тар­зида аниқ берилган. Лекин Ўзбекистон Республикасининг Уй­жой кодексида эса бу ҳуқуқий атамаларнинг ҳар бири алоҳида бел­гиланди. Шунга кўра турар жойи ижара шартномаси шу турар жой мулкдори ёки у вакил қилган орган билан иш, хизмат вақтида ундан фойдаланиш учун топширилаётган шахс ўртасида тузилади. Аренда шартномаси асосида турар жой юридик шахсларга эгалик қилиш ва фойдаланиш учун берилади. Айни вақтда юридик шахс ҳам турар жойдан фақат фуқаролар яшаши учун фойдаланиши мумкин. Демак, қайси атама қай вақтда қўлланилиши маъ­қул кодексида аниқ белгиланган.

Конунларимизда ва ҳуқуқшуносларимиз нутқида ҳуқуқий ата­маларни қўллаш борасида англашилмовчилик ва чалқашликларга яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, “законодательст­во” термини икки хил маънони англатади. Биринчи маъноси – ко­нунлар, иккинчи маъноси – конунлар яратиш ва чиқариш фаолияти бўлиб, уни конун ҳужжатлари ёки конунчилик дейиш му­тлақо тўғ­ри эмас. Ваҳоланки, конунчиликнинг русча тар­жимаси “закон­ность” бўлади<sup>24</sup>.

1959 йили профессор Ф.Бакиров томонидан Жиноят процес­суал кодексига киритилган “кўрсатув” (показание), “суриштирув” (дознание), “бошқарув мажлиси” (распорядительное заседание) ка­би атамалар шунча йиллар ўтса-да, амалиётга киритилмади. Кўп­чилик оғзаки ёки ёзма нутқда “кўрсатув” атамасини бузиб, “кўргазма” (выставка) ёки кўрсатма (указание) деб ишлатади. Шунинг учун ҳам 50-60-йиллардаги ҳуқуқий адабиётлар ҳамда юридик ҳужжатлардаги сингари, бу атамани “гувоҳлик”, “сўроқ”, яъни гувоҳнинг берган гувоҳлиги, айбдор ёки гўмон қилинаётган шахснинг берган сўроғи” деб ишлатиш мақсадга мувофиқдир.

<sup>23</sup> М.Баратов. “Устав” нима, “Низом”чи? “Хуррият” 2000 йил. 4-10 апрел.

<sup>24</sup> А.Саидов, Ф.Аҳмедов. Давлат тили ва ҳуқуқий атамашунослик. Давлат тили: муам­молар ва счимлар. Т.: 1999. 15-бет.

Рус тилидан бевосита сўзма-сўз “конун ости акти” “личный состав” сўзи “шахсий таркиб” деб таржима қилиниб ишлатилмоқда. Ваҳоланки, “конунга асосланган қоида” “қўлланма” ёки “йўриқнома” деб, “шахсий таркиб” ўрнига “маълум бир ҳарбий қисмнинг хизматчилари” ёки “ички ишлар бўлимининг ходимлари”<sup>25</sup>, деб ифодалаш мумкин.

“Гражданский процессуальный кодекс” атамаси “Фуқаролик муомала ишларини юритиш жараёни тўғрисидаги конунлар мажмуаси”, деб аталган бўлса, “Правоспособность гражданская” – “Фуқаролик муомала ҳуқуқий лаёқати” каби узундан-узок, мантикий жиҳатдан ўзини оқламаган атамалар берилганки, буларнинг муқобил вариантини қайта кўрмоқ лозим<sup>26</sup>.

Юқоридаги фактлар шуни тақозо қиладики, давлат тилида ифодаланган ҳар бир термин ва ибора айрим шахсларнинг субъектив фикри билан эмас, балки юридик тил ва ҳуқуқий терминларнинг табиати, маъно-мағзини ҳуқуқ соҳасидаги фанларга мослаб, мантиқан тўғри фикрлаш асосида яратиш лозим.

Ҳуқуқшунос оғзаки ва ёзма нутқида кўплаб ишлатиладиган ҳуқуқий атамалар ўзбек адабий тилидан ҳамда араб, форс, рус ва Европа тилларидан ўзлашган атамалардан иборат.<sup>27</sup>

Дарҳақиқат, ҳуқуқшунос нутқида араб тилидан ўзлаштирилган: ҳукумат, давлат, адлия, қонун, қотил, жазо, жиноят, жарима, маълумот, ҳукм, даъво, нафақа, қарз, омонат, тараф, важ, тажовуз, ҳимоя, холис, маҳкум, мусодара, эътироз, тухмат, далил, мажбурий, зарур, зарурий, мудофаа, мулк, ҳуқуқ, айб каби кўплаб атамалар фаол қўлланилмоқда.

Ҳуқуқшунос нутқида ўзлашган қатламни форсий атамалар ҳам ташкил этади: анжуман, безори, баённома, шартнома, гувоҳнома, зийрак, айб, ошкор, фош, сукут, сохта кабилар.

Иктидорли тилшунос олима Ғ.Ғуломова ҳуқуқшунос нутқидаги ўзлашган қатлам ҳақида шундай фирни билдиради: “... ўзлаштирилаётган сўз ўз навбатида ўша тилнинг ўзи учун ҳам ўзлашган сўз бўлиши мумкин. Масалан, ўзбек тилига рус тили орқали ўзлашган атамалар аслида: конституция, адвокат, акция, декларация, дену-

<sup>25</sup> Ғ.Аҳмедов. Тилимиздаги “курмак”лар. “Халқ сўзи” газетаси, 2000 йил, 16 июнь.

<sup>26</sup> Б.Мамедов. Ўзбек ҳуқуқий тилининг долзарб муаммолари. Давлат тили: муаммолар ва ечимлар. Т., 1999. 126-127 бетлар.

<sup>27</sup> М.Мирхамидов, С.Ҳасанов. Юридик тил ва ҳуқуқшунос нутқи. Т.: “Университет”, 2004. 54-69 бетлар.

тат, кодекс, прокурор кабилар; лотин тилига; бюджет, гарантия, бюллетень, паспорт, аванс кабилар француз тилига; арест, гауптвахта, группа кабилар немис тилига; монополия, манархия, амнистия, наркомания, гегемон, демократия кабилар юнон тилига; блок, коллеж, концерн, мистер кабилар инглиз тилига хосдир”.<sup>28</sup>

Хукукшунос нуткида иккинчи бир тилдан атамаларни ўзбек тилига тўлиқ ёки ярим калькалаш усулида ўзлаштириш ҳоллари ҳам мавжуд.

1. Тўлиқ калька усули билан ҳосил қилинган ҳуқуқий атамаларнинг барча қисмлари қабул қилаётган тилнинг ўз сўзларидан тузилади: фактор – омил, общенародный – умумхалқ, постановление – қарор, незаконне – қонунсизлик, безбрачие – никоҳсизлик, безработица – ишсизлик, Верховный суд – Олий суд.

2. Ярим калька усулида кальканинг бир қисми ўзлаштирилади тилдан, бир қисми эса ўзлаштирилмаган ўзбек юридик тили манбаидан бўлади:

Подсудимый – судланувчи.

Парламентарий – парламент аъзоси.

Шунингдек, ўзлаштирилмаган атаманинг бир қисмини қабул қилаётган юридик тил қонун қоидалари асосида танлаб олиш ҳам мумкин:

Нотариальный – нотариал<sup>29</sup>.

Баъзи атамаларни гўё таржима қилиш ёки уларга ўзбек адабий тилидан муқобилини топишга уриниш жараёнида: “экспертиза – таҳқиқ ёки муқояна”, “амнистия – авфнома”, “тюрма – қамоқхона ёки зиндон” тарзида қўллашда ҳуқуқий атамаларнинг бузилиши ёки маъносида сунъийлик содир бўлмоқда. Бир вақтлар ўтган аср бошларида “поездни – оташ арава, “самоварни – ўзи қайнар”, “велосипедни – шайтон арава” дегани каби. Ёки яқиндаги ҳолат: “самолётни – тайёра”, “аэропорт”ни – “тайёрагоҳ”, “район”ни – “ноҳия” (бу сўз “туман”га алмаштирилиб ўз ўрнини топди) атагани сингари.

Одамзод пайдо бўлибди, улар яхшилар ва ёмонларга ажратиб келинади. Яхши одамлар ўсиш, ўзгариш, тараққиётни таъминлайди, ёмонлари эса уларга ҳалақит беради, тараққиётга, яхшиларга зарар етказди. Бундай ноқаслар жиноят қўчасига кириб, жиноят

<sup>28</sup> Ғ.Ғуломов. Ўзбек терминологияси тараққиёти йўлида. Давлат тили: муаммолар ва ечимлар, Т., 1999. 111-бет.

<sup>29</sup> Ғ.Ғуломов. Ўзбек терминологияси тараққиёт йўлида. Давлат тили: муаммолар ва ечимлар, Т., 1999. 112-бет.

қилишни тўғри йўл деб билишади. Улар қонун олдида жавоб беришади. Уларнинг баъзилари адашиб жиноят йўлига кимнингдир таъсири билан аралашганлари ўзларини ўнглаб олиб яхши одамлар сафига аралашади. Лекин ашаддий жиноятчилар ўз оламини тарк этишмайди. Ҳаттоки улар ўзларига мансаб, мартаба унвонларини жорий қилишади. Бундай гуруҳларнинг ўзлари тушунадиган лугатлари, терминлари, яъни жаргонлари бор.

Ҳозирги кунда жиноятчилар оламидаги гуруҳлар ўзлари бажарадиган ишларига кўра қуйидаги жаргон терминлари орқали бир-бирлари билан муомала қилишади. Улар қуйидаги тоифага бўлинади:

1. “қонундаги ўғрилар (воры в законе);
2. “авторитетлар” – (обрўлилар);
3. “ишбилармонлар” (дельцы);
4. “киморбозлар” (каталы);
5. “шестёркалар” (тилёғламачи);
6. “мужиклар” (эркаклар);
7. “пацанлар” (болалар, йигитлар);
8. “шўрпешоналар” ва “пасткашлар” (обиженные и опущенные).

Уларнинг нутқида қуйидаги жаргон терминлар фаол қўлланилади<sup>30</sup>:

“айва” – коч, “алкаш” – арокхўр, “амба” – тамом, “ампула” – шиша идиш, “балда” – наша, “бан” – бозор, “баруха” – хотин, “время” – пул, “зажигалка” – тўппонча, “сут” – пора, “шер” – иш битказувчи, “сув қилмоқ” – ўзлаштирмақ, “бедана” – тўппонча, “якан ёки лой” – пул, “тўнка” – сигир ўғриси каби жаргон атамалари мавжуд.

Жиноятчиларнинг жаргон атамалари икки максадни кўзда тутади, биринчидан, улар ўзаро мулоқотда қўллаётган жаргон атамаларини бошқалар тушунмаслиги бўлса, иккинчидан, жаргон атамалари орқали жиноятчининг қандай унвон ёки мавқега эгаллигини аниқлашади.

Қисқаси ҳуқуқий тил ва ҳуқуқий атамалар ҳуқуқшунослар олдига катта вазифа юклайди. Юрист ўз касбига оид терминларни мукамал билиши учун тинимсиз изланиши, ўқиш лозим, ўшандагина юрист нутқи аниқ нишонга тегиб, юрист нутқининг лўнда, аниқ ва равон ҳамда таъсирчанлигини таъминлайди.

<sup>30</sup> Бу ҳақда батафсил қаранг. М.Мирҳамов ва бошқалар. “Юристинг нутқ маданияти” ўқув қўлланма. Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2005. 242-247 бетлар.

Хукукшунослик касбига оид терминларнинг тизимини Ш.Кўчимов ўзининг “Юридик атамалар ва иборалар китобида (Тошкент, 1993) ҳукук турларига хос ўн бештага ажратиб қуйидагича тасниф қилади:

1. Умум юридик атамалар: қонун, суд, модда, адвокатура, судья, прокурор, милиция, гувоҳ, суд мажлиси, ҳуқуқ, ҳуқуқ нормаси, юриспруденция кабилар;

2. Конституциявий ҳуқуқ атамалари: конституциявий тузум, давлат тузилиши, суверенитет, суверен тенглик, сиёсий партия кабилар;

3. Маъмурий ҳуқуқ атамалари: маъмурий жавобгарлик, маъмурий жазо, маъмурий қамок, жамоат коидаларини бузиш кабилар;

4. Фуқаролик ҳуқуқи атамалари: фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, фуқарони бедарак йўқолган деб топиш, сотувчининг жавобгарлиги, муаллифлик ҳуқуқи кабилар;

5. Жиноят ҳуқуқи атамалари: жиноий ҳаракат, жиноят иши, қилмиш, оғир жиноят, жиноятларни таснифлаш, жиноий жавобгарлик, қилмишнинг жиноийлиги, озодликдан маҳрум этиш кабилар;

6. Ер ҳуқуқи атамалари: ерга эгалик қилиш, ердан фойдаланиш, ер кадастри, ерни тасарруф этиш, ердан фойдаланиш коидаларини бузиш кабилар;

7. Аграр ҳуқуқ атамалари: деҳқон хўжалигини юритиш ҳуқуқи, давлат хўжаликлари ҳуқуқи, жамоа хўжаликлари ҳуқуқи, режани бажариш мажбурияти, сувдан фойдаланиш деҳқон хўжаликларининг мол-мулкига ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи кабилар;

8. Меҳнат ҳуқуқи атамалари: меҳнат интизоми, меҳнат шартномаси, ишга қабул қилиш, меҳнат шартномаларини бекор қилиш тартиби, меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат низомлари каби;

9. Ижтимоий – таъминот ҳуқуқи атамалари: пенсия олиш ҳуқуқи, ногиронлик нафақаси, дам олиш ҳуқуқи, ижтимоий ҳимоя кабилар;

10. Экологик ҳуқуқ атамалари: атроф – муҳитни соғломлаштириш, ҳавони тозалаш, экологик вазият, экологиянинг ўзгариши кабилар;

11. Молиявий ҳуқуқ атамалари: даромад солиғи тўловчилар, фавқулодда даромадлар, молиявий жазо чоралари, юридик шахсларни даромад солиғидан озод қилиш, солиқни ҳисобга олиш коидалари кабилар;

12. Фуқаролик – процессуал ҳуқуқи атамалари: жиноят ишларини юритиш тартиби, фуқаролик процессуал ҳуқуқ лаёқати, процессуал ҳуқуқий ворислик, фуқаролик иши кабилар;

13. Жиноят – процессуал ҳуқуқи атамалари: фуқаролик ишларини юритиш тартиби, жиноят ишннн кўзғатиш, судда жиноят ишларининг ошкор кўрилиши, жиноят процесси иштирокчилари кабилар;

14. Хўжалик – процессуал ҳуқуқи атамалари: хўжалик суди, хўжалик судлов ннзолари, хўжалик судлов иштирокчилари, хўжалик судининг ажрими кабилар;

15. Халқаро ҳуқуқ атамалари: халқаро ташкилотлари ҳуқуқи, халқаро хавфсизлик ҳуқуқи, дипломатия ва консуллик ҳуқуқи, халқаро денгиз ҳуқуқи кабилар (кўчирма: С.Каримов, Х.Маматов, И.Бўриев. “Юристнинг нутқ маданияти”, ўқув кўлланма. Т.: “Зарқалам” нашриёти, 2004 йил, 39-40 бетлардан олинди).

Бу кўчирмани келтиришдан мақсад бўлажак ҳуқуқшунос талабаларнинг ҳуқуқшунослик соҳасига оид 15 та ҳуқуқ турини англашларига ёрдам бериш ва ўша ҳуқуқ турларга мос атамаларни ажрата олиш қобилиятларини шакллантиришдан иборат.

### **Мавзу юзасидан савол ва тоншириқлар:**

1. Юридик тил деганда нимани тушунасиз?
2. Юридик терминлар тизими ҳақида нима биласиз?
3. Давлат тилининг юридик терминлар тизимига таъсирини нималарда кўриш мумкин?
4. Юридик терминларнинг ҳосил бўлиш жараёнини нималарда деб биласиз?
5. Бошқа тиллардан кириб келган юридик терминлар қай ҳолатда ўзлаштирилади?
6. Юридик терминлар қандай ҳуқуқ турларига хизмат қилади?
7. Юридик терминлар таржимаси ҳақида нималар дея оласиз?
8. Жиноятчи гуруҳлар кўллайдиган жаргон терминларини тушунтиринг.

### **Адабиётлар.**

1. С.Каримов, Х.Маматов, И.Бўриев. “Юристнинг нутқ маданияти”, ўқув кўлланма. Т.: “Зарқалам” нашриёти, 2004.



2. Ш.Кўчимов. “Юридик атамалар ва иборалар луғати”. Тошкент, 1993.

3. М.Мирҳамидов, С.Ҳасанов. Юридик тил ва ҳуқуқшунос нутқи. Т.: “Университет”, 2004.

4. М.Мирҳамидов, Н.Норпўлатов, С.Ҳасанов. “Юристинг нутк маданияти”, Ўқув қўлланма. Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2005.

5. Г.Ғуломов. Ўзбек терминологияси тараққиёт йўлида. Давлат тили: муаммолар ва ечимлар. Т., 1999.

## **Ҳуқуқий – меъёрий ҳужжатлар тили ва услуби**

Режа:

1. Меъёр тушунчаси.
2. Расмий услубдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар тили.
3. Ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар услуби.

Таянч сўзлар ва иборалар: меъёр, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, услуб, атама, меъёрий кўринишлар, лексик, грамматик, юридик, урғу, имло, талаффуз, бошқарув, мослашув, битишув, паразит сўзлар, варваризмлар, вулгаризмлар, концеляризм, жаргонизм, диалектизмлар, орфографик меъёрлар, оғзаки ва ёзма нутқдаги нуқсонлар, меъёрлар бузилиши, иш юритиш, суд, прокуратура, адвокатура, нутк малакаси, расмий услуб.

Меъёр ҳақида гап кетганда адабий тил нормаларига тўлиқ амал қилинган ҳолда ёзма нутқ қонун-қоидаларига таяниб иш кўриладиган нутқий жараён. У жамият аъзоларининг келишуви асосида мавжуд шева, лаҳжадаги маҳаллий халқ тилидан саралаш асосида яратилади. Барча вилоят, туман, маҳаллаларда яшовчи маҳаллий аҳоли учун тушунарли бўлган тил бирликларини ёзма ва оғзаки нутқ жараёнида ўзбек адабий тили нормалари асосида амалда қўллаш имкониятини беради. Меъёрда тилнинг миллий-маданий, замонавий ва тарихийлик хусусиятлари албатта инобатга олинган.

Мазкур фан бўйича ўқув қўлланма яратган заҳматкаш олимларимиз М.Мирҳамидов, Н.Норпўлатов, С.Ҳасановларнинг “Юристинг нутк маданияти” ўқув қўлланмасида билдирилган

фикр-мулоҳазаларига таянган ҳолда мазкур мавзуни ёритишга ҳаракат қилинди.

“Ҳозирда мавжуд иш юритиш билан боғлиқ қўлланмаларда<sup>31</sup> суд, прокуратура, адвокатура ва ИИОда ишлатиладиган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг ўзига хос хусусиятлари, турлари, мазмуни, тили ва услуги, умумий методик томонлари деярли ўз аксини топмаган.

Шунинг учун биз бўлажак ҳуқуқшуносларни ёзма нутқ малакасини эгаллашга мутахассислик билан боғлиқ ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни мустақил, тўғри ва саводли ёзишга ўргатишимиз лозим.

Ҳуқуқ идораларида амалий қўлланиладиган барча ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар расмий услубда ёзилади. Расмий услубда тайёрланадиган ҳуқуқий-меъёрий матнга қўйиладиган энг муҳим таълаблар аниклик, ихчамлик, лўндалик, холислик, мазмуни тўлиқлик, расмийликдир. Бу услубда ёзилган барча ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар матнида шева ва жаргонга хос сўзлар, кичрайтириш – эркалаш кўшимчалари олган сўзлар, атама ва иборалар, кўтаринки – тантанавор ёки дағал сўзлар, ўхшатиш, жонлантириш, муболаға, истиора каби образли сўз ва атамалар умуман ишлатилмайди.

Расмий услубдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар тили расмий услубга хос бўлиб қолган сўзлар, қолиплаган барқарор атамалар ва иборалар, катъий одат тусига кириб қолган гап қурилмалари юридик ҳужжатларга хос лексик – грамматик хусусиятлар ҳисобланади. Масалан, “...муҳокама қилинди”, “... зиммасига юклатилсин”, “... қарорига мувофиқ равишда”, “...маълумот учун қабул қилинсин”, “... руҳсат беришингизни сўрайман”, “... ишонч билдираман” каби қолиплаган иборалар орқали юридик ҳужжатлар матнида расмийлик хусусияти таъмин этилади.

Ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар тилида от сўз туркумига оид сўзлар ва иборалар фаол қўлланади, ҳатто феъл билан ифодаланувчи ҳаракат ва ҳолатлар ифодаси учун ҳам отга яқин сўз шакллари кўп ишлатилади. Хусусан, “... тайёргарликнинг бориши ҳақида”, “... қарорнинг бажарилиши тўғрисида”, “... ёрдам бериш мақсадида”, “... қабул қилишингизни сўрайман”, “... таъминлашингизни сўрайман”, “... ташкил этилиши тўғрисида” каби ибораларга тез-тез муурожаат қилинади.

<sup>31</sup> Бу ҳақда батафсил қаранг: Н.Маҳмудов ва бошқалар. Ўзбек тилида иш юритиш. Т. ЎЗСЭ Бош редакцияси. 1990. Т.З.Имомова, Л.А.Тухватуллина. Иш қоғозлари қандай ёзилади – Как писать деловые бумаги. Т.: “Ўзбекистон”, 1992.

Мажхул нисбатдаги феъллар ва ўтган замондаги феълларнинг қўлланилишида ҳам ўзига хослик услуби мавжудлигини кўрамиз: “топширилсин”, “... тасдиқлансин”, “... бажарилсин”, “... бўшатилинсин”, “... тайинлансин”, “... эшитилди”, “... қарор қилинди”, “... кўриб чиқилди”, “...кўрсатиб ўтилди”, “...алоҳида қайд этилсин”, “... номзоди кўрсатилсин”, “... муҳокама этилди”, “...сўралсин”, “кониқарли топилсин”, “белгилаб қўйилсинки”.

Юкорида кузатганимиздек, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлардаги гап курилиши, одатда таснифлаш, майда қисмларга ажратишга, қайд этувчи ва қарор қилувчи қисмларнинг бирлигига асосланади. Шу боисдан ҳам ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда сўроқ ва ундов гаплар деярли қўлланмайди, асосан, икки таркиби содда, дарак ва буйрук гаплар ҳамда мураккаблашган синтактик бутунликлар кўпроқ ишлатилади. Ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар матни биринчи шахс ёки учинчи шахс номидан ёзилади: “... га рухсат беришигизни сўраймиз”, “... деб ҳисоблаймиз”, “... маъмурият талаб қилди”, “... бошқарма сўрайди” каби.

Қисқаси, юридик ҳужжатларни расмийлаштиришда тили, услуби, сўз ва атамаларни тўғри қўлланишига, имло ва тиниш белгилари масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоғи лозим.

### **Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:**

1. Меъёр тушунчаси нимани англатади?
2. Расмий услубда ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар тили хақида нималарни биласиз?
3. Расмий услуб талаблари нималардан иборат? Расмий услубдаги яна қандай ҳужжатларни биласиз?
4. Расмий услубдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг услуби деганда нимани тушунасиз?

### **Адабиётлар:**

1. Т.З.Имомова, Л.А.Тухватуллина. Иш қоғозлари қандай ёзилади – Как писать деловые бумаги. Т.: “Ўзбекистон”, 1992.
2. С.Каримов, Х.Маматов, И.Бўриев. Юристининг нутқ маданияти, Ўқув қўлланма. Т.: “Зарқалам” нашриёти, 2004.
3. Н.Маҳмудов ва бошқалар. Ўзбек тилида иш юритиш. Т.: ЎзСЭ Бош редакцияси, 1990.
4. М.Мирҳамедов, Н.Норпўлатов, С.Ҳасанов. “Юристининг нутқ маданияти”, Ўқув қўлланма. Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2005.

### Нутқ маданияти ва адабий тил меъёрлари. Адабий тилнинг меъёрий кўринишлари

Режа:

1. Тилдаги меъёрий муаммоларнинг ҳал этилиши.
2. Адабий тил меъёрини белгилашнинг амалий жиҳати.
3. Тил бирликларини меъёрлаштириш.
4. Адабий тилнинг меъёрлашувида ижодкорлар ва бадиий адабиётнинг аҳамияти.
5. Тил бирликларининг меъёрлашувида ёзувларнинг ўрни.

Таянч сўз ва иборалар: архаик, авантюра, автор, аристократия, оромий, юнон, суғд, лотин, хоразм, кушон, эфталит, паҳлавий, ўрхун-энасой, уйғур, лотин, рус (кириллица), лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбоси, маданият такомилли, адабий тилнинг шаклланиши, элементлар, миллат вакиллари, ижтимоий-сиёсатнинг тил меъёри ва ривожига таъсири, рус тилининг тазйиқи, ўзбек тилидаги грекча-юнонча, мўғулча, арабча сўзлар, янги ўзбек алифбосида 26 та ҳарф, 3 та ҳарфлар бирикмаси ва тутуқ белгиси мавжуд.

Инсониятнинг тарихий тараққиёти давомида тил ва нутқдаги меъёрий масалалар ҳам ўзгаришларни бошидан кечирган. Адабий тилдаги меъёрий муаммолар қадимдан бор ва ҳозир ҳам давом этмоқда. Тил меъёрларининг тараққиёт босқичи неча асрлардан буён шаклланган анъанавийлик асосида шаклланиб, тараққий этиб келади. Бу анъанавийлик тилдан фойдаланиш йўлида ўзгариб, янгилашиб келмоқда.

Шунинг учун адабий тил меъёрини белгилаш, муаммоларини ҳал этиш йўлида ҳар бир миллий тил маданиятини тараққий эттиришда тил меъёрлари ҳам нутқ маданияти билан омехталашиб боради ва нутқ маданияти майдонида ўрганилади.

Тилдаги меъёрий масалаларни бирданига ҳал этиб бўлмайди, бу жараёндаги муаммолар вақтни талаб қилади, маълум изланишларни тақозо этади, тузатишлар, янги сўзларнинг тилга қабул қилиниши ва уларни ўрганиш, тушуниш билан боғлиқ муаммолар бўладики, уларга вақт ва замон ҳакамлик қилади. Масалан, яқин

тарихимиздаги воқеани кўз олдимизга келтирайлик. 1989 йил 21 октябрда “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили” тўғрисида Қонуни қабул қилинди. Буни бутун ўзбек халқи севиниб, хурсанд бўлиб кутиб олди. Қонуннинг амалда тадбиқ этилишига сидқидилдан киришилди. Бирок қонунда акс этган барча моддаларни тезкор ҳолатда амалга оширишга келганда, унинг бажарилиши кийинрок кечмоқда. Қонун эълон қилинган дастлабки даврда қонуний бўлмаसा ҳам кўпгина идора ва ташкилотларда рус тилида иш олиб борилди. Бунга сабаб, шароит тақозоси билан ўзбекларнинг бир қисми рус тилида ўқитиладиган мактабларда таълим олганлиги ва рус тилида савод чиқарганлиги, ўғил-қизларини ҳам боғчалар ва мактабларда шу тилда таълим тарбия олишга жалб қилганлиги маълум муддат табиий ҳолатдаги тўсиқлар бўлди. Бу ҳолнинг натижаси ўлароқ, расмий иш қоғозларини юриштида, турли хил анжуманларда нутқ сўзлашганда рус тилидан фойдаланиш ҳоллари содир бўлди. Аммо ҳали ҳам оз бўлса-да давом этаётган бу жараёни ижобий деб бўлмайди, ўзбек тилини сидқидилдан, меҳр билан ўрганганлар ҳам оз эмас.

Бир мисол: бу воқеа 2008 йил баҳорида “Давлат ва жамият қурилиши академияси”да бўлган эди. Бир йиллик курсни якунлаётган Академиянинг халқаро ҳуқуқ йўналиши тингловчилари имтиҳон топширмоқда. Камина имтиҳон олувчи сифатида тингловчиларнинг фан юзасидан тузилган билетдаги саволларга жавобини баҳолаяпман. Шунда тингловчилар орасида Акрамжон исмли бир йигитнинг жавоблари менга жуда маъқул бўлди. Айниқса сўзларни тиниқ ва равон талаффуз қилишлари, хатосиз гапиришлари, сўзлаганда ҳам адабий тилда нутқ сўзлаши эътиборимни ўзига тортди. Чунки у “Бошқарувда нутқ маданияти ва нотиклик санъати” фанидан имтиҳон топширмоқда эди. Табиийки бу йигитга жавобларига лойиқ юқори балл қўйдим. У ўрнидан туриб раҳмат айтиб чиқиш эшиги ёнига борганда, мен унга: - Акрамжон менга қаранг, - дедим.

- Лаббай домла, - деб ёнимга қайтиб келди.

- Қаерда, ким бўлиб ишлагансиз?

- Адлия вазирлигида халқаро бўлимда бошлик бўлиб ишлаганман.

- Қайси мактабда ва яна қаерларда ўқигансиз?

- Тошкентда рус мактабида, кейин эса 19 ёшимдан Олмонияда бакалавр ва магистратурада ўқидим, у ерда 30 ёшимгача ўқиб,

ишлаб, яшадим. Тошкентга қайтганимга бир-икки йил бўлди, ўзбек тилини яхши билмасдим. Тўғри рус, инглиз, немис тилларини биламан, аммо ўз она тилимни билмаслигим жуда нокулай туюларди ўзимга. Ўзбек тилини ўрганишга жиддий киришиб бир йилда ўрганиб олдим, - деди уялинқираб.

- Отангиз ким бўлиб ишлайдилар?

- Россия Федерациясида Ўзбекистон элчиси.

- Уйланганмисиз?

- Ҳа.

- Ўзингиз танишиб-ми? Ёки ...

- Ота-онам топишди келинингизни, шу қизга уйландим.

- Чет эл ҳаётига хос ёшларнинг ўз эркида юришлари сизга таъсир қилмади-ми? Яъни ...

- Тушундим, домла. У ерда ёшлар ўртасидаги эркин ҳаёт таъсирига берилиш, берилмаслик одамнинг ўзига боғлиқ. Агар қўйиб берсангиз кўнгил нимани хоҳламайди. Одамни ақл бошқариши керак. Кўнгил ақлдан устун келса, инсон боласи адашиши мумкин. Тўғри бунақалар онда-сонда учраб туради.

- Нега Тошкентга қайтдингиз, ота-онангиз қистадими ёки ўзингиз юртни соғиндингизми, келиб-кешиб турсангиз ҳам бўларди-ку. Бошқалар шундай ҳам қилади-ку.

- Домла, ишим яхши эди, маошим ҳам юқори. Бироқ мени бир нарса қийнади. Иш жойимдаги бирга ишлаётган немис ёшларининг “Сиз ўзбеклар унақа-мунақа”, “Сизнинг Ўзбекистон ундай” – деган гап-сўзлари қалбимга қаттиқ тегди, кесатикдай бўлиб туюлди. Албатта бундай кезларда халқим ва ватаним шаънига ножўя гаплар бўлса, шунга мос жавоб қайтарардим-у, бироқ бундай гаплар иззат-нафсимга тегарди. Шунинг учун олган билимим билан юртим тараққиётига ҳисса қўшиб, халқимга хизмат қилай, деган ниятда Тошкентга келдим.

- Раҳмат, ўғлим, мен сизга хавас қиламан, набираларим сиздай тоза қалбли инсонлар бўлсин, илоҳим, дедим-да Акрамжон билан хайрлашдик. Бу мисолни келтиришдан мақсад иккита. Биринчиси, агар одам ўзи чин дилдан интилса, истаса ўзбек тилини Акрамжонга ўхшаб соф адабий тилда ўрганса бўларкан. Яна қизиги, Акрамжоннинг нутқида шева элементларини учратмадим. Иккинчидан, йигитдаги миллий ғурур, миллат ва юртига бўлган меҳр-муҳаббат, яъни ватанпарварликнинг юксаклиги, қалбининг пок-

лиги, тўғрисиўлиги, қалбидан юзига балқиб чиқаётган нур. Мана сизга баркамол авлоднинг битта вакили.

Бошқа бир мисолда ўқитувчининг адабий тилни бузиб ишлатганини кузатамиз.

ЎзТВсининг 2010 йил 3 август куни соат 9.45да “Болалар дунёси” кўрсатувида “ҳаракати чекланган болалар синфида Иброҳимжон исмли 10 ёшлар чамасидаги ўқувчи билан ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Умида опа суҳбати кўрсатилди.

Суҳбат давомида Иброҳимжон ўзбек адабий тилида саволлар берганда тил ва адабиёт муаллими Умида опа тўлик Тошкент шаҳар шеvasида гапириши ҳар қандай тингловчиларнинг ғашига тегади. Лоақал бу опамиз ўз мутахассислиги ҳурматини қилиб адабий тилда гапирсалар яхши бўларди. Нутқида – биловуза, – айта-миза каби қўшимчаларни узлуксиз ишлатдилар. Иброҳимжон шу даргоҳда даволанаётган ва таълим олаётган хоразмлик Роза исмли ўқувчи қиз билан суҳбат қилганида Розахон хоразмлик бўлса-да соф адабий тилда гапирди. Ҳар бир сўзни тиниқ ва равон талаффуз қилдилар. Устози Умида опага ўхшаб шевада гапирмадилар. Ҳаттоки, устози каби –и-и-и, –а-а-а деб товушларни чўзиб ҳам гапирмади. Назаримда тил ва адабиётдан таълим бераётган устозлари ўқувчилардан ўрнак олса бўларди.

“Тил – миллатнинг руҳи” (И.Каримов) эканини қалбдан ҳис этиш ҳолати. Халқимизда: “Узокнинг донидан, яқиннинг сомони яхши”, “Узокдаги қуйруқдан, яқиндаги ўпка яхши” деган мақоллар бор. Бу билан биз чет элда ишлаб қолиб кетаётганларга таъна қилиш фикридан йироқмиз. Бироқ касб-ҳунар ўрганиб, билим олиб, ўз ўрганганлари билан Ўзбекистоннинг порлоқ бугуни ва келажаги учун хизмат қилиш қандай шарафли. “Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш”нинг ўз гашти борлигини англаган ёшларимиз кўплаб топилади. Тил ва эл учун хизмат қилган одам ҳеч қачон хор бўлмайди.

“Тил элементларининг маълум бир меъёрга келтирилиши, бир томондан, тил мутахассислари орқали бошқарилиб борилса, иккинчи томондан, табиий равишда ҳам юз беради. Аммо шу нарсани унутмаслик керак: тилнинг амалда бўлиш ҳолатларига тазйиқ ўтказиб бўлмайди. Бу объектив жараёндир. Лекин унинг ривожланишига маълум йўл-йўриқлар, кўрсатмалар тавсиялар берилиб борилиши зарур”<sup>32</sup>.

<sup>32</sup> С.Каримов, Х.Маматов, И.Бўриев. Юристинг нутк маданияти. Ўқув қўлланма. Т.: “Зарқалам” нашриёти, 2004. 24-25 бетлар.

Бу борада ишларимиз мақтовнияхшилаш учун адабий тил меъёрини белгилашнинг амалий жиҳати билан шуғулланишни жонлантириш зарур.

Адабий тил меъёрини амалий жиҳатдан белгилашда илмий тадқиқот ва изланишлар ҳамда жараёни кузатиш натижалари уларок, адабий тил имкониятларидаги мазмуний ва шаклий ҳолатлар таҳлил қилинади. Бу имкониятлардан қай йўсинда фойдаланиш йўллари белгилаш ҳам адабий тил меъёрни саклашда муҳим аҳамиятга эга.

Бу вазифалар эса шу соҳа билан шуғулланувчи мутахассислар ва тилшунос олимлар зиммасига тушади. Аммо бу масалаларнинг амалий ҳал этилиши бу тилдан фойдаланувчиларга боғлиқ. Агар уларга шу тил меъёрлари маъқул бўлса қабул қилади, йўқса қабул қилишлари учун мажбурлаб бўлмайди. Бунинг устига ҳар бир тил элементларининг меъёр даражасига етгунича маълум муддат керак бўлади.

Ҳуқуқ соҳасида тилдан фойдаланиш меъёрларини белгилаш, имло ва талаффуз қоидаларига риоя қилиш, белгиланган меъёрда ёзиш ва нутқ сўзлаш кўникмаларини шакллантириш, ҳалқимизнинг нутқ маданиятини ошириш каби масалалар ўз долзарблигича давом этмоқда. Модомики, миллий истиқлол ғояси ҳалқимизнинг маънавий дунёкарашини юксалтиришни талаб этаётган экан, бу биринчи навбатда тил ва нутқ маданиятини шакллантиришга бориб тақалади. Бу ўз она тилида ёшларимизнинг эркин фикрлашни ўрганиб, ўзлаштириб боришларини тақозо этади ва бўлажак ҳуқуқшуносларга ҳам шу вазифани юклайди. Замонага мос янгича фикрлаш, бизга қарши қаратилган янги ғояларга янгича фикр ва ғоялар билан жавоб бериш учун тил бирликларидаги меъёрлаштириш қоидаларига риоя қилиб, ёзма ва оғзаки нутқ маданиятини мукамал ўрганиш орқали эришиш мумкин.

Тўғри тил бирликларини меъёрлаштириш, шу тилда сўзлашувчилар учун тушунарли қоидаларга мослаш тилшуносликнинг асосий вазифаларидан.

Ҳуқуқшунос – нотик нутқидаги ютуқ ва камчиликлар кузатилиб таҳлил этилиб, баъзи нуқсонларни бартараф этишнинг маълум йўллари кўрсатиб боришни тақозо этади. “Нутқ маданияти кенг миқёсдаги тил тарбиясини ва оммавий стилистик саводни, бошқача айтганда, сўзловчи ва ёзувчи омма орасида тил ҳақидаги фаннинг



ҳозирги замон ютуқларини татбиқ этишни ўз олдига вазифа қилиб қўяди (Основы культуры речи. Хрестоматия М.: Высшая школа, 1984, стр.39)”.

Тилнинг меъёрлашуви узлуксиз давом этар экан, тилимизда мавжуд бўлган тил бирликлари осонликча ўз ўрнини янги тил бирлигига бўшатиб бермайди. Улар маълум вақт бирга хизмат қилишлари ҳаётда кузатилган. Вақти келиб, шу тилда гаплашувчи халқ ўзи янгисини танлаб эскиси ўз-ўзидан четга чиқиб қолаверади. Тил бирликларини танлаш жараёнида адабий тил шаклланиб бораверади. Бу жараёнда халқ тилида фаолият кўрсатиб келаётган шева, лаҳжа, жаргонлар ҳам сараланиб, адабий тилга киритилиши мумкин. Масалан, Абдулла Қаҳҳор кўкон шевасидаги “синчалак” сўзини киритгани каби. Энди оммага тушунарли бўлган тил бирликлари бирлашиб муайян қоида-қонунлар асосида тартибга солиниб, адабий тил меъёрларини белгилайди. Ўзбек адабий тилининг умумхалқ тилидан фарқ қиладиган жиҳатлари ҳам шунда.

Маълумки, одамлараро муомала ва мулоқот воситаси саналган тилнинг яратувчиси ва ижодкори халқ ҳисобланади. Тилнинг ривож ва таракқиётида эса, шоир ва ёзувчиларнинг, илмий изланишлар олиб борган ва олиб бораётган олимларимизнинг, ҳуқуқшунослар ва ўқитувчиларнинг, журналист ва актёр, режиссёрларнинг нашриёт ходимларининг, луғатшунос мутахассисларнинг, бадий сўз усталарининг, санъаткорларнинг заҳматлари ётади. Булар орасида бадий адабиёт алоҳида ўринга эга. Ҳар бир шоир ва ёзувчи ўз ижодлари давомида ўз услубларини яратадилар. Уларнинг услублари бир-бирига ўхшамасликлари ҳам тилимизнинг чексиз бой тил эканлигидан дарак беради. Шу боис улар ижодида фавқулодда оригинал тил ифодаларининг берилиши нағижаси ўлароқ янги сўз ва иборалар яратилади.

Баъзан бундайин топилмалар ўша асарнинг ўз ичида қолиб кетиши, оммалашмаслиги, адабий тил доирасидан ўрин олмаслиги, тилда меъёрлашмаслиги ҳам мумкин. Улар ихтиро қилган сўз ва иборалар омма ҳукмига ҳавола, яъни бу тил бирликларини қабул қилиш қилмасликни шароит, замон, вақт, энг муҳими кўпчиликка маъқул бўлиши каби омилларга боғлиқ. Мабодо бадий асарда ишлатилган сўз ва иборалар меъёр тарзида қабул қилинмасда асарнинг бадийлигини, ўқимишлилигини таъминлашга хизмат қилиши аҳамиятлидир. Мисолларга назар ташлаймиз:

Бир тирик нафосат борлик жаҳонда,

Кимгадир эланар, килар илтижо. (эланар сўзи “ялинар” шаклида ишлатиларди. Шевадаги бу сўз адабий тил бойлигига кўшилиш кўшилмаслиги уни ишлатаётган оммага боғлиқ. Ёки “Бу қадар гўзаллик қайси очунда, “Дунёвий оламнинг тийғи юракда”. “Менинг консинглим (кайнисинглим ўрнида) Фарида Афрўз шаънига таъзим ила”, “Улуғ Туркистоним, олтин далалар, офтоб сочки сочар бош узра болкиб. У сенинг тилингда айтар аллалар. Қоним, она тилим, оҳ, она халким”. “Бир дам хасратлардан бўлурман маълул... Кўзимга тўқинар малолат, туман. Чексизлик кўйнида яланғоч сукут. (мисоллар Рауф Парпининг “Тавба” китобидан олинди. Мисоллар таркибидан жой олган, эланар, очунда, тийғи юракда, консинглим, офтоб сочки сочар, маълул, малолат каби сўзлар шеър мисраларига бадийлик бахш этиши билан бирга, агар бу сўзлар халққа маъқул бўлса адабий тил таркибидан ўрин олиши мумкин.

Тил бирликларининг белгиси сифатида иш кўриб келаётган ёзувларимиз тарихи ҳам олис-олисларга бориб тақалади. Ҳақиқатан ҳам ўтмишдаги воқеа-ҳодисалар баёни ёзма шаклда бизгача етиб келган. Тилдаги бирликлар ва воқеа-ҳодисаларнинг реаллашувида ёзувларнинг хизматлари катта. Ўзбек давлатчилигининг пайдо бўлиши ва ривожланишида ҳамда аждодларимиз эришган фан ютуқлари ва маданий, маънавий бойликларимиз неча асрлар давомида ёзувда хизмат қилиб келган ва бугун тарихга ва ҳозир амалдаги кирилл ва лотин ёзувидаги ўзбек алифбоси айланган: оромий, юнон, карошта, суғд, хоразм, кушон, эфталит, пахлавий, сурёний, хинд, ўрхун (руний), уйғур, араб, лотин, рус (кириллица) ёзувлари ва яна лотин ёзуви алифбосига ўтиш жараёни бунинг ёрқин мисоли. Шу маънода ўзбек адабий тилининг тараққий этишида ёзувларнинг алоҳида ўрни бор.

Тилшунос олимларнинг фикрига кўра, давлат ишларини бошқаришда ёзувлардан фойдаланиш маълум маънода адабий тил ривожига таъсирини ўтказган. Яъни давлатлараро муносабатларнинг (иктисодий, маданий ва бошқа) ривожига бевосита адабий тил меъёрлашуви ҳам шаклланиб тараққий эта бошлаган.

“Дарҳақиқат, давлат олиб борган ижтимоий сиёсатнинг тил ривожига ва меъёрлашувига таъсири сезиларли бўлиши шубҳасиздир. Буни собиқ Иттифок ҳудудида яшовчи халқлар тилларига бўлган муносабатдан ҳам англасак бўлади. “Рус тили – иккинчи она

тилимиз” деган сунъий шиор бир асрга якин вакт мобайнида аста-секинлик билан тилимизга рус ёки у оркали бошқа тиллардан сўз қабул қилиш ва уларнинг меъёрлашиб боришини таъминлади. Биз ҳеч иккиланмасдан, абсолют, авангард, авантюра, авария, автобиография, автоном, агитатор, агрессив, агрессор, актив, актуал, алфавит, альянс, амнистия, аноним, арбитр, аристократ, аристократия, арсенал, архаик, атака, аттестат, аудитория, афоризм сингари сўзларни қўллайвердик ва шундай қўллашга кўникдик. Уларнинг тилимизда муқобиллари йўқмикин деб, ўйлаб кўрмадик. Тўғриси, бунга имкон ҳам, умумий оқимдан четга чиқишнинг иложи ҳам йўқ эди. Лоқайдлигимиз эса бунга кўмаклашди.

Рус тилининг тазйики кучайиб боргани сари ,аста-секинлик билан ўзимиз сезмаган ҳолда ўз сўзларимиз ва ифода усулларимиздан воз кеча бошладик. Шу даражага бориб стдикки, тилимиздаги оддий совлик, қорамол, улоқ сўзларини унута бошладик. Уларни рус тилидан калькалаб, она қўй (овцематок , она товуқ, она чўчка, она қуён, она бия, йирик шоҳли қорамол (крупный рогатый скот), майда шоҳли мол (мелкий рогатый скот) тарзида ишлатишдан тортинмадик. Ачинарлиси шу бўлдики, оддий ўзбек чорвадорларимизнинг, чўпону молбоқарларимизнинг ўзлари ҳам газета ёки радиодан муҳбир келиб суҳбатлашганда шундай деб гапирадиган бўлдилар.

Ўзбек тилига четдан кириб келган бирликларнинг меъёрлашиш сабабларини шу тарзда англайдиган бўлсак, унинг луғат таркибидаги грекча-юнонча, мўғулча, арабча сўзларнинг пайдо бўлиш омишларини ҳам тўғри тушунаимиз.<sup>33</sup> Севимли шоиримиз Абдулла Орипов:

Она тилим сен борсан, шаксиз,  
Булбул куйин шеърга соламан.  
Сен йўқолган кунинг шубҳасиз,  
Мен ҳам тўти бўлиб қоламан –

деб бу жараёнга жуда тўғри муносабат билдирганлар. Тўтилик бошланаётган эди, бахтимизга Мустакиллигимиз жонимизга аро кирди. Ўзбек тили давлат тили деб эълон қилинди. Юқоридаги каби нуксонларга қарши иш бошланди ва амалда қўлланилмоқда. Онда-сонда оз бўлса-да учраб турадиган нуксонлар ҳам тез орада барҳам топишига шубҳа қилмаймиз.

<sup>33</sup> С.Каримов, Х.Маматов, И.Бўриев. Юристинг нутқ маданияти. Ўқув қўлланма. Т.: “Заркалам” нашриёти. 2004. 28-29 бетлар.

Лекин А.Маматов таъкидлаганидек: “Ёшларнинг адабий тил нормаларига амал қилган ҳолда сўзлашиши нафақат уларнинг ўқи-мишлилигидан дарак беради, балки айти вақтда ақлли ва мада-ниятлилигини ҳам кўрсатади. Шунинг учун ёшлар ҳамма вақт нутк маданияти ва нутқ одобига қатъий риоя қилган ҳолда сўзлашга ҳаракат қилишлари лозим. Талаффуз этилган ҳар бир товуш, сўз, ибора, аниқ ва раво жаранглаши керак. Ёшларнинг нотик бўлиши шарт эмасдир (балки), лекин фақат фикрини, тушунганларини тўғри, аниқ иборалар билан ифода қилишлари зарур, чунки она тилимизнинг софлигини сақлаш ҳар бир ёш авлоднинг шарафли бурчидир<sup>34</sup>.

### **Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:**

1. Адабий тилимиздаги меъёрий муаммолар ҳақида гапиринг.
2. Адабий тилнинг меъёрлашувида бадиий адабиётнинг аҳамиятини тушунтиринг.
3. Четдан кириб келган сўзларнинг меъёрлашувига сабаб бўлган омиллар ҳақида нималарни биласиз?
4. Лексик меъёр нима?
5. Имло ва талаффуз меъёрларини қандай тушунаси?

### **Адабиётлар:**

1. И.А.Каримов. “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар”. Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. Абдусаидов А. Газета тили ва адабий норма. Самарқанд, 1986.
3. Э.Бегматов, А.Маматов. Адабий норма назарияси. II қисм. Т., 1998.
4. С.Каримов, Х.Маматов, И.Бўриев. “Юристинг нутк маданияти” ўқув қўлланма. Т.: “Зарқалам” нашриёти, 2004.

<sup>34</sup> А.Э.Маматов. Ёш авлоднинг нутқий маданиятини тарбиялаш ҳусусида (илмий-амалий конференция тезислари) – Навоий. 1993. 7-бет.

## Бешинчи бўлим.

### Адабий тилнинг функционал услублари ва юрист нутқи маданияти

#### Юрист нутқининг асосий коммуникатив сифатлари

Режа:

1. Нутқнинг тўғрилиги.
2. Нутқнинг аниқлиги.
3. Нутқнинг мантикийлиги.
4. Нутқнинг софлиги.
5. Нутқнинг бойлиги.
6. Нутқнинг жўялилиги.
7. Нутқнинг ифодалилиги.

Таянч сўз ва иборалар: намунавий нутқ, нутқнинг тўғрилиги, аниқлиги, мантикийлиги, софлиги, бойлиги, жўялилиги, ифодалилиги, чиройлилик, ёрқинлик, равонлик, лўндалик, лексик-грамматик жараёнлар, таъсир, рухий ташқи омил, аудитория, билим, эътибор, нутқий машқ, фонетик, жозибадорлик, синтактик, тилдан ташқари омил, нотиклик санъати, нутқ олдида қўйиладиган талаблар саводхонлик, субъектив мулоҳаза, нутқ режаси, мувофиқлик.

#### Юрист нутқининг тўғрилиги

Бизда қадимдан ахлоқ-одоб, мағзи тўқ ва табаррук тушунча сифатида азалдан жамиятдаги осойишталикнинг асосини ташкил этган. Маънили ва чиройли гапира билиш, сўзнинг орқа-ўнгини, ёнверини фарқлай билиш, сўзлаганда фаҳму фаросат, нутққа хос нозик хиссиётлар ўтган аждодларимиз томонидан доимо улуғланиб келган. Ҳатто инсоннинг комиллигини ҳам сўзи орқали англаш таянч устунлардан ҳисобланган. Азизиддин Насафий “Комил инсон” номли китобида ёзади: “Билгилки, комил инсон қуйидаги тўрт нарсага мукамал шаклда эга бўлган инсондир. Уларнинг биринчиси – яхши сўз, иккинчиси – эзгу фаолият, учинчиси – гўзал ахлоқ, тўртинчиси – илм”.<sup>35</sup>

<sup>35</sup> И.Ҳаққул. Навоийни англаш машаққати. Ўзбек тили ва адабиёти. 2005. №1, 5-бет.

Хуқуқшунослик соҳасида фаолият олиб бораётган ва шунга интилаётган бўлажак юристларда ҳам юқоридаги Насафий айтган тўрт фазилат бўлиши керак. Шундагина юрист ўз одоб ва ахлоқи билан бошқаларга намуна бўлиши табиий.

Бунинг учун эса юрист нутқнинг ўзига хос коммуникатив сифатларини билиши лозим бўлади.

Юрист нутқининг маданийлигини таъмин этадиган тўғрилиқ, аниқлик, мантикийлик, ифодалилик, бойлик, софлик, жўялилик каби қатор коммуникатив сифатлар борки, уларсиз нутқнинг маданийлигини тасаввур этиш қийин. Мазкур сифатларнинг жами юрист нутқининг таъсирчанлигини юзага келтиради.

Нутқнинг тўғрилиги бу соҳадаги таълимотнинг асосини белгилайди. Юрист нутқининг маданийлик даражаси ва ундаги барча коммуникатив сифатлари айни шу тўғрилиқ мавжуд бўлгандагина юзага кела олади. Шунинг учун ҳам юрист нутқининг тўғрилиги нутқ маданиятининг биринчи босқичи бўлиб, ҳуқуқшунос талабаларда тўғри нутқ тузиш кўникма ва малакаларини шакллантиришга қаратилган бўлади.

Адабий тил меъёрларига амал қилинмасдан тузилган нутқ тўғри нутқ бўла олмайди. Мисол: “Фалончи шунча қарздор. (Ким кимга қарздорлиги номаълум)”.

Нутқнинг тўғри англанишида мантикий урғу, пауза, оҳанг (интонация) ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Улар билан боғлиқ қонуниятлар ҳам ўзбек адабий талаффузи меъёрларини белгилайди.

Юрист нутқининг тўғрилиги асосан оҳанг, урғу ва морфологик, синтактик услубий меъёрларнинг тўғри қўлланилишига боғлиқ. Масалан, сўзларда урғуни қаерга қўйишни фарқламаслик юридик тил меъёрининг бузилишига сабаб бўлади. Ҳуқуқшунос нутқидаги оҳанг ва урғу туфайли сўзлар тушунча ва маъно ўзгариб сўзни ифодалаш имкониятлари кенгайди. Оҳанг ёрдамида пичинг, кесатик, самимият, менсимаслик каби ҳолатларни ифодалаш мумкин (Масалан, “Ҳа-а, қалайсиз”, “Нимага эришдингиз”, “Аҳмад аҳмоқ, ўғлини ишга жойлади”, “Самад, аҳмоқ дўстини ҳимоя қилди” каби).

Ҳуқуқшунос нутқининг тўғрилиги оҳанг, урғу ва грамматик меъёрлар билан бирга сўз, сўз бирикмалари ва гапларни бир-бирига боғлаш, келишик ва эгалик кўшимчаларидан тўғри фойдаланиш, гапнинг бош ва иккинчи даражали бўлақларини ўрнида қўллаш каби малака ва кўникмаларни эгаллашни қатъий талаб қилади.

## Юрист нутқининг аниқлиги

Юрист нутки тўғри коммуникатив сифатга эга бўлиши билан бирга аниқлик сифатига ҳам риоя қилиши керак. Юрист нутки аниқ бўлмаса тингловчи томонидан фикрнинг англаниши мушкул. Сўзлаётган юрист нутки чала фикрлар ва янглиш тушунчалар билан қорилган бўлса тингловчилар ёки тингловчи бундай нутқни табиий ва нормал ҳолатда кабул қилолмайди.

Арасту ҳақимнинг “Риторика” китобида: “Агар нутқ аниқ бўлмаса, у ўз мақсадига эриша олмайди” деб таъкидлайди.<sup>36</sup> Нутқнинг аниқлиги аввало сўзининг лексик маъносини тўғри тасаввур қилишга боғлиқ. Масалан, “Авлодлар” сўзи ўрнида “аждодлар” деб, “китоб” ўрнида “дафтар” деб, “арчимоқ” ўрнида “артмоқ”, “кесмоқ” ўрнида, “қирқмоқ” сўзларини қўллаш ҳоллари ҳам юрист нутқининг аниқлигига путур етказди. Чунки ҳар бир сўзнинг аниқ лексик маъноси бор. Уни билмаслик оқибатида нутқда ноаниқ тушунча пайдо бўлиши мумкин.

Юрист нутқининг аниқлиги нарса, воқеа-ҳодисаларнинг ўзига хос бўлган белгиларни, хусусиятларни аниқлаш, уларга мос тушадиган сўз ва сўз бирикмаларини танлашга боғлиқ. Бу эса юристдан юридик тилдан хабардор бўлишликни талаб этади. Ёзувчи Асқад Мухтор тўғри таъкидлаганидек:

Сўзни қайлик сайлагандек севиб сайла. Яъни танланаётган сўз устида чуқур ўйланмаса, аниқ фикрни ифодалаш қийин кечади. Таникли олим А.Рустамовнинг қуйидаги фикрлари ҳам нутқнинг аниқлигига ойдинлик киритади. “Майу майхона ва соқийу паймона каби сўзларнинг мумтоз адабиётда истиора сифатида қўлланилишини билмаганлар, масалан:

Навоийнинг:

Зоҳид, сенга ҳуру менга жонона керак,  
Жаннат сенга бўлсун, менга майхона керак.  
Майхона аро соқию паймона керак,  
Паймона неча бўлса, тўла яна керак, -

деган рубойисини ўқиганда, Навоий ичкилик тарафдори экан, деган хулосага келиши мумкин. Кўпгина ёшларимиз Шарқ адабиёти классикларининг шеърларини ўқиганда, май, шароб каби сўзлар-

<sup>36</sup> Кўчирма: Н.Маҳмудовнинг “Ўқигувчи нутқи маданияти” китоби. Т.: Миллий кутубхона нашриёти. 2007. 89-бет.

нинг истиора сифатида қўлланилишини ҳисобга олмаслик натижа-сида ичкилик ва классик шоирларимизнинг ичкиликка бўлган муносабати ҳақида нотўғри тасаввурга эга бўлардилар...

“Май” сўзи ҳақиқат маърифати, унга бўлган ишқу муҳаббат ва уни идрок қилгандаги лаззатни билдиради... Навоий “майхона” деганда ичкиликxonани эмас, ҳақиқат ошиқларининг васлгоҳини назарда тутган. Май ва майхонанинг рамзий маънолари аён бўлди. Навоийнинг Менга майхона керак деганда унинг қовоқхона ёки винохона, умуман, ичкилик бор жойни назарда тутмаган. Навоий ўз салафлари сингари майхона деб маърифат ҳосил бўладиган ерни тушунар ва уни жаннатдан афзал кўрар экан”.<sup>37</sup>

Нутқнинг аниқлиги бадий адабиётда тўғри қўлланилганда бадий образнинг янада тиниқлиги, аниқлиги ёрқин кузатилади.

### Юрист нутқининг мантикийлиги

Юрист нутқининг мантикийлигини нутқнинг тўғрилиқ ва аниқ-лик сифатларидан айрича тасаввур этиш мумкин эмас. Ҳарқалай тўғри ва аниқ бўлмаган нутқ ҳеч қачон мантикий сифатга эга бўла олмайди.

Фикр ва гапда аниқ маъно, ҳақиқат ифодаланиши мантикий-ликнинг асосини ташкил этади. Нутқда тил воситаларининг тўғри тафаккур қонуниятларига мос тарзда мазмуний бирикиши нутқ мантикийлигининг бош мезонидир. Юрист баён этмокчи бўлган фикрини билдирмокчи бўлган воқеа-ходиса хабарини ва у билан боғлиқ тафсилотларни, мантиқ қонуниятларини етарли даражада тасаввур этмас экан, у мантиқни нутқ туза олмайди. Бунинг учун юристда тафаккур қобилияти жуда кучли бўлиши керак. Ҳуқуқ-шунос ўз фикрини баён қилаётганда фикрларини ўзаро мантиқан тўғри боғлай олиши, мавзуга алоқадор асосий фикрни иккинчи да-ражали фикрдан фарқлай олиш қобилияти билан фикр қайтариқ-ларига йўл қўймаслиги лозим бўлади.

Юрист ўз нутқининг мантикийлигини таъминлашда икки шартга амал қилиши керак. Дастлаб, муайян тилни тез ўзлаштириш шартига амал қилади. Нутқ сўзлаганда фикр теранлиги ва тарти-бига риоя қилиши, фикрлашда мантикий хатоларга йўл бермаслик юрист нутқининг мантикийлигини таъминласа, иккинчидан, бу

<sup>37</sup> А.Рустамов “Сўз хусусида сўз”. Т., 1987. 48-бет.



шарт юридик тилга хос бўлиб, юрист нутқидаги фикрларнинг бири-бирига зид келмаслигини, мазмунан фикрларнинг муштараклигини таъмин этувчи юридик тил воситаларидан етарлича хабардор бўлишини такозо қилади.

Ҳазрат Алишер Навоий ўзининг “Мажолис-ун-нафоис асарида Лутфий ва Ҳусайн Бойқаро билан Амир Хисрав Дехлавий қаламига мансуб бир шеърдаги ўхшатиш билан боғлиқ воқеа ҳақида ёзади. Баҳорнинг ёмғирли кунларидан бирида у “Хуросон мулкида Туркий ва Форсийда малик ул-калом” Лутфий билан учрашиб қолади. Мавлоно Лутфий Амир Хисрав Дехлавийнинг бир шеърдаги гўзал маъно ва ўхшатиш ҳақида жуда ҳам мактов билан гапириб беради, яъни: “Маҳбуба ёмғирли кунда йўлда тийғаниб йиқилиб кетай дейди. У шу қадар гўзал ва нозикки, ёғаётган ёмғир риштасини ушлаб, унинг мадади билан ўзини ўнглаб олади.” Бу таъриф Навоийга беҳад маъқул тушади. Саройдаги олий адабий мажлисларнинг бирида Навоий бу ўхшатиш ҳақида шоҳ Ҳусайн Бойқаро ҳузурда гапириб, шоҳнинг ҳам ҳайратланишини кутади. Аммо Бойқаро “Юқоридан пастга тушаётган ёгин риштаси йиқилаётган киши учун мадад бўла олмайди” деб эътироз билдиради. Навоий Бойқаронинг ўтқир ва нозик мантиғи ва шеърфаҳмликдаги заковатига қойил қолади.<sup>38</sup> Ҳусайн Бойқаро эса ўхшатишдаги тушунча мантикийлигидаги нуқсонни фаҳмлаган.

Кўпгина ҳолларда юрист нутқи бошида “маълумки” сўзини ишлатса, мантикка тўғри келмайди. Маълум бўлса, яъни бошқаларга маълум бўлса нимага керак у фикрларни айтиш. Бунга ҳожат йўқ.

Умуман, юрист нутқининг мантикийлиги фикрнинг теран ва изчиллиги, тушунчалар ҳамда фикрлар ўртасидаги муштаракликнинг мантикийлиги, фикр либосининг фикрга лойиклигини талаб этади. Юрист нутқининг мантикийлиги нутқ таркибидаги ҳар бир сўз, ибора, сўз бирикмаларига хос маъноларнинг алоқаси мантик ва тафаккур қоидаларига зид бўлмаган ҳолда фикрлар кўламининг изчиллиги ва аниқ мақсадга қаратилганлиги билан белгиланади.

### **Юрист нутқининг софлиги**

Юрист нутқининг софлиги маҳаллий тилга хос ва лаҳжавий сўзлар, шева ва жаргонлардан ҳолилиги билан белгиланади. Юрист

<sup>38</sup> Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 13-том. Т.: “Фан” 1997. 206-208 бет.

нуткига путур етказувчи унсурларнинг асосийлари куйидагилар: 1) шевага хос сўз, ибора, грамматик шакллар, урғу ва талаффуз; 2) ўринсиз қўлланган чет сўз ва сўз бирикмалари (варваризмлар); 3) жаргон ва арголар; 4) дағал, ҳақорат сўз ва иборалар (вульгаризмлар); 5) “ишламайдиган” ёки паразит сўзлар; 6) идоравий сўз ва иборалар (канцеляризмлар) ва шу кабилар. Юрист ўз нутқининг софлиги ҳақида ўйлар экан, юкоридаги унсурларга имкон бермаслиги керак.

Юрист нутқининг софлиги ҳукукшуноздан иккита нарса талаб этади. Биринчидан, нутқда кераксиз сўз ва ибораларни ишлатмасликка ўзини ўргатиш, тушунарсиз сўз ва ғализ жумлаларни ишлатишдан сакланиш бўлса, иккинчидан, юристнинг нутқ матни бўйича қай даражада тайёрлиги билан ҳам ўлчанади. Юрист ўз нутқида “анақа”, аши, хўш-ш, значит так, давай, просто, баччағор, қисталок. Масалан, “ер ҳайдалди” жумласи, ўрнида “Ерни сифатли ҳайдаш ишлари муваффақиятли тарзда амалга оширилди” деб ишлатиш нутқнинг софлигига зарар етказди. Бадий асарларни кўпроқ ўқиш нутқ софлиги учун фойдали.

### Юрист нутқининг бойлиги

Юрист бой ва ранг-баранг нутқ тузиш учун ифодаларнинг бир хиллигидан кочиш, айна бир тушунча ёки фикрга фаркли “либос”лар танлаши лозим бўлади. Бунинг учун юристда тил воситаларининг бой ва ранг-баранг захираси етарли даражада бўлиши керак.

Ҳазрат Алишер Навоий таъкидлаганидек,

“Бир деганни икки демак хуш эмас,

Сўз чу такрор ўлди, дилкаш эмас.”

Юрист нутқининг бойлиги, аввало унинг билим даражаси ва сўз захирасига бойлиги билан ўлчанади. Юрист аввало фикрни баён қилишда юридик тилнинг тўлиқ имкониятларидан фойдаланмоғи лозим бўлади. У маънодош, уядош, антоним, синоним сўзлардан, тасвирий ифода ва иборалардан, бадий, детектив асарлардан олинган парчалар ва ёрқин образлардан ҳам ўринли фойдаланишни уддалай билиши керак. Халқимиз тилидаги қочирик сўзлар, фразеологик бирикмалардан хабардор бўлиши лозим. Юрист ўз нутқида ўхшатиш, сифатлаш, жонлантириш, истиора, муболага каби бадий нутқ воситаларидан, риторик сўрок гаплардан фойдаланиш иш кўрсагина, унинг нутқи бой ва ранг-баранг нутқ бўла олади.

Чинакам бой, рангин нутқнинг нодир намуналарини сўз санъаткорлари кашф этганлар. Улар сўз устида қаттиқ ишлаганлар. Ёзувчи насрда бирор сўзни бир жумлада бир неча бор такрорласа, жумла чучмал ҳолатга келади. (М: қўлланмадаги услубий счимлар машғулот режаси ва машғулот матнидан иборат икки қисмдан иборатдир (С,Жўраев, Ҳ.Кодиров)

Лексик, семантик, грамматик, интонацион жиҳатдан бой ва ранг-баранглик нутқ бойлигини таъминлайди. Табиийки лугат бойлиги кашшоқ бўлган юрист бой нутқ туза олмайди. Унинг сўз бойлиги рангин бўлса, кўп сўз билса нутқи ҳам бой ва гўзал бўлади. Атоқли сўз санъаткорларнинг бойлиги ҳам сўз бўлган. Ҳазрат Алишер Навоий бобомизда 26 мингдан ортик<sup>39</sup>, рус шоири Пушкинда 21 мингдан ортик<sup>40</sup> сўз бойлиги бўлганини ёзишган.

Шоирларимиз шеърларида учрайдиган такрор сўзлар (М: кўп-кўп, кўм-кўк каби) нутқнинг бойлик даражасига салбий таъсир кўрсатмайди, аксинча ифодалиликни юзага келтирувчи воситага айланади:

Сен борсан – мен учун бу ҳаёт гўзал,

Сен борсан – мен учун дилбар коинот.

Сенсиз колар эдим зулматда тугал,

Сенсиз колар эдим буткул бемурод.

(А.Орипов “Сен борсан...” шеъри)

Бу мисралардаги такрор сўзлар шеърнинг ифодалилигини ошириб, унга жозибадорлик бахш этган.

Сенда тил йўқ,

Сенда нигоҳ бор, холос.

Сенда дил йўқ,

Сенда гуноҳ бор холос.

(М.Юсуф)

Бу мисралардаги такрор сўзлар шоир фикрининг ўқувчи қалбига янада чуқурроқ сингишини таъминлаган.

### **Юрист нутқининг жўялилиги**

Юрист нутқининг жўялилиги, юрист нотикдан, нутқда кўзда тутилган мақсаднинг юзага чиқишини таъминлаш учун юридик

<sup>39</sup> Б.Вафосв. Навоий асарлари лексикаси. Т.: “Фан”, 1983.

<sup>40</sup> Б.Н.Головин. Основы культуры речи. Москва. Высшая школа. 1988. Стр. 209.

тилга хос сўзлар, сўз бирикмалари, атамалар, грамматик шакллар ва синтактик курилмалар, юридик тил воситаларини танлаш ва тил услубининг бутун бир тизимидан фойдалана олишни талаб қилади.

Юрист нутқининг жўялилик сифатини ўрганишда нутқнинг оғзаки ва ёзма шаклларидан фойдаланишни ҳам билиш лозим. Чунки ёзма ва оғзаки нутқнинг воқе бўлиш шароитлари бир-биридан фарқ қилади. Бу икки нутқ шаклининг ўзига мос тил birlikлари, грамматик шакллари, синтактик мосламалари бор. Профессор Н.Маҳмудов тўғри таъкидлаганидек: “Ёзма нутқда кўп қўлланадиган, демаски, унга хосланган юқорида кўрсатиб ўтилганидек, юқорида айтиб ўтилганидек, юқорида кўрганимиздек; қуйида кўриб ўтамиз, қуйидаги гўруҳларга бўлинади, мазмуни қуйидагича шаклидаги бир қанча синтактик курилмалар мавжуд. Албатта, улар фақат ёзма нутқда жўяли, лекин бу иборалар оғзаки нутқ таркибига кираркан, нутқнинг жўялилиги тамоман бузилади. Оддий мантиқ билан қаралса, ёзма нутқ коғоз (ёки бошқа материал)га битилган бўлади, сатҳ, макон нутқдан назаридан моддийлик касб этади. Сатҳ, макондагина “юқори” ва “қуйи” тушунчалари маънога эга. Аммо оғзаки нутқнинг моддийлиги маконга эмас, балки замонга, вақтга кўради, яъни оғзаки нутқ талаффуз пайтидагина мавжуд. Шундай экан, замонга нисбатан “юқори” ва “қуйи” тушунчалари тўғри эмас. Замон “олдин, аввал, илгари ва кейин, сўнг” каби тушунчаларни ўз ичига олади. Кўринадики, ёзма нутқдаги, масалан, юқорида таъкидлаганидек, мустақилликни истамайдиган халқ йўқ тартидаги жўялилик сифатини мужассамлантирган жумла оғзаки нутқда аввал (илгари, олдин) таъкидлаганидек, мустақилликни истамайдиган халқ йўқ шаклида берилса, нутқнинг жўялилиги жойида бўлади.

Баъзан кишиларнинг оғзаки нутқида юқорида сўзга чиққанларнинг ҳамма яхши тилакларига биз ҳам қўшилиб, юбиларни чин дилдан табриклаймиз қабилдаги жумлалар учрайдики, юқорида сўз шакли туфайли нутқнинг нафақат жўялилиги, балки мантикийлиги, тўғрилиги, аниқлиги каби сифатлари ҳам издан чиқади. Бу нутқ жўяли ва бошқа сифатларга ҳам эга бўлиши учун масалан, олдин (олдинроқ, биздан олдин, бизгача) сўзга чиққанларнинг ҳамма яхши тилакларига биз ҳам қўшилиб, юбиларни чин дилдан табриклаймиз шаклида бўлиши лозим эди”.

(Н.Маҳмудов, Ўқитувчи нутқи маданияти, Т.: Ўзбекистон Миллий кутубхона нашриёти, 2007 йил, 159-бет).

Сўзни топиб, танлаб ўз ўрнида айтилишини тақозо этувчи бу сифат юрист нотикнинг диди, характери, омма билан муомаласига ҳам боғлиқ. Юрист нутқининг жўялилиги, у қайси фикрни, қайси даврада, қачон, қандай қилиб, қай ҳолатда, қай оҳангда айтишига боғлиқ. Масалан шифохона ёки руҳий касалликлар шифохонаси ёхуд кабристон ва қамокхона дарвозаларига “Хуш келибсиз” деган ёзиб қўйилса қанчалар хунук кўринади. Мисол учун болалар боғчасига кириб борган маҳалла фаоли болаларга қараб: “Сизлар биласизларми, ҳаёт қанчалар мураккаб. Ҳадемай бирингиз келин, бирингиз куёв бўласиз. Ўзингиздай болаларингиз бўлади. Рўзгор ташвишлари унақа-мунақа деб оилавий масалалардан гапирсада, кетаётиб “Соғлиқда кўришайлик! Омон бўлсак, кўришамиз! Сизларга ўз миннатдорчилигимни билдиргани келдим. Боғчангиз атрофи тозалигини кўриб, хурсанд бўлдим, “сизларга миннатдорчилик билдираман, деса бу жўяли нутқ бўлмайди.” Ёхуд ота-она уйингизга меҳмонга келганда: кўзим учиб турувди, яхши келдиларингми?, деб пичинг қилинса жўяли нутқ бўлмайди.

Юрист нутқининг жўялилигини таъминлаш учун нутқий вазиятни, ўз нутқига мос мазмунни, уни тингловчиларнинг турли хусусиятларини, мулоқот жараёнида ижтимоий-ахлоқий, маданий-эстетик жиҳатларни чуқур англаб етмоғи лозим бўлади.

### **Юрист нутқининг ифодалилиги**

Юрист нутқининг ифодалилиги нутқ вазияти ва юридик тилнинг муштараклиги билан амалга ошади. Бу ўринда юрист-нотикдан сўзларнинг талаффузи ва урғусига, сўз ясалиши услубига жиддий ёндошиши талаб этилади. Юрист нутқининг ифодалилигини таъминлашда биз юқорида кўриб ўтганимиз нутқнинг барча коммуникатив сифатлари ва нутқ услублари иштирок этиши табиий ҳол. Расмий иш қоғозларида ифодалиликка камроқ эҳтиёж сезилади. Бошқа нутқ услубларида ифодалиликнинг ўз ўрни бор. У сўзловчи билан тингловчи ўртасида мулоқотнинг таъсирчанлик ҳолатини таъминлайди. Оддийгина ган-сўзларни ҳам ифодали қилиб етказиш, тингловчи қалбини асир этади. Қисқача айтганда, юрист нутқининг таъсирчанлигини таъминлашда ифодалилик ҳал қилувчи вазифани ўтайди.

Бадий нутқнинг зарурий сифати ҳам ифодалиликка хизмат қиладиган воситалар товуш, бўғин, урғу каби фонетик бирикмаларни ифодалиликнинг беагаги ҳам дейиш мумкин. Масалан, оддийгина бир сўзни ифодали тарзини кузатайлик: ўқимадим – ўқи-ма-дим; бормайман – бор-май-ман; уялмайман – у-ял-май-ман; бажараман – ба-жа-ра-ман каби. Шу сўзларнинг бўғинлаб айтилган ҳолатдаги ифодалилик бошқача таъсир кучига эга.

Бадий асарларни, шеърларни ифодали йўсинда ўқиш билан оддий ўқиш орасидаги фарқни тез англаймиз. Агар шеър санъат-корона ёзилган бўлса ва уни санъаткорона ифодали ўқилса нур устига нур дейиш мумкин. Масалан, Эркин Воҳидовнинг “қ” ундошлари такроридан ҳосил бўлган гўзал оҳандорлик ҳам ифодалиликнинг ёрқин мисоли:

Қора қошинг, куюқ қошинг, қийиқ қайрилма қошинг, қиз,  
Қилиб қатлимга касд, қилич қайрар қотил қарашинг, қиз.  
Қафасда қалб қушин қийнаб, қанот қокмоққа қўймайсан,  
Қараб қўйгил қиёким, қалбни қиздирган қуёшинг, қиз.

Аммо юристлар шеърият намуналаридан жуда кам фойдаланадилар.

Мазкур тўрт мисра шеърда 31 та “қ” ундоши қатнашган, бироқ шеър мазмунига салбий таъсир кўрсатмаган, аксинча ифодалилик сифатини беагаган.

Юрист нутқининг ифодалилигини таъминлашда фразеологик бирикмалар ҳам муҳим ўрин тутади: масалан, “сиркаси сув кўтармайди”, “отдан тушса ҳам, эгардан тушмайди”, “у одамларга кўзқулоқ эди”, “жўжани кузда санаймиз”, “чучварани хом санаган” каби. Халқ ибораси ва мақолларидан ўринли фойдаланиш ҳам нутқ ифодалилигининг бадий беагаги бўлиш билан бирга тингловчи қалбига чуқур сингади. Юрист нутқининг ифодалилигини таъминлашда бадий воситаларнинг хизмати беқиёс. Нутқда ўрни билан эпитет, истиора, муболага, ўхшатиш каби бадий воситаларнинг ишлатилиши нутқнинг ифодавийлигини кучайтиради. Бадий нутқдаги ўхшатишга келсак, мусичадек беозор (одам), айикдай қўпол (йигит), тошдай қаттиқ (нарса), муздай совуқ (сув), кордай ошпок (ранг) каби бирикмалардаги қавсларни олиб ташлаб ўқилса ифодалироқ ва таъсирчанроқ эканлигини кузатиш мумкин. Юристан ифодали нутқ тузишда юридик тилдаги барча воситалар лексик-симонтик, лексик-синтактик, интонацион воситаларни чуқур англамоқлик талаб этилади.

### **Мавзу юзасидан савол ва топшириклар:**

1. Юрист нуткининг тўғрилигини тушунтириб беринг.
2. Юрист нуткининг аниқлиги нималарни ўз ичига олади.
3. Юрист нуткидаги мантиқийлик нима?
4. Юрист нуткининг софлиги қандай омилларга боғлиқ.
5. Юрист нуткининг бойлиги ва ранг-баранглиги нималарни такозо этади.
6. Юрист нуткининг жўяли бўлиши нималарга боғлиқ.
7. Юрист нуткининг ифодалилиги деганда нимани тушунасиз?

### **Адабиётлар.**

1. Р.Жуманиёзов. Нутқий маҳорат. Т.: Адолат, 2005.
2. С.Каримов, Х.Маматов, И.Бўрисев. Юристнинг нутк маданияти. Т., 2004.
3. Н.Маҳмудов. Ўқитувчи нутқи маданияти. Т.: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007.
4. М.Мирҳамидов, Н.Норпўлатов, С.Ҳасанов. Юристнинг нутк маданияти. Т., 2005.
5. Ш.Раҳматуллаев. Нуткимиз кўрки. Т.: “Фан” нашриёти, 1970.

## Суд нотиклиги санъати

Режа:

1. Суд нотиклигининг мантикийлиги.
2. Суд нотиклигининг одиллик ва қонун асосига қўйилиши.
3. Айблов ва ҳимоя нуткининг хусусиятлари.

Таянч сўз ва иборалар: суд, ҳарбий, сиёсий, маиший нотиклик, риторика, академик, юнон ва рим нотиклиги, риторика назарияси, мантикий асос, ишонтириш, далиллаш, айният, зиддият, етарли асос, нутқни тўғри тузиш, юридик тил воситаларидан тўғри фойдаланиш, танлаш, ҳиссий-руҳий аспект, ҳиссиётни бошқариш, маънавий эркинлик, ҳуқуқий маданият, нуткий маҳорат, нуткий стратегия, мунозарага онгли ва ҳиссий ёндошув, далиллашнинг таъқиқланган усуллари, ифода тасвир воситалари, айблов ва ҳимоя нуткининг фарқлари.

Нотиклик санъати турлари орасида суд нотиклиги энг қадимийлиги билан ҳам алоҳида ўринга эга.

Суд нутқи маданияти очик ҳуқуқий мунозара жараёнида юристнинг касб сифати ва маҳоратини намойиш этади.

Суд жараёни ўзига хос бир мунозара майдони бўлиб, унда умуминсоний ахлоқ меъёрларига мос келадиган, халқ ва давлат, айна пайтда, айбланувчи ва жабрланувчи манфаатини ҳимоя қиладиган адолат ва ҳақиқат тушунчалари ҳукмрон бўлади, деб ёздилар. С.Каримов ва бошқалар “Юристнинг нутқ маданияти” ўқув кўланмасида (144-бет).

Булардан ташқари, суд нотиклиги санъати мантикийлик билан суғорилган бўлиши, ҳаттоки суд жараёнидаги нутқ турларига эътибор берилса, нутқ услубларининг барчаси (публицистик, бадиий, илмий, расмий) иштирок этиши билан мураккаб суд мажлисида юридик тилнинг барча воситалари, юрист ҳаком нутқи ҳам адолат ва ҳақиқатнинг тантанасига қаратишган бўлади. Албатта бундай мураккаб мажлисида адолат ва ҳақиқатни юзага чиқариш осон иш эмас.

Суд мажлисида иштирок этаётганлар прокурор нутқи, адвокат нутқи, жабрланувчи ва жиноятчи нутқини тинглаб улар ўртасидаги



томонлар манфаатларини ҳимоя қилувчи қарашларни эшитиб ўзларича таҳлил қилиб, маълум зиддиятларнинг бир-бирига тўқнаш келишини кузатадилар. Ана шу мураккаб жараёнга судья ҳакамлик қилиб тўғри ва одилона ҳукм чиқариши керак. Бу жараёндаги мураккабликларни ҳуқуқшунос – талаба чуқур ўрганмоғи лозим бўлади. Шу маънода судья ўз нутқи билан суд мажлисини бошқарар экан қуйидагиларга амал қилиши лозим бўлади:

- 1) судьянинг юридик тилни пухта эгалаган бўлиши;
- 2) судьянинг билим ва малакаси юксак бўлиши;
- 3) судьянинг қонун устиворлигини таъмин этиши;
- 4) судьянинг қонунлар мазмунини мукамал билиши;
- 5) судья ҳар бир мулоҳазасини мантиқан асослай олиши;
- 6) судьянинг ҳар бир сўзи қатъий оҳангда бўлиши;
- 7) судья ҳал қилувчи қарорлар қабул қила билиши;
- 8) судьянинг суд мажлиси иштирокчиларига бўлган ҳурмат ифодаси;

9) судья ҳеч қачон шахсий ғаразга берилмаслиги;

10) судья ишнинг моҳиятини чуқур англаган ҳолда ўз нуқтаи назарида қатъий туриши;

11) иштирокчилар судьянинг адолатли ҳукмидан қониқиш ҳосил қилиши;

12) судьянинг одил судлов тантанасига эришиши кабилар. Мабодо судья нутқига хос юқоридаги ҳолатлар бузилса, судьянинг билимсизлиги, тажрибасизлиги, юридик тилни мукамал билмаслиги, нотиклик санъатини яхши эгалламаганлигини кўрсатади.

Шу маънода судья ўз ваколатини амалга оширишда оддий кузатувчи эмас, фаол ҳаётий позицияда туриши шарт. Судья ўзи кўраётган иш юзасидан (фуқаролик ёки жиноят ишлари) қарор, ҳолис ҳукм чиқариш билан чекланиб қолмасдан, ўша жиноятнинг келиб чиқиш илдизларини, шу жиноятга сабаб бўлган омилларни ҳам ўрганиб таҳлил этиб ўз фикрига ишонгач, тегишли ажримлар чиқариши, бундан кейин шундай ноҳушликларнинг барҳам топишига эришмоғи лозим.

Суд мажлисидаги нутқлар хилма-хилликка эга. Улар орасида прокурор нутқи ўзининг қонуний мазмун моҳияти билан, ҳуқуқий тил бирликларига қатъий амал қилиши билан ажралиб туради.

Бу ҳақда С.Каримов ва бошқалар. Юристинг нутқ маданияти, Т.: 2004 ўқув қўлланмаларида қуйидаги фикрларни билдиришади:

“Чунки прокурор ўз вазифаси нуктаи назаридан содир этилган жиноят ёки қонунбузарликни мавжуд тузум ва давлат манфаатини кўзлаб баҳолайди. Нега прокурор нутқи қораловчи нутқи, айбловчи нутқи деб ҳам номланади? Аслида расмий тилда бу ибора ишлатилмаслиги керак. Чунки, у сўзлашув услубига хос бўлиб, бирор бир шахс томонидан содир этилган ноҳўя ҳаракатнинг прокурор тилида давлат ва қонун манфаати нуктаи назаридан қоралангани учун ҳам қораловчи, айбловчи (баъзан давлат айбловчиси), қораловчи нутқ, айбловчи нутқ бирликлари қўлланилади.

Хўш, прокурор нутқининг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат? Бу нутқда тилнинг имкониятлари судланувчининг ҳақиқатдан айбдор ёки айбсиз эканлигини асосланга қаратилган бўлади. Яъни мавжуд ашъвий далиллар билан баббаравар давлат айбловчисининг мантиқий далиллари ҳам иштирок этади. Мантиқий далиллар эса шубҳасиз, тил воситасида шаклланади. Демак, қонунбузарликка оид мавжуд фактлар ёрдамида мантиқий далилларни шакллантириш ўз навбатида прокурор учун нотиклик санъатини эгаллаш заруратини келтириб чиқаради.

Қонун ва давлат ҳимоячиси бўлган прокурор нутқи ўта расмий ва жиддийлиги, эҳтирослардан холи эканлиги, судланувчини айблаётганда факат фактлар ва амалдаги қонунлар моддаларига таяниб шакллантирилганлиги билан суд жараёнидаги бошқа нутқлардан кескин фарқланади.

**Жамоатчи – қораловчи нутқи.** Суд жараёнида жамоатчи-қораловчи ҳам иштирок этиши мумкин. Унинг нутқи айбланувчи ёки судланувчи манфаатига зид фикрлар баён қилиниши билан прокурор нутқига ўхшаб кетади. Аммо кўп жиҳатлари билан улар бир-биридан фарқ ҳам қилади.

Биринчидан, жамоатчи-қораловчи ҳамма суд мажлисларида ҳам иштирок этавермайди. Бирор-бир ташкилот ёки муассаса манфаатини ҳимоя қилиш зарур бўлгандагина унинг иштирок этишига эҳтиёж бўлиши мумкин. Иккинчидан, бу нутқлар баён усулига кўра фарқланади.

**Ҳимоя нутқи.** Суд жараёнида шаклландиган энг муҳим нутқлардан бири адвокатнинг ҳимоя нутқи ҳисобланади. Чунки бу нутқ суд жараёнида тақдири суд ҳукмига боғлиқ бўлиб турган қандай жиноятни содир этганлиги ёки қонунни бузганлигидан қатъий назар, судланаётган кишини инсонпарварлик тамойилларига кўра

химоя қилади. судланувчи ўз қилмишига яраша қандай жазо олишига қарамадан, химоя нутқи унинг ҳаётида катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Химоячи учун вазиятнинг мураккаблиги ва ноқулайлиги шундаки, у суд жараёнида бирон-бир жиноятни содир этган ёки айбдор деб топилган кишининг манфаатини химоя қилади...

Масаланинг яна мураккаблиги шундаки, адвокатнинг суд жараёнида прокурор билан давлат ва қонун номидан иш қўраётган мансабдор шахс билан бахслашишга тўғри келади. Прокурорнинг ҳар бир далилига қарши қўйиладиган асосли далилларни келтириш адвокат учун осон эмас албатта. Бунинг учун адвокат тинимсиз изланиши, чуқур билимга эга бўлиши ҳамда нотиклик маҳоратини яхши эгаллаган бўлиши керак.

Бу бахсда енгиб чиқиш адвокатдан озмунча меҳнат талаб қилмайди. Биргина қонунни яхши билишнинг ўзи старли бўлмай қолади. У ўз билим ва тажрибаси билан суд жамоасига руҳий таъсир ўтказа олиши лозим, бунда унинг нотиклиги иш беради.

Суд жараёнидаги айбланувчининг томонида туриб ижро этиладиган нутқ химоя нутқи, адвокат нутқи, хатто сўзлашув услубида химоячи нутқи, оқловчи нутқи деб юритилади. Қандай номланишдан қатъий назар, улар бир хил мазмунга эга ва айбланувчининг манфаатини ақс эттиради ҳамда адвокат химоячининг суд жараёнидаги ўрнини белгилайди.

Суд жараёнида жамоатчи-оқловчилар ҳам иштирок этиши мумкин. Улар одатда судланувчи ишлаётган корхона жамоасининг вакиллари бўлиб қонунбузарлик билмасдан содир этилганда, судланувчи аслида жамоа ўртасида иззат ҳурматга сазовор одам сифатида эътироф этилганда қатнашишади. Бундай нутқ айбланувчининг ижобий ҳислатларини, жамоа ўртасидаги обрўсини, ишга бўлган муносабати ва интизоми ҳақида бўлади. Ёзма ёки оғзаки шаклда ифода этиладиган бундай нутқ маълум маънода қафолат вазифасини ўтайди.

**Ўз-ўзини химоя қилиш нутқи.** Баъзан шундай ҳолатлар ҳам бўладики, айбдор тергов жараёнида тазйиққа дуч келади ва ёлғон кўрсатмалар беришга мажбур бўлади. Бундай пайтда унинг бирдан бир халоскори суд бўлиши мумкинлигини тушунган судланувчи фақат суд жараёнидагина бўлган воқеани очик-ойдин айтиб, ўзини ўзи химоя қилади.

### **Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:**

1. Нотикликнинг турлари ва шаклларидан хабардормисиз?
2. Суд мажлисидаги нутқлар ўзаро фаркланиш ҳолатини тушунтириб беринг.
3. Суд жараёнида нотиклик ва муомала маданияти нимага керак.
4. Судьянинг нутқига хос хусусиятларни сананг.
5. Прокурор ва адвокат нутқига хос хусусиятлар нималар?

### **Адабиётлар:**

1. С.Имомхўжаев. Нотиклик санъати асослари. Т.: Ўқитувчи, 1982.
2. С.Каримов, Х.Маматов, И.Бўриев. Юристнинг нутқ маданияти. Т., 2004.
3. М.Мирҳамидов, Н.Норпўлатов, С.Ҳасанов. Юристнинг нутқ маданияти. Т., 2005.
4. А.Саидов, Г.Саркисянц. Юридик тил ва ҳуқуқшунос нутқи. Т.: Адолат, 1994.

### **Суд жараёни ва нутқ маданияти**

Режа:

1. Суд жараёни мунозараси.
2. Суд жараёнида диалогик ва монологик нутқнинг ўрни.
3. Судья, прокурор ва адвокатнинг муомала маданияти.

Таянч ва сўз иборалар: баҳс, мунозара, улардан юридик амалиётда фойдаланиш, баҳс-мунозара мазмуни ва шакли, тил хусусияти, диалогик ва монологик нутқдаги кўникма, малака, нутқ тузилиши, тезис, антитезис, далилланиш, далилий аниқ, исботлаш, хулосалаш, суд мунозараси, нутқий қолиплар, айбловчи, ҳимоячи, мантикий асос, йўналтирувчи савол, мунозарадаги одобли ва беодоб усуллар, суд нутқи, очиқ ҳуқуқий мунозара, ваколат доирасида ҳукм чиқариш, халқ ва давлат манфаатлари, қонунлар бузилган деб ҳисобланган ҳолатлар, дунё судлов андозалари, процессуал вазифа, оралик (холис) позицияда далиллар ва даъволарни таҳлил қилиш, ҳукм шаклидаги судья нутқи.

Афлотуннинг “Қонунлар” китобида ҳам суд иши ҳақида, суд маҳкамаси ҳақида энг қадимий фикрлар билдирилган. “Қонунлар” китобида ёзилишича “Суд маҳкамаси раислари ҳеч кимга ўз сўзларининг ишончилигини қасам ичиб тасдиқлашига, ўзини ва уругини ланъатлашига, хунук илтижоларига ва хотинларнинг дод-фарёдларига рухсат бермасликлари зарур, йўқ, ўғитлар бериб ва тушунарли тарзда, нутқнинг одобини сақлаб, ўзининг ҳақлигини исботлаб, шу йўсинда ишни ниҳоясига етказмоғи лозим. Акс ҳолда раис нотикни ўз нутқи мавзусидан четга чиқиб кетаётган одам сифатида асл моҳиятига доим қайтариб туриши керак бўлади” деб суд раисларининг суд жараёнини бошқариш тартиботини тўғри кўрсатган. Ёки яна ўша китобнинг бошқа бир ўрнида суд жараёнида нотўғри қадам ташлашни қаттиқ қоралайди: “... ўзи судлашаётиб ёки суд маҳкамасида кимнидир ҳимоя қилаётиб, одам ҳақми ёки ноҳақми бундан қатъий назар ишни ютиб чиқиши мумкин: яъни эмишки, агар яхши (пўл) тўласанг, ана шу санъатни ҳам, унга асосланган нутқларни ҳам оласан. Демак, биз ўз давлатимизда ана шунга ўхшаш санъатга ёки аниқроғи, узоқ муддатли тажриба билан орттирилган найранг, хийлага йўл қўймаслигимиз керак экан... ..ҳимояда номақбул нутқ сўзласа, ҳар қандай истак билдирган одам, уни суд маҳкамасини суистеъмол қилганликда ёки ёмон ният билан ҳимоя этганликда айблаши мумкин” деб адолат ва ҳақиқат қаттиқ ҳимоя қилинган (Афлотун. “Қонунлар” Т., 2002. 399-бет).

Суд жараёнидаги нутқий мунозаралар турли хил нутқлардан ташкил топади. (Бу ўринда С.Каримов, Х.Маматов, И.Бўриевларнинг “Юристининг нутқ маданияти” ўқув қўлланмасида берилган материаллардан кенг фойдаланилди. Китоб Т.: Зарқалам. 2004 йил (128-137 бетлар)

Ҳозирги судлов жараёни, судьяларнинг иш фаолияти қадимда Марказий Осиё давлатларида олиб борилган қозилик ваколоти доирасида ҳукм чиқариш жараёнидан тубдан фарқланади. Шу билан бирга бу жараён мустақил Ўзбекистон шароитида халқ ва давлат манфаатларини ҳимоя қилувчи янги қонунлар асосида олиб борилади.

Судлов жараёнида амалдаги қонунлар бузилган деб ҳисобланган ҳолатлар ёки инсон тақдири, давлат ёхуд бирон-бир ташкилот ҳаётига алоқадор бўлган масалалар муҳокама қилинади ва “ҳукм”, “ажрим” тушунчаларини билдирувчи тегиниши қарорлар қабул қилинади.

Жараёнда ижро этиладиган суд нутки аввалги мавзуларда кўриб ўтилган ижтимоий-сиёсий, академик, маиший, диний каби оммавий нутқ кўринишлари орасида ўзининг алохида хусусиятлари билан ажралиб туради. Бу хусусиятлар суд жараёни билан боғлиқ равишда намоён бўлади.

Суд жараёнида масалани ҳал этишга алоқадор бўлган томонлар, уларнинг масъул кишилари – судья, халқ маслаҳатчилари, прокуратура ва ички ишлар ходимлари, адвокатлар, жамоатчи қораловчи ва ҳимоячилар, гувоҳлар ҳамда судланувчи иштирок этишади. Уларнинг ҳар бири суд жараёнида қонун ва судланувчининг манфаатларини кўзлаб нутқ сўзлашлари мумкин. Ана шу манфаатлар, мақсад ва вазифалар нуктаи назаридан бу нутқларнинг мазмуни ва шакли турлича бўлиб, уларнинг барчаси суд нутки деган умумий тушунча остида бирлашади ҳамда процессуал вазифани бажаришда барабар иштирок этади. Уларнинг ҳар бири аҳамияти, таъсир ва ишонтириш кучи билан бошқа нутқ услубларидан фаркланади.

Суд жараёни амалдаги қонунлар доирасида олиб борилса-да, содир этилган жиноят ёки қонунбузарликка муносабат билдиришда иштирок этаётганларнинг манфаатлари бир-бирига зид келади ва улар қораловчи-оқловчи мазмунида икки қутбга ажраладилар. Оралик позицияда – қонун ва адолат позициясида турган судья эса содир этилган воқеа-ҳодиса юзасидан барча далиллар ва даъволарни таҳлил қилади ва тегишли ҳукм чиқаради. Мана шу жараёнда хизмат вазифаси ва манфаатидан келиб чикиб, улардан ҳар бирининг ўз нутқи шаклланади. Бу нутқлар қуйидагича номланади: прокурор нутқи жамоатчи-қораловчи нутқи, адвокат нутқи, судланувчининг ўз-ўзини ҳимоя қилиш нутқи ва ҳукм шаклидаги судья нутқи кабилар.

Одил судловни амалга оширишда судья билан бир қаторда прокуратура ва адвокатура органлари зиммасига ҳам катта вазифалар юклатилади. Чунки бу органларнинг вакиллари судлов жараёнида кўплаб жиноий ва фуқаролик ишларини кўриб чиқишда бевосита иштирок этишиб, томонлар манфаатини ҳимоя қилишади.

Прокурорнинг вазифаси ишни кўриб чиқиш жараёнида судланувчининг айбини исботлашдан иборат бўлса, адвокат жиноий жавобгарликка тортилаётган кишига ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни ўзининг асосий иши деб билади. Уларнинг иккаласи ҳам суд муҳокамасида муҳим аҳамиятга эга бўлган маълум жиноят ва қонунбузар-

ликка оид ўз муносабатларини оғзаки нутқи орқали баён қилишади ҳамда шу йўл билан маълум фактларга оид масалаларнинг ойдинлашишига, бинобарин, суднинг тўғри ва объектив хулосага келишига, қонуний ва асосли ҳукм чиқаришига кўмаклашади.

Айбловчи ҳам ҳимоячи ҳам жинойт таркибини қараб чиқар экан, унинг давлат манфаати учун ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини чуқур таҳлил қилади. Буларнинг барчаси катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, судланувчи учун ҳам суд аудиторияси учун ҳам таъсир кўрсатади... Ҳар иккала томоннинг нутклари қанчалик батафсил ва ёрқин бўлса, судда иштирок этувчилар онгида чиқарилган ҳукм ҳақида, суднинг одиллиги ҳақида тасаввур ҳам шунчалик ойдин бўлади...

Суд жараёнида иштирок этиши лозим бўлган томонлар табиийки, унга тайёргарлик кўришади. Нутқий тайёргарлик ҳам шулар жумласига қиради. Масалан, судья ҳам, прокурор ва адвокат ҳам дастлаб кўриб чиқиладиган материални синчиклаб ўрганиб чиқишади. Гувоҳлар кўрсатмаларини таҳлил қилишади ва қонун ҳамда процессуал талаблар асосида ўз позицияларини аниқлаб олишади, содир этилган воқеа ёки жинойтга баҳо беришиб, унинг юридик ва ахлоқий жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда муносабат билдиришга тайёргарлик кўришади. Ҳар бир фикр қонуний актлар билан таққосланади, асосланади ва улар кетма-кет тарзда жойлаштирилади. Шу тарзда нутқ режаси ва схемаси тузилади ва бунда нутқ хулосасига алоҳида аҳамият берилади.

Суддаги нутқни ижро этиш жараёни эса ғоятда масъулиятли бўлиб, нутқлар бу жараённинг судланувчи тақдирини ҳал қиладиган, кульминацион нуқтаси ҳисобланади. Тингловчилар диққатини тортиш, ақли ва ҳиссиётга таъсир қилиш осон иш эмас, албатта. Мунозара, баҳс, масала талаш (полемика), исботлаш, рад этиш жуда катта маҳорат, билим ва меҳнатни талаб этади.

Суд нотиклиги нотиклик санъатининг энг қадимги кўринишларидан бўлиб, баҳс ва мунозаралар асосига қурилганлиги билан ажралиб туради. Суддаги нутқларро тўқнашувлар баҳс-мунозарага сабаб бўлади. Бу баҳс-мунозаралар ҳақиқатнинг рўёбга чиқишига, суд ҳайъатининг адолатли ҳукм чиқаришига кўмаклашади. Ғоятда ҳолисоналик, объективлик, айбланувчи йўл қўйган ҳар бир ҳолатни майда-чуйдасигача таҳлил қилиш ва далиллаш, асослаш ва ҳуқуқий баҳо бериш бу нутқларга муваффақият келтирувчи жиҳатлардир...

Суд жараёнида прокурор ва адвокатнинг умумий манфаати адолатнинг рўёбга чиқиши музмунида бир-бирига мос келса-да, хусусий ҳолатларда уларнинг нутки бир-бирига карама-қарши туради ва маълум маънода улар суд жараёнида мусобақалашаётгандек туюлади.

Ҳарқалай, судда гапириш прокурорга енгилроқ кечади. Чунки у давлат номидан гапиради ва бунда амалдаги қонунларга таяниб иш кўради. Прокурор нуткининг тузилиши қуйидагича: судланувчининг содир этган жиноятига оид аниқланган фактлар, таҳлилларга асосланиб, унинг барча хатти-ҳаракатларига, агар мавжуд бўлса, жамият олдидаги хизматларига, хуллас ахлоқий қиёфасига таянилиб, кўриб чиқиляётган ишга тавсиф берилади ва бу нутк жазо чораси ёки жазодан озод этиш ҳақидаги тавсия билан тугалланади. Мустақил ўзбек давлати қонунчилигининг олий намунаси бўлганлиги учун ҳам прокурор нуткида судланувчининг шаънига тегиши мумкин бўлган гапларнинг қўлланиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ прокурорга жуда катта ҳуқуқ ва имтиёзлар берилган, айни пайтда, катта ҳуқуқий масъулият ҳам юкланган. Ана шунинг учун ҳам у ўз ҳуқуқини суистеъмол қилиши, судда айбланувчини менсимаган ҳолда нутк сўзлаши унинг обрўсига жиддий путур етказди.

Прокурордан фаркли ўлароқ суд жараёнида нутк сўзлаш ва судланувчини ҳимоя қилиш адвокатга (гарчи у ҳам қонун ҳимоясида бўлса-да), кийин кечади. Адвокат бор кучи билан жазони енгиллатишга қаратади. Шу йўлда у диққатни судланувчининг аввал қилган хизматларига, жамиятда ва оиласида тутган мавқеи ва обрўсига қаратади, уни айбдор деб топишнинг процессуал жиҳатларининг тўғри ёки нотўғри амалга оширилганига эътибор беради. Унинг нутки инсонпарварлик туйғуси билан суғорилган бўлади...

Суд мунозарасида иштирок этадиган жамоатчи-қораловчи ва жамоатчи-ҳимоячи нутки суд жараёнидаги иккинчи даражали нутк ҳисобланади ҳамда камдан-кам ҳолатларда жиноятдан жиддий моддий зарар кўрган ташкилот манфаатини ёки бўлмаса, билмасдан жиноят содир этиб қўйган, аммо жамоа ўртасида обрўга эга бўлган кишини ҳимоя қилиш зарурати пайдо бўлган пайтларда сўзланади.

Ўз-ўзини ҳимоя қилиш нутки суд жараёнидаги нутк кўринишларидан бири бўлиб ҳисобланади. Адвокат нуткига мазмунан яқин



турадиган бу нуткнинг ҳам судланувчининг суддаги мавқеи ва аҳволдан келиб чиқиб, огир кечиши табиий. Чунки судланувчининг жинояти исботланиб турган бўлса, унинг суддан шафқат сўрашдан бошқа имконияти бўлмаслиги мумкин.

Улар нуткининг қайси бири ҳаёт ва қонун мантикига тўғри келади, қайси бирининг сўзи жозибали ва суд ҳукмига кучлироқ таъсир қилади, каби саволлар суд жараёнида мавжуд бўлиб туради. Лекин бугунги кунда бу нутқлар олдига қўйиладиган талаблар моҳияти ҳам ўзгарди. Суд ҳукмига таъсир кўрсатиш масаланинг бир томони бўлса, иккинчи томондан, улар жамоатчилик онгига ва дунёқарашига ҳам таъсир ўтказиш вазифасини адо этадилар. Мана шу маънода Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик даври суд жараёни халқ манфаатини ҳимоя қилишга қаратилганлиги билан бошқа даврлардагидан принципиал фарк қилади. Учинчи ҳокимият сифатида эътироф этилаётган суд ҳокимияти адолат ва ҳақиқатни бош вазифа деб қараш билан бирга ўз фаолиятларини тарбия ва ибрат мактабига айлантирадилар.

Суд жараёнидаги нотикликнинг ҳар бири ўз тили ва услубига кўра турлича бўлиб уларни алоҳида ўрганиш лозим бўлади.

Суд жараёнида сўзланадиган нутқларнинг умуммиллий ва умуминсоний этика доирасида бўлишлиги муҳим ўрин тутаяди.

Нотик этикаси унинг ахлоқий меъёрлари, хулқи, ўз вазифасига ва тингловчиларнинг муносабатига боғлиқ бўлади ва нотикнинг шахсини ва жамият, халқ, қонун ва ҳимоя қилаётган кишиси олдидаги бурчини белгилайди. Шунинг учун ҳам этика нутққа тайёргарликдан тортиб, уни ижро этишдан олдига қўйган мақсадига эришгунга қадар бўлган фаолиятини қамраб олади. Бу фаолиятда нотикнинг назарий тайёргарлиги, маънавий дунёқараш, салоҳияти, принципиаллиги, ахлоқий қиёфаси, Президент ва давлат олиб бораётган сиёсатдан хабардорлиги, ҳатто ўз фикрини баён қилишдаги методик кўникмаси намоён бўлади. Ана шу фазилатларга эга бўлган нотиккина кишиларда қонун устиворлигига, адолатга бўлган ишончни мустаҳкамлай олади ва аксинча булардан хабардор бўлмаган нотикнинг ўз тингловчиси ақли ва юрагига таъсир этиши гумон.

Суд мунозараси жараёнида одоблилик ва фикрни ифода этишда, сўз ва ибораларни танлашда намоён бўладиган хушмуомалалик асосий ўринга чиқади. Босиқлик, мулоҳазаларини ҳаяжонланмасдан, эҳтиросларга берилмасдан баён этиш нотикка муваффақият

келтиради. Матндан ўқиб бергандан кўра, оғзаки гапириш бирмунча кийин жараён бўлгани учун оғзаки нутққа ҳамиша руҳий тайёр туриш керак бўлади. Чунки ҳамма вақт ҳам ёзилган нарсаларни ўқиб бериб, бахсга киришиб бўлмайди...

Суд ҳайъатига ва умуман, нутқ қаратилган шахсга нисбатан мухтарам, ҳурматли, этиборингиз учун раҳмат ёки ташаккур каби сўз ва ибораларни ишлатиш мунозара иқлимини мўътадиллаштиради. Бу жараён фақат юридик тил ва юриспруденцияга оид терминлар билан сўзлашни тақозо қилади. унда прокурорни кораловчи, адвокатни оқловчи, судьяни қози, озодликдан маҳрум этишни кесиш, авф этишни оқлаш, номусга тегишни зўрлаш, суиқасд қилишни ўлдириш деб бўлмайди.

Демак, суддаги нутқнинг монологик ва диалогик характери оҳанг, овоз, дикция, тембр, темп, мантикий урғу, пауза, талаффуз, урғу, боғланиш (спонтанность) ҳамда сўзлашув услубига ҳос жиҳатларни келтириб чиқарадики, уларга этибор бериш нотик учун заруратга айланади...

Шу ўринда атокли рус юристи, таниқли суд арбоби ва нотиғи академик А.Ф.Конининг (1844-1927) куйидаги сўзларини келтириш мақсадга мувофиқ: “1870-йиллар охиридаги ҳуқуқшунослик билим юрти битирувчи синф тарбияланувчилари билан жиноий процесс бўйича ўқиган маърузасидан кейин бўлиб ўтган суҳбатни эсламасдан ўтолмайман. Улар суд фаолиятига тайёргарлик кўришда нотик бўлиш учун нима қилиш керак”, деб сўрадилар.

Нотиклик укувига бир қанча талабларни бажаргандан кейин эришилади. Бу талаблар ва шартлар менинг кузатишларим ва шахсий тажрибам бўйича учта: гапирилаётган предметни аниқ ва мукамал билишинг ҳамда унинг ижобий ва салбий хусусиятларини ўзинг учун аниқлаб олишинг; ўз она тилингни билишинг ва унинг нозиклиги, бойлиги ҳамда ўзига ҳос гап қурилишидан адабиёт дурдоналари билан таниш бўлган ҳолда фойдалана олишинг; ниҳоят, алдамаслигинг керак, дедим.

Оғзаки сўз ҳамиша ёзмага қараганда самаралидир: у тингловчи ва сўзловчини тетик қилади. Лекин нотик гапираётганларига ўзи ишонмаса ва соғлом фикр ўрнига ички мазмундан маҳрум бўлган жарангдор сўзларга мурожаат қилиб, буни сездириб қўйса, сўз ҳаётбахш кучдан бебаҳра бўлади... хато нарсани айтгандан кўра ҳеч нарсани айтмаган маъкул. ...балаидпарвоз сўзлар кетидан ку-

виш керак эмас. Аммо яхши гапиришга интилинг, халқингизнинг буюк бойлиги бўлган тилини севинг ва ўрганинг.<sup>41</sup>

Таниқли ҳуқуқшунослар А.Саидов ва Г.Сарқисянцлар ҳам таъкидлайдиларки “ҳар бир юрист, энг аввало, ўз нутқини кўриб чиқиладиган муаммолар, ишни муфассал билиши (лозим бўлади), барча аниқ материаллар, барча далилларнинг чуқур таҳлили, дадил-исботларга бойлиги, характеристикаларнинг аниқлиги, ижодий фикрларнинг тўлиқлиги, ҳақиқатнинг далил излаш билан фарқланиши, яъни, албатта талқин этиладиган масала қанчалик мураккаб, кўриб чиқиладиган ишнинг мағзи қанча оғирроқ бўлса, улар юристдан шунчалик кўп ақлий ҳаракат қилишни талаб этади, нутқ мазмуни устида ҳам, унинг шакллари устида ҳам кўпроқ берилиб ишлашни, ўзининг ҳар бир фикри, ҳар бир далил-исбот, ҳар бир тезиснинг аниқ, тушунарли бўлиши, оғзаки ва ёзма шаклини ғоят даражада аниқ гавдалантирилган ҳолда пухта танлаш ва қайта ишлашни талаб этади. Бундай нутқ тингловчилар диққатини ўзига жалб қилади, шунингдек, амалий самарага – муҳокама этиладиган масаланинг, кўриб чиқиладиган ишнинг қонун нормалари ва ижтимоий адолат принципларига қатъий риоя қилишга эришишга қодир бўлади.<sup>42</sup>

Шунинг учун одил судлов мусаддилари ва унинг тақдирини ҳал қилувчиларнинг ўзлари тил жиҳатдан саводли бўлишлари, тилга масъулият билан муносабат билдиришлари ва зарур нутқий маданиятни эгаллаган бўлишлари лозим... XIX-XX асрнинг таниқли рус адвокати П.Сергеич (П.С.Пороховщиков) шундай деган экан: “Фақатгина тушунадиган қилиб гапирманг, шундай гапирингки, сизни судьянинг тушунмаслиги мумкин бўлмасин. Бундай мукамалликка эришишнинг икки ташқи: услубнинг тозаллиги ва аниқлиги ҳамда икки ички, предмет ва тилни билиш шарти бор.” Кўриняптики, уларнинг учтаси тилни билишга алоқадор.

Хуллас, нотиклик ахлоқи ва маданияти суд жараёнида алоҳида мазмун касб этади. Чунки бу жараёндаги мунозара ва тортишувлар, рад этиш ва қўллаб-қувватлашлар исботлаш ва асослашлар фақатгина тил воситалари ёрдамида реаллашади. Унинг кўмаги билан та-

<sup>41</sup> Ораторское искусство. Составитель С.И.Березин. – М., 1970, 12-стр.

<sup>42</sup> А.Саидов, Г.Сарқисянц. Юридик тил ва ҳуқуқшунос нутқи. Т.: “Адолат” нашриёти. 1994. 26-27 бетлар.

факкур мантики шу даражада аниқ бўладики, суд хулосасида иккидан бири ташланади, учинчисига ҳожат қолмайди.

### **Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:**

1. Мунозара жараёнида муомала маданияти қандай бўлиши лозим?
2. Мунозарада тилдаги қандай воситалардан фойдаланиш тўғри бўлади?
3. Суд мунозарасининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
4. Судья, айбловчи, химоячи ва судланувчининг нутқи қайси жиҳатлари билан бир-бирларидан фарқ қилади?
5. “Адвокат” журналининг бирор сонидан нутқ намунасини келтиринг.

### **Адабиётлар.**

1. Афлотун. Қонунлар. Т.: “Янги аср авлоди”, 2002.
2. Ораторское искусство. Составитель С.И.Березин. Л., 1970.
3. А.Саидов, Г.Саркисянц. Юридик тил ва ҳуқуқшунос нутқи. Т.: Адолат, 1994.
4. С.Каримов, Х.Маматов, И.Бўриев. Юристининг нутқ маданияти. Ўқув кўлланма. Т.: “Зарқалам” нашриёти, 2004.
5. М.Мирҳамидов, Н.Норпўлатов, С.Ҳасанов. Юристининг нутқ маданияти. Ўқув кўлланма. Т., 2005.

### Юристининг нутқ техникаси (маҳорати)

Режа:

1. Юристининг нутқ техникасининг таърифи.
2. Юристининг нутқ техникасига хос хусусиятлар.
3. Юрист маҳоратининг ифодавий воситалари.

Таянч сўз ва иборалар: нутқнинг олий аппарати миядир, ҳаво ўтувчи аъзолар, бронх тармоқлари, кекирдак, ўпка, овоз найчалари, бўғиз, ҳаво бўшлиқлари, ҳалқум, бурун бўшлиғи, оғиз бўшлиғи, тил – оғиз бўшлиғидаги энг муҳим орган, лаблар ҳам товушлар яратилишида фаол қатнашувчи органдир, артикуляция пайтида энг муҳим ишни актив нутқ аъзолари: овоз найчалари, тил, юмшоқ танглай, жағ ва лаблар бажаради, нутқ учун пассив органлар бўлган тишлар, қаттиқ танглай ва бурун бўшлиғи товушлар пайдо бўлишида ҳисса қўшади, талаффуз, нафас олиш ва чиқариш машқи, кўникма ва малака.

Юристининг асосий иш қуроли унинг нутқидир. Унинг нутқи кўркем ва чиройли бўлса тингловчилар марок билан қабул қилади. юристининг ютуғи эса бевосита нутқ техникасига бориб тақалади. Бундай олганда, жонли, товушли нутқ ва унинг барча жиҳатларининг талаб даражасида воқе бўлиши, кўникма ва малакалар жами юристининг нутқ техникаси ҳисобланади. Бунда овознинг сифати, нутқ жараёнида тўғри нафас олиш, товуш ва товуш кўшилмаларини аниқ талаффуз қилиш, аниқ дикция кабилар назарда тутилади. Нутқ техникасидаги бош масала овозга бориб тақалади. Юристининг овози кўркем ва ёқимли бўлиши керак.

Рус олими М.В.Ломоносов ўзининг “Нотиклик бўйича қисқача қўлланма”сида нотик бўлиш учун аввало, табиий қобилият зарурлигини, табиий қобилият эса руҳий ва жисмоний турларга бўлинишини айтади. Олим жисмоний қобилият деганда баланд ва ёқимли овоз, узун нафас ва бақувват кўкрак, шунингдек, соғлом тана ва келишган қоматни назарда тутди.<sup>43</sup>

<sup>43</sup> Кўчирма: Н.Махмудовнинг Ўқитувчи нутқи маданияти китобининг 177-178 бетидан олинди. Т., 2007.

Юрист нуткида нутққа хос барча коммуникатив сифатлар бўлса-да, овозда нуқсон сезилса, юрист тайёрлаган нутқ ҳар қанча юксак савияда бўлмасин, у камида таъсир кучининг ярмидан маҳрум бўлади.

Тўғри ҳаётда учрайдиган, аниқроғи табиий жисмоний нуқсон сифатидаги чийилдоқ, гурулдоқ, хирри, хирқирик, шанғи, шанғироқ овозларнинг ёқимли бўлолмаслиги, яъни тингловчи кулоғига ёқмаслиги мумкин.

Нутқ техникасини етарли даражада билмаслик оқибатида юзага келадиган нуқсонлардан фонетик билимларни билиш, овозни йўлга қўйиш аниқ талаффуз қилиш, нутқ жараёнида тўғри нафас олиш бўйича турли машқлар ёрдамида имкон қодир ҳалос бўлиш мумкин.

Машҳур юнон нотиги Демосфен дастлаб овози наст, талаффузи ёмон, нафаси қисқа бўлганлигидан чиройли ва таъсирли нутқ айта олмаганлиги ҳақида тарихчилар ёзганлар. Бу соҳани чуқур ўрганган олим С.Иномхўжаев ёзганидек<sup>44</sup>, кейинроқ Демосфен нутқ техникаси асосларини эгаллашга жуда жиддий киришган. У бир ертўла қазиб, шу ертўлада овозини ривожлантириш, дикция, декламация бўйича ойлаб машқлар қилади. Талаффузидаги нуқсонлар, “Р” товушини айтолмаслик, баъзи товушларни ноаниқ айтиш кабиларни бартараф этиш мақсадида оғзига майда тошларни солиб, шеърлар, турли матнларни ўқиш билан шугулланади. Овозини ривожлантириш, овоз аппаратларини чиниктириш учун эса тепаликларга югуриб чиқиб, югуриб тушиб, нафасини ушлаб турган ҳолда шеърларни декламация қилади. Демосфен гапираётганида бир елкасини ҳалеб кўтаравериш одатидан қутилиш учун ертўласининг шифтига учи ўткир ханжарни осиб қўйиб, елкасини ханжарнинг айни учига тўғрилаб туриб, машқларини давом эттиради. Ана шундай машаққатли ва мунтазам машқлар туфайли Демосфен жаҳонга машҳур нотик бўлди. Нотикликнинг юксак чўққисини забт этади.

Юрист нуткида кузатиладиган камчиликлардан бири фонация жараёнида, яъни нутқ ҳосил бўлиш пайтида нафас олишдаги тартибсизликлар билан боғлиқ. Фонация жараёнида нафас олиш ва нафас чиқариш фазалари шундай йўлга қўйилиши керакки, нафас олиш зўриқишсиз, бир қадар жадалроқ, нафас чиқариш эса текис, бир меъёрда ва давомлироқ кечиши лозим. Нафас чиқариш қанча-

<sup>44</sup> С.Иномхўжаев. Нотиклик санъати асослари. Т., 1982. 86-87 бетлар.

лик давомли, узун бўлса, шунчалик яхши. Зотан, товуш, нутқ айни шу нафас чикариш жараёнида ҳосил бўлади.

Нафас олиш ва нафас чикариш фазаларининг узлуксиз алмашилиш тартибини тўғри тасаввур этмоқ муҳим.

Нутқнинг ҳажмий ва мазмуний курилиши ўргасидаги мутаносибликни тўғри белгиламаслик оқибатида нафаснинг етмай қолиши, бир нафасда яхлит айтилиши лозим бўлган нутқ парчасининг бўлиниб кетиши, мазмунга зарар етказадиган ноўрин паузанинг пайдо бўлиши каби нуқсонлар ўртага чиқади.

Бундан ташқари бу каби нуқсонлар одам ҳаяжонланганда, қаттиқ кўрққанида ёки оғир мусибат ичида колганида, турли хиссий тушкунлик ҳолатларига тушганда ҳам нафас олиш ва нафас чикариш фазаларини назорат қилиш оғирлашади.

Юрист нутқ техникасини эгаллашда фонетал билимлардан хабардор бўлиши фойдали. Чунки товушнинг физик-акустик хусусиятлари унинг баландлиги, кучи, тембри, чўзиқ-қисқалиги кабилардан ташкил топади. Ҳар қандай оғзаки нутқнинг интонация жараёнида нутқ мелодикаси, ритми, темпи, тембри кабилар асосида ҳам физик-акустик ҳолат бор. Ҳ.А.Жамолхоновнинг “Ҳозирги ўзбек адабий тили (I-қисм Т.: 2004, 23-бет) китобида: нутқда овознинг (тоннинг) баланд-паст тарзда тўлқинланиши мелодикани юзга келтиради, мелодика эса гапнинг ифода мақсадига ёки эмоционалликка кўра турларини белгилашда, синтагмаларни, кириш сўз ёки киритма гапларни ифодалашда муҳим восита саналади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тебраниш частотаси нутқда бошқа акустик воситалар (урғу, тембр, темп кабилар) билан муносабатга киришиб, мураккаб товушни ҳосил қилиш ҳам мумкин, бундай мураккаб товушлардан эса турли экспрессив – стилистик мақсадларда, айниқса, шеърий мисралардаги товуш товланишларини таркиб топтиришда фойдаланилади”.

Юрист ўз нутқида бу каби фонетик имкониятлар ва қонуниятларни тўғри ва ўрнида қўллай билиши муҳим.

Юристининг нутқ техникаси билан боғлиқ нуқсонлардан яна бири нутқ темпи, тезлигини тўғри белгиламаслик ёки тезлик-секинликнинг меъёрини, мўътадилликда ушлай олмасликдир. Нутқнинг темпи, албатта баён қилинаётган материалнинг моҳиятига, фикрнинг моҳиятига мос бўлиши керак. Бунинг акси бўлса, яъни материални фақат жадал темпда баён қилса, ёки тингловчи идроки

нотик нутки тезлигидан орқада қолса фикрни илғаб олин кийин кечади.

Юристнинг нутқ техникасида дикция жиддий ўрин тутади. Ҳар бир товуш, сўзнинг тўғри талаффузи, нутқ оқидами гап-сўзларнинг чайналмасликларига олиб келади.

Умуман, юрист ўзининг нутқ техникаси устида жиддий ўйлаши, уни такомиллаштириб бориши, фонетика, фонологияга оид билимларни умумий тарзда бўлса-да ошириб бориши лозим.

### **Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:**

1. Фонетика ва фонология ҳақида тушунча беринг.
2. Нутқ техникаси деганда нимани тушунасиз?
3. Нутқ аппарати ва товушлар таснифи.
4. Ҳуқуқшунос нутқининг ифодавий воситаларига нималар киради.

### **Адабиётлар.**

1. Ҳ.А.Жамолхонов. Ҳозирги ўзбек адабий тили. I-қисм Т., 2004.
2. Н.Маҳмудов. Ўқитувчи нутки маданияти. Т., 2007
3. М.Мирхамидов, Н.Норпўлатов, С.Ҳасанов. Юристнинг нутқ маданияти. Т., 2005.

### **Юристнинг мулоқот маданияти ва одоби**

Режа:

1. Юристнинг мулоқот маданияти.
2. Юристнинг ахлоки ва одоби.

Таянч сўз ва иборалар: одоб, ахлоқ, хулқ, маънавият, ҳуқуқшунос одоби, комил инсон, муомала маданияти, ахлоқ этикаси, сўз эстетикаси, адолат инсоф диёнат, иймон, цивилизация, Юнонистонда нафосат, Ҳиндистонда дин, Оврўпада моддий-техника тараккиёти. Туронда эса ахлоқ, юксак инсоний фазилят, маънавий камолат ва етуклик, эзгулик, гўзал ахлоқ, мукамал илм.



Юристнинг мулоқот маданияти унинг нутқи орқали амалга ошади. Ўз навбатида юристнинг одоби, энг аввало, унинг нутқида кўринади. Юрист одоби ҳам бевосита унинг одамлар билан муомала жараёнида кўринади. Ҳақ сўз юрист одобини ҳам ёрқин кўрсата олади. Бекорга айтилмаган “сўзимиз – бу ўзимиз” деб, чунки одамнинг қиёфасини сўзи орқали билиш мумкин.

Юрист одоби – касб маданияти қоидаларини ўз ичига олади. Юристга ўз касбига садоқат, тўғрилиқ, сотилмаслик, адолатлилик, юқори масъулият, ҳаққонийлик, мардлик, интизомлилик сингари ахлоқий фазилатлар хос бўлиши керак. Масалан, юрист одоби қонуннинг “харфи” ва “руҳига” содиқликни барчанинг қонун олдида тенглигига риоя қилиш, шахсни унинг айби суд томонидан исбот қилингунча айбдор деб ҳисобламаслигини тақозо этади. Аммо баъзи юристлар айбсиз одамга ҳам айбдор, маҳбусдай муомала қиладилар.

Юристнинг касб одоби қонун кучидан фақат жазолаш учун фойдаланишни эмас, балки ҳуқуқбузарларни қайта тарбиялашни ва уларни тузатишни ҳам тақозо этади. Ҳуқуқ-тартибот соҳасида ишловчиларнинг, қалби кайноқ, ақли теран ва қўли соф бўлиши керак.

Бундан ташқари, юристнинг касб одоби самимийлик, одамларга нисбатан эътиборли бўлиш, юксак ҳуқ-атвор маданияти, одоб туйғуси сингари фазилатларни ҳам талаб қилади.

**Юрист учун инсон тақдирига бифарқликдан ортиқ одобсизлик бўлмаса керак. Инсон тақдири жуда мураккаб, унинг маънавий оламига жуда эҳтиёт бўлиб нафсониятига тегмасдан кириш керак.**

Фақат касб одобига риоя қилган юристларгина кишиларнинг тақдирини ҳал қилишга, мураккаб, масъулиятли вазифаларни бажаришга, ҳуқуқ-тартибот ва қонунчиликни мустаҳкамлашга қодир бўла оладилар.

Нутқий муомала саломлашишдан бошланади. Саломлашишдаги хушмуомалалик ундан кейинги яхши суҳбатга дебоча бўлади. Тингловчида яхши кайфият пайдо қилади. агар саломлашиш қуруқ, илтифотсиз бўлса, кейинги суҳбатга салбий таъсир этиши мумкин. Кўп асрлик одатий анъаналаримизга кўра “Ассалому алайкум”нинг жавоби “Ваалайкум ассалом”дан иборат.

Маданиятли юрист агар хато қилса, ўз айбини бўйнига ола билиши, айби учун кечирим сўрашни ҳам билиш лозим. Ўз айби

учун кечирим сўраш ўз ғурурини ерга уриш эмас, балки одоблик, мардлик аломатидир.

Юрист одоби борасида тўртга нарсага жиддий эътибор қаратилмоғи лозим. Биринчиси – яхши сўз, иккинчиси эзгу фаолият, учинчиси – гўзал ахлоқ, тўртинчиси – илм. Агар шу хислатларга юрист эга бўлса, бу унинг комил инсонлик томон интилишидан дарак беради ва юристнинг одобига ишора.

### **Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:**

1. Юристнинг оила доирасидаги одоби.
2. Юристнинг жамоа орасидаги намунавий хулқи.
3. Юристнинг хизмат доирасидаги одоб ва ахлоқи.

### **Адабиётлар.**

1. Т.З.Имомова, Л.А.Тухватуллина. Менинг касбим – юрист. Т., 1995.
2. Н.Маҳмудов. Ўқитувчи нутқи маданияти Т., 2007.
3. Т.Қудратов. Нутқ маданияти асослари. Т.: Ўқитувчи, 1993.

### **Найранг ва ёлғонни фош этиш сирлари**

Инсон зоти бошқа жонзотлардан учта хусусияти билан фарқланади. Инсонга ақл, нутқ, ва қалб берилган. Бошқа жонли мавжудотда бу несъматлар йўқ. Шу боис уларга ёлғон, алдов бегона. Биз инсонлар эса кўпгина ҳолларда ҳамиша ўзимизни ҳақ, бошқаларни ноҳақ ҳисоблаймиз. Натижада нутқимизда бир-биримизни алдаймиз ва алданамиз. Албатта алдаётган одам ўз манфаатини кўзлаб алдайди, алданаётган одам суҳбатдошига ишониб ўсал бўлиши мумкин. Нима қилиш керак? Суҳбатдошни зимдан кузатган одамни алдаш қийин. Агар сизни суҳбатдошингиз алдаётган экан, ундаги хатти-ҳаракатларга диққат кўзи билан боқсангиз, нутқнинг самимий ёки ёлғонлигини аниқлаш мумкин. Бу биринчи галда кўз, юз ва қўл ҳаракатларига қараб аниқланади: Бошқарувда нутқ ва мулоқат жараёнида ёлғонни ўрганиш жуда муҳим. Айниқса, ҳарбий ва махфий учрашувларда, бизнес билан боғлиқ мулоқотларда, тергов ва суриштирув ишларида **ҳақиқатни билиш ва аниқлашда** ўша соҳа ходимларидан ўта синчковлик талаб этилади.

Бунинг учун ўша масъул шахсларда сезиш, кўриш, кузатувчанлик ривожланган бўлиши керак. Терговчи, бизнесмен, шифокор, педагоглар ўзларидаги сезгирликни ошириш мақсадида ҳамсухбатларини танлаган жойнинг ёруғроқ жойига ўтказиб ўзи сояроқ жойга ўрнашмоғи лозим. Ана ўшанда сухбатдоши юзидаги ранг ўзгариши-ю, юз мушакларидаги ҳаракатни аниқроқ кузатиши ва таҳлил қилиши мумкин. Қизиқ, баъзи одамлар ҳаёт тажрибаси ортган сари, билим даражаси ортиб борган сайин, аниқроғи одам турли вазиятларни ўтаган бўлса, кўплаб мулоқотларда иштирок этишига қараб ёлғон гапириш тажрибаси ҳам ортиб бораркан. Бу афсусланарли ҳолатдир.

Ёлғон нутқ сўзлаш борасида санъаткорлар, савдогарлар оғир жисмоний меҳнат кишиларига қараганда ёлғонни ишлатишда устаси паранг бўлади. Чунки уларда сўз бойлиги кўп. Шунингдек, қирақаш хайдовчилар, сартарошлар, бозорчилар доимий равишда ташқи шакллар ва маънавиятдаги ҳолатларни ўзларига сингдириб олишга ҳаракат қиладилар.

Сухбатдошининг ёлғон ёки рост гапираётганларини аниқлашда касб нуктаи назаридан терговчилар, шифокорлар, педагоглар анча сезгир бўлишлари лозим. Бу касбдаги шахсларнинг кўплари онгли равишда сухбатдошларини алдашга мохир бўладилар. Мохир ёлғончилар гапираётганда сухбатдошининг онгини ўз нутқлари билан эгаллаб, ўзларига оғдириб оладилар. Айниқса, нутқини шакар ва шароб сўзлар билан мулойим тарзда ўктириб, сухбатдош хиссиётларини эгаллаб оладилар.

Эркакларга нисбатан аёлларнинг ёлғон ишлатишини аниқлаш қийинроқ кечади. Зимдан кузатилса, эркакларнинг кўз ва юзларидаги ўзгаришлар ёлғон ишлатаётганини сездириб қўяди. Бу ҳолат аёл зотида мураккаброқ кечади. Аёллар ёшлиқдан юз ифодаси (мимика) ва мушаклар парваришига эътиборлироқ бўлиб, кўзгуга эркакларга нисбатан кўпроқ мурожаат қиладилар. Эркаклар ёлғон гапирганларида кўзларини олиб кочадилар. Аёллар эса сухбатдошининг кўзига тик қараб алдашни эплайдилар. Эркакнинг алдаётганини атрофдагилар сезиб қолса, у кўпинча асабийлашиб гапини исботлашга ҳаракат қилиши мумкин. Аёллар эса одатда ўзини беморликка солиш билан вазиятни юмшатишга интилади. Ёлғон гапирган эркакнинг юзи дарҳол кизариб кетса, аёллар юзида бироз кизиллик зохир бўлиши мумкин.

Ўз навбатида аёлларни алдан (улар майда-чуйдаларга кўпрок эътибор берганлари учун) эркакларни алдан кўра қийин-роқдир<sup>45</sup>.

Рухшунос олимлар ёлгондан кўзланган мақсадни икки турга бўлиб ўрганадилар:

1. Шахсий мақсадлари учун (ўз моддий маънавий эҳтиёжларини қондириш учун, сиёсий ва иқтисодий ютуқларга эришиш учун, ўзи ҳақидаги тушунчаларни ижобийлаштириш учун, кўрקי-тиш учун, мактаниш учун) ишлатадилар.

2. Суҳбатдош манфаатлари учун эса (бемор соғайиб кетишини кўзлаб, шахснинг эмоционал ҳолатини сақлаш ва суҳбатдош муаммоларини ечишга йўналтирилган) ёлгонни ишлатадилар<sup>46</sup>.

Чин инсон боласи ёлгон гапираётганда ўзини ноқулай ҳис этади ва шу сабабдан кўз қорачиғи торайиб, кўз оқининг ранги ўзгаради. Бу ҳолатни зимдан кузатган одам англайди. Шу боисдан фирибгарлар, қиморбозлар кўзидаги ўзгаришни бекитиш мақсадида қора кўзойнақдан фойдаланишади. Инсон юзидан ва кўзидан ўқиш санъати инсоният тарихида қадимдан мавжуд. Ҳар бир шахснинг юзидан унинг ички туйғуларини аниқлаш мумкин. Масалан, кўз ва юздаги ҳаракатларни кузатайлик:

1. Кўркув, уят, ҳижолатда кўзнинг беихтиёр ҳаракати кузатилади. Мабодо суҳбатдошингиз ўз ёлгонларига сизни ишонтирса, унинг кўз қорачиғлари бир оз кенгаяди.

2. Суҳбатдошингиз ўз нутқидаги ёлгоннинг ошқор бўлишидан кўрқиб кўзларини нирпиратади.

3. Сизни алдаётган шахс ўзини айбдор ҳис этиб, кўзини олиб қочади ёки нигоҳини пастга йўналтиради.

4. Суҳбатдошингиз жаҳлини ёки уялганини сездирмасликка ҳаракат қилса, унинг юзи қизаради.

5. Мабодо суҳбатдошингиз ўзидаги кўркувни, айбдорлигини ҳис этса, унинг юзи оқаради.

6. Суҳбатдошининг хаяжонланиши, кўркуви ва уялиш жараёнида кўл ва бўйин томирларининг уриши тезлашади.

7. Суҳбатдошининг ҳижолат чекиши ва хаяжонланишидан нафас олишида ўзгариш содир бўлиб, сурункали ютиниш содир бўлади.

<sup>45</sup> Ф.М.Мустафоев, Ш.Ф.Мустафоева. Муомалада ёлгон. Т., “Давр пресс”, 2009. 11-бет.

<sup>46</sup> Ўша китоб. 9-10-бетлар.

8. Ўз нутқидаги ёлгоннинг ошкор бўлишидан ҳадиксираган одамнинг оғзи куруқшиб, лабларини ялаш ҳолати кузатилади.

9. Ёлгончининг ички ҳаяжонланишидан қўл панжаларида, юзининг бирор қисмида қалтираш содир бўлади.

10. Сухбатдошингиз ёлгон гапирётган бўлса, қўл ва оёқ учларида ихтиёрсиз ҳаракат кўпаяди, қўл ва оёқ панжаларининг бирлаштирилиши, қўл билан танасининг маълум қисмини беркитиш ҳолати сезилади.

11. Кийимидан, бадандан кўзга кўп чалинмайдиган майда нарсаларни чанг-чунглари қоқиб туриш, бармоқлари билан бирор нарсани таққиллатиб туриш ҳам ёлгон нутқдан нишона.

12. Ўтирганда жойлаша олмаслик, сўзлаётган нутқи билан ҳаракатларнинг бир-бирига мос келмаслик ҳолати ҳам сухбатдошингизнинг ёлгон сўзлаётганидан дарак бериши мумкин.

Умуман олганда юзимиз ва кўзимиз ички туйғуларимизни акс эттириш ва бекитиш билан узлуксиз банд бўлади, яъни юзимиз ва кўзимиз ҳар бир шахс ички кечинмаларининг ойнаси ҳисобланади. Қадимги хитой оламларининг кузатишларича, хайрли ва яхши кечинмалар одам юзини ичдан нурлантиради. Ёвуз ва ёлгон фикрлар инсон юзини фариштасиз, қаҳрли, шафқатсиз, нурсиз қилади.

Хитой файласуфларининг фикрига кўра юз ва кўздан ўқиш санъатини қисмларга бўлиб ўрганиш тавсия этилади. Пешонақош, қош-кўз, бурун, лаб-оғиз, лаб ва жағ мушаклари ҳаракатланади, лекин кўз, қош ва пешона атрофидаги мушаклар ҳаракати сезилмайди. Нотикнинг нутқи юз, қўл ҳаракатларига мос бўлмаса, унда чуқур ички руҳий ҳолат бўлиб, нутқдаги ишончсизликни намоён этади. Нотик нутқи ва руҳий ҳолатини чап ва ўнг мия ярим шарлари бошқаради. Яъни, нутқни чап мия ярим шарлари бошқарса, нотик ҳиссиётларини ўнг мия ярим шарлари бошқаради. Ўнг мия одам вужудининг чап тарафидаги аъзоларини, чап мия эса ўнг тарафда жойлашган аъзоларга подшо. Одам зўрма-зўраки кулганда, юзнинг ўнг тарафидан билинади. Ростакам кулганда эса юз-кўз, жағ, лабдаги барча мушаклар ҳаракатга келади. Бу унинг ич-ичидан қувонганини билдиради. Ростакам кулги одамга саломатлик бахш этади. Бундай ҳолат ёш гўдакларда ёрқин кўзга ташланади ва уни кузатиб турган бўлсангиз сиз ҳам ясама кулги қилолмайсиз, ич-ичингиздан қувониб куласиз. Яъни қувончли кулги, қувончли кулгуни келтириб чиқаради.

Нотик нутқ сўзлаётганда, ўнг қўли кўпроқ ҳаракатга келса, у ўз нутқини тингловчиларга сотмоқчи халос, бироқ ўзи нутқидан роҳатланмайди. Нотик ёниб гапирса, ундан тингловчи ҳам, ўзи ҳам роҳатланади. Ёки суҳбатдошингиз чап томонидаги тана қисмларини, қўлини ҳаракатлантириб нутқ сўзласа, сизни ёктирмайроқ гапираётганидан дарак беради.

Сиз бирор шахсга баҳо бераётганингизда унинг ташқи кўринишига ва хатти-ҳаракатига қараб муносабат билдирасиз. Бу сизнинг овозсиз, ташқаридан берган баҳонгиз. Бу ҳолат билан одамни би-лиш қийин. Айтадилар-ку “кийинишингизга қараб кутиб олади-лар, гап сўзларингизга қараб кузатиб қўядилар”. Психологларнинг фикрига кўра инсондаги хатти-ҳаракатлар “очик” ва “ёпиқ” ёки “берк” ҳаракатларга бўлинади. Суҳбат жараёнидаги қўл, кафт очиклиги суҳбатдошга нисбатан самимийлик, очиклик, ҳурмат ва ижобий муносабатни белгилайди. Қадимдан шундай бир нақл юради. Доялик қилган момоларимиз чақалоқнинг “қўли очик ту-ғилди”, “очик кўнгил” бўлади деб, агар чақалоқнинг қўллари ёпиқ мушт бўлса “қайсар, ўзига пишиқ” бўлади деб баҳолашган. Очик кўнгил ёки нияти бузук одамларни гаплашаётган оралиқ масофа билан ҳам белгилаш мумкинлигини психолог олимлар қуйидагича таъкидлайдилар:

1. Суҳбатдошлар ўртасидаги масофа 15-40 см бўлса, ишончсизлик, тажовузкорлик ҳамда интим кайфиятдан дарак бериб “бежо туриш” ҳисобланади.

2. Агар суҳбатдошлар оралиғи 70-80 см бўлса, бу ҳолатни дўстона оралиғ дейиш мумкин, яъни суҳбатдошларнинг ўзаро ижобий муносабатдалигидан дарак беради.

3. Суҳбатдошлар оралиғи 120-150 см бўлса, бу ҳурмат оралиғи ҳисобланиб, улар бир-бирларини ҳурмат қилишларидан нишона.

4. Агар суҳбатдошингиз гапириш жараёнида сизга бир неча сантиметртга яқинланса, сўнг айтмоқчи бўлган сўзларини айтиб танасини бироз ортга тортса, хушёр бўлиниг у сизга ишончсиз ва ёлғон сўзларни айтган бўлади. Суҳбат пайтида оралиқни назорат қилинг, бу сизга юқоридаги каби ҳолатларни англатади.

Берк ёки ёпиқ ҳаракатлар суҳбатдошнинг суҳбатдошига бўл-ган ишончсизлигини, мулоқатни тугатишни истаётганини англа-тади. Масалан, бирон кўшингизга ишингиз тушиб, нимадир сўра-

гани борасиз. Қўшнингиз яхши кутиб олиб, тўрга ўтказди, фоти-  
хадан сўнг ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгач асосий илтимосга ўтасиз.  
Қўшнингизда сизга зарур бўлган нарсанинг борлигига шубҳангиз  
йўқ. Бироқ қўшнингиз ёлғон гапиришдан олдин чуқур нафас ола-  
ди ва олдинги ҳаракатларини бир неча сонияга тўхтатиб, беихтиёр  
икки қўлини чалиштиради, сўнг ўша сиз сўраган нарсани кимга-  
дир берганини, ўзи ҳам излаб топа олмаётганини айтиб ёлғон  
гапиради. Сўнгра елкасини кисиб, берк ҳаракат билан танасини  
бироз эгиброк “чикиб туринг” ёки “келиб туринг” деб сизни куза-  
тади. Ёлғонни намойиш этувчи қуйидаги хатти-ҳаракатлар ҳам  
тез-тез содир бўлиб туради.

а) суҳбатдош ёлғон ишлатган бўлса, уни сездирмаслик учун  
кўз қовоғини қашлаб беркитади;

б) ёлғон гапирарётган одам бурун ва унинг атрофини силаши  
ёки қашлаши ҳам мумкин, ёки галустугини, кийими ёқасини  
тўғрлаши, бўйин ва юзини қашлашга ўтади.

в) сизнинг нутқингизни тинглаётган суҳбатдошингиз бурнини,  
кулоқ атрофини қашласа, билингки сизнинг гапларингизга у ҳай-  
рихоҳ эмас, унда бунга шубҳа ёки сизнинг гапларингиздан хабар-  
дор ёхуд сал бошқачароқ эканидан нишона. Ёки сиз нутқ сўзла-  
ётиб юқоридаги ҳаракатларни ишлатсангиз бераётган хабарингиз-  
ни яхши билмаган ҳолатда ишонмасдан гапиряпсиз, яъни алдаяпсиз.

Хатти-ҳаракатларимизда қуйидаги маъноларни англасак бўлади:

1. Бошимиз кўтарилиб ва юқорига қарасак – **“Бир дақиқа сабр қилинг, ўйлаб қўраман”** деган ҳолат кузатилади.

2. Кулги ёки бошни эгиш – **“тушундим”** деганимиз.

3. Каллани бир меъёрда кимирлатиш – **“Сизга нима кераклигини тушундим”** дегани.

4. Суҳбатдошга узоқ тикилиб қолиш – **“Менга иқрор бўлишингизни истайман”** дегани.

5. Ён-атрофга қараш – **“эҳтиёткорлик”** белгиси.

6. Кўзлар пастга қараса – **“қўрқув ёки суҳбатдош ёнидан кетишга мойиллик”**.

7. Бошни буриб, қошни чимириш – **“Тушунмадим, такрорла”** дегани бўлади.

Моҳир нотик суҳбат давомида ҳамсуҳбатини билиш макса-  
дида тез-тез кулдириб, кулгидаги 4 та ҳолат орқали унинг ички  
кечинмасини аниқлайди:

1. *Ҳа-ҳа-ҳа* – бунда хурсандчилик ва самимийлик юзага чиқади.
2. *Ҳе-ҳе-ҳе* – кибр, манманлик, сир бой бермаслик.
3. *Ҳи-ҳи-ҳи* – муғомбирлик, сир бой бермаслик.
4. *Ҳо-ҳо-ҳо* – оз бўлсада, суҳбатдошини камситиб қараш.

Йиғлашдаги бакириб, дод-вой солиб йиғлаш – бошқалар эътиборини ўзига қаратиш бўлса, минғирлаб йиғлаш – бошқалар раҳмини келтириш ва муғомбирликдан дарак.

Агар одам хурсанд бўлиб йиғласа кўз ёшининг таъми ширин, гам ташвишдан йиғлаётган бўлса, кўз ёшининг таъми шўр бўлади. Бу ҳол кўпроқ узатилаётган қизларда кузатилади. Куёвга кўнгли бўлмаса аччиқ кўз ёш тўқади, ёки аксинча.

Нотикнинг сўз бойлиги – унинг эгаллаб турғна мавқеи ҳамда касби-корига ҳам боғлиқ. Масалан, оддий деҳқон нутқи хайдовчилар нуткидан, ўқитувчи нутқи шифокор нуткидан, санъаткор нутқи кишлук ҳўжалик ходимлари нуткидан фарқланади. Нутқда яхши-ёмон сўзларнинг ишлатилиши олган тарбия ва муҳитга боғлиқ бўлади. Масалан, курувчи нутқи билан ижодкор нутқини тенглаштириб бўлмайди. Ёлғонни кўп ишлатадиган одамлар нутқида “боплабди”, “синдирибди”, “лўх қилиб кетибди”, “ухлатибди”, аферист каби сўзлар (от, сифат, феъллар) кўп учрайди.

Нотик ўзидаги хаяжонланиш ҳолатини нутқи орқали намойиш этади. Нотик хаяжонланганда, узлуксиз тез гапиради. Ўзида манманлик ва кибрни туйган нотик эса чўзиб, секин гапиради. Нотик нутқи сохта бўлса, тўхталиб-тўхталиб сўзлайди. Нотикнинг ички кечинмалари фаоллашганда равон ва баланпарвоз нутқ сўзлайди. Фикрини қатъий ишонч билан равон, лўнда ва гўзал баён этган нотик сўзига қаттиқ ишонади. Нотиқдаги ўзига ишонмаслик дудукланишга олиб келади. Нотик нутқи бир меъёрда бўлса, тингловчи зерикади. Нотик ўз нутқидан мавзу мазмунига қараб гоҳ баланд, гоҳ паст овозда, тез, секин, нутққа мос ҳаракатлар қилиш, овозни аудиториянинг турли тарафига йўналтириб туриши тингловчини зериктирмайди, уларнинг маърузага қизиқишини оширади.

Инсоният пайдо бўлибдики, у яшаган замон ва маконда ҳаммаша алдов ва ҳақиқат, эзгулик ва ёвузлик худди кеча ва кундуз каби курашиб келади. Агар улардан бирортаси тамоман енгилиб ўз ўрнини жуфтига бўшатиб берса, инсондаги ҳаракат мувозанати бузилади. Қора ранг бўлгани учун оқ рангни кадрлаймиз. Бемор бўлсак соғлиқни, саҳрода юриб чанқасак, сувни, пиёда юриб чарчасак оёқ-



уловни, совуқдан қалтирасак, оловни, корнимиз оч қолса, емокни, хўрлансак меҳрни, қариганда ёшлиқни, ота ёки она бўлсак, ота-онамизни, агар кимдир алдаса, ҳақиқатни қўмсаймиз. Ҳозирги тезкор замонда ҳар бирмиздан сезгирлик талаб этилади. Эътиборсиз бўлсак бирор товламачи тузоғига илиниш ҳеч гап эмас (чет элга алданиб кетганларни, террорчилар тузоғига илинганларни эсланг). Эзгулик ва ёвузлик кураши ҳақида А.Дюма қаҳрамони Граф Монте Кристо: “Ёвузликни енгиб бўлмайди” деган хато хулосага келади. Ҳамон ёвузлик яшаётган экан, ҳар биримиз ўзимизга хушёрликни шиор қилиб яшамоғимиз даркор. Бу эса ҳам ватанга, миллатга ва оиламизу жамиятга бефарқ бўлмасликка чакиради.

### **Амалий таклиф ва тавсиялар:**

#### **Юрист тергов жараёнида қуйидагиларга амал қилиши керак:**

1. Сўрок қилинаётган шахснинг касбини, ёшини ва маънавиятини ҳисобга олиши;
2. Сўрокни мулойим оҳангда баён этиш;
3. Фикрни баён этишда битта далил билан кифояланмаслиги;
4. Инсон шаъни ва қадрини ерга урмаслик;
5. Уқтирмақчи бўлган фикрини қўпол оҳангда бермаслиги;
6. Бераётган саволлари исботли далилларга эга бўлиши;
7. Асабийлашмаслиги, ўзини вазмин тута билиши жуда муҳим, акс ҳолда мақсадга эришиши оғир кечади.

#### **Аввало асабийлашишга олиб келадиган 6 та сабабларга эътибор беринг:**

1. Ҳаётнинг мураккаблиги, серкирралиги, техника тараққиёти, шовкин-суроннинг кўплиги, муаммоларнинг кўплиги.
2. Экологиянинг бузилиши ва танаввул этилаётган овқатларнинг кимёлашуви.
3. Нутқимизда кўпол, шалок, захар сўзларнинг (мулоқотда: кўчада, бозорда, тўйда, оилада, ишхонада, дам оладиган жойларда) ишлатилиши.
4. Қоврилган, шўр, ёғли овқатларни, қалампир, қази кабобларни ҳар куни истеъмол қилиш.
5. Кам ўқиш – маърифатсизлик.
6. Ичкилик ва оғуға берилиш.

## Асабийликдан сақланишнинг ўн йўли:

1. Инсон ҳар қандай вазиятда ва шароитда инсон эканлигини унутмаслиги, ўзини-ўзи бошқара олиши керак.

2. Асабни даволашда энг муҳим шифо – табиатга яқинлик ҳамда буюк алломаларнинг ҳадису ҳикматли сўзларини мунтазам ўқиб, унга амал қилишдир.

3. Кибру-ҳаводан тийилиш.

4. Ўзини бошқалардан юқори қўймаслик.

5. Камтарликни одат қилиш.

6. Эшитаётган одамни ёмон кўрмаслик.

7. Асабийлашиш тананинг соғлигига ҳам боғлиқ. Соғлом одам асабийлашмайди. Соғлиқ руҳиятни кўтариб туради.

8. Асабийлашиш иқлим шароитига, ойнанинг қайси қушлигига, мавсумга, юлдузлар ҳаракатига, одамнинг мучали билан ҳам боғлиқ.

9. Энг муҳими, асаб бузилиши учун шароит туғдириб бермаслик керак.

10. Инсон ташқи кўринишини чиройли қилгани каби, ўз ички аъзоларини ҳам бошқара билса, у асабийлашмайди.

Асабни асранг дўстлар! Ҳамма касаллик асабийлашишдан келиб чиқади.

## Асабни мустаҳкамлашнинг саккиз йўли

1. Ҳар куни 21 дақиқа секин югуриш ёки 2 соат тўхтамай юриш.

2. Мунтазам жисмоний иш ёки бадантарбия билан шуғулланиш.

3. Ҳафтада бир марта ҳамомда узоқ терлаш.

4. Ётишдан олдин оёқни иссиқ сувда ювиш.

5. Ўз вақтида ухлаш, ишлаш, дам олиш, овқатланиш. Кечаси яхши ухлаш учун кундузи ухламаслик керак. Олтимиш ёшга кирган одам ёз кунлари бир оз мизғиб олса бўлади.

6. Маданий ҳордик – театр, кино, концертга бориб туриш.

7. Ёзда 3 ой оқин сувда соат 5<sup>00</sup>дан 8<sup>00</sup>гача сузиб чўмилиш (ховузда) лозим.

8. Уқалатиш (массаж) айниқса, ҳаммомдаги ҳадми фойдали.

## Одамларни баҳолашнинг тўрт усули

1. Сизни одамларга бўлган муносабатингизга қараб баҳолайди.
2. Одамлар сизнинг қилаётган ишингизга қараб баҳо беради.
3. Сизнинг нимани гапиришингизга қараб ҳукм чиқаради.
4. Фикрингизни қай оҳангда гапиришингизга қараб кузатишади.

### Нутқимизда 4 та нуқсон учрайди:

1. Ножоиз (паразит) сўзлар (*и-и-и, хўш-хўш, дейлик, нима десам экан, ана шу* каби).
2. Варваризм (рус тилидан кириб келган сўзлар: *вобшем, кароче, просто, давай* каби).
3. Вульгаризм (қўпол, дағал, шалок сўзлар).
4. Канцеляризм (идоравий сўзлар).

### Яхши нотик бўлишнинг 4 йўли:

1. Сўз бойлигини (луғат бойлигини) муттасил ошириб бориш.
2. Сўзларнинг маъно ўзгаришларига эътибор бериш.
3. Сўзларни адабий тилда тўғри талаффуз қилиш.
4. Сийкаси чиққан сўзлардан кочиш, ишлатмаслик.

### Нутқимизда сўзларимизни 3 хил ҳолатда ишлатамиз:

1. Шакар сўз қилиб;
  2. Заҳар сўз қилиб;
  3. Хушомад қилиб.
- Сўзларимиз ўзига либос танлайди. Сўз либосида эса 4 та хислат бор:
1. Меҳрлилиқ.
  2. Қаҳрлилиқ.
  3. Майинлилиқ.
  4. Ёқимлилиқ.

1. Режа.
2. Қўлда ручкани ўйнаб туриш.
3. Ўзини дадил тутиш.
4. Сўзга чиқишдан олдин ярим дақиқа чуқур-чуқур нафас олиш.
5. Қоматни тик тутиб, тингловчилар кўзларига тик боқиш.
6. Гапираётиб ўйламаслик, аввал ўйлаб, сўнг гапириш (гапираётиб ўйласангиз *и-и-и, нима десам экан, хўш, значит* каби сўзлар келиб қолади).
7. Костюмнинг тугмасини ечиб-ўтказиб овунмаслик.
8. Ҳовлиқиш тажрибасизлик ва ўзига ишонмасликдан келади.
9. Уйда машк қилиш, машк, машк.

#### 41 МАСЛАҲАТ

1. Нотиқ аудиторияга чиқишдан олдин нима ҳақида гапириши лозимлигини ўйлаб пишитиб олмаса, режалаштирмаса омма олдида ўзини дадил тута олмайди.

2. Нотиқда тингловчилар олдида саросимага тушиш ҳолати содир бўлса, ундан қутилиш учун столни у ёқ бу ёққа суриши, қўлига ручкани олиши, доскага ниманидир ёзиши, дераза ёки эшикни очиб ёпиши, китоб ёки варақларни саранжом этишга бўлган ҳаракатлар оёқ панжаларини ғижимлаши саросимадан чиқишга ёрдам беради.

3. Нутқ сўзлашда дадиллик муҳим ўрин тутаети. Нотиқ шундай ҳаракат қилиши лозимки, тингловчилар уни дадил деб қарашсин. Албатта бунинг учун мавзуни яхши эгаллаш муҳим. Агар мавзуни чуқур билмаса, барча ҳаракатлар фойда бермайди. Мавзуни яхши эгаллаш эса, кўрқув хуружидан нотикни асрайди ва мардлик шижоатини юзага келтиради. Мавзуни яхши эгаллаган нотиқ, минбарга чиқишдан олдин чуқур нафас олиб дадил ганира олади. Чуқур олинган нафас ҳаяжонланишни тўхтатади.

4. Нутққа тайёргарлик кўриш қоғозга ёзиш, уни ёд олиш, ёдланган ҳолатда тасаввур этиш эмас, бу – ўйлаш, фикрларни қаллада обдон пиширмақ, эслаб қолиш, ундан саралаш, силлиқлаш, тартиб билан мавзуга хос тарзда тизиб чиқишдир.

5. Нотик шоир ва ёзувчи каби синчков бўлиши керак. Масалан Мақсуд Шайхзода “Тошкентнома” дostonини ёзишда фикр келганда, “Казбек” папириси қутисининг четларига ёзиб юрган. Ўткир Ҳошимовнинг “Дафтар хошиясидаги битиклар (ёзувлар)” ҳам шундай синчковлик самарасидир. Нотик ҳам ўзида бирор савол туғилса, уни ён дафтаригами, ёки чўтагидаги бир қоғозгами ёзиб юрадида бирор папкага солиб қўяди. Ёки кимдандир бирор янги гап ёки сўзни эшитиб қолса уни ҳам ёзиб қўяди. Саволларига жавоб ҳам баъзида кўча-кўйдан топилади. Қискача қилиб айтганда одамларнинг гап сўзларидан ўзига керакли дурларни йиғиб юради. Бу йиллаб ҳатто ундан ҳам кўп вақтда йиғилган ёзувли қоғоз парчалари вақти келиб, нутққа тайёрланиш пайтида ёйилиб, сараланиб, уларга нимадир кўшиб, ниманидир олиб мавзуга мос фикрларни халқона фикр билан бойитади.

Эркин Воҳидов сўзлари билан айтганда:

Эл устозим, мен эсам толиб,  
Сўз дурларни термоқдир ишим.  
Одамларнинг ўзидан олиб,  
Одамларга бермоқдир ишим.

6. Нотикликни эгаллаш диний ходимлар учун ҳам ниҳоятда зарур. Чунки, Имом хатибларнинг аудиториясидаги тингловчи-лар оддий ишчидан тортиб, олимлару, ҳокимларгача, тадбирқору, этикдўзгача, ҳатто катта лавозимдаги кишилардан тортиб ҳуқуқшуносу, вазирларгача бўлган турли ёшдаги одамлардан иборат бўлади. Мадомики шундай экан, диний ходимлар (имом хатиблар) “Қуръони карим”дан ёки ҳадиси шарифдан танлаб олинган оятлару, ҳадиси шарифлардан саралаб олинган иқтибослар ҳақида пухта ўйлаб олишлари лозим. Олинган оятлару, иқтибослар токи мияда пишиб етилмагунча, уларни каллада сақлаб туриш муҳим. Анна шундагина улардан кизиқарли жиддий фикрлар йиғиндиси мияга кела бошлайди.

Энг муҳими, агар мазкур жараён жуда кўп вақтни қамраб олса, уни пайшанба тонгига қадар қолдирмаслик, чунки “намоз жума” кунидаги ваъзхонликка тайёргарлик бўлиши шарт. Агар имом хатиб онгида замонага боғлиқ ҳақиқатни бир ой ва ҳаттоки ундан ҳам узокроқ вақт мобайнида эсда тутса, маърузага чиқишдан олдин ҳаёт билан боғлиқ янги фикрлар кела бошлайди. Бундай янги фикрлар эса фойдали сабоқ ва ибрат даражасида бўлиши муқаррар. Бу-

нинг учун имом хатиб кўчадами, автобусдами, поезддами, самолётдами, от-уловлами ёки ўқишдан чарчагандами, уйкудами. ҳар қандай шароитда фикр юритишига тўғри келади. Шундай ҳоллар ҳам бўлиши мумкин, ярим тунда тўшакдан туриб, тушига кирган ёки каллага келган фикрни эртагача эсидан чиқиб кетишини ўйлаб, қоғозга ёзиб қўйиши ҳам мумкин.

Имом хатиб бирор мавзуда ваъз ўқиш учун маълумот тўплаганда, танланган иқтибос ва мавзуга доир онгига нима келса ёзиб бермоғи лозим. Қуръони Каримдан олинган оятни биринчи марта танлаб олганда, имом уни қандай тушунганлигини қоғозга ёзиб борсагина, миясида пайдо бўлган барча ҳис-туйғу ва ўй-хаёллар уйғунлигини таъминлаган бўлади.

Имом фикрларини қисқа, лўнда бир неча сўзлар билан ифодалаб, қайт этиб борса, мия тобора янги-янги фикрлар билан бойиб бораверади. Бундай жараённинг ўзи тафаккурни ривожлантириш усули ҳисобланади.

Имом онгига ҳеч кимнинг ёрдамисиз, мустақил келган фикрлар эса, ақлий ривожланиш учун жиддий қимматга эга. Имом онгига келган фикрларни қоғоз парчасига бўлса ҳам ёзиб юриши муҳим. Чунки улар вақти келиб, амалга ошириш керак бўлганда, энг муҳим ақлий фикрга айланиб, ҳақиқий ижод қувватига манба бўлади. Бошқаларнинг фикрларидан тузилган ваъзлар эскиргандай, илитилгандай таассурот уйғотиши мумкин. Бундан имом хатибнинг ўзи ҳам коникмайди.

7. Ваъзга тайёрланишда тайёр материални бирор жойдан кўчириб олиб, уни ёдлаш ва маъруза қилиш билан иш битмайди. Ваъзга тайёрланиш учун шахсий фикр-мулоҳазаларни тартибга солиб, уларни ҳам саралаб тингловчиларга етказиш муҳим. Нотиқ ўз фикр-мулоҳазаларини шахсий мисоллар билан бойитиб борсагина ютуққа эришади.

Маърузага тайёргарликсиз гапириш кийин. Нотиқ мавзу ҳақида кўп фактларни билиши мумкин, бироқ уларга тартиб бермаса ваъз муваффақиятли чикмайди. Нима ҳақида гапириш-ни аудиторияга киришдан олдин, кичик бўлсада режалаштириш жуда муҳим. Агар шундай йўл тутилмаса, нотиқнинг гаплари айқаш-уйқаш бўлиб кетади, ҳатто ўзини йўқотиб, терлаб, тез-тез сув ичиши ҳам мумкин. Бундай ҳолат содир бўлса, ҳатто тингловчилар ҳам қийналиб, нотиққа раҳмлари келади.

Маърузада кириш ва хотима мукамал бўлиши, нутқда тозалик ва фактлар аниқлиги, фикр лўндалиги, ортикча сўзлар бўлмаслиги, талаффуз тиниқлиги муҳим ўрин тутди. Нутқ ҳис-ҳаяжонсиз, ланж тарзда бепарволик билан ўқилса, тингловчиларда кучли таассурот уйғотолмайди. Нутқ чуқур ҳиссиёт билан, кўтаринки руҳда, чуқур самимият билан ижро этилса, нур устига аъло нур бўлади. Қисқаси, нотик ўз фикрларини ўзи бошқара олиши керак.

Нотик нимани гапириши ҳақида эмас, балки қандай гапириши кераклиги тўғрисида бошқалардан маслаҳат олгани маъқул. Яъни батафсил баён этиш сирларини яхши ўзлаштирган бўлиши жуда муҳим. Баён этиш сирлари эса, нутқнинг равон, ўткир, ишончли бўлишини таъминлайди.

8. Бу санъатни ўрганишнинг яна бир усули маърузага тайёргарлик кўриш асносида видео дискига ўзини ёзиб олган нотик, ўзини ўзи кўриб, эшитса янада яхши самара беради. Албатта бу бироз вақтни олиши мумкин, лекин бундан эринмаслик керак. Бу маслаҳат бошловчи нотиклардан ўзларини шакллантириш жараёнида узлуксиз 1-2 ой шундай машқни талаб қилади. Ўзини тутиб олган нотиклар ҳам жиддий давраларда, ҳукумат аҳамиятига эга бўлган катта йиғинларда сўзга чиқишларидан олдин шу усулни қўллашса фойдадан холи бўлмайди. Бундай машқ нотик танланган мавзу хусусидаги фикр-ўйларини бойитиб, хотирага ўткирлик, тафаккурга изчиллик бахш этади.

9. Қоғозга қараб ўкиб бериш, маърузага тингловчиларнинг кизиқишини пасайтиради. Аудитория билан нотик ўртасидаги алоқа ришталарига зарар келтиради. Иложи борича қоғозга қарамаслик керак. Жуда бўлмаса маърузанинг кичик режасини чўнтакка солиб қўйилса, кўнгил тўқ бўлади.

Жуда кўрққан нотик мавзуга оид далил, мулоҳаза ва чақириқни катта қоғозга катта ҳарфларда ёзиб, китобнинг орасига солиб кириши ва гапиришга бошлашдан олдин, тингловчиларга сездирмаган ҳолда кўзингизга ташланадиган жойга қўйинг. Сал мавзудан четлашиш ҳолати содир бўлса, токи ўша режадан фойдаланиш қулай бўлсин.

10. Қисқаси матни қоғозга қараб ўқиш ва уни сўзма-сўз ёдлашга одатланмаслик керак. Бу нотикдан кўп вақт талаб қилади ва фикрлашга ҳалақит беради. Нотик гапираётганда ёд олган ибораларни ўйлаб, маъруза мавзуси ва мазмуни ҳақида ўйлаш керак.

Бу жараёнда нотик ўзига ўзи буйруқ беради: ушбу мавзу борасида мен шундай таклифни ўртага ташлайман, фалон сабабларга кўра, шундай қилиш лозим дейман.

11. Имом хатиблар жуда намози маърузасига тайёрланаётганда ваъз матнини камида беш марта овоз чиқариб ўзига ўзи ўкимаса мачитда ўтирган намозхонларга фикри етиб бормади. Имом ўзича ўқиётган пайтда ўзини гўё мачитдаги минбарда тургандай ҳис этмоғи лозим. Ўшанда у ўз тингловчиларига қўлидаги матнни олдин ҳам бир неча бор ўқигандай тасаввур этмоқғи шарт. Шундай қилсагина ваъз кўнгилдагидай натижа беради.

12. Нутққа тайёрланиш ва сўзга чиқиш сафарга тайёрланиш ва чиқиш каби диққатни жамлашга яқин туради. Ўзингиз олдин билган ёки билмаган шаҳарга бормокчи бўлганингизда керакли нарсаларингизни жамадонга тартиб билан жойлаб кўнгил хотиржам бўлгач, йўлга чиқилади. Сўзга чиқишда ҳам фикрларни жамлаб, режага солинмаса фикрларингиз чалкашиб кетиши мумкин. Энг муҳими, ўз нутқларингизни ўқиб берманг, тингловчилар қизиқишини сўндиради. Маърузадаги далилларни эса сақлашнинг йўли далилларни ўрганаётганда бутун диққат-эътиборни жамлаб бутун вужуд билан киришишни талаб қилади. Бундай пайтда атрофдаги ҳар қандай шовкинлар ҳам эътиборингизни тортиб ололмайди. Нотик руҳий жихатдан ўзини ана шунга ўргатсагина, у ўқиётган нарса хотирасидан мустаҳкам ўрин олади.

13. Нотик ўзи ёзган маърузасини овоз чиқариб ўқиса кулоқлари орқали ҳам мияга ўтади. Ёзувни эса кўзи билан кўриб мияга ўтказилади. Бундай машқ хотирада икки томонлама мустаҳкамланади. Яъни у ҳам эшитилади ҳам кўради.

14. Ал-Азҳар университети (Қоҳирада)да кириш имтихонида “Қуръон”ни ёддан айтиб бериш лозим. “Қуръон”ни ёддан ўқиш эса такрорлаш натижасида амалга оширилади. Ёдлаганда ҳар жуфт ибораларни (яъни, оятларни) ёдда қолгунча 8-10 марта такрорлаб, кейингисини ҳам шундай хотирада қолдирилади. Масалан, бир сура ўн оятдан иборат бўлса, аввал биринчисини, кейин иккинчисини, сўнгра биринчи ва иккинчини хотирада қолгунча ўн мартагача эринмай такрорланади. Сўнгра қолган оятлар ҳам бир-бирига шундай боғланиб ёд олинади. Агар ўн оятни ҳам ёддан айтишни ўргангач, яна ўша сурани ўн марта такрорлаш лозим. Марҳамат, энди эсингизда чиқмайди. Маъруза матни эса бунчалик кўп вақт



сарфлашни талаб қилмайди. Гапирин лозим бўлган далилларни хотирага жойлашда, ўша далилларни тахминан “Нега шундай? Нимага шундай бўлди? Қачон? Қаерда? Ким билан? Энди нима қилса бўлади?” деган саволларни ўзингизга бериб, фикр юритиш ва уларга жавоб топишга одам ўзини мажбур қилиши, яъни далилларни таҳлил қилиб хотирада мустаҳкам жойласа бўлади. Фақат тайёрланиш жараёнида эринмаслик керак, нотик ўзига-ўзи эзмалик қилиши зарур. Хотирани мустаҳкамлашнинг йўллари шу ҳолатларда намоён бўлади. Керак бўлганда шеърларни, насрий парчаларни ёдлаб оламиз-ку. Ёки актёрларни олинг. Бутун бошли бадиий асарлардан ўзига тегишли парчаларни ёдлаб, образли қилиб ижро этишадилар-ку! Қисқаси хотирани чархлаш усули такрорлаш, такрорлаш ва яна такрорлашдан иборат. Одамлар нимани ганирганингиздан кўра қандай гапирганингизга эътибор беришади. Яна бир ҳолат тингловчилар қалбидан ўрин олади: ким гапиряпти, қандай гапиряпти, нимани гапиряпти.

15. Нотик учун энг муҳими, ифодали ўқишга амал қилиш. Нутқда энг керакли сўзлар ва ибораларни алоҳида амалда ифодали, тиник ва ишонарли тарзда ажратиб шароитга қараб етказиш жуда муҳим. Тингловчиларни ром этадиган амал, усул ҳам шундай ҳолат билан боғлиқ. Бу каби амаллар маърузага табиийлик ҳам бахш этади.

16. Табиийлик эса самимийликка, кўтаринкиликка, теран ишончга чирой бахш этади. Чунки бундай вазиятда нотик маърузасига қалбини бағишлаган бўлади. Бу ҳар бир нотикнинг ўз услубига боғлиқ ҳодиса. Ер юзида олти миллиарддан зиёд одам яшаётган бўлса, улар ҳеч қачон бир-бирига ўхшамайди. Уларнинг ҳар бири ўзига бир “тирик сайёра”. Чунки улар ҳар бири фақат ўзи ўзига ўхшайди. Шунинг учун бир нотик иккинчи нотикка тақлид қилиши мумкин. Лекин ўзидаги табиийликни ўз маърузаларида юзага олиб чиқолмас экан, у ютуққа эриша олмайди. Ҳеч бир ёзувчи ёки шоир ёхуд актёр ва рассом бир-бирига ўхшамаган ўзигагина хос усулда ижод қилгани каби, ҳар бир нотик ҳам ўзига хосдир.

Шунинг учун ҳам ҳар бир нотик ўзига хос характерга эга. Улар орасида ўта маданиятли, ҳатти-ҳаракатлари жуда нафис, назокатли, юморга унчалик майли йўқроқ, такаббур, ёркин ақлга эга, шижоати тез, ўзини бошқалардан юқорироқ кўювчи кишиларга мансублари ҳам бўлиши мумкин. Бунга қарши ўлароқ, кескин гапирувчи, кў-

пол, юморга бой, латифа ва ривоятларни ўрнига қўйиб, таққослашларга ута, ҳеч кимга таклид қилмайдиган, ўзининг табиатига мос, ўзига оро бермайдиган, вазмин ва андиша билан гапирадиган, фикрлаш жараёни бироз сустроқ, хотиржам ва эҳтиёткор киши ҳам бўлиши мумкин. Нотиклар турли-туман кишилар бўлсада, ўзларига ишонадиган ўзиларига хос соғлом фикрловчи бўлишлиги билан нотиклик санъатини яхши эгаллаган кишилар сирасига киради. Чунки, уларда истеъдодини тўлиқ намоёиш этиш қобилияти шаклланган бўлади. Бу ишга улар ўзларини қалбан бағишлаган бўладилар.

17. Нотик ўзини табиий тутиши, муҳим бўлган сўзларни банд оҳангда таъкидлаб, қайтариб гапириши, гапириш тезлигини узлуксиз тарзда ўзгартириб туриши лозим. Ана ўшунда, нутқда ишончлилик руҳи намоён бўлади. Бундай усул тинглавчилар билан нотик ўртасидаги алоқа ришталарини мустаҳкамлаб боради. Бирор муҳим фикр айтишдан олдин аудиторияга қараб: “Менга қаранг!” деб оралиғини саклаш, сўнгра фикрни салмоқлаб етказиб бўлгач яна пауза билан “Тушундингизми?” дея савол билан мурожаат қилиш ҳам яхши фойда беради.

18. Бундай ўйлаб қарасак, ҳамма одам ҳам таъсирли гапира олади. Масалан, мен кўпчилик олдида гапира олмайман деган одамнинг ёки ҳамиша жим юрадиган, кўп гапирмайдиган фақат савол берсангиз қисқа жавоб берадиган ёхуд доимо қарахт юрадиган гарангнома кишига, узокқа борманг ўз жуфти ҳалолнингизга, оилангиздаги яқин кишиларга бир кўполлик ишлатиб кўрсак, турткилаб ёки тилимиз билан чақиб олсак, ана ўшанда кўрасиз уларнинг нотиклигини. Улар ўйламай-нетмай шундай таъсирли гапирдиларки, ана энди уларни тўхтатишамри маҳол. Айниқса одам жаҳли чиққанда ўткир нотикқа ўткир нотикқа айланади. Ҳаётда нотикларнинг бундан тоифалари ҳам бор.

19. Нотик аудитория тинглавчилари билан алокани мустаҳкамлашда, “Бу гаплар менинг гапим эмас, буни фалон инсон айтган?”, “Ишонмайсизми? Унда фалон китобнинг фалон бетини ўқиб кўринг!”, “Ишончингиз комил бўлсин, мен ёлғон айтаётганим йўк!” деган таъкид гаплар тингловчиларнинг ишончини ва қизиқишини оширади. Бу албатта нотикқа муваффақият олиб келади. Нотик учун такрор бўлсада, таъкид, овознинг тебраниб туриши, талаффузда сўзларни ажратиб кўрсатиш, зарур гап олдида тўхтаб, у гап тингловчи онгига синггандан кейин ҳам аудиторияга тикилиб

караб туриш каби ҳолатлар нотик учун ўта муҳим саналади, унинг обрўсини оширади. Бу ўринда нотик гапирган сўзлар эмас, унинг нутқ услуби пешқадамлик қилади ва нутқнинг безагига айланади.

20. Инсон ҳаёти – ақлий, жисмоний, маънавий, руҳий, афзаллик, мойиллик, жўшқинлик, куч-қувват, тажриба маълумотлардан атроф-муҳитга боғланишдан иборат. Маъруза қилаётган нотик буни эса тутмоғи лозим. Шунга караб фикр юритиш нотик учун кони фойда. Чунки ҳар бир одам “Нисбийлик назарияси” каби чигал уни тушуниш эса мураккаб жараён ҳисобланади.

21. Нотик эртага маъруза ўқиши керак бўлса, албатта яхши дам олмоғи керак. Чарчаган ҳолатда сўзланган нутқ, нотикни ҳам, тингловчини ҳам кониктирмайди. Маъруза ўқийдиган нотик елгилгина овқатлани, жисмоний ва ақлий дам олгани маъқул. Ўзини зўриқтирган нотикнинг жисмида зарарли моддалар йиғилиб, мия чарчайди, ланжлик ҳукмрон бўлиб, дармонсиз-лантириб, асаб ва мия тизимини заифлаштиради. Хатто машҳур кўшиқчилар ҳам кечқурун концертга чиқадиган кунини тушлик қилмасдан, чиқишига икки соатлар қолганда енгил хазм бўладиган овқат танаввул қилиб, устида 150 грамм сув ичишар экан. Шундай қилинса овоз тиниқ ва жарандор чиқаркан. Бекорга дутор ва рубоб, танбур каби мусиқа асбобларининг бош қисмидаги дарахтдан кесиб олинган ёғочнинг ичи ғоввоқ қилиб кавлаб олинмас эканда, агар кавлаб олинмаса овоз тиниқ ёқимли чиқмагани каби одамнинг қорни тўқ бўлса ҳам овози жарангдор бўлиб, ёқимли овозда чиқмайди. Бу гап нотикка ҳам даҳлдор. Агар қорни тўқ бўлса, мияда айланиши керак бўлган қон ошқозонга тушиб, ундаги овқатларнинг хазм бўлишига хизмат қилади. Мияда эса қон яхши айланмайди, натижада фикрлар туман орасида қолиб, нотик мақсадига эришолмайди. Нотик агар дам олиш ва овқатланиш қондасига амал қилса, ғайрат, шижоатли ҳаётий кучи нурланиб, ҳиссиётлар билан сўзлайди.

22. Нотик учун шинам, ярашиқли кийиниш ҳам муҳим. Шилвираган кийим кийган нотикка тингловчилар ҳурмат билан боқмайди. Нотикнинг ташқи шакли ҳам таъсирчан нутқига мос бўлиши керак. Шеърда шакл ва мазмун мослиги уни қандай жозибали кўрсатса, нотик учун ҳам ташқи қиёфа ва маънавият шундай аҳамият касб этади.

23. Нотик тунд бўлиб минбарга чикса, тингловчилар ҳам тунд ҳолатни бошидан кечиради. Нотик ёқимли қиёфада, кулимсираб

минбарда нутқ сўзласа, у тингловчиларга ҳам жозиба улашади. Ҳа-дисларда қайд этилишича, суҳбатдошга табассум билан бокиб га-пириш энг катта савоб экан. Модомики, инсон чехрасидаги табас-сум бошқаларнинг юзида ҳам табассум-ла меҳр нуруни таратади.

24. Нотик учун ёруғ хона, тоза ҳавога тўла аудитория бўлса, унга ҳам тингловчиларга ҳам ёркин кайфият бағишлайди. Шунинг учун ҳам жуфтлик соатлар оралиғида ўн дақиқа танаф-фус бери-лади ва хонани тоза ҳаво эгаллайди. Аудиториядаги пала-партиш-лик, ортиқча стол, стуллар айниқса, сахна тарафда бўлса сахна му-соффолигини бўғади ва ўз навбатида нотикни ҳам тиниқ кўр-сатмайди. Тингловчилар эса маърузачини бўйи-басти билан кўриш-ни, кўзларини, эшитишни истайдилар.

25. Нотикдаги имо-ишорали хатти-ҳаракатлар, ҳар кимнинг ўзига хос табиийлик касб этиши, чин дилдан ва нотикнинг ҳиссиёт-ларидан ҳосил бўлмоғи лозим. Имо-ишоралар самимий ички ҳола-тининг ташқи хатти-ҳаракатларда ифодаси бўлиши керак. Уни эр-талабки гимнастика машғулотларига ўхшатиб, тартибга солиб бўл-майди. У табиий бўлиши нотикқа чирой бахш этади, худди ўзига муносиб либос каби ярашади.

26. Маърузачи нуткининг кириш ва хулоса қисмини жиддий тайёрлаши, керак бўлса сўзма-сўз ёддан билиши муҳим. Хулосага келганда, шеър ёки юмор билан, ҳар доим шу мавзу бўйича ўйга чўмдирадиган фикр билан яқунлашда хулосангиз кириш билан узвий боғлиқ бўлсин.

27. Нутқда асосий фикр муҳим ўрин тутаети. Уни такрор-такро таъкидлаганда, бир хил сўзлардан эмас, балки унга мос муқобил иборалардан фойдаланилса, такрорлаганингиз сезилмайди. М: Математикада ўнта масалани бир хил усулда ечгандан кўра, битта масалани ўн хил усулда ечиб, исботлаб берилгани каби.

28. Инсон ўз-ўзидан вужудга келадиган хоҳиш-истаклари билан яшайди. Унга нима ёқади, нима ёқмайди, нимадандир нафрат-ланади, нимадандир аччиқланади. Одам ўзининг ўй-хаёлларини назорат қилмаса, ўзининг “Мен”и ҳукмида қолади. Яъни кўнгил хоҳишига ақлни енгади. Бундай ҳолатда ақл устун бўлмоғи даркор. Табиийки, инсоннинг ўзини ҳақли деб билиши, ўз-ўзини улуғлаши, унинг асосий мақсади бўлиб, барча ўй-хаёлларига таъсир қилади. Мадомики шундай экан нотик ўз тингловчиларига нутқ сўзлаёт-ганда, ўзини ҳақли деб, мен билимдонман дейишдан, ўз-ўзини

улуғлашдан узокрок бўлмоғи жуда муҳим. Нотик билиб айтган бирор воқеа, дейлик фалон жойда катта юк кемаси фалон тонналик нефт билан сувга чўкиб кетгани ҳақида гапирсада, тингловчини бу воқеадан кўра уйдаги ваннасига жумракдан сизиб турган сув кўпроқ ташвишга солади. Ваҳимали воқеа ҳақида эса, ҳа, шунака бўлибди-да деган фикр ўтади холос. Шунинг учун нотик ўз тингловчиларини қизиқтирадиган касби-кори ва мансабига хос мавзулар ҳақида гапиришга ўзини тайёрлаши керак.

29. Нотик ўз тингловчиларига мурожаат қилаётганда, уларнинг “ўзлари ўзларини қизиқтиришини” ҳисобга олиши жуда муҳим. Умумий йўналишда мушоҳада қилиб кўрсак, инсониятни ўзига тинимсиз чорловчи учта энг қизиқ нарса бор: 1. Нафс туйғуси. Бу ҳар бир одамдаги бош миянинг неча фоизи ишга тушган бўлса, тахминий шундан 80 %гача ҳаётни банд этади. 2. Бойлик, яъни хусусий мулк. Бу ишлаб турган мия фаолиятининг 10 %ига тенг деб тахмин қилсак, қолганичи деган савол туғилади, бу учинчи нарсага тегишли. 3. Динга эътиқод масаласи. Динга ҳам одам мия фаолиятининг 10 %и ишляпти деб фараз қилйлик. Агар шу уч қизиқарли маслалар орасидаги фоизлар мувозанати қайси нарсага қараб ошиб борса, ўша қизиқарли нарса ғолибликни кўлга ола бошлайди. Борди-ю биринчи ва иккинчи нарса учинчи нарсадаги фоизи кўз олайтирса, қалб кўзи хиралашиб, ҳатто кўрмай ҳам қолиши мумкин. Шунинг учун нотик тингловчиларига гапираётганда юқоридаги мувозанатни ҳам меъёрида сақлашни улар онгига усталик билан, санъаткорона йўсинда сингдиришини уддалай билиши керак.бу қизиқарли нарсалар шахснинг иш фаолиятига қараб фоизлари ўзгариши мумкин. Масалан, ақлий меҳнат кишиларида биринчи қизиқарли нарсага нисбатан, кейинги иккитасига интилиш кучлироқ бўлиши мумкин.

29. Нотик энг аввало, она тилидан изчил ва фаол фойдалана олиш муҳим. Бунинг учун кўпроқ бадий асарларни ўқишга тўғри келади. Мободо ўқиётган китобида янги сўз учраб қолса, эринмасдан луғатдан ўша сўзнинг маъносини билиб олиш керак.

30. Одамлар нотикнинг сўзларига қараб баҳо беради. Биз инсон сифатида бошқа бирор одамни билмокчи бўлсангизда, албатта, унинг касби-корига қараймиз. У одам нималарга қодир, нима ишлари билан бошқалардан фаркланади. Қандай лавозимда ишлайди. Лавозим жиҳатдан бизданюқори бўлса, камтарлик ва юмшоқлик

билан муомала қиламиз. Агар у одам пудор ёки бой бўлса ҳам қандайдир қимтиниб муомалада бўламиз. Нима бу? Мансабдор ёки бойдан қўрқанимиздан шундай қиламизми ёки бирор жойда менга ҳам ёрдам тегиб қолар деб, ўз манфаатимизни ўйлаймизми? Баъзида кимлардан-дир қўрқиб хурмат қиламизми? “Қўрқиб хурмат қилгандан кўра, хурмат қилиб қўрққан яхши эмасми?” Ота-оналаримиздан эса доимо хурмат қилиб, қўрқамиз. Ҳаммамиз ҳам қилаётган меҳнатимиз билан одамлар эътиборига кирамиз. Энг муҳими, одамларга қилаётган муомаламиз жуда эътибор талаб қилади. Демокчимизки, ширин ёки кўпол сўзимизу-ҳаракатларимизга қараб баҳо оламиз. Шунингдек, нима ҳақида гапиришимиз мавзуси ҳам муҳим ўрин тутаяди. Биз гапирмоқчи бўлган мавзунини суҳбатдошимизга қай усулда етказишимиз кўп нарсага боғлиқ. Мана одамларга баҳо берганда, назаримизда, юқоридаги ҳислатларимизга қараб ҳукм чиқарадилар.

Ёки шоир Азим Суюн ёзганидек:

Дунёга келгандик қани пўш-пўшлаб,  
Хадемай қайтамиз хайр хуш-хушлаб.  
Ортдаги ном қолар яхши ё ёмон,  
Одил халқ турибди тарози ушлаб.

31. Инсон табиати қизиқ. У нимани хоҳласа шу ишни қилгиси келаверади. У биринчи галда қилаётган ишидан келадиган ўз манфаатини ўйлайди.

Йўлдами, чўлдами, тоғдами  
Роҳатижон сўлимли боғда.  
Шахсий манфаатни ўйларкан кимдир,  
Хатто жойномозда ўтирган чоғда. (Н.Б.)

Масалан, Оллоҳ йўлига эҳсон чиқармоқчи бўлсангиз ҳам, хайр-эҳсондан кейин сизга яратган томонидан келадиган бойлик, соғлиқ, ёки ота-она ризолиги, қолаверса, мансаб-мартаба ҳақида, Ҳажни ният қилиш ёки Оллоҳ насиб этиб, Ҳаж амалларини бажариш ҳам барча қилган гуноҳлардан флрих бўлиш йўлидаги ҳаракатлар эмасми? Албатта, шундай. Ҳажни амалларини бажариш эса Оллоҳ менинг катта кичик гуноҳларимни кечирди, деб кўнгил хотиржамликни, руҳ поклигини таъкидлайди. Бордию, Оллоҳ уйи бўлган Қаъбани тавоб қилаётганимизда ҳам Яратгандан гуноҳларингизни кечириш билан узоқ умр, соғлиқ ва бойлик ҳам сўрайсиз. Қисқаси

барча яхши ниятларингизнинг амалга ошишини истайсиз. Кўраяпсизми, Оллоҳ уйига ҳам харажат қилиб бекорга бормаяпсиз. Бекорга хайр-эхсон қилмаяпсиз, ўша эхсон ортидан келадиган ютуқлар, покланиш бизни шу йўлга бошлайпти. Хатто бошқа жонзотлар ҳам ўз хоҳиши бўйича ҳаракат қилади. М: Зўрлаб қўйни етаклаб бўлмайди, оёғини тираб туриб олади ёки ётиб олади. Қўйга эса ё ҳамроҳ керак, ё бирор емишни кўрсатиб эргаштириш лозим бўлади.

32. Одамлар билан муомала-муносабатда хушомадгўйлик ёки лаганбардонлик санъат ҳам учрайди. Бу кўпроқ жазманларга қўл келиши мумкин. Агар эркакнинг суҳбатдоши енгилтак аёллардан бўлса. Бундайлар хушомадни ёқтиради. Хушомадгўйлик ҳам санъат. Бу ҳам ҳамманинг қўлидан келавермайди. Хушомадгўйлик – бу сохталикнинг ўзи. Яқиндаги фойдани кўриб, узоқдаги зарарни кўра билмаслик. Бирор одамнинг яхши фазилатларини эътироф этиш самимийлик ҳисобланса, хушомад мунофиқлик саналади. Самимийлик юракдан чиқади, уни гапираётган одамнинг чеҳраси очилиб, кўзлари чакнаб гапиради. Хушомад эса огиздагина, актёр роль ижро этаётгандай айтилади. Буни зийрак одам тез фаҳмлайди. Эътирофда ҳолислик бўлса, хушомадда худбинлик бўлади. Очқчасига хужум қиладиган одамлардан қўрқмаслик керак, аксинча, хушомадгўйлик қиладиган дўсту яқинлардан кўркиш керак.

33. Одам ўзи-ўзини макташни касб қилмаслик керак. Ҳатто бу ҳолат ички кечинмангизда содир бўлганда ҳам ўзингизни босишга ҳаракат қилинг, бу кибр ва манманликка олиб келади. Кибр ва манманлик эса катта гуноҳ эканлигини унутмайлик.

Одам ўзи шахсий ютуқларини, обрў ва розуларини макташ-дан кўра, бошқаларнинг ютуқларини, ижобий хислатларини ҳолисона баҳолангани маъқул. Бошқаларга ижобий баҳонгизни беришда виждон амрига амал қилиб, самимий гапларни эсда қоладиган тарзда баён этиш фойдали. Бундай ҳолларда мактовга сахий бўлиб ширин ва шароб ҳамда гулзор сўзлардан фойдаланиш жуда муҳим. Ана ўшандагина сизни тингловчилар сўзларингизни қадрлаб хотираларида узоқ саклайдилар.

34. Сиз нутқ сўзлаётган аудиториядаги тингловчилар ёки суҳбатдошингизни нимани хоҳлашига қараб гапирсангиз, улар сизни яхши кайфият билан тинглайдилар. Умуман, инсоннинг хоҳиши ҳаётда яшаши учун керак бўладиган нарсалар: уй-жой, бола-чака, озик-овқат, ўзининг ва болаларнинг соғлиги, тинчлик ва хотиржам-

ликлар билан бирга буюк бўлиш ва жинсий майилликни ҳамда пул ва пулга сотиб олиши мумкин бўлган буюмларни, шахсий эътиборни ҳам ич-ичидан истайди. Баъзи одамларда эса иззатгалаблик касали ҳам учрайди. Нотик юкоридаги кабиларни қисман бўлсада кўра билиши ва нуткида ўрни-ўрни билан тингловчиларнинг хоши ва истакларига мос мисолларни ҳам ишлатиши лозим. Тарихда машхурликка эришган шахсларда ҳам янада номларининг даб-дабали бўлиб тарихда қолишларига интилишлар бўлгани маълум. Масалан, Жорж Вашингтон ўзини “Кўшма Штатлар Президенти Жаноби Олийлари” деб аташларини хаҳлаган. Колумб эса “Оксан адмирали ва Хиндистон вице-кироли” унвони хақида орзу қилган. Екатерина II “Император Жаноби Олияларига” деб ёзилмаган хатларни хуш кўрмаган. Виктор Гюго ҳам Парижни унинг шарафига қайта номлашни талаб қилган бўлса Шекспир ўзининг авлоди учун гербга эга бўлишни истаган.

Ҳозир ҳам учрайди. Туман ва вилоятларда бир вақтлар директори раис ёки хоким бўлган одамларни “Диретор бува”, “Раис букв”, “Хоким бува” дейишади. Ўша одамлар энди “унақа деманг” дейишмайди, демак, шундай аташларини ўзлари ҳам хоҳлар эканда. Бу гап бошқа соҳада рахбар бўлиб ўтганларга ҳам таалукли. Айниқса, шифокорларда фалончи фалончиевич деб мурожаат қилиш урфга айланган, улар шундай хурсанд, шуни хоҳлашади ва ҳақозо.

35. Нотик ўз нуткида инсон ақл-заковатининг ҳали кашф қилинмаган сир-асрорларига ҳам шама қилиб, тингловчиларни бардош ва изланишга, ноумид бўлмаслик, интилиш, самимий муомала ва мулоқотларга бағрикенглик ва мардликка ундовчи фикрлари билан улар қалбида яшириниб ётган жўшқинликни, имкопиятларини, куч-қувватларини, нималарга қодир эканликларини эслатиб, улар руҳиятига таъсир этиши муҳим. Уларда эртанги кунга, келажакка умид билан боқишларига хавас уйғота олиши зарур.

36. Нотик суҳбатдошининг райига қараб гапирмоғи, кўнглидагини топиб ўзламоғи жуда муҳим. Шундагина, суҳбатдошида яхши таассурот уйғотади. Борди-ю, суҳбатдошингиз иззатгалаб касалига йўликқан бўлган бўлса, эҳтиётлик билан ёндошмоқ ва ўйлаб гапирмоқ лозим. Бу ўринда дошинманд Конфуций: “Зикна, иззатгалаб, майдаган кишиларнинг турган битгани захар” деб бекорга айтмаган. Захарга эса эҳтиётлик билан ёндошмоқ даркор. Бизга замондошлар орасида бундайлар учрайди. Улар гўё жамонт



чи бўлиб, ҳамма ишни койил қиладиган, ҳаминша ўзларини ҳақ деб билувчилар сифатида шахсий манфаатларини ўйлатдилар. Бундай кишилар яхшиликни тез унутиб, гўё одамлар унга бурчдор деб тасаввур қиладилар. Зинҳор бу кабиларга ёмон фикр билан ёндошсангиз балога қоласиз, тинимсиз ўч олишдан чарчамайди, аксинча қилаётган ишидан роҳатланади. Озгина яхшилк қилиб кўйса борми, бошингиз миннатдан аримайди.

Ҳар биримизнинг характеримиз хусусияти табиатимизга боғлиқ. Бу ўринда Аристотелнинг фикрига таянган маъқул: “Акли расо инсон, ўзгаларга беғараз қувонч бахш этиш билан шодланади. У бошқаларга хайрихоҳлик кўрсатиб, ўзи учун миннатдорчилик билдиришларидан хижолат чекади. Олий туйғули кишилар ҳаминша яхшиликни раво кўрадилар.” Юқоридаги каби ноҳаслардан қутилиш чораси, улардан узоқроқ бўлиш, иложи бўлса алоқа қилмаслик.

37. Нотик маъруза қилаётган аудиторияда ҳаётдан норози, тушкун кайфиятдаги одамлар ҳам бўлиши мумкин. Баъзан эса ундайлардан ҳаётдан нолиш ҳақидаги саволлар ҳам берилади. Бундайларга Ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг “Одам бўлиб туғилганингга шукур қилсангчи, бордию Оллох қурт ёки кумурска қилиб яратганда нима қилардинг” деган жавобни берган маъқул. Ёки Дейл Карнегининг қаҳрамонларидан бирининг куйидаги жавобини эслатиш ҳам фойда беради: “Мен ғам-хасратга гарк бўлгандим. Оёғимда пойафзалим йўқ эди. Мен икки оёғидан жуда бўлган кишини учратганимдан сўнг ўзининг ялангоёқ эканимга минг бор шукрлар қилдим” Дейл Карнеги. (Иқрорлик. Мағлубият эмас. Т., 2009 й. 41-бет)

Ёки замонавий қилиб ҳазил тарикасида: “Сизу бизга иккита нарса етишмайди, бири кийишга кийим етишмайди (кийимимиз йўқ эмас, бор), иккинчиси кийимларимизни либ қўйишга шифанер етишмайди” – деб жавоб бериш лозим.

Дейл Карнеги “Иқрорлик мағлубият эмас” китобида: “Сизу биз... Нега мен безовта бўлишим керак?!” деган саволни бериб кўрайлик. Аҳамиятсиз нарсаларга ҳам эътибор беравериб ўзимизни даб-дала қилаётганимиз етмаганидек, ўта бачкана ва майдакаш бўлиб кетаётганимизни, атрофдагиларга маломат уйғотаётганимизни фаҳмлаймиз.

Ҳаётимизнинг 90 фоизи яхшилик билан муҳофаза қилинган. 10 фоизгина ёмонликка дуч келиш эҳтимоли бор. Мадомики, шундай

экан, бахтиёр бўлиш учун ниятимизни ҳамиша яхшиламоғимизга қаратишимиз керак. Кўнгилсизликлардан, бизни ранжитадиган ҳар қандай ҳаракатлардан сақлнамоғимиз лозим. Агар бўлмоғур ўй-хаёлларга таслим бўлиб безовталана бошласак, қайғурсак, ошқозон ярасига дучор бўлишдан ҳам кўра даҳшатлироқ ўрин алмаштиришнинг гувоҳи бўламиз. Яъни ўн фоизгина ёмонлик куч олиб, нурли кунларимиз, қувончимиз мояси бўлган яхшилик ўрнинг тўла эгаллайди “Гулливернинг саёхатлари” (муаллифи Жонатан Свифт) китоби.

Англия адабиётида энг тушкун, умидсизликни ифодаловчи асар ҳисобланади. Унинг қаҳрамони ҳар туғилган кунини мотам-саро кийим-қора эҳромга бурканиб ўтказган. Ҳаётдан завқланиш ҳиссидан узоқ бўлган қаҳрамон ҳам шундай деган экан: “Дунёда уч нафар доктор бор – бири доктор Парҳез, иккинчиси доктор Осойишталик, учинчиси доктор Шодликдир”. Сизу биз бу докторлардан бепул фойдаланишимиз мумкин. Булар бизнинг бебаҳо бойлигимиз эканини тўғри ҳис қила олсак, эртақдаги Али бобо ҳазинасидан минг чангдан давлатга эга эканимизни тушуниб стардик.

Ахир, сиз икки кўрар кўзингизни миллиард долларга сотар-мидинигз?! Икки оёгингизнинг нархи қанча? Икки қўл ва қулоқларингизнингчи?! Фарзандларингиз, оилангиз сиз учун қанча туради? Сиз Рокфеллер, Форд, Морганларнинг сармоясидан кўра минг бора бой эканингизни ҳеч мулоҳаза қилиб кўрганмисиз?

“Биз ўзимизда йўқ нарсалар ҳақида қайғуравериб, ихтиёримиздаги нақд, мавжуд нарсалар тўғрисида жуда кам ўйлаймиз.” (Ўша китоб 41-42 бетлар).

Инсон ўзидаги безовталиқни енга олса ҳеч қандай дардга чалинмаслиги мумкин. Одам ўзидаги ҳис-туйғуларни бошқара олмаслиги сабаб “артрит” касалига чалиниши мумкин экан. Булар доктор Рассел С.Сесил фикрига кўра;

1. Эр-хотинлик муносабатларининг издан чиқиши.
2. Молиявий инқироз ва ғам-ташвишлар.
3. Ёлғизлик.
4. Ҳафагарчиликнинг махфий тарзда узоқ давом этиши натижасида содир бўларкан. Бехуда безовталиқдан ҳар ким ўзини асраши, унинг ўзига боғлиқ.

38. Нотик инсонлар билан муомала қилиш, уларнинг кўнглини олиш, марҳаматили бўлиш қабиларни юксак маданият билан амал-

га оширмоғи керак. Бунга осонлик билан эришиб бўлмайди. Бунга ҳаётий тажрибалар, ибратли кузатишлар ҳамда нотиклик ва муомала маданиятини ўргатадиган китобларни ўқиш, айниқса, бадий асарларни кўп ўқиш, ўздан олдинги нотиклар тажрибаларидан ўрганиш орқали эришиш мумкин. Нотик бугунги кун ҳақида ўйлаб гапириши ва тингловчиларнинг фикрини ҳам шунга қаратмоғи керак. Ўтмиши ва келажак ўртасидаги бугун барчадан устунлигини исботлаб бериши керак. Тингловчиларни бугунги кун нафаси билан яшашга ундамоғи лозим. Ҳар бир одам қалбий осойишталикда, сабр-қаноат билан яшаб, одамларга меҳр-мухаббат билан хайрихоҳлик кўрсатиб бугунги байрамона кайфиятда ўтказсагина бахтли одам ҳисобланади. “Кейинги пушаймон, ўзингга душман”, “Эртага ҳам, Худо подшо” деган мақолларга таяниб иш қилинса, бугунинг иши унумли, баракали ва хатарсиз бўлиши табиий. Ёш бир жойга борганда, ҳар биримиз ҳаёт йўлимизга назар солсак, қачон катта бўламин? қачон уйланаман?, қачон болали чақали бўламин? Каби хаёллар билан кун ўтказиб, қалбимизни ўзимиз безовта қилганимиз эсимизда, баъзан ўзимизни қай биримиз ҳар нарса ўз вақти-соатида бўлишига нафақага чиққанимизда аклимиз етганини англаймиз. Халқимизда “болам-болам бахти бор, ҳар ишларининг вақти бор” деган мақол маъзига ёшимиз бир жойга боргандагина тушунамиз. Ёшликда ҳар бир ишнинг тезроқ бўлишини хоҳлаймиз, сабримиз етишмай ўзимизни қийнаб, баъзан касаллик орттириб олишимиз ҳам мумкин. Ана шундай нотинчликда кутилиш йўли эса фақат бугунги гўзал ва хотиржамлик билан ўтказишга боғлиқ экан.

Ҳар қандай оғир ҳолатларда ҳам одам ўзини қўлга ола билиши қалбий осойишталикни, тинчлик-хотиржамликни, саломатликни таъминлайди. Кўрқув ва ҳаёжонланишнинг олидини олади.

39. Нотик раҳбар ҳодимларга маъруза қилаётгандан уларга эҳтиёткорлик билан ёндошмоғи, ҳар бир сўзни ўйлаб гапирмоғи, улар шахсига тегадиган гаплардан ўзини тиймоғи муҳим. Уларга иложборча ўз йиғинларида ҳал бўлиши қийин кечадиган масалаларни бир мажлисга тикиштириб ташламасликни маслаҳат берган маъқул. Чунки 4-5 та муҳим масалани ҳал этаман деб, барча масалалар ечими топа олмаслиги мумкин. Шунинг учун бундай масалаларнинг ҳар бирини алоҳида мажлисларда биттадан ҳал этиш самара беради. Йиғилиш ҳам чўзилиб кетиб, ҳодимларни безиллатиб қўймайди. Чўзилган мажлисларда ўтирганлар “жавоб”

деган сўзни кутиб ўтришади. Акс холда ҳодимлар масалани хал этиш борасида бир-бирларига ташланиши баҳс мунозарада хафалашиб қолишлари мумкин. Вақт, асаббузарлик, тана-маломатлар, ўринсиз танқид ва баҳслашувлар мажлис бошқарувчисини яъни раҳбарни ҳам гангитиб қўяди.

Баъзи раҳбарлар эса, ҳамма ишга бошларини тикавериб, ҳодимларни ишларига халақит берадилар. Раҳбар ҳар бир ҳодимга ўз соҳаси бўйича ишни топшириб, уни зимдан назорат қилиши, ҳодимлар кўнглида норозилик туғдирмасдан улар қилаётган ишларига ижодий ёндошишларига имкон бериши, яхши бажараётган бўлса рағбатлантириши, чала бажараётганларга маслаҳат бериши ёки маслаҳат олиши ундаши керак. Раҳбар – бошда, бош билан қўл ёки оёқ бажарадиган ишни ҳеч биримиз қила олмаймиз, фақат коптокни бош билан қайтариш мумкин, бироқ амалий иш копток каби юмшоқ эмасда.

Раҳбар беҳуда безовталиқдан ўзини асраши керак. Кундалик ишини албатта режалаштириши, режалаштирганда ҳам, аввал биринчи даражали ишларини бажариб, кейин иккинчи, учинчи даражали ишларга ўтиши яхши самара беради. Мободо улгурмай қолса, сиқилиши, безовталаниб, ўзини қийнаш ўрнига ишнинг онсонрок ҳал бўладиган йўлларини излаган маъқул. Масалан, ҳодимлар бўлимида барча ишчи ҳодимларнинг алоҳида шахсий ҳужжатлар жамланган папкалар мавжуд. Юқори идоралардан ҳодимлар ҳақида тўлиқ ҳужжат сўрови бўлиб қолди, ёки бўлимнинг (кафедра, деканат, бўлим) ўзида ҳам шундай папка бўлиши талаб этилди дейлик. Ҳар бир ҳодим яна алоҳида диплом ва бошқа паспорт каби ҳужжатларни ўзи югуриб нусхалар тўплаши шарт эмас, унга бошлиқнинг безовта бўлиши ўринсиз. Бундоқ ўйлаб кўрилса, бу ишларни оддий лаборатн ёки котиба бажарса ҳам бўлади. Шундай бориб ишчи-ҳодимлар бўлимидаги тайёр ҳужжатлардан нусха олиб қўя қолади. Ана марҳамат текширувчи келиб, ўша ҳужжатларни текшириб кетаверсин.

Яна бир ҳолат. Раҳбарнинг иш столида ортикча қоғозлар бўлмаслиги, фақат бугун эрта бажарилиши лозим бўлган қоғозлар бўлиши, бажарилганлари керакли папкаларга жойлаш-тирили керак. Яна ишни ташкил қилишда аввал энг зарурини саралаб бажаришга киришган маъқул. Баъзан тезкорлик билан қилиниши лозим бўлган ишларга жиддий ёндоши, барча ҳодимларнинг ёрдамида, ҳар ишни

ўз устасига тошширган ҳолатда ҳал этиш бошлиқни безовталиқдан қутқаради. Ақлли раҳбар ўзини қийнамайди. Ҳодимларининг қобилиятига қараб ишни тақсимлаб уларни ишлатади, шунинг учун у бошлиқ. Баъзи раҳбарлар гўё ишга ўзлари бош бўлиб наъмуна кўрсатгандек бўладилар-у, бироқ ўзларини қойитиб ишламайдилар, гап билан уларга илҳом беради ва ҳодимлар ўртасида обрўга эга бўладилар. Бундай раҳбарлардан ҳодимлари ундан қўриқиб эмас, ўзлари билан бирга бўлгани учун ҳурмат қилиб қўрақадилар. Бюрократ раҳбарлардан Худо асрасин. Уларнинг ишлари юришгандек бўладилар-у, бироқ русча қилиб айтганда “на месте шагом марш” дан нарига ўта олмайдилар.

Ҳар қандай шароитда ҳам хузур-халоватнинг йўқолиши хушёр бўлмаслигимиз ёки эътиборсизлигимиз оқибатида содир бўлади.

40. Ҳар бир нарсанинг бошланиши қийинроқ кечгани каби нотикнинг ҳам аудиторияни ўзига жалб қилиши унинг нутқини бошлашига боғлиқ ҳодиса. Бу борада нотиклар турли усуллардан фойдаланадилар. Усуллардан фойдаланиш эса бевосита мавзу билан мос бўлмоғи шарт. Нотикни қийнайдиған ҳолат унинг айтмоқчи бўлган дастлабки сўзи ва жумласи. Баъзи нотиклар саломалиқдан сўнг, мавзунини эълон қилиб “шу хусусда суҳбатлашамиз” деб мавзуга ўтади. Агар мавзу сиёсий-ижтимоий йўналишда бўлса, нотик жиддий қиёфада давлат ва жамият аҳамиятига эга бўлган кўчирмани ўқиб ёки ёддан айтиб ундан келиб чиқадиган мулоҳазаларни тушунарли тилда нутқини давом эттиради. Агар лозим бўлса унга қиёсий мисоллар келтириш орқали тингловчилар қалбини ром этади. Масалан, мавзу она тили ва миллат билан боғлиқ бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг қуйидаги сўзларини келтирди: “Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетақрор жозибаси билан сингади. Она тили – бу миллатнинг руҳидир. Ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзингидан жудо бўлиши муқаррар” (Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент: Ўзбекистон, 2000, 49-бет). Ҳеч шубҳасиз, миллатнинг борлиги ва бирлигининг бош белгиси тил эканлиги таъкидланмоқда, миллий ғоя тарғиботида “миллатнинг ўлмас руҳи бўлган она тилига муҳаббат” тарбияси биринчи ўринга қўйилмоқда.

Иккинчи усул нотик ўз нутқини, кизиқарли, фавқулодда содир бўлган воқеадан бошлаши мумкин. Бу воқеадаги драматизм

тингловчиларни нотик билан боғлайди. Мисол учун кеча “Бир жиноят изидан” кўрсатувини кўрдингизми? “Фалон жойда ўғил ўз отасини ўлдириб, оғилхонага кўмиб қўйган экан” – дея фикрини давом эттириб тингловчиларни ўзига ром этади.

Учинчи ҳолатдаги усул, нотик дастлабки сўзни тингловчиларга ўз ҳаётида содир бўлган бирор воқеани айтиб, савол-жавоб асосида суҳбатни эркин давом эттиради, яъни ўзи билан аудитория ришталарини боғлайди. Ўзига яқинлаштиради. Суҳбат қизиқарли савол-жавоблар асосида кечади.

Тўртинчи усул юмор ёки ҳазил-мутойиба билан илк сўзини бошлаб аудиторияга қувноқлик, яхши кайфиятнинг сингдириш орқали тингловчилар билан кадрдонлардай дўстона вазиятни вужудга келтирди. Нотик шу ҳолатда ўзининг дилкашлиги, ҳазилкашлиги билан тингловчилар ёқиб қолади.

Бешинчи усулда нотик гапини бирор ривоят айтиши ёки шеърят ёки насрий парча ўқиш билан бошлаб (албатта нотик ўқиган ривоят ёки шеър), мавзу кўлами билан уйғунлаштириб юборади. Бу усул ҳам нотикқа тингловчилар хурматини қозонишга кўмак беради.

Умуман олганда, нотикнинг нутқини бошлаш усуллари ҳолат, вазият ва тингловчиларининг билим савияси билан боғлиқ сўзлар орқали амалга ошади.

41. Нотик ўз нутқининг таъсирчанлигини таъминлашда нутк аппарати ва нутк товушларига жиддий қарамоғи лозим. Бу ўринда нутк техникаси – овознинг паст-баландлиги,

Нафас олиш ва чиқариш, пауза ва интонация, дикция ва урғуга эътибор бериш ҳамда нутк техникаси билан боғлиқ машқларни амалга оширишдан эринмаслиги керак. Булар барчаси овоз техникаси билан бажарилади. Овоз ингичка чикса бадгумонлик, ваҳималикдан дарак, овознинг ёқимли бўлиши тадбиркорлик белгиси, овознинг димоғдан чиқиши кибру-ҳаво ва камфаҳмлиқ бўлса, овоз охисталик, юмшоқлик билан чикса гўзаллик ва яхшилиқдан нишона. Иккинчидан, нутқнинг асосий коммуникатив хусусиятлари яъни, нутқнинг тўғлиги, аниқлиги, мантикийлиги, софлиги, бойлиги, жўялилиги, ифодалилиги, содда ва қисқалиги ҳамда равон, гўзал, лўндалиги кабилар нутқининг сифатини оширади.

Юқоридаги қоидалардан келиб чиқадиган хулоса шулки, нотик нутқи ҳам одамлар ишлатадиган сўзларда, сўзлар эса алфавитда мавжуд бўлган ҳарф ва товушлардан иборат. Ҳамма тили бор одам гапи-

ради, хатто “Мен гапга йўқман, доводи раб қоламан, хаяжон босади” – деган одамнинг бир жаҳлининг чиқариб кўринг қарғишу, сўкишлар билан нотик, ўз дунёқарашида тўхтатмай сўзлайди. Бундоқ ўйлаб кўралик ҳамма нарса сўз билан амалга ошади. Инсоннинг нима дейишдан кўра, нима демасликни билиши унинг донолигини ҳисобланади.

## **Глобаллик шароитида тилимиз “ИСЛОҲ”га муҳтожми?**

1996 йилнинг майида Ўзбекистонда тараққиётнинг яна бир ютуғи юз очди: жаҳондаги йирик компьютер тизими – интернет билан алоқа ўрнатилди ва ундан энг муҳим янгиликларни қабул қилиб олиш йўлга қўйилди. Бу барча соҳалар ривожига туртки бўлгани каби оммавий ахборот воситалари мазмун-мундарижасини турли мавзудаги материаллар билан бойитишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Хорижий мамлакатларда юз бераётган воқеалар ҳақидаги ахборотни ўша мамлакатлар ёки йирик ахборот агентликларидан бевосита қабул қилиб олиш имконияти юзага келди. Ўз навбагида, мамлакатимиз ҳақидаги муҳим хабарлар ҳам бу ерда фаолият кўрсатаётган хорижий ахборот агентликлари вакиллари томонидан ўша мамлакатларга етказиб берилмоқда.

Бу ҳодисанинг ижобий жиҳатлари кундан-кун ошиб бораётган вақтда унинг бошқа тарафларига ҳам назар ташлаш эҳтиёжи туғилди. Масалан, Хитой интернет сайтларида цензурани жорий қилди, яна бир қатор давлатлар “ўргимчак тўри” устидан назорат ўрната бошлади. Бунинг ҳам ўзига хос сабаблари бор. Бироқ биз бугун масаланинг бошқа жиҳати ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Ўзбек тилида иш юрутувчи нечта сайтга киргансиз? Улардан нечтаси адабий тил меъёрларига амал қилади? “Айтаётган”ни “айтаяпган”га, “янги”ни “енги”га эврилтираётган сайтлар билан “муроса”га келиб улгурмасимиздан яна янгиси пайдо бўлди. Номидан бироз ғалати: “Jargon.uz”.

Жаргон, аслида, французчадан олинган бўлиб, мазмунан “бузилган тил” деганидир. Жаргон қизикишлари, машғулотлари умумий бўлган одамлар маънавий кашшоқ, жиноятга мойил томонидан ишлатиладиган ноадабий қатламга мансуб сўзларни англатади. “Бу ҳам кимгадир керак, ноадабий қатламни тадқиқ қилишни ният қилган янги изланувчиларга аскотар” деб ўзимизни овутомқчи бўлдик. Сайтнинг мақсади, ташкил қилиниши, асосий қоидалари ҳақида шундай маълумот келтиради:

“Jargon.uz” биринчи ўзбек жаргон луғати ҳисобланиб, ўзбек тилида ишлатиладиган жаргон сўзларни ўзбек адабий тилига таржима қилиш мақсадида қўлланади. Бундан ташқари, сайт ўзбек тилининг турли шеваларига қарашли бўлган сўзларнинг ўзбек адабий тилига таржимасини ҳам ўз ичига олиши мумкин. Сайт, асосан, ўзбек ёшлари ва ўзбек жаргонига кизикувчилар учун ташкил этилган. Сайтга сўзлар асосан сайт фойдаланувчилари томонидан киритилади ва бу сайтга киритиладиган сўзлар сони ошишига ва улар турли мавзуда бўлишига хизмат қилади.

“Луғат”ликни даъво қилаётган манбанинг ғарибгина мундарижасидан “бетон, бодрин, харип”дан “йўтал, запчаст”гача бўлган сўзларнинг маъноларини бемалол “капф” қилаверасиз. Бундан кўринадики, сайт нафақат жаргон, балки агро (ўғрилар, безорилар, киморбозлар ўртасида ишлатиладиган яширин маъноли сўзлар), вулгаризм (сўкиш ва қаргаш сўзлари), варваризм (ўринсиз ишлатиладиган чет сўз)ларни ҳам бойитишга “беминнат” хизмат қилар экан.

Гарчи сайтга сўз қўшиш шартларида “қўшилаётган сўзда маълум бир жинсга, миллатга, ташкилотга ёки маълум бир инсонга нисбатан таҳқирлашлар бўлмаслиги шарт” деб кўрсатилса-да, амалда бунинг ифодасини топиш бироз қийин кечади.

Нахотки, тилимизни шу аҳволга тушириш ислоҳ деб аталса!?

“Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг 24-моддасида: “...давлат тилига ёки бошқа тилларга менсимай ёки хусумат билан қараш таъқиқланади”, -деб белгилаб қўйилган. Яна қонунларимизга мурожаат қиламиз. “Uz” доменидаги домен номларини рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги низомда: “Агар домен номи ёки унинг веб-сайти учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини чеклаб қўйиши ёки ушбу низом, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномалари талабларини бузиши тўғрисида жиддий шубҳа мавжуд бўлса, деактивация қилиниши мумкин”, дейилади.

Модомики, “uz” домени маъмурига шундай ҳуқуқ ва масъулият юкланган экан, миллий тилимизга дунёвийлик унсурини бериш ниқоби остида амалга оширилаётган бундай таҳдидларга муносиб жавоб берилади, деган умиддамиз. Зеро, миллий тил ва адабиёт халқнинг ўзлигини белгиловчи муҳим омиллардандир<sup>47</sup>.

<sup>47</sup> Адабиёт таквими. 1-сон. Тошкент, “Янги аср авлоди”. 2010. 23-26-бетлар.



## ХУЛОСА

Биз ҳамиша чиройли кийинишни хоҳлаймиз ва бу ташки шаклга мойилликдир. Лекин маънавий оламимиз учун чиройли гапириш ва ширин муомала ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини, яъни инсоннинг мазмунан чиройли бўлишлигини таъминлайдиган омил эканини унутамиз. Ширин сўз, хушмуомала билан одамлар кўнглига йўл топайлик. Ҳеч қачон инсон дилини оғритмасликка ҳаракат қилайлик. Бу кўлимиздан келади.

Ширин муомалада бўлиш ҳам катта санъат. Одамзоддан қоладиган энг улуғ мерос – битта яхши ва ширин сўздир. Инсонни ўрганиш қийин, унинг қалбига йўл топиш қийин. Йўл топилганда ҳам ҳар қандай тезликда юрадиган техника билан етиб бўлмайди, кириб боролмайсиз. Бунга эришувимизга кўмак берадиган бир неъмат бор. Бу – Аллоҳ берган “сўз” неъматидир.

Инсон – очилмаган кўрик, тирик сайёра. Унинг қалбига сўзни шундайлигича яланғоч киритиб бўлмайди. Сўзга аввал либос танланг. Гўёки, ўзингизга либос танлаган каби. Ахир, сиз ўзингизга ярашмайдиган, сизни чиройли қоматли қилиб кўрсатмайдиган либос ёки кийимни киймасликка ҳаракат қиласиз. Сўзингизга либос сифатида “оҳанг”ни кийдириш. Гапингизнинг либоси ҳам оҳангдан ташкил топсин. Ана шунда тингловчи ўша “очилмаган кўрик” сўзингизни, гапингизни қабул қилади, бағрига олади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақидаги (Янги таҳрирдаги) Қонуни. – Т.: Ўзбекистон, 1995.
3. Каримов И.А. Истиклол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
4. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараккиётининг пойдевори. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
5. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
6. Аристотель. Риторика. – М., 1978.
7. Афлотун. Қонунлар. – Т.: Янги аср авлоди, 2002.
8. Абу Хомид Ғаззолий. Муқошафат ул-қулуб. – Т.: Янги аср авлоди, 2004.
9. Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн. – Т.: Фан, 1982.
10. Алишер Навоий. Мухбуб ул-қулуб. – Т.: Фан, 1982.
11. Алишер Навоий. Назм ул-жавоҳир. – Т.: Фан, 1982.
12. Алишер Навоий. Маҷолис ун-нафоис. – Т.: Фан, 1982.
13. Алимухамедов А. Антик адабиёт тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1969.
14. Бегматов Э. Адабий талаффуз нормалари. – Т.: Ўзбекистон, 1982.
15. Бобур. Бобурнома. – Т.: Фан, 1960.
16. Волков А.А. Курс русская риторика. – М., 2001.
17. Жуманиёзов Р. Нуткий маҳорат. – Т.: Адолат, 2005.
18. Имомова Т.З., Тухватуллина Л.А. Менинг касбим юрист. – Т., 1985.
19. Кайковус. Қобуснома. – Т.: Мерос, 1992.
20. Кайковус. Қобуснома. – Т.: Ўқитувчи, 2006.
21. Каримов С., Маматов Х., Бўрисва И. Юристинг нутқ маданияти. – Т.: Зарқалам, 2004.
22. Карнеги Д. Как вырабатывать уверенность в себе и влиять на людей, выступая публично. – Т.: Шарқ НМАК, 1992.
23. Кузнецов И.Н. Современная риторика. – М., 2003.
24. Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. – Т.: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007.

25. Мирхамидов М., Норпўлатов Н., Ҳасанов С. Юристнинг нутқ маданияти. – Т.: Фан ва технология, 2005.
26. Муҳаммад Н. Насаф ва Кеш алломалари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1997.
27. Мўмин Сиддиқ. Сўзлашиш санъати. - Фарғона, 1997.
28. Ортиқов А. Нутқ маданияти ва нотиклик санъати. – Т., 2002.
29. Рустамов А. Сўз хусусида сўз. – Т.: Фан, 1987.
30. Усмонов С. Юристнинг нутқ маданияти. Т.: Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти нашриёти, 2007.
31. Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1993.
32. Ораторское искусство – [www.orator.ru](http://www.orator.ru) [www silaslora.ru](http://www.silaslor.ru)  
[www.besonus](http://www.besonus) [www.narod.ru](http://www.narod.ru)

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Биринчи бўлим. Нутқ маданияти ва ҳуқуқ.....	7
“Юристинг нутқ маданияти” курсининг предмети, мақсади ва вазифалари.....	11
“Юристинг нутқ маданияти” ва бошқа фанлар.....	14
Иккинчи бўлим. Нутқ маданияти ва нотиклик тарихи	
Қадимги туронда нотиклик.....	17
“Авесто”да қонун ва инсон ҳуқуқи талқини.....	22
“Авесто”да аёл ва оила ҳуқуқлари.....	29
Амир Темур ибрати.....	34
Хусайн Воиз Кошифийнинг ҳаёти ва нотиклик фаолияти.....	43
Афлотун (Платон)нинг “Қонунлар” асари ҳақида.....	49
Учинчи бўлим. Ёзма ва оғзаки юридик нутқ	
Юридик терминлар тизимининг ўзига хос хусусиятлари	
Ҳуқуқшунос нутқининг ёзма, оғзаки шакллари ва услубий турлари.....	60
Юридик терминлар тизими.....	69
Ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар тили ва услуби.....	80
Тўртинчи бўлим. Нутқ маданияти адабий тил меъёрлари аспектида адабиёт тилининг меъёрий кўринишлари.....	83
Бешинчи бўлим. Адабий тилнинг функционал услублари ва юрист нутқи маданияти	
Юрист нутқининг асосий коммуникатив сифатлари.....	92
Юрист нутқининг тўғрилиги.....	92
Юрист нутқининг аниқлиги.....	94
Юрист нутқининг мантикийлиги.....	95
Юрист нутқининг софлиги.....	96
Юрист нутқининг бойлиги.....	97
Юрист нутқининг жўялилиги.....	98
Юрист нутқининг ифодалилиги.....	100
Олтинчи бўлим. Суд нотиклиги санъати.....	103
Суд жараёни ва нутқ маданияти.....	107
Еттинчи бўлим. Юристинг нутқ техникаси (маҳорати).....	116
Юристинг мулоқот маданияти ва одоби.....	119
Найранг ва ёлғонни фош этиш сирлари.....	121
Амалий тақлиф ва тафсиялар.....	128
Хулоса.....	152
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	153

*Адабий-илмий нашр*

Нашриёт муҳаррири: Маҳкам Махмудов  
Мусаҳҳиҳа: Камола Болтабоева  
Техник муҳаррир: Бехзод Болтабоев

«MUMTOZ SO'Z»  
масъулияти чекланган жамияти  
нашриёти

Нашриёт лицензияси АИ № 103. 15.07.2008  
Нашриёт рақами: 398. Теришга берилди: 15.05.2011  
Босишга рухсат этилди 14.06.2011  
Қоғоз бичими 60x84 1/32. Офсет коғози  
Times New Roman гарнитураси. Ҳисоб-нашриёт тобоғи 8,0.  
Шартли босма тобоғи 9,5. Адади 1000  
Баҳоси келишилган нарҳда

Тошкент, Навоий кўчаси, 69.  
Тел: 241-60-33

«MUMTOZ SO'Z»  
масъулияти чекланган жамиятининг  
матбаа бўлимида чоп этилди. Буюртма 21/11  
Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 69.  
Тел: 241-81-20

4200



### Норкул Бекмирзаев

1944 йилда тугилган, филология фанлари номзоди, доцент.  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

«Ўзбек ҳарбий эпопеяси» (1978), «Жасорат ва адабиёт» (1980), «Ўзбек ҳарбий прозаси» (1981), «Жасоратнинг бадиий талқини» (1991), «Она юрт куйчиси» (2005), «Шеърят ишқига йўғрилган юрак» (2007) номли китоблари эълон қилинган.

«Тўрига тўп утмас» (1991) номли ҳужжатли қиссаси, унга яқин ўқув-услубий наشرлар, 150 дан ортиқ илмий ва оммабоп мақолалар муаллифи. «Нотиқлик санъати сирлари» (2006), «Нотиқлик асослари» (2006), «Нотиқнинг ён дафтари» (2007), «Нутқ маданияти ва нотиқлик асослари» (2007), «Нотиқлик санъати асослари» (2008) ўқув қўлланмалари ва «Муаллимнинг ён дафтари», «Нотиқ, нутқ, хулқ» (2011) китоблари чоп этилган..

Риторика йўналишидаги ишлари учун ХАЛҚАРО АНТИКДУНЁ АКАДЕМИЯСИ академиги ва лауреати унвони (2010) берилган.



ISBN 978-9943-398-31-3



9 789943 398313